

УЗ (077)
0-38

1

**ОИЛА
ЭТИКАСИ
ВА
ПСИХОЛОГИЯСИ**



Опибано

ОИЛА ЭТИКАСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ

*Ўзбекистон ССР Халқ таълими
вазирлиги ўқитувчилар учун
қўлланма сифатида тавсия
этилган*

Т. Мақсудов таҳрири остида

ТОШҚЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1991

У 3(077)
0-38

Описано

Ушбу қўлланма «Оила этикаси ва психологияси» курсининг программаси бўйича психолог олимлар, илмий ходимлар томонидан ёзилган. Унда умумий таълим мактабларида мазкур курсни ўқитиш тажрибаси асос қилиб олинган. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш системаси баён қилинган.

На узбекском языке

Т. МАКСУДОВ, М. ИСАМОВ, А. ТУРАЕВА,
Х. ИНАГАМХОДЖАЕВА, А. БЕЗУЕВСКАЯ,
Д. ШАРИПОВА, Г. ШЛУМАРОВ, Р. ПОЛУЯНОВА,
С. ХАСАНОВ, Д. ДЖУРАБАЕВА

ЭТИКА И ПСИХОЛОГИЯ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Ташкент «Ўқитувчи» 1991

Муҳаррир С. Тоҳиров
Бадий муҳаррир А. Лукъянов
Техник муҳаррир С. Турсунова
Мусаҳҳиҳа М. Олимова

ИБ № 5528

Териншга берилди 09.05.90. Босишга рухсат этилди 20.02.91.
Формати 84×108¹/₃₂. Тип. қоғози № 2. Кегли 10 шпонсиз.
Литературная гарнитураси. Шартли б. л. 10,08. Шартли кр-
отт. 10,40. Нашр. л. 10,85. Тиражи 25000. Зак. № 12. Ба-
ҳоси 1 с. 20 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шарт-
нома 12—96—90.

ЎзССР матбуот давлат комитетнинг Янгийул ижара китоб
фабрикаси. Янгийул ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1991.
Янгиюльская арендная книжная фабрика Госкомпечати
ЎзССР. г. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

РН. Б. М. ЎзССР
347698

К 4306022300—304 197—91
353(04) — 91

ISBN 5—645—01318—2

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1991

СЎЗ БОШИ

Ушбу қўлланма Т. Н. Қориниёзий номли ЎзССР Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти олимлари, тадқиқотчилари, илмий-таянч мактабларидаги ўқитувчиларнинг бир неча йиллик изланишлари билан вужудга келди. Маълумки, янги «Оила этикаси ва психологияси» курсини ўқитиш ўзбек мактабларида ўзига хос қийинчиликларни туғдирди. Чунки биринчидан, иттифоқ миқёсидаги программада ўқувчиларга сингдириш кўзда тутилган кўп тушунчалар ўзбек халқининг характерига, оилаларимизнинг миллий хусусиятларига, урф-одатларимизга мос эмас эди. Иккинчидан, ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш жуда нозик масала бўлиб, уни ҳал қилишда «етти ўлчаб бир кесилмаса», ҳар қандай ҳаракат, фикр маънавий-ахлоқий тарбияга катта зарар етказиши турган гапдир. Учинчидан, курс эндигина ўқитилаётгани учун кўп масалалар фақат ўзбек мактабларининг эмас, бошқа иттифоқдош республикалар мактабларининг ўқитувчиларини ҳам қийнаётган эди. Курсни ўқитишнинг илмий-методик, ташкилий, педагогик-психологик масалалари осонликча ҳал бўлгани йўқ ва ҳамон такомиллашмоқда. Бунда олимлар билан бирга кенг педагогик жамоатчилик иштирок қилмоқда. Шунга кўра оила этикаси ва психологияси курсини ўқитишда қийинчиликларга дуч келиниши табиий эди.

Ниҳоят, ўзбек мактаблари учун ҳам қўлланма яратилди. Хўш, қўлланмани яратишда нималарга таянилди, нималар асос бўлиб хизмат қилди?

Марксча-ленинча дунёқараш барча ижтимоий ҳодисаларни, жумладан, оиладаги муносабатларни, социал-психологик қонуниятларни чуқур тушуниш учун ишончли йўлланмадир. Шунга кўра муаллифлар ўз ишларида марксча-ленинча фалсафани методологик асос қилиб оладилар.

Оила этикаси ва психологияси курсининг иттифоқ миқёсидаги программасида «Иттифоқдош ва автоном республикаларда программага миллий маданият, турмуш тарзи, урф-одатлар билан боғлиқ зарур материал-

ларни киритиш мумкин. Бироқ бунда намуна програм-
манинг асосий принципларини бузмаслик ёки оила-ни-
коҳ муносабатларининг, масалан, сексуал ҳаёт, уй-хў-
жалик ва бошқа қирраларини ҳаддан ташқари кенгай-
тириб юбормаслик лозим»,—дейилган. Муаллифлар ана
шу қоидага асосланиб иш кўрдилар.

Ҳар бир халқ ўз оиласининг бахтли бўлиши, фар-
зандларининг оқил, доно, хушмуомала, мард бўлиб ка-
мол топиши учун курашган. Жумладан, ўзбек халқи
барча Шарқ халқлари каби онлага, бола тарбиясига
жуда катта аҳамият берган. Бу анъана авлоддан авлод-
га халқ донишмандлигининг тимсоли сифатида ўтиб
келган, адабиётда, миллий маданиятимизда ўзига хос
ўрин тутган. Шарқда дидактик мавзуда жуда кўплаб
ажойиб асарлар яратилган ва улар халқ даҳосининг
туганмас хазинаси ҳисобланади. Илгари ота-оналар
навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик қилишган-
да, донишманд шоирлар асарларининг мағзини чақиш-
ганда, болалар ҳам жон-дилдан қулоқ солишган; пур-
ҳикмат фикрлар ёшларимизга кучли таъсир этиб, улар-
нинг тарбияланишида муҳим аҳамият касб этган.

Авлодларимиз Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу би-
лик», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул-ҳақойиқ», Қайко-
вуснинг «Қобуснома», Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» ва
«Назмул жавоҳир», Саъдийнинг «Гулистон» каби қим-
матли асарлари асосида ўз маънавий-ахлоқий ҳаётлари-
ни қуришган, шуларга таяниб бола тарбиялашган. Бун-
да Бобур, Огаҳий, Аваз, Фурқат, Муқимий, Нодира,
Увайсийларнинг асарлари ҳам муҳим аҳамият касб
этган.

Ўзбек оиласининг маънавий-ахлоқий, жисмоний-ру-
ҳий жиҳатдан асосий устуни бўлган онани шеърятимиз
даҳоси Алишер Навоий шундай улуғлайди:

*Оналар аёғи остидадир,
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолин истар эсанг,
Бўл онанинг аёғи тупроғи.*

Ота-онага, кексаларга, ўзидан катталарга ҳурмат,
меҳрибонлик ўзбек оилаларидаги тарбия негизига ана
шундай классик адабиётимиздан, маданиятимиздан
сингган. Шунинг учун муаллифлар қўлланма мавзула-
рини классик анъаналаримизга таяниб ёритишга ҳара-
кат қилдилар.

Халқнинг урф-офатлари, расм-русмлари, авлоддан авлодга ўтиб келган анъаналарини ҳурмат қилмасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Зеро улар мингларча йиллик тарихда кўп синовлардан ўтиб шаклланган қимматли тажрибалардир. Ўзбек йигит ва қизларини турмушга тайёрлашда ана шу тажрибаларнинг тарбиявий таъсиридан фойдаланмаслик мумкин эмас. Шунинг учун муаллифлар ўзбек халқининг энг яхши урф-одатлари, расм-русмлари, тарбия борасидаги анъаналарини ифодалашга ҳам ҳаракат қилганлар.

Ҳеч бир халқ фақат ўзининг миллий анъаналари, урф-одатлари доирасида ўралиб яшамайди, балки бошқа халқлар таъсирида ўзининг урф-одатларини, анъаналарини, тарбия усулларини бойитиб боради. Шунга кўра қўлланма муаллифлари кенгроқ фикр юритишни, жаҳон халқлари оилаларининг ҳозирги аҳволини ҳам маълум даражада ёритишни лозим топдилар. Бу ҳам ўзбек оилаларининг анъаналарини бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

«Оила этикаси ва психологияси» курси ва уни ўқитиш усуллари хусусида

«Оила этикаси ва психологияси курси» партия ва ҳукуматимизнинг совет оиласини мустаҳкамлаш, унинг фаровон, бахтли яшашини таъминлашга, болалар ва ёшлар тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатишининг натижаси сифатида мактаб программасидан ўрин олди.

Шу пайтгача ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш тасодифий равишда, асосан оила аъзолари, қариндош-уруғ, оқсоқоллар ва қисман жамоатчиликнинг аралашуви билан амалга ошарди. Кўп йиллар мобайнида оиланинг давлат ҳимоясига олингани, никоҳнинг махсус қайд этилиши бу борадаги энг катта тарбиявий тадбир деб ҳисобланди, оила-никоҳ муносабатлари ўз ҳолича яшаб, ўз ҳолича ривожланди. Бу эса кўп салбий оқибатларга ҳам олиб келди.

Ёш оилаларнинг бузилиши, боланинг отасиз ёки онасиз тарбияланиш ҳоллари кўпайди; баъзи ёшлар оиладек муқаддас жамоага енгилтаклик билан қарай бошлади, арзимас баҳоналар, саёз фикрлар туфайли мурғак болаларнинг ота ёки она меҳридан бенасиб яшашига сабаб бўлди ва бу ҳодисалар ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш, уларнинг оила сир-синаотларидан, нозик психологик масалаларидан хабардорлигини, маънавий-ахлоқий, педагогик-психологик тайёргарлигини ошириш, ҳар бир ёшнинг ўз яхши-ёмон томонларини, ўзгаларнинг фазилатларини ажрата биладиган, одам танийдиган шахс сифатида камолга етказиш жуда зарурлиги яққол кўриниб қолди. «Оила этикаси ва психологияси» курсига ана шу мураккаб ва нозик вазифа юкланган.

Курсда бу вазифани ҳал қилиш бўйича ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий, психологик, меҳнат ва дам олиш режими, педагогик, эстетик, хўжалик бюджети ва иқтисод йўналишларида бахс юритилади, ёшларга оиланинг шу йўналишларга доир масалаларини очиб беришга ҳаракат қилинади. Ёшлар бу жараёнда турмуш қуришга қандай тайёрланиш кераклигини билиб оладилар.

Хўш, «Оила этикаси ва психологияси» курси қандай ўқитилади? Дарсда қанақа усуллардан фойдаланиш маъқул?

Янги курсни ўтиш учун эскирган усуллар, айниқса алмисоқдан қолган дарс тузилиши мутлақо ярамайди. Чунки бу курс ўз мазмуни билан мактабдаги бошқа предметлардан кескин фарқ қилади ва янги мазмунга янги шакл, янги усуллар зарур. Мавзуларни ўтиш методикаси хусусидаги фикрларни ўртага ташлашдан олдин ўқитувчининг нутқиغا алоҳида тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Оила этикаси ва психологияси ўқитувчиси ўқувчилар билан мулоқотда жуда ҳушёрлик қилиши, унинг нутқи авторитар, зуғум қилиш, камситиш оҳангларидан ҳоли, дўстона, самимий оҳангда, синфда ўйлашга, фикран излашга, ўйлаганини тортинмай айтишга имкон берадиган бўлиши лозим.

Курсни ўқитишнинг бир неча методик усулларини тавсия этамиз.

Мусоҳаба усули ўқувчиларнинг эркин фикр алмашиши, баҳслашиши, бир-бирларига савол бериб, фикрларини ойдинлаштириб олишлари ва шу орқали умумий хулоса чиқаришларига қаратилган усулдир. Бунда ўқитувчи бир мавзунини айтиб, лозим топса, бир қанча саволларни ёздириб, ўқувчиларга уйда тайёрланиб келишнинг вазифа қилиб беради, фақат айрим адабиётларни ўқиш билан чекланмай, газета-журналларни, кинофильмларни кўриш, илмий-оммабоп, бадий адабиётлар

билан ҳам танишиб ўз фикрларини исботлаш кераклигини уқтиради. Сўнг ўқувчиларни икки гуруҳга бўлади. Бунда бир гуруҳга фақат кучли, иккинчисига кучсиз ўқувчилар йиғилиб қолмаслиги, ҳар бир гуруҳда йигит ва қизларнинг сони ҳам иложи борича тенг бўлиши керак.

Дарс бошланишидан олдин синфдаги стол ва стуллар икки гуруҳнинг юзма-юз ўтиришига мослаб қўйилади. Бундай қилиш ўқитувчи учун ҳам қулай — у иккала гуруҳдаги ўқувчиларни бемалол кузатиб туради.

Дарсни ўқитувчи қисқа кириш сўзи билан бошлайди, сўнг ташаббус бутунлай ўқувчиларга ўтади. Бир гуруҳдан ўқувчи савол беради, иккинчи гуруҳдаги ўқувчи жавоб беради, жавоб қониқарли бўлмаса, уни бошқа ўқувчи тўлдириши мумкин. Мавзунинг барча масалаларини шу усулда ҳал қилинади, бунда ўқитувчи аралашмавермайди, эркин фикр алмашишга, баҳсга йўл қўйиб беради; лекин мавзудан четга чиқиб кетилаётган бўлса, йўлга солиб қўяди. Ўзи эса ўқувчиларнинг гапларини тинглайди, дарсни умумлаштириш учун керакли нарсаларни дафтарга ёзиб боради. Дарс охирида мавзунини умумлаштиради, ўқувчиларнинг савол-жавобларига муносабатларини билдиради, яхши қатнашган ўқувчиларни ва қайси гуруҳ кўпроқ фаоллик кўрсатганлигини айтиб рағбатлантиради.

«Оила этикаси ва психологияси» курсининг ҳар бир мавзусини мусоҳаба усулидан фойдаланиб ўтиш мумкин. Бу эса ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш олиш қобилиятига боғлиқ. Тажрибалар шуни кўрсатдики, мусоҳаба усули ўқувчилар ўзини ўзи бошқаришида, уларнинг фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Психологик усуллар

«Оила этикаси ва психологияси» курсида турли психологик усуллар, тажрибалар ўтказишга жиддий эътибор бериш керак. Бу ёшларнинг ўзини англаши ва ўзини-ўзи тарбиялаши учун жуда зарур. Турли психологик вазиятларни муҳокама қилиш, кичик психологик тажриба ва ўйинлар ўтказиш машғулотларнинг жонли ўтишига олиб келади. Масалан, «Шахс» мавзунини ўтаётганда тахтага қуйидагилар ёзилади:

000001

100000

100200

000102

Ўқувчиларга: «Тез қараб, эслаб қолинг!»— дейилади ва дарҳол ўчирилади. Сўралганда ўқувчилар бу рақамларни турли даражада эслаб қолгани маълум бўлади. Ўқитувчи энг мукаммал эслаб қолган ўқувчининг кузатиш ва эслаш қобилияти кучли эканини айтиши, шундан бошлаб қобилият тушунчасини шакллантириши мумкин.

«Шахсининг мустақил билим олиши ва ўзини ўзи тарбиялаши» мавзuida ўқувчиларга «Ўзингизни синаб кўринг» психологик ўйини тавсия этилган. Бу ўйиндан фойдаланишда ўқувчиларга фақат психологик тажриба ёки ўйин орқали инсон шахсининг мураккаб қирраларини тўла англаб бўлмаслигини, лекин шу асосда ҳам одам ўзини тарбиялаши, яхши томонларини ривожлантириши, салбий одатларини йўқотиб бориши зарурлигини уқтириш керак.

Фикрларни англаш ва уларнинг бирлигини исботлаш усули.

Фикр шундай юзаки ўқиб кетилганда, унинг туб моҳиятига етмай қолинади. Шунинг учун ибратли гапдаги ҳар бир сўзнинг асл маъносини тушуниб ўқиш, гап тагида гап ётганини ўрганиш ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиради, уни мантиқий хулосалар чиқаришга ўргатади. Масалан, Алишер Навоийнинг қуйидаги байтларини олайлик.

*Улча эрур тифлга шойиста иш,
Билки кичикликда эрур парвариш,
Қатрага чун тарбият этди садаф,
Эл бошига чиққуча топди шараф.*

Буларни шунчаки ўқилганда мазмунни тўлалигича ўқувчига етиб бормади. Шарҳлаб, изоҳлаб тушунтирилса, самара бутунлай бошқача бўлади. Улуғ шоир агар болага қанча парвариш, тарбияни раво кўрсангиз, кичиклигидан бошлаб беринг, акс ҳолда тарбияга олиш қийин бўлади, қаранг, садаф қатралигида — кичиклигида дурга шундай тарбия бердики, оқибатда бу дурни одамлар қимматбаҳо билиб бошларига кўтариб юрадиган бўлдилар, демоқда.

«Муқаддима»да икки фикрни қуйидагича қиёслаб ўрганиш мумкин.

«Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса социа-

листик жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир» (А. С. Макаренко).

«Оила манфаатлари деярли ҳамма вақт ижтимоий манфаатларни хароб этади» (Ф. Бэкон).

Сиртдан қараганда бу икки фикр бир-бирига мутлақо қарама-қарши. Уқувчилардан бу икки фикрни изоҳлаш, қарама-қаршилиги нимада эканлиги сўралади. Жавобларни тинглаб, ўқитувчи қуйидагиларни айтади.

Ҳар қандай фикр ҳам ўз давридаги муҳитдан, шароитдан келиб чиқади. Инглиз халқпарвар олими Фрэнсис Бэкон 1561-1626 йиллари яшаган. У даврда камбағал халқ аҳволи ғоят оғир эди. Зодагонлар эса роҳат-фароғатда яшарди. Бундай тенгсизликни йўқотиш учун ўзининг шахсий бахтидан, ҳатто, оиласидан кечадиган шахслар зарур бўлиб, Ф. Бэкон ана шундай курашчиларга хайрихоҳ эди ва ўша даврда, оила манфаати ижтимоий курашга, ижтимоий манфаатга халақит беради, деб ўйларди.

А. С. Макаренко эса социалистик жамиятда яшади, оила манфаатлари ижтимоий манфаатлар билан қўшилиб кетганлигини шахсан ўзи кузатди. Шунинг учун оила иши давлат аҳамиятига молик қутлуғ иш деб билди. Юзаки қараганда Бэкон билан Макаренконинг фикрлари бир-бирига қарама-қаршига ўхшайди, аммо уларга чуқур ёндашилса фикрлар инсоният бахти учун кураш нуқтаи назаридан чоғиштирилса, ҳар икки фикрда умумийлик борлиги кўринади.

Юқорида айтилган усуллардан ташқари, ўқитувчи имкониятга қараб, психологик вазиятларни муҳокама қилиш, ролли ўйинлар ўтказиш, муаммоли вазият ҳосил қилиш, лекция, суҳбат ва бошқа тадбирлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Уқитувчи мавзунини қайси усулда ўтишни олдиндан белгилаб қўйгани маъқул. Бунда ўқувчиларнинг адабиёт, тарих, ҳуқуқшунослик, одам анатомияси ва физиологияси, гигиенадан олган билимларига таянишни ҳам ўйлаб кўриши лозим. Қўлланмада ўқувчиларнинг усул танлашдаги эркинлигини бўғмаслик учун мавзуларни тугал дарс ишланмаси сифатида талқин этилмади.

Маълумки, «Оила этикаси ва психологияси» курсидан ўқувчиларга баҳо қўйилмайди. Бироқ буни ўқувчиларни рағбатлантириб ўтиришнинг ҳожати йўқ экан, деб тушунмаслик керак. Уқувчиларнинг фикрлаши, қарашлари, яхши томонлари, интилиши, ўз устида ишла-

ши, ахлоқ-одоби, бажарган ишларини турли йўсинда рағбатлантириб бориш зарур. Курсни ўрганишдаги фаолликларини маъмуриятга, ўқувчилар жамоатчилиги ташкилотларига маълум қилиш, улар орқали ҳам рағбатлантириб бориш лозим.

МУҚАДДИМА. УЗБЕК ОИЛАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқувчилар ана шу биринчи машғулотдаёқ ўзларининг бугунги, келажак учун гоят зарур билимларни эгаллашга киришганликларини ҳис қилдилар. Ўқитувчи эса ёшларнинг оила ҳаётига тайёрланиши қанчалик муҳимлигини ёритиш ўқувчиларни ўрганилаётган курс масалаларига олиб кириши, партия ва ҳукуматимиз оила тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганини тушунтириши, ўқувчиларда оила ҳаётига тайёргарлик, оиланинг ижтимоий жамоа экани ва социал аҳамияти ҳақидаги тушунчаларни шакллантириши лозим.

Дарснинг кириш қисмида ўртага шундай савол ташланади: «Ўқувчилар, айтинглари-чи, бахтли яшашни ўрганиб бўладими?»

Ўқитувчи жавобларни умумлаштириб, мақсадга яқинлашган ўқувчиларни рағбатлантириб, оила этикаси ва психологияси курсини ўқитишдан кўзда тутилган мақсадга ҳамда бу курс нима тўғрисида баҳс этишига тўхталади.

— Ўқувчилар, сиз табиий фанлар билан танишиб, табиат сирларини ўргандингиз, ижтимоий фанларни ўқиб, инсон яшаб турган жамият ҳақидаги фикрларингиз бойиди. Мана, энди оила этикаси ва психологияси курсини ўрганасиз. Бу курснинг мақсади ёш авлодни— сизларни оила ҳаётига тайёрлаш, келажакда бахтли оила ворислари қилиб тарбиялашдан иборатдир. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша сир-асрори, ички қонуниятлари, жамият билан боғланган ижтимоий ишлари мавжуд. Ана шуларни ўрганмай туриб, оиланинг ижтимоий жамоа эканлигини билмай туриб, бахтли оила қуриш қийин. Оила ўз-ўзидан яхши оила бўлиб қолмайди, балки кураш билан барпо этилади.

Хўш, оиланинг ўзи нима? У қандай жамоа? Биринчи нафар ўқувчида бу саволга жавоб бериш сўралади ва ўқувчиларнинг оила ҳақидаги мавжуд тушунчалари билиб олинади.

Ўқитувчи А. С. Макаренко билан Ф. Бэконнинг юқу-

ридаги фикрларини қиёслайди ва А. С. Макаренконинг иккинчи фикрини келтиради.

«Оила жамиятнинг табиий бошланғич бир ячейкаси-га, одам ҳаётининг лаззати суриладиган, инсоннинг ғолиб кучларига роҳат ва фароғат бағишлайдиган, ҳаётнинг энг катта қувончи бўлган болалар ўсиб-унадиган бир маконга айланмоқда».

Сўнг ўқитувчи оила жамиятнинг табиий ячейкаси эканлигига, оиланинг мустақкамлиги ҳамда партия ва ҳукуватимизнинг оилага қанчалик ғамхўрлик кўрсатаётгани масалаларига тўхталади. Шу ўринда буржуа жамиятида оилалар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, миллионлаб ишсизлар армияси мавжудлиги туфайли кўпгина оилалар муҳтожликда яшаётгани, масалан, энг ривожланган капиталистик мамлакат — АҚШ оилаларнинг бузилиши жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туриши, АҚШдаги жами болаларнинг йигирма тўрт фоизидан кўпроғи отасиз ёки онасиз тарбияланаётгани айтиб ўтилади¹.

КПСС XXVII съездида айтилган қуйидаги гапларни изоҳланг:

«Социалистик оила эркаклар билан аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, оила учун баб-баравар жавобгарлиги асосига қурилади».

«Нототув оилалар ҳам анча-мунча бор. Ана шуларнинг ҳаммаси, аввало болалар тарбиясига, шунингдек, эркак билан аёлнинг маънавий ҳолатига, уларнинг меҳнат ва жамоат активлигига салбий таъсир кўрсатади. Жамият, албатта, бундай ҳодисаларга бепарқ қараб туролмайди. Мустақкам оила — унинг энг муҳим негизларидан биридир».

Ўқувчиларнинг изоҳлари умумлаштирилиб, давом этилади. Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила кодексининг 4-, 5-моддаларида Оила давлат ҳимоясидадир, никоҳ аёл билан эркакнинг ихтиёрий келишувига асосланади, оилавий муносабатларда эр-хотиннинг тўла тенг ҳуқуқлилиги ифодаланган. Шундан кейин оилаларга белгиланган имтиёзларга тўхталилади. Албатта, синфда бу имтиёзлардан манфаат кўраётган болалар бўлади. Шунинг учун масалан, «Сизлар яхши биласизларки, кам таъминланган оилаларнинг болаларига нафақа берилади. Бундай болалар куни узайтирилган группаларда бепул овқатлантирилади, боғчада бепул тарбияланади. Орангизда шундай нафақа олганлар

борми?» «Хўш, бу нафақа сизларга неча ёшгача тўланган эди?»— дейди ўқитувчи. Етти ёшгача эканлиги ўқувчилар иштирокида аниқлангач, бундан кейин нафақани ўн икки ёшга тўлгунча тўлаш мўлжалланаётгани айтилди. Шунингдек, оналарга ёш боласи бир ярим ёшга тўлгунча ҳақ бериладиган отпускаи жорий этиш ҳам кўзда тутилган. 2000 йилга бориб ҳар бир оила алоҳида уй-жойга эга бўлиши оилаларнинг 50 фоиздан кўпроғида ҳар бир киши ҳисобига ойлик даромаднинг ошиши учун курашилаётгани айтилади.

Бу гапларни ўқитувчи шунчаки айтиб ўтмасдан, ўқувчилар иштирокида муҳокама этиш керак.

Бу борадаги мақсадга эришилгач, ўқитувчи «Оила этикаси ва психологияси» курсининг тузилиши асосида мақсад ва вазифаларни очишга, яъни курс бўлимлари нимадан баҳс этишига тўхталади. Шу ўринда ўқитувчи «оила» сўзига тиркалиб келаётган «этика» ва «психология» сўзларининг маъносини тушунтириб бериши лозим. Бу сўзларнинг маъносини қандай тушунишларини ўқувчиларидан сўраб кўриш ҳам мумкин. Шундан кейин ҳар икки сўзнинг маъноси ойдинлаштирилади. Этика (грекча *етос*—расм-одат) ахлоқ деган сўз; иккинчи маъноси ахлоқни ўрганувчи фан. Психология эса (грекча *псuxe* ва *логос*) руҳ ва таълимот сўзларидан тузилиб, психик фаолиятни ўрганадиган фандир. Оила этикаси ва психологияси оиладаги маънавий, моддий-иқтисодий фаолиятни, оила аъзоларининг руҳий ҳолатларини, уларнинг ўзаро муомала-муносабатларини, оила ҳаётидаги ўрни, роли, вазифаси ва бурчларини ўрганадиган, ёшларни оила ҳаётига тайёрлашда ёрдам берадиган ўқув предметидир.

Инсон оилада туғилиб, улғаяди, шахс сифатида жамиятда, меҳнат коллективида шаклланади. Лекин, жуда кўп нарсалар одамнинг ўзига ҳам боғлиқ. Ўз-ўзини тарбиялаш, ўз қилмишларини, бошқаларга муносабатларини таҳлил қилиш ва оқилона баҳолаш қобилиятларини шакллантириш масалалари «Шахс, жамият, оила» бўлими ёритиши тушунтирилади.

«Муҳаббат нима? Севиб турмуш қуриш оила мустақамлигини таъминлайдими?». Шу каби қизиқарли кўп масалалар курсдаги «Ёшликдаги муносабатларнинг хусусиятлари» бўлимида ўрганилади. Курснинг учинчи бўлимида никоҳ ва оила хусусида гап боради. Ўқувчиларга курснинг «Оилавий муносабатлар», «Оила ва бо-

ла» бўлимларида ҳам ғоятда катта ҳаётӣ аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳақида гап юритилиши айтилади.

«Оилавий муносабатлар» бўлимида оиланинг ахлоқий-маънавий бойликлари, ғоявий асослари, оила коллективизми, оила бюджети ва оилада дам олиш масалалари муҳокама этилади.

«Оила ва бола» бўлимида бола шахсини гўдакликдан бошлаб камол топтириш, ота-она ибрати, оилада педагогик маданият, ёш оилада фарзанд мавзулари ўтилади. Хуллас, курсда ўрганиладиган мавзулар бир-биридан қизиқ ва жуда зарур. Шунинг учун ҳам курс мавзуларига алоҳида диққат-эътибор билан қараш даркор.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос характери, ҳар бир миллат оиласининг ўзига хос хусусиятлари бўлади.

«Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўлларида бирга яшаймиз, болаликдан қадим тарих ва маданиятга эга ўзбек халқига ҳурмат руҳида тарбияланганмиз. Ўзбек ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган ҳурматга лойиқ. У битмас-туганмас, ақл бовар қилмас меҳнатсеварлиги, ҳунарда моҳирлиги ва ажойиб тарзда сақланиб қолган ноёб анъаналари билан шундай ҳурматга лойиқ»¹.

Асримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов ўзбек халқи ҳақида ана шундай ифтихор ҳисларига тўлиб-тошиб ёзади. Дарҳақиқат, халқимиз меҳнатсеварлиги билан машҳур, меҳнатсеварлик унинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбекларга хос хушмуомалалик ва очиқ юзликни эса машҳур қозоқ оқини Абай томонидан эътироф этилган. «Қўшни мамлакатлар билан бевосита савдосотиқ ва бошқа иқтисодий, маданий алоқаларнинг қизғин олиб борилиши улардан (ўзбеклардан) хуштабиатлик, хушмуомалалик, ҳозиржавоблик, эпчиллик ва зийраклик хислатларини талаб этар эди»—деб ёзади Ж. Маматов ўзбекларга хос характерларни тарихан таҳлил қилишга ҳаракат қилиб (Ж. Маматов, «Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари», Т.: «Ўзбекистон», 1980, 33-бет). Албатта, узоқ тарихий давр жараёнида ўзбекларга заҳматкашлик, бағрикенглик, қўлн очиқлик, меҳмондўстлик, хушмуомалалик, вазминбосиқлик, мулоҳаза-андишалилик, қўни-қўшни, дўст-ёр,

¹ Айтматов Ч. «Қайта қуриш, ошкоралик—омонлик дарахти», «Совет Ўзбекистони», 1988 йил, 14 февраль.

хеш-ақрабога ҳурмат-эътибор, бошқа миллат кишиларига иззат-икром кўрсатиш, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, болапарварлик каби фазилатлар сингиб борган.

Ҳар бир халқ оиласининг ўзига хослиги шу халқнинг характеридан келиб чиқади ҳамда даврга қараб ўзгаради, такомиллашади; бошқа халқлар билан ёндош яшашлиги туфайли бошқа халқларнинг характеридagi яхши томонларни ўзлаштириб, ўз фазилатларини бойитиб боради. Чунки ҳеч қайси халқ миллий маҳдудлик деворига ўралиб яшамайди. Миллатлараро бирдамлик туйғуси ўзбек халқининг табиатидан келиб чиқадиган туйғудир. Қадим-қадимдан ёндош, жондош бўлиб яшаган қозоқ, қирғиз халқларини ҳурматлаб ўғилларига Қозоқбой, Қирғизбой деган номлар қўядилар, қиз олиб, қиз берадилар. Тожиклар, турклар, татарлар, озарбайжонлар билан қуда-андалик қиладилар. Бугунги кунда рус халқи билан ҳам дўст-биродарларча яшамоқдалар. Ўзбек халқи миллат билан миллат иноқ бўлиб яшаши ҳақидаги фикрини: «Элга эл қўшилса — давлат» деб ифодалайди. Бинобарин, ўзбек оилаларида тарбияланаётган фарзандлар халқимизнинг ана шундай эзгу ғояларини ўзларига сингдирадилар. Ўзбек халқининг бу олижаноб хусусиятига жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тошкентлик Шоаҳмад ака ва Баҳри опаларнинг оиласи тилларда дoston бўлиб кетган. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида ўн тўрт нафар турли миллат вакилларининг фарзандларини ўз бағриларига олдилар, тарбиялаб вояга етказдилар. Бу ўзбек оиласи ҳақида ёзувчи Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон» деб номланган роман ёзган, бу роман «Сен етим эмассан» номли бадий фильмга асос бўлган.

Демак, ўзбек оилаларининг ўзига хос хусусиятларидан бири — миллатлараро ҳамкорлик, иноқлик туйғуларига содиқлигидадир. Шу ўринда ўқитувчи Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романини ўқишга тавсия этиши мумкин.

Ўзбек оилаларининг яна бир ўзига хос хусусиятига эр ва хотин муносабатини кўрсатиш лозим. Эр оиладаги барча оғир юмушларни бўйнига олишидан ташқари хотини, бола-чақаларининг шаъни, номуси ҳимоячисидир. Бу ҳақда никоҳ куниеқ оқсоқоллардан бири ўз заифасини қандай асраб-авайлаш, болаларига меҳрибонлик қилиш, тарбиялаш хусусида бир умр эсдан чиқмайдиган насиҳатлар беради. Шундай талабларга амал

қайси б. яшайдиган эрнинг қадри, ҳурмати ўзбек оила-
қисми б. хори бўлади. Шунинг учун ҳам унинг бо-
сида доим юқор. жойига қўйишади, эркакнинг
лалари, хотини ҳурматини .
улуғлиги шунда деб билишади.

Ўзбек оиласида аёл оқилалиги, донолиги, эр билан муносабатда босиқлиги, назокати, тадбиркорлиги, ширинсузлиги, зийраклиги, кескин вазиятни англаб, ихтилофларнинг олдини ола билиши, тежамкорлиги, болажонлиги билан қадрланади. Оилада муҳитни кўпинча аёл белгилайди. Тадбиркор, назокатли аёл жоҳил эрни ҳам тўғри йўлга солиб рўзғорга файз-барака, осойишта муҳит, покизалик бахш этади. Эр оилани иқтисодий таъминлашдан тортиб, барча оғир юмушларни бўйнига олар экан, хотин зиммасига овқат пиширишдан тортиб, бола парваришигача бўлган жуда нозик дид талаб қиладиган ишлар тушади ва уларни бажаришни ўз бурчи деб билади. Ўзбек оилаларида эр-хотин орасидаги бундай муносабат ортиқча шов-шувсиз, табиий равишда амалга оширилади.

Ўзбек оиласи фақат ўз қобиғига ўралиб қоладиган худбин оила эмас, бу энг аввало қўшничилик муносабатларида кўринади. Узоқдаги этдан (қариндошдан) яқиндаги ёт, яъни қўшни яхши деб қаралади. Энг лаззатли таомлар тайёрланганда, биринчи навбатда қўшнига қўшниतोвоқ узатилади. Тўй-маъракаларда қўшнининг уйи, ҳовлисидан миннатсиз фойдаланилади. Яхши ёмон кунларда биринчи бўлиб, оилага қўшни илтифот қўлини чўзади. Яхши қўшничилик муносабатлари оиланинг кундалик ҳаётига, бола тарбиясига бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳам қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик муносабатларига қараганда ҳам биринчи навбатда яхши қўшничилик муносабатларига аҳамият берилади.

Ўзбекларда оила-никоҳ муносабатларига ҳам алоҳида қарашлар, одатлар мавжудки, бу ҳам ўзбек оилаларининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Ўзбекларда амакиваччасига, холаваччасига ва бошқа жуда яқин бўлмаган қариндош-уруғларига уйланиш, турмушга чиқиш табиий ҳол ҳисобланади ва бу жуда қадимдан ҳукм суриб келган. Оила этикаси ва психологияси курсини ўтаётганда албатта бу масалага тўхталишга тўғри келади. Бунда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш керак. «Қариндош-уруққа уйланиш бўлмағур одат! Бундай никоҳдан ногирон, ақли заиф болалар

туғилади. Бунда ҳузур-ҳаловатни ота-она кўради-ю азобни бола чекади!» каби фикрларни айтишдан сақланиш керак. Ахир, сиз ўқитаётган синфда амакиваччасига уйлланган ёки холаваччасига турмушга чиққан одамларнинг фарзандлари ўқиётган бўлиши мумкин. Сизнинг ноўрин гапингиз болага қанчалик оғир азоб бериши, руҳий парокандалик келтириб чиқариши, бола: «Мендан барибир кучли одам чиқмас экан-да!» деб тушкунликка тушиши, ўз келажагига ишончсизлик билан қараши мумкин.

Бундан ташқари никоҳнинг бундай шакллари жуда қадимдан бери яшайди. Оила тарихини биринчилар қатори чуқур ўрганган машҳур этнолог олим Льюис Хайнрих Морган қадимги қабилалар, элатлардан бери амакиваччалар ёки холаваччалар ўртасида никоҳ қайд этиб келинганлигини ёзади¹. Бундай никоҳдан кўп аб ажойиб қобилият эгалари, кучли шахслар етишгани маълум. Хуллас, бу масала социал-биологик жиҳатдан ҳали тўла ўрганилмаган муаммолардан бири. Бизда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга қонун йўли билан қаршилиқ кўрсатиладики, бу жуда мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек оиласидаги бола тарбиясида ўзига хослик шундаки, бола энг аввало катталарга ҳурмат руҳида тарбияланади. Бунда боланинг истак-хоҳиш, ташаббус, ирода, мардлик-ботирлик сифатларини бўлмаган ҳолда катталарни ҳурмат қилишга ўргатилади. Катталарга ҳурмат билан қараш замирида катталарнинг ҳаётий тажрибасига, билимига, донишмандлигига суяниш, ҳурмат билан қараш ётади. Ўз навбатида катталар ҳам ёшларга ҳурмат-эътибор билан қарашади.

Ўзбек — болапарвар халқ. Шунинг учун республика-мизда кўп болали оилалар 650 мингдан зиёд. Ўзбек оилаларининг кўп болали бўлишлиги халқимизнинг худбин эмаслигидан, халқ фарзандлари фақат ўзининг ҳузур-ҳаловатини кўзламасдан эгу бурчига ҳам содиқлигини кўрсатади. Кўп болали оилаларда бола тарбияси якка болали оилаларга қараганда машаққатли бўлса ҳам, қизиқарли, баъзи жиҳатлари билан қулай ҳамдир. Вояга ета бошлаган болалар ота-оналаридан ибрат олиб, кичкиналарни парвариш қила бошлайди.

¹ Морган Л. Г. Древнее общество, Ленинград 1834, 35-бет.

Шундай қилиб, болаларнинг ўзларини ўзлари тарбиялаш вазияти, имконияти вужудга келади. Кўп болали оилаларда болалар худбинлик сифатларидан узоқроқ бўлишади.

Ўзбек оилаларининг меҳмондўстлиги ва бошқа бир қанча ўзига хос хусусиятларига ҳам тўхталиш мумкин. Лекин бундай хусусиятлар мана шунча деб санаб бўлмайди, фақат уларни ҳис қилиш, ўқитувчи ўз оилалари, ўзга оилалар мисолида юқоридаги фикрларни янада бойитиши мумкин ва бу фикрлардан фақатгина шу мавзуда эмас, балки бутун курс мавзуларини ўтишда фойдаланиш лозим.

Шундан кейин ўқитувчи оила этикаси ва психологияси курсидаги дарслар одатдаги дарсларга қараганда фарқ қилишини, шунинг учун дарс ўтиш усуллари ҳам ўзгаришини қисқагина эслатади ва ўқувчиларга кундалик тутишни тавсия этади.

Ўтган умрдан сабоқ чиқаришда, ўзини ва ўзгаларни яхшироқ тушунишда, шахснинг камолотга етишишида кундалик дафтар тутиб, унга ўз фикр, хулосаларини ёзиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Л.Н. Толстой ҳамма ёзган асарларимдан ҳам кўра кундаликларим одамлар учун кўпроқ фойдали бўлиши мумкин, деган эди. Оила этикаси ва психологияси курсини ўтаётганда кундалик дафтар тутиш мақсадга мувофиқ. Унга ўқувчи ўз шахсий кечинмаларини, фикр, хулосаларини, курс мавзуларини ўрганиш жараёнидаги ўз қарашларини ёзиб боради. Ўқитувчи топшириқ берганда, кундалик дафтарга керакли масала қайд этилади. Лекин унч ўқитувчига ёки бошқаларга кўрсатиш шарт эмас. Ўқувчи лозим кўрса, ўзи кўрсатади, фикрларини ўртоқлашади. Ўқитувчи дафтарга баъзи бир мавзудаги фикрларингизни ёзиб қўйинг, деб топшириқ берганда, ўқувчи ёзади ва шу фикрдан фойдаланиб, ўз мулоҳазаларини билдиради, хоҳласа ёзганини ўқиб беради.

Дарс охирида қўйидаги анкета саволларига жавоб қайтариб келиш уйга вазифа сифатида тавсия этилади.

Анкета

1. Жинсингиз.
2. Сиз ҳеч ўзингизнинг ёмон одатларингиз, феъл-атворингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?
3. Қайси дўстингизнинг қайси одати, феъл-атвори сизга ёқмайди?
4. Қандай характери кучли деб ҳисоблайсиз?
5. Кимга ҳавасингиз келади? Нима учун?

Анкетага жавоб берганда исм-фамилияни кўрсатиш шарт эмаслиги ўқувчиларга эслатилади, шунингдек, саволларга ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, самимий, табиий жавоб қайтаришлари, яъни нимани ўйласалар, ўзлари қандай хулосага келсалар, шуларни ёзишлари кераклиги айтилади. Анкета саволлари келгуси дарсда муҳокама этиладиган мавзуларни ўрганишга ёрдам беради. Шундан кейин ўқитувчи келгуси дарсда қайси мавзу муҳокама этилишини эълон қилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ШАХС, ЖАМИЯТ, ОИЛА

Бахтли оила — бахтли кишилар жамоасидир. Оиладаги одамлар бир-бирларини қанчалик чуқур тушунсалар, бир-бирларининг яхши ва ёмон томонларини англаган ҳолда муомала-муносабатда бўлиб, иноқ турмуш қурсалар, бундай оиладан ажойиб шахслар етишиб чиқади; бу ўз навбатида жамият ривожига, инсоният истиқболига ижобий таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики, шахс, жамият, оила узвий боғлиқликда яшайди.

Бахтли оила қуриш учун энг аввало ҳар ким ўзига муносиб умр йўлдоши танлай билиши керак. Бунинг учун эса биринчи ўринда инсон ўзини ўзи чуқур англаши, сўнг атрофдаги одамлар феъл-атворининг ижобий, салбий томонларини фарқлай олиши: ўзига ва ўзгаларга танқидий баҳо бериши зарур. Бу осон эмас! Атрофдаги одамлар ниҳоятда хилма-хилдир. Масалан, ўзбек халқ ҳикматларида шундай дейилади:

*Одам кўринишида бир-бирига ўхшайди гўё,
Лек, ҳар кишида ўзига хос қалб, ақл муҳайё.
Кўкдаги юлдузлар ҳам сиртдан бир-бирига ўхшаши,
Аммо аслида-чи, ҳар бирининг ўзи бир дунё.*

Шунинг учун ҳам курс «Шахс, жамият, оила» бўлими билан бошланади ва бунда ўқувчиларга шахс ва унинг мавжудлиги, кишининг индивидуал хусусиятлари ҳақида тушунчалар берилади ҳамда ана шу тушунчалар ёрдамида ўқувчиларни ўзларининг яхши-ёмон қилиқлари, ўзгаларга муносабатларини танқидий баҳолаб, коллектив, оила манфаатлари асосида қайта қуришга даъват этилади. Бўлимнинг вазифаси ана шундан иборат.

ШАХС

Ушбу мавзунинг мақсади ва вазифаси шахс ҳақида маълумот бериш, шахсни ифодаловчи тушунчаларни ёритиш, ўқувчиларда ўзини англашга ҳамда ўзини ўзи

тарбиялашга интилишни пайдо қилиш, шунингдек, шахс, шахсият, эҳтиёж, мотив-сабаб, ўзини ўзи танқидий баҳолаш, ўзлигини англаш, шахсини интилиши, характери каби асосий тушунчалар ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришдан иборатдир. Ўқитувчи шуни унутмаслиги керакки, ушбу мавзунини тушунтириш анча мураккаб, лекин жуда зарур. Чунки курсдаги бошқа мавзуларни ўтаётганда мазкур тушунчаларга қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келади. Буни ўқувчиларга эслатиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг қўйидаги муаммоли воқеа хусусида фикр билдириш сўралади.

«Тошкентнинг «Бирлик» маҳалласида яшайдиган Улуғбек дарсларини тайёрлаб бўлгач, кўчага ўйнагани чиқди. Ўз тенгқурлари билан ўйнамай, бир четда ўтирган катта ёшли йигитларнинг даврасига суқулди. Улар Улуғбекни сигарет билан сийлашди. Улуғбекка йигитларнинг чапани гаплари қизиқ туюлди. Кеч бўлгач Улуғбек уйига қайтмоқчи эди, йигитлардан Салим дегани:

— Қиз боламисан, дарров уйга кириб!— деди.

Улуғбек яна жойига утирди. Бир маҳал йигитларнинг сигарети тугади. Улуғбекка пул бериб, яқиндаги дўконга жўнатишди. Дўкон ёпилган экан, Улуғбекнинг қуруқ қайтиб келганини кўриб, Салим:

— Оббо, роса лапашанг экансан-ку! Дўконнинг ойнасини бир урсанг синади, лип этиб ичкарига кир, сигаретга хоҳлаган нарсангдан ол! Сен ҳали балоғат ёшига кирганинг йўқ, ҳеч ким айбдор қилолмайди. Кейин тортмадаги пулни ҳам чўнтагингга солиб ол! Юр, биз қараб турамиз,— деди.

Улуғбек дўконга тушиб сигарет, пул олиб чиқди, йигитлар уни роса мақташди. Аммо эртаси куни Улуғбекни жиноят қидирув бўлими ходимлари қўлга туширишди. Маҳалла-қўйда, мактабда дўстлари орасида, ота-онаси олдида унинг юзи шувут бўлди. Хўш айтинчи, Улуғбекнинг хатоси нимада?»

Ўқувчилар воқеани қизиқиб муҳокама қиладилар, фикрларини айтадилар. Табиийки, улар орасида: «Улуғбек ўзидан катталар нима деса, «хўп» деб лаққа тушмасдан, қанақа ишга қўл ураётганини ўйлаб кўриши, йигитлар ҳар қанча зўрлашса-да, ўғриликка қўл урмаслиги керак эди!» дегувчилар ҳам бўлади. Ўқитувчи бу фикрни маъқуллаб шундай давом этади:

— Уртоқларингиз жуда тўғри гапни айтишди. Инсон ўз хатти-ҳаракатини, гап-сўзини, интилишини ақлидрок тарозисига қўйиб кўрадиган бўлгач шахс сифатида шакллана бошлайди. Улуғбек ўз тенгқурлари қолиб, қабиҳ ниятли йигитлар даврасига қўшилди, сийловларга лаққа тушиб, ўғрилиқ қилди. У ўз хатти-ҳаракатининг оқибати нима бўлишини ўйлаб кўрмади. Энди унинг эзгу орзулари қийин амалга ошади, унга ўғри деб қарашади, пайти келиб оила қурмоқчи бўлганида ҳам қора тамға унга халақит беради. Ахир, бировларнинг гапига кириб ўғрилиқ қилган бола вақти келиб турмуш ўртоғининг, ҳатто, ўз боласининг бахтига зомин бўлмайди, деб ким айта олади! Кўрдингизми, ўйламай босилган қадамнинг кулфати қанча оғир! Агар Улуғбек: «Бу йигитлар мени қанақа ёмон йўлга бошлаяпти? Йўқ, мен бунга кўнмайман!» деб даврандан кетиб қолганда, бу унинг қатъиятли, тўғри фикрлайдиган йигит сифатида шаклланаётганидан далолат беради. Бундай шахсларни ҳамма севади, ҳурмат қилади. Шундай қилиб, «шахс — ўзининг шарт-шароитига боғлиқ бўлган ва индивидуал суратда ифодаланган сифатларига: интеллектуал, эмоционал ва продавий сифатларига эга бўлган одам»¹дир.

Шундан кейин ўқитувчи шахснинг жамият билан боғлиқлигига, ижтимоий моҳиятига тўхталади. «...реал одамнинг моҳиятини, шахсни уни ўраб турган ташқи муҳитдан, жамиятдан, жамиятда мавжуд бўлган имкониятлардан ташқари, ижтимоий муносабатлардан ажратиб қўйган ҳолда тушуниб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ленин инсон, шахс ҳақидаги Маркс фикрини давом эттириб ва тўлдириб, ҳақиқий ижтимоий муносабатлар «тирик шахслар фаолиятининг маҳсулидир»—деган эди»².

Инсоннинг юз тузилиши, кўкраги, қўл-оёғи ва бошқа органларининг ривожланиши ташқи қиёфани, сўзлашиш маданияти, оилада ва жамоат жойларида ўзини тута билиши, билимини ошириши, эстетик қарашларини шакллантириши, иродасини мустаҳкамлаш каби ижтимоий ривожланиши эса маънавий қиёфани белгилайди. Агар инсон жисмоний жиҳатдан беҳад кучли

1. Философия луғати. Т.: «Ўзбекистон», 1976, 562-бет

2. Фафуров З. Шахснинг гармоник ривожланиш диалектикаси. Т.: «Ўзбекистон», 1979, 15-бет.

ривожланган бўлса-ю, гап-сўзлари, ўзини тутиши ахлоқ нормаларига мос келмаса, бундай одам оилада ҳам, жамоатчилик орасида ҳам обрў-эътибор қозона олмайди; бундай шахс оилада тўғри муносабатларни йўлга қўя билмайди. Ақлий ривожланган шахс жисмоний жиҳатдан заиф бўлса, унда ҳам ўз муродига етишда, оила ҳаётида қийинчиликларга дуч келади. Шунинг учун оила қуришга тайёрланаётган ёшлар гармоник, яъни ҳам жисмонан, ҳам ақлан камол топиш учун курашмоқлари керак. Руҳий, ижтимоий жиҳатдан камолатга эришган шахс оила ҳаётидаги турли мураккаб руҳий вазиятларда, хилма-хил ижтимоий муносабатларда ўзини бошқара олади; ўткинчи ҳавас, ҳирс, жаҳолат, нафс қурбони бўлмайди.

Индивидуаллик, яъни ҳар бир инсоннинг ўзига хослиги, шахснинг муҳим қирраларидан биридир. Шу ўринда ўқитувчи «Ўзингиз яхши билган одамлардан, масалан, ота-онангизнинг ўзларига хос қандай жиҳатлари борлигини пайқагансиз?» деган саволни ўртага ташлаши мумкин. Ўқувчилар «Менинг отам камгаплиги билан ажралиб туради», «Отам жуда ҳам сержаҳл», «Онам жуда меҳрибон, мулойим» каби жавоблар беришади. Ўқитувчи бу жавобларни умумлаштириб давом этади:

— А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Отабекнинг отаси — Юсуфбек ҳожини эсланг. Унинг шахсидаги ўзига хослик нимада кўринади? Баъзи кимсалар тўрт хотин олишдан қайтмаган ўша даврда ёлғиз хотини — Ўзбек ойим билан покиза, мустаҳкам оила қуриб яшайди, ўғли Отабекни адолатпарвар, ор-номусли, ҳурфикрли йигит қилиб тарбиялайди, Ўзбек ойимнинг инжиқликларини оғирлик билан босади, ҳеч қачон товушини бандлатмайди. Энг оғир пайтларда ҳам ўзини қўлга ола билади, халқни ўйлайди, тинч-осойишталиги ва жонини таҳликага қўйиб бўлса-да, халқ қўзғолонига раҳбарлик қилади — булар Юсуфбек ҳожи шахсининг индивидуаллиги, ўзига хослигидир. Унинг оиладаги ихтилофларни ўзбекона донишмандлик билан бартараф этиши ҳам ибратлидир.

Ўқитувчи ёшларга шахснинг ўзига хос томонларини тушунтирар экан атрофдаги турли одамлар билан улар шахсидаги индивидуалликни ҳисобга олган ҳолда муомала қилишни ўрганиш, оиладаги муносабатлар бузилишининг олдини олиш йўллари билиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Шунини тушуниб етиш керак-

ки, оилада фақат бир хил характерли шахслар йиғилиб қолмайди, уларнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлади. Ана шу ўзига хосликларни ўрганиш, ҳисобга олиш, ўзидаги индивидуалликни танқидий баҳолай билиш оиладаги муносабатларни тартибга солиб туришда, тинч-тотув, бахтли яшашда жуда зарурдир.

Интилиш — шахснинг оила муҳотида, ижтимоий ва шахсий ҳаётда эҳтиёждан келиб чиқиб маълум бир мақсад сари йўналишидир. Эҳтиёж эса уч хил: табиий, ижтимоий, маънавий. Озиқ-овқатга, кийим-кечакка бўлган эҳтиёж — табиий; маълум бир гуруҳда ўз қадр-қиммати, обрўси учун бўлган эҳтиёж — ижтимоий; санъатга, билимга, ижодга эҳтиёж — маънавий эҳтиёждир. Албатта, даврга қараб эҳтиёж ўзгариб туради. Ибтидоий жамоа тузумида ортиқча кийим-кечакка, уй-рўзгор буюмларига катта талаб, эҳтиёж сезилмаган бўлса, бугунги кунда ҳар бир шахс учун, ҳар бир оила учун юзлаб номдаги кийим-кечаклару рўзгор буюмлари зарур. Шунингдек, табиий, ижтимоий, маънавий эҳтиёжлар бир-бирига аралашган ҳолда шахснинг талабига айланади, ана шу талаб-эҳтиёждан шахснинг ҳаракати, фаолияти, яъни мотиви туғилади. Шу асосда шахснинг кизиқиши, эътиқоди, дунёқараши тарқалиб кетиб боради.

«Агар биз одам нима сабабларга эҳтиёж қилган маълум бир ишга тушуниб етмасак, у одамнинг мотиви нима эканлигини тўғри баҳо бери олмаймиз (И. В. Дубровина). Кундалик турмушда, оила ҳаётида кишилар хатти-ҳаракатининг етакчи мотивларини ажрата билиш, холис, танқидий баҳолаш ва уларга шу асосда муомала-муносабатда бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Қобилият шахснинг маълум бир ишни удалай олиши, улгурувчанлиги, моҳирлиги ва уқувини кўрсатади. Истеъдод эса қобилиятга қараганда юксакроқ тушунча бўлиб, «у ишга муҳаббат туйғусидан ривожланади» (М. Горький). Шу ўринда ўқитувчи К. К. Платоновнинг «Қизиқарли психология» («Ўқитувчи», Т.: 1971) китобидан қуйидаги парчани ўқувчилардан бирига ўқитиши мақсадга мувофиқдир.

— Ун олти ёшга тўлган бўлсам ҳам менда ҳеч қанақа талант кўринмади, демак, энди мендан бирон ишга ярайдиган одам чиқмаса керак, — деди Серёжа чуқур хўрсиниб.

Серёжанинг фикри хато эди. Зотан музыка, рассом-чиллик ва адабиёт соҳасидаги чинакам буюк талант эгаларининг истеъдоди кўпинча уларнинг илк болалик чоғиданоқ кўзга ташланади...

Қобилиятларни баҳолашда озмунча хатога йўл қўйилмаган дейсизми?!

Талантли кишилар мактабнинг «ўғай болалари» бўлганига мисоллар ундан ҳам кўп.

Машҳур биолог Линней, физиклардан Франклин билан Пьер Кюри, ихтирочилар Уатт, Морзе ва Эдисон, философлардан Спенсер, Герцен ва Белинский, ёзувчи ва шоирлар Вальтер Скотт, Байрон, Эдгар По, Бернс, Гоголь ва, ҳатто, Ньютон, Дарвин ҳамда Лобачевскийлар мактабда энг қобилиятсиз ўқувчи саналганлар...

Модомики шундай экан, ўн олти ёшда ёки анча катта ёшда ҳам: «Мендан бирон ишга ярайдиган одам чиқмаса керак», деб ўксиниб юришга ҳеч бир асос йўқ. Одам ўзи ҳақида шундай дейиши мумкин: «Мендан ҳанузгача бирон ишга ярайдиган одам чиқмади».

Аммо ҳар ҳолда одам ўз қобилиятини қанчалик эрта пайқаса, ўзига кўпроқ мақбул бўлган иш турини қанчалик эрта танлаб, шу ишга жон-жаҳди билан интилса ва зўр жушқинлик ҳамда муваффақият билан меҳнат қилса, шунчалик яхшидир».

Севимли ёзувчимиз А. Қодирий «Ўтган кунлар» романида: «Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушган бўлсалар ҳам, сажия — характерда таниб бўлмаслик даражада бир-бирларидан фарқли эдилар», — деб ёзади.

Сажия — инсоннинг воқеа-ҳодисага муносабатида, турли вазиятларда ўзини тутишида, феъл-атворида кўринадиган ўзига хосликдир. Сажиянинг табиий асоси — темперамент, яъни алоҳида руҳий жараён ва ҳолатнинг тезлик даражаси, шиддати, давом этиш муқомидир. Темперамент асосан тўрт хил бўлади.

Холерик — алоҳида руҳий жараён ва ҳолатнинг тезлик даражаси, шиддати жуда юқори, хатти-ҳаракатлари тезкор. Ўзбек халқи бундай темперамент эгаларини «ичида ёғ қайнайди» деб атаydi. Холерик типдаги одам яхши тарбияланмаса, ўзини ўзи тарбияламаса, оғир руҳий-ҳаётий вазиятларда ҳиссиётини бошқара олмай қолиши мумкин. Яхши тарбия топса, кучли характер эгаси бўлиб етишади, бошқалар узоқ муддатда

қиладиган ишларни ақл бовар қилмайдиган тарзда тез уудалайди. Доҳиймиз Ленин, Ҳ. Олимжон, У. Носир бундай типга мисол бўла оладилар.

С а н г в и н и к — маълум бир руҳий жараён ва ҳолатининг тезлик даражаси, шиддати юқори, давом этиш муқоми паст, ҳаракатлари, юз мимикасидаги ўзгаришлари, нутқи тез. Бундай типга кирадиган одамлар яхши тарбияланмаса, ўз устида ишламаса, иродасини чиниқтирмаса, юзаки пала-партиш, қийин ҳаётий вазиятлардан нолийдиган, ланж бўлиб қолади.

— М е л а н х о л и к — руҳий жараёни ва ҳолатининг тезлик даражаси, шиддати паст, ҳаракати ва нутқи суст, қийин руҳий ҳаётий вазиятда тебса-тебранмас, очилиб гапирмайди. Яхши тарбия олмаса, ижтимоий фаол бўлмаган, одамга қўшилмайдиган кишига айланади. Лекин унинг ҳиссиёти чуқур, узоқ давом этувчи муқомда, ичидаги гап, ҳиссиёт юзига кам тепади.

Флегматик — руҳий жараёни ва ҳолатининг тезлик даражаси ва шиддати жуда суст, юз мимикаси тез ўзгармайди, таъсирчан эмас, туйғулари суст, кайфияти тез ўзгармайди, бир хил ҳиссиётнинг давом этиш муқоми узоқ. Ёмон ҳаётий вазиятларда эринчоқ, ҳис-ҳаяжони ўлган, ташаббуссиз, зерикарли бир хилликка ўрганиб қолади. Ғ. Ғуломнинг «Тирик мурда» асаридаги Мамажоннинг дастлабки даврдаги ҳаёт тарзи шу типга ёрқин мисол бўла олади.

Бу типлар ҳақида яхши билиб олиш ёшлар учун ўзини ўзи тарбиялашда, турмуш қуришга тайёргарликда, келажакда бола тарбиялашда, ўз шахсий фазилатларини бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шуни унутмаслик керакки, бу типлар ҳаётда «мана мен!» деб ажралиб турмайди.

Ўзбек халқи йигит ва қизларнинг оғир, вазмин бўлиши, ҳар қандай масалаларга босиқлик билан ёндашиб, ақл-заковат билан иш тутишини, оиладаги жанжалларни ҳам шу йўсинда бартараф этишларини жуда қадрлайди. Шунинг учун ота-оналар ўз фарзандларига «енгил бўлма, оғир, вазмин бўлгин» деб кўп уқтирадилар.

Шахс ҳақида гап кетганда, унинг камолотга етишида оила муҳити катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлаш керак. Умуман, шахс, характер ва бошқа тушунчалар ҳақида фикр юритганда, бу масалаларнинг оила билан боғлиқ томонларига тўхталишни ёддан чиқар-

маслик керак, акс ҳолда, курс мақсадидан четланиш рўй беради.

Утган дарсда уйга вазифа сифатида берилган анкета жавобларини умумлаштирган ҳолда характернинг олижаноблик, эзгу ниятлилик, коллективга меҳрибонлик, худоинлик, зийраклик, қўполлик, меҳнатсеварлик, дангасалик, интизомлилик, масъулиятсизлик, исрофгарлик, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, консерватизм, камтарлик, манманлик, ўзига талабчанлик, ўз қадрини билиш каби сифатлари, яъни «характернинг йўналишини белгилайдиган қирралар» (И. В. Дубровина), шуниндек, характернинг мақсадга интилиш, ўзини тута билиш, бағартиблик, мардлик, дадиллик каби иродавий сифатлари очиб берилиши керак. Мақсадга интилишнинг, мардлик ва дадилликнинг акси бўлган салбий хусусиятлар ҳам таҳлил этилиши лозим.

Шундан кейин ўқитувчи «Ўзимни ўзим яхши биламанми?» мавзуида иншо ёзиб келишни уйга вазифа қилиб беради.

Шахснинг мустақил билим олиши ва ўзини ўзи тарбиялаши

Мавзунинг мақсади—шахснинг гармоник ривожланишида мустақил билим олиш ва ўзини ўзи тарбиялашнинг аҳамияти, тарбия кўрган киши ва ўзини ўзи тарбиялаш имкониятлари ҳақида маълумот бериш, ўзини ўзи тарбиялаш, ўз фаолиятини танқидий баҳолаш, талабчанлик даражаси каби асосий тушунчаларни шакллантириш.

Ўқитувчи дарсни «Ўзимни ўзим яхши биламанми?» мавзуидаги иншонинг муҳокамаси билан бошлайди. Табиийки, иншо турли савияда ёзилган, ундан ўқувчиларнинг ўзини англаши мушкул эканлиги сезилиб туради. Ўқитувчи иншо ҳақидаги фикрini қисқагина ифодалаб, ўқувчиларга кишининг ўзини тушуниб етиши қийинлигини айтади.

«Ўз характерингиздан, қобилиятингизнинг ривожланиш даражасидан қаноатланасизми?» деган савол ўртага ташланади. Жавобларни умумлаштириб, одам ўзининг ахлоқ-одоби яхши эмаслигига, маданияти пастлигига, қобилияти ривожланмаганига ўқитувчи, ота-она ёки бошқа киши сабаб деб нолиб юрмаслиги, балки ўзини ўзи тарбиялаш орқали жисмоний, руҳий камолотга эришиши зарурлигини ўқитиш лозим.

Уқитувчи: энди бир зум фикрланг. Бир-бирига айнан ўхшаш синфдошларингиз йўқ. Агар сиз билан эгизаклар ўқимаётган бўлса, ҳамма синфдошларингиз ўзига хос тузилишга, қад-қоматга эга. Булар одамнинг ташқи қиёфасидаги фарқлар. Энди уларнинг феъл-атворидаги тафовутлар ҳақида ўйланг. Бири мақтанчоқ, отасининг катта амалда ишлашидан, унга қимматбаҳо кийимлар олиб беришидан ғурурланиб юради. Келажаги таъминлаб қўйилганини писанда қилгандек дарсларга ҳам яхши тайёрланмайди, мактабга ўқувчи формасида эмас, жинси ва бошқаларда йўқ кийимларни кийиб келади.

Иккинчиси — камтар, дарсларга яхши тайёрланиб келади, олифтагарчилик, мақтанчоқлик унга ёт, дўстларини ҳурмат қилади, зарур пайтда ёрдам беради, ёлғон сўзламайди.

Учинчиси — зеҳни ўткир, қобилияти кучли, лекин негадир, дангаса; агар истаса, ҳамма фандан аъло ўқиши мумкин, лекин ўрта баҳолари ҳам бор; жамоат ишларини унча хушламайди. Ўртоқларингиз орасидаги бундай фарқни сиз яхши биласиз, жуда қийналмасдан ҳар бирига ҳам характеристика бериб чиқишингиз мумкин. Ахир, тўққиз йил бирга ўқигансиз. Дўстларингиз билан бирга қанча воқеаларни кўргансиз, бу воқеалар рўй бераётганида дўстларингиз ўзларини қандай тутганини, ўзлигини кўрсатганини эслаб қолгансиз.

Ота-онангиз, қариндош-уруғларингиз, ўқитувчиларингиз, ўзингиз билан бошқа одамлар ҳақида ўйлаб кўринг-а! Қаранг, улар ҳам ғоятда хилма-хил. Киноларда кўрган, китобларда ўқиган қаҳрамонларингиз-чи! Булар ҳам бир-биридан фарқ қилади!

Хўш, энди ўзингиз ҳақингизда ўйланг-чи! Қизиқ, бошқаларни ундай-бундай деб таърифлаш осону, ўзингизнинг яхши-ёмон томонларингизни фарқлаш қийин, а! Бу ўз қилмишларингиз яхши ёки ёмон бўлишидан қатъи назар, доимо мен тўғри қилаяпман, деб ўйлаб юрганнингизнинг оқибати эмасмикан?! Кўзгуга қарасангиз, ташқи қиёфангизни аниқ кўрасиз ва у ҳақда тасаввурга эга бўласиз. Аммо, ички қиёфангиз — маънавий қиёфангиз тўғрисида кўзгуга қараб кўргандек, дарҳол бир фикрга кела олмайсиз. Сиз маънавий, руҳий, ахлоқий қиёфангизни ҳам кўзгуда кўргандек аниқ билиб олинг. Яхши-ёмон томонларингизни ажратинг, яхши хислатларингизни ривожлантириш, ёмон одатларингизни йўқо-

тиш пайида бўлинг. Шундан бошлаб сиз шахсга айлана бошлаган ҳисобланасиз.

Одам ўзини ўзи тарбиялаш учун ўзига бошқалар кўзи билан қараши, ўзини коллектив, жамоатчилик талабидан келиб чиқиб баҳолай олиши лозим.

Сиз нимага интилаяпсиз? Мактабни аъло ва яхши баҳолар билан битириш, олий ўқув юртига кириб ўқиш ёки ўзингиз севгаң бир касбнинг моҳир устаси бўлиб, атрофдаги одамларнинг эътиборига, ҳурматига сазовор мавқени эгаллаш учун эмасми? Бу интилиш бахт йўлидир. Шунингдек, сиз гўзал, хушмуомала, билимли, маданиятли умр йўлдоши излайсиз, у билан дўстлашасиз, уни севасиз ва оила қурасиз, фарзандлар кўрасиз ва уларни тарбиялайсиз.

Ўзини ўзи тарбиялаш — инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотга етиш учун курашидир. Ўзини англаш эса жамият аъзоси сифатида ўзининг кучи, ўй-хаёли, ҳиссиёти, ишлари орқали атроф-муҳит ва одамлар билан қандай муносабатда эканини тушуниб етишдир. Шу ўрицда ўқитувчи ўқувчилар эътиборига қуйидаги психологик ўйинни тавсия этиши мумкин.

Ўзингизни синаб кўринг

Бу синов ўйиннинг қондаси шундай: келтирилган жавоблардан бирини танлаб, шу жавоб учун белгиланган очколарни ёзиб борасиз ва охирида уларни жамлаб, йиққан очколарингизни хулосадаги жавобларга солиштирасиз. Жавобларни холисона танлаган бўлсангиз, сизда ўз савиянгиз ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил бўлади.

1. Наврўзни қаерда байрам қилишни ёқтирасиз:
 - а) уйда —2;
 - б) тоққа ёки қир-адирларга чиқиб —2;
 - в) ресторанда —3;
2. Наврўз кунни кечқурун қайси даврада ўтиришни истайсиз:
 - а) оиламиз ва яқин қариндош-уруғларимиз билан —3;
 - б) яхши таниш бўлмаса-да, ўйин-кулгу қизиган давраларда —5;
3. Байрам дастурхони қандай бўлишини истайсиз;

- а) дастурхонда «одам жоидан булак» ҳамма ноз-неъмат бўлишини — 4;
- б) ноз-неъматлар расамади билан бўлишини — 2;
- в) байрамлигига қарамай дастурхон оддийгина, лекин ўтирганларнинг таъбига ёқадиган бўлишини — 1.

4. Наврўзга бағишланган телевидение кўрсатувларини кузатасизми:

- а) бошидан охиригача — 1;
- б) фақат қизиқларини — 2;
- в) умуман кўрмайман — 1;

5. Байрам билан кимларни табриклайсиз:

- а) ҳамма таниш-билишларни — 3;
- б) фақат яқин кишиларни — 2;
- в) ҳеч кимни — 1.

6. Байрам совғалари берасизми:

- а) йўқ — 1;
- б) одатга кўра ҳамма яқинларга — 3;
- в) фақат ўз оила аъзоларимга — 2.

Хулоса: 10 тагача очко йиққанлар! Сиз камтар, уятчансиз. Катта, сершовқин давраларни хушламайсиз, ишбилармонсиз. Сиз учун дўстларингизнинг кичкина гурӯҳи маъқул. Пишиқ, эҳтиёткорсиз, ортиқча харажатларга тобингиз йўқ.

11 дан 19 тагача очко йиққанлар. Сизнинг характерингиз ўртачалик устун, ҳар қандай шароитда ҳам ўз чегарангиздан четга чиқмасликка ҳаракат қиласиз. Камсуқум, қаноатли, яхши ҳамсуҳбатсиз, хурсандчилик қилишни биласиз. Лекин ҳаммасини ақл-идрок, тоштарози билан қиласиз.

20 та очко йиққанлар. Сиз ҳар қандай даврага ҳам қўшилиб кетаверасиз. Зеҳнингиз ўткир, одамлар билан осон келишиб кетасиз, ўйин-кулгуни яхши кўрасиз. Сиз ҳисоб-китобсиз яшаб, пулни ақл билан сарфламайсиз. Сиз самимий, олижаноб давра гулисиз. Сизнинг характерингиз атрофдагилар учун жуда яхши, маъқул, аммо ўзингиз учун эмас.

Ўзини ўзи англашда ўзини танқидий баҳолай олиш катта аҳамиятга эга. Бу иш шахснинг у ёки бу жиҳатини ривожлантиришга хизмат қилиши (адекват), салбий таъсир кўрсатиши (ноадекват) мумкин (И. В. Дубровина).

Ўзини баҳолаш талабчанлик асосида қатъий ёки қа-

тъягтсиз бўлади. Инсон ўзига нисбатан талабчан бўлса, атрофдагилардан ҳам қатъият, талабчанликни кутади. Мақсадига эришиш йўлида ўзига талабчан бўлиш муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, шахснинг ривожланишида ўз қадрини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шахснинг ҳар томонлама ривожланишида мустақил билим олиш жуда зарур. Кимки мустақил билим олишдаги қийинчиликларни енгиб ўта олмас экан, у ўз мақсадига эришишда қийналади ёки умуман эриша олмайди. Шу ўринда ўқитувчи Шарқнинг буюк мутафаккири, аллома Абу Али ибн Сино ҳаётидан бир ривоятни келтиради.

«Абу Али ибн Сино фалсафа денгизига шўнғиб, ниҳоят, Арастунинг (Шарқда Аристотелни шундай аташган) «Метафизика» асарини мутолаа қилишга тушади, лекин ҳеч нарсани тушуна олмайди. Қайтадан ўқийди, яна тушунамайди. Асарни қирқ бор ўқийди, бўлмайди, тушунолмаганидан жуда хафа бўлиб кетади. Кейин китобни токчага қўйиб, ундан умидини узади.

Абу Али бир кун Бухородаги китоб растасидан ўтиб қолади. Китоб ишқибози бўлган Абу Алини кўрган даллол дарров уни ёнига чақириб бир китобни кўрсатади. Абу Али китобнинг нима мавзуда эканини билгач, бош чайқаб:

— Бу китобни тушуниб бўлмас экан, қирқ марта ўқидим, тушунолмадим,— дейди.

— Эй сен-ей,— дейди даллол,— қизиқ одам экансан-ку, бу жуда яхши китоб, бунини сотиб ол, эгаси ҳам сенга ўхшаб китоб жинниси, заруратдан, пулга муҳтож бўлганидан, сотаяпти, уч дирҳам бўлсаям майли деди, бунини олгин, хурсанд бўласан, менга раҳмат дейсан, бундай китобни шу маҳалгача мен ҳам кўрмагандим.

Абу Али даллол олдида ноқулай аҳволда қолади ва китобни уч дирҳам бериб олади. Бозордан чиқиши билан китобни варақлай бошлайди, шу билан у уйига келганини ҳам сезмай қолади. Уйга кела солиб яна бошқатдан ўқишга тушиб кетади, қараса, бу Арастунинг ўша қирқ бор ўқиб тушунолмаган «Метафизика» китобига ёзилган шарҳлар бўлиб, уларни файласуф Абу Наср Форобий ёзган экан.

Абу Али китобфуруш айтгандай хурсанд бўлиб кетади. Арасту китобини кўп ўқиб, дилида ёд бўлиб қолгани учун шарҳларини ўқиши билан уни тушунади, ўзида йўқ хурсанд бўлади. Бозорга бориб ўша китобфурушни

топади, унга миннатдорчилигини билдиради ва эгасига элтиб беринг деб анча пул беради.¹

Илм олиш йўлида бениҳоя тиришқоқлик билан ишлаган Абу Али ибн Сино тиббиёт борасида шундай ютуқларга эришдики, унинг илмий-тиббий асарлари неча асрлардан бери жаҳон медицинасига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Кўрдингизми, унинг ишлари фақат тириклигида эмас, балки ўлганидан кейин ҳам инсониятга ёрдам бераяпти. Шунинг учун олимнинг номи жаҳоннинг энг буюк шахслари қаторида тилга олинади, эъвозланади.

«Тарбия кўрган киши», «тарбия кўрган бола», «тарбия топган, ифбатли қиз» деган гапларни тез-тез эшитамиз. Энди ўқитувчи ўқувчилар диққатини шу масалаларга қаратади.

— Келинг, бу ҳақдаги суҳбатни жамоат жойларида ўзини тута билишдан бошлайлик. Чунки, одамнинг қай даражада тарбиялангани кўпчилик орасида яққол кўринади. Мана, бу икки вазиятга эътибор беринг.

I вазият

Саккизинчи синф ўқувчилари — Карим ва Тоҳир автобусга чиқишди. Буш жой турганини кўриб иккаласи бир-бирини туртиб, шошилиб ўтириб олишди-да, овозлари борича гаплаша кетишди. Атрофдаги одамлар уларга қараётгани билан ҳам ишлари бўлмади. Автобусдан тушишда ҳам бошқаларни итариб-суриб юборишди. Билетни дуч келган тарафга отиб, чўнтақларидан писта олиб чақа бошлашди, пўчоғини атрофга туфлашди. Яна уларга одамлар қараб қўйишди. Карим билан Тоҳир одамлар нега қараб қўйишди, деб ҳам ўйлашмади. Одамлар уларга нега қараб қўйишган эди?

II вазият

Тўққизинчи синф ўқувчилари Карим ва Тоҳир автобусга чиқишди. Буш жой турганини кўриб, атрофга қарашди: ўрта яшар бир киши турган экан: «Ака, ўтиринг!» дейишди. Киши: «Раҳмат, йигитлар, мен ҳозир тушаман!» деди. Сўнг Карим билан Тоҳир аста ўша жойга ўтиришди. Бекатга тушиб, Карим атрофга қаради, қўлидаги билетни секин бориб ахлат яшигига таш-

¹ Абу Али ибн Сино ҳақида ҳикоят, ривоятлар, Т.: «Ўқитувчи», 1981. 22-бет.

лади. Тоҳир тоза жойга тушиб ётган қоғозни кўриб уни олди, ахлат яшигига ташлади. Сўнг икки дўст қўлтиқлашиб йўлда давом этишди. Атрофдагилар уларга ҳавас билан қараб қолишди. Нега? Саккизинчи синфдаги қилиқларини Карим ва Тоҳир нега ташлашди?

Ҳар икки вазиятни муҳокама қилиб, ўқитувчи тарбия топганлик энг аввало жамоат жойларида ўзини тута билишда кўринишини яна бир бор уқтиради. Тарбия кўрган ҳар бир кишининг қалбида ички кураш яшайди, яъни ўзининг яхши-ёмон томонларини ошкора қилмасдан, курашиб, ёмонликларни ичида ўлдиради, яхшиликни, эзгуликни, ривож топтиради. Шунда шахс мулоҳазакор, тadbирли, одил киши бўлиб етишади. Кимки, «шунга ҳам бош қотириб ўтираманми», деса оилада, мактабда, кўпчилик орасида ноқулай ҳолга тушиб қолиб қийналади, мулзам бўлади. Шунинг учун одам ўзини тарбиялашда ўз қилиқларини танқидий баҳолаши, ўзининг бу борадаги малакасини оширишга ҳаракат қилиши зарур. Бунда, масалан, режимга риоя қилишни, хушмуомалаликни, равон сўзлашни ўрганиш, ўз олдига муайян мақсадни қўйиб, унга эришиш учун астойдил интилиш, ўзи ва ўзгалар ҳақида фикрларини кундаликка ёзиб бориш, ўзининг хатти-ҳаракатларини таҳлил ва назорат қилишга одатланиш, оила аъзолари билан яхши муомала-муносабатда бўлиш ва ҳоказолар оила қуришга тайёргарлик жараёнида муҳим аҳамиятга моликдир.

Уйга вазифа I. Қайковуснинг «Қобуснома» асаридан қуйидаги парчани тушуниб ўқиш ва унинг мазмуни ҳақида ўйлаш. Энг зарур деб топилган фикрларни ёзиб олиш.

«Фазилат ва донишмандлик билан қадр-қиммати ва мартабаси ўзгалардан юқори бўлганини билиб, илм ва ҳунарга яна кўпроқ ҳаракат қилган одам ақлли ҳисобланади. Бундай одамнинг илм ва маърифати яна кучли бўлади, бундай киши халқ орасида қадр-қимматга, улуғ обрўга тезда эга бўлади, шуни била туриб фазл ва ҳунардан қўл силтаса, бу ақлсизлик нишонасидир.

Билимни ўрганмоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир. Чунки дангасалик, ишەқмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Агар меҳнат билан баданни ўзингга бўйсундирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан, чунки бадан ҳаракатсизликни, роҳатни дўст

тутгани сабабли, ўз ихтиёри билан сенга бўйсунмайди, шунинг учун ҳам бадан ўз-ўзидан ҳаракат қилмайди, у ҳаракатни фармон билан қилади ва сен буюрмагунча, баданнинг ҳеч ишга рағбати бўлмайди.

Бас, эй фарзанд, баданни ўзингга бўйсундир ва уни қаҳр билан итоат қилишга буюр. Ҳар бир киши ўз баданини ўзига бўйсундира олса, ўзгаларнинг баданини ҳам ўзига қарата олади. Ҳар киши ўз баданини ўзига бўйсундирса, илм-маърифат ва ҳунар ўрганиш билан икки жаҳоннинг бахт-саодатини топади. Барча билим ва ҳунарнинг асоси одоб, камтарлик, ҳаё, поклик, парҳез қилиш, беозорлик, сабрдир, ҳаё имонга тегишлидир, дебдурлар ва лекин кўп ўринда шарм кишига зарар келтиради. Шундай шарм-ҳаёли бўлмагилки, бу уятчанлик ўз ишингда хатога сабабчи бўлур ва бошланган ишга зарар келтирур. Ярамас ишлардан, ёлғондан, қаноатсизликдан уял, тўғри сўз манфаатли ишдан шарм қилмагил, чунки шундай кишилар бўладики, улар шарм қилиб ўзларининг ҳамма мақсадларидан айриладилар».

II. Ўзингиз яхши деб билган фазилатларингизни ёзинг. Ўртоқларингиздан бирига холисона, шахсиятига тегмасдан характеристика ёзинг.

III. Сиз ўз шахсингизнинг камол топаётгани учун кимлардан, қайси болалар муассасаларидан, жамоатчиликдан миннатдорсиз? Бу саволга жавобингизни кундалигингизга белгилаб қўйинг.

Шахсинг оила муҳити, коллектив ва жамиятда шаклланиши

Мавзунинг мақсади ва вазифаси шахсинг шаклланишида оила муҳити, коллектив ва жамиятнинг таъсирини ифодалаш, коллектив, коллективизм, шахсинг жамиятга алоқадорлиги тушунчаларини шакллантиришдир.

Ўқитувчи уйга берилган икки топшириқ ҳақида гаплашиб бўлгач, учинчи саволга жавоб беришни бир-икки ўқувчидан сўрайди. Ўқувчилар аввало ота-оналаридан ёки опа-акасидан, кейин эса тарбиячилари, ўқитувчилари, маҳалла-кўйдан миннатдор эканлигини айтадилар, ўқитувчи хулоса қилади:

— Жавобингиздан маълум бўлдики, шахсинг камол топиши аввало оила муҳитига боғлиқдир. Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг қуйидаги шеърий парчасига эътибор беринг.

*Улча эрур тифлга шойиста иш,
Билки кичикликда эрур парвариш,
Қатрага чун тарбият этди садаф,
Эл бошига чиққуча топди шараф.*

Тифл, яъни болани кичиклигида парваришлаш, яъни тарбиялаш керак, садаф қаторига кирган қатра, яъни дур одамларнинг бошида туриш шарафига муяссар бўлди. Худди шунингдек, ота-она гўё садаф, болалар эса уларнинг бағридаги қатралар — дурлардир.

Оиладаги шароит, озиқ-овқат ва жиҳозлар таъминоти, ўзаро муносабатлар: эр-хотин, бобо-буви, қайнона-қайнота, ака-ука, опа-сингил, тоға-амаки ҳамда бошқа қариңдошларнинг бир-бирига муомаласи оила аъзоларининг биргаликда ишлаши, дам олиши, адабиёт, санъат, илм-фан ва спорт билан шуғулланиши, даромад, руҳий-маънавий ҳолатлар, қўни-қўшничилик алоқалари, маҳалладаги тўй-маъракаларга қатнашиш ва ҳоказолар оила муҳитини ташкил этади.

Оила муҳити ахлоқ-одоб, маданият қоидалари асосида ташкил топса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, бунда оиладаги болалар тўғри камол топади. Мисол тариқасида Ульяновлар оиласидаги муҳитни, унда ака-укаларнинг бир-бирига ўқиш-ёзишни ўргатгани, ақлни ривожлантирувчи шахмат ва бошқа ўйинларни доимий ўйнагани, ота-она эса болаларининг машғулотларига раҳбарлик қилишгани, уларга яхши шароит яратиб беришгани, Володя акаси Александр ва опаси билан китоблар, ижтимоий ҳаёт хусусида қизгин баҳслар қилганини гапириш, шунингдек, маҳалладаги, қишлоқдаги ибратли оилалардан мисоллар келтириш мақсадга мувофиқдир.

Оила муҳитининг аҳамияти шундаки, боладаги табиий истеъдоднинг қирралари дастлаб шу ерда кўзга ташланади. «Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди: ёғочга ўт қўйилмаса, ёнмайди» («Қалила ва Димна»дан). Бинобарин, бола истеъдодининг ёниши оиладан бошланса, шунча яхши. Ота-она ўз боласини кузатиб бориб (гўдаклигиданоқ) бошқа болалардан фарқини, нимага қобилу, нимага қобилмаслигини аниқласа, уни қобилияти кучли бўлган томонга туртки берса, ривожлантирса, шахсининг истеъдоди шунча ёрқин ва тез кўзга ташланади. Мурғак онгли гўдакнинг ҳимояга, ёрдамга, ривожлантириш-

га муҳтож қизиқиши, интилишини биринчи бўлиб ота-она сезмаса, ким сезади?! Кўзларини мўлтиратиб турган гўдак, фақат сизга нон учун жовдираб қараётгани йўқ-ку! Уни тушунинг, ҳис қилинг, унга йўл очинг! Қобилияти, истеъдоди болалигиданоқ ота-онаси ёхуд бошқа бир мураббий ёрдамида ривож топган кишилардан буюк даҳолар етишиб чиққан. Боланинг юрагини тушунмай, ҳадеб арзир-арзимас рўзгор, тирикчилик ишларига қайраб солавериш ҳам тўғри эмас. Бола мусиқа, расм, адабиёт, фанга ёки бошқа ҳунарга қизиқаяптими? Ота-она бу ҳақда ўйлаб кўриши, гўдакка мадад бериши керак. Тўғри, бу осон эмас, жуда тадбиркор, заҳматкаш бўлишни талаб этади.

Оила муҳитидаги ота-она ва болаларнинг муносабати тўхталиб, қуйидаги ривоятни келтириш мумкин.

Ривоят. Бир йўловчи қишлоқ оралаб кетар экан, бир хонадон олдида турган кекса кишига ёшгина йигитнинг қаттиқ-қаттиқ гапираётгани, қарияни беибо сўзлар билан ҳақорат қилаётгани устидан чиқиб қолди. Кекса кўзига ёш олиб, бағри хун бўлганича уй олдидаги кунда устида ўтирарди. Ёш йигит бегона кишини кўриши билан уйга кириб кетди, шунда йўловчи кекса ёнига борди, салом бериб уни юпатмоқчи бўлди.

— Эй отахон, бу йигит кимки, сизни шундай ҳақорат қиляпти?

— Уғлим,— деб жавоб берди кекса кўз ёшини артганча.

— Во ажаб!— ҳайрон қолди йўловчи.

— Эй йўловчи, ажабланма, мен ҳам ёшлигимда ўзимнинг қўпол муомалам билан отамнинг қалбига кўп озор берган эдим. Қарангки, отамга ўтказган ситамим, ўғлимдан ўзимга қайтди!— деди.

— Во дариғ, қайтар дунё экан-да!— деб йўловчи йўлида давом этди.

Бу ривоят муҳокама қилиниб, «ўз ота-онанга қандай ҳурмат-эътибор ёки беписандлик кўрсатсанг, келажакда фарзандларингдан сенга ҳам шундай ҳурмат-эътибор ёки беписандлик қайтади», деган хулоса чиқарилади.

Коллективизм руҳининг болага сингиши ҳам оиладан бошланади. Ахир, бола биргаликда овқатланиш, биргаликда ишлаш, биргаликда дам олиш, биргаликда тўй-маъракаларда иштирок этиш жараёнида коллективчиликка ўрганиб боради. Уқитувчи ўқувчилар диққати-

ни «Ҳотамнома»дан (Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988) олинган қуйидаги парчага қаратади.

«Ҳотам туғулгон кун и олти минг ўғул Ямандин ва атрофдин таваллуд қилди. Ул болаларни ҳозир қилиб, олти минг энагага болаларни боқмоққа буюрди. Тўрт энага — хуш ва шод ва ёшни илғаб (ажратиб), Ҳотамни парвариш қилиб, сут бермакка тайин қилди. Ҳотам сут эмгали унамади. Тайға хабар бердики:

— Ҳотам сут эммайдур?

Аҳли нужумларни ҳозир қилиб сўрадики:

— Бола нима учун сут эммайдур?

Аҳли нужумлар айттики:

— Бу ўғул саҳоват бирла оламда оти пур (машҳур) бўладур.

Тоинки ҳамма тифллар ва энагалар бир ерга жам бўлуб, ҳамма болаларга сут бердилар. Ҳотам ҳам сут эмди».

Бу парча Ҳотамнинг фақат саҳоватпеша эканлигини кўрсатмайди, унинг худбинлик қобиғига сиғмайдиган феъл-атворини ҳам билдиради. Зотан оила аъзоларининг барчаси дастурхон атрофида жам бўлиб овқатланишида ҳам ҳикмат бор. Коллективизмнинг дастлабки уруғлари ана шундай иноқ давраларда унади.

Ўзбек халқи қадимдан коллективизм анъаналарини маҳкам тутган. Қўшнинг бошига оғир кун тушса, атрофдаги одамлар дарҳол етиб келишади, ҳар қандай ишини ташлаб қўшнига ёрдам берадилар. Бу эса оиланинг қаддини тиклаб олишида муҳимдир. Қуйидаги ҳикоя ўқиб берилади.

«Якшанба кун и том сувоқ ҳашари бўлди.

— Нормат полвон ҳашарга айтибди, нуқул эртага сув музлайди-ёв девдим, ҳайрият, эрталаб турсам кун иссиқ экан,— деб дадамга ҳазиллашди ҳаммадан илгари етиб келган Файзи бобо. Олдинма-кетин Эргаш бобо, Рашид ака, Мусулмонқул ва Саид акалар, улардан сал кейин Босим ака кириб келди. Энг охири Мўмин амаки чиқди. Ҳамма йиғилгунча уста Файзи бобо дадам билан қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб олди, лойни бориб кўрди; керакли нарсаларни тез тайёрлашни дадамга буюрди. Ҳашарчилар супага ўтириб, ловия ва атиргул гулбарги солиб пиширилган сут чойни мақтаб-мақтаб ичишди. Уринларидан қўзғалмоқчи бўлган ҳашарчиларга:

— Утирибсизлар-да, аввал чой ичиб олинглар,—деб манзират қилган эди, Файзи бобо дадамни қаттиқ койиб берди:

— Полвон, сиз одамларнинг баданини совутманг! Улар ошга эмас, ишга келганлар! Қани, турдик бўлма-са! Омин!..

Фотиҳа ўқилиб, ҳамма ўрнидан турди. Файзи бобо бир зумда одамларга иш тақсимлади. Эргаш бобо уста катта уйга дераза ўрнатгудча томга чиқиб андава тортиб турадиган бўлди. Соли ака ҳам томга лой ташишга тайинланди. Қўшнимиз Мўмин амаки кекса бўлгани учун енгилроқ ишга қўйилди; у пақирларни лойдан тозалаб, тагига оз-оз сув солиб туриши керак эди. Устанинг гапи билан Мусулмонқул ака лойхонага тушди, чунки фақат угина уста бобонинг кўнглидагидек лой қила оларди. Полвонкелбатли Саид ака уста айтиб ўтирмасданоқ лойни тортиб олиш учун томга чиқа бошлади. У бу вазифани барибир ўзига қолишини яхши биларди. Ахир, у ҳақда одамлар: «Мачитнинг томига ҳам бир силтов билан лой чиқарган!— деб гапириб юришарди-да! Лойни пақирларга солиб айвоннинг олдига олиб бориш дадам билан Рашид аканинг зиммасига тушди. Уста бобо мени ҳам ишсиз қолдирмади, пақирларни илгакка илиб юборадиган «лавозим»га тайинландим.

Уста бобо: «Мени нима ишга тайинлайсиз?»—деб кўзларини жалтанглатиб турган Босим акага қараб:

— Босимбой, сиз томга чиқинг! Сизга паст хавфли! — деди.

Бу гапни эшитиб ҳамма кулиб юборди. Чунки уста бобонинг гапи тагида гап бор эди. Босим ака кимникига ҳашарга бормасин, бир-икки соат ишламасидан қизи ёки ўғли бориб, уйга меҳмон келгани ё бошқа бир сабабни айтиб чақириб кетаркан: аслида Босим ака ҳашарга кетиш олдидан болаларига шундай деб тайинлаб келаркан, ўзи ишёқмас эмасми, шу баҳонада анча вақт йўқолиб кетиб, дам олиб яна ҳашарга қайтарди. Дастлаб одамлар буни билсалар ҳам билмасликка олишибди, бу одатини ташлайвермаганидан сўнг бир-икки марта юзига ҳам айтишибди, лекин Босим акада ўзгариш бўлмапти. Бир куни Босим ака ҳам ҳашар қилибди. Одамлар энди иш бошлашган ҳам экан, Соли аканинг ўғли келиб: «Уйга меҳмон келди!»—деб отасини эргаштириб кетибди. Яна бир оздан сўнг бошқасининг қизи

келибди; шундай қилиб, бирининг қизи, бирининг ўгли келиб турли баҳоналарни айтиб, оталарини чақириб кетаверибди, охири ҳечким қолмабди...

Соли аканинг қувноқ товуши эшитилди:

— Ҳой, Босим ака! Ўғлингиз келаяпти, уйга меҳмон келди-ёв!

Ҳашарчиларнинг қаҳ-қаҳ отиб кулишларидан атроф жаранглаб кетди. Бу қаҳқаҳага Босим аканинг ўзи ҳам қўшилиб, завқи ошганидан тиззаларига уриб куларди. Мен баъзан арзимаган нарса учун бир-бирлари билан хириллашиб қоладиган бу қишлоқ одамларининг ҳашар пайтида ака-укадек бўлиб ҳазил-мутоиба гаплар айтишиб, жон-дилдан берилиб ишлашларига қойил қолиб турардим. Мана, уста бобо бирпасда иккита деразани ўрнатиб бўлиб, томга чиқди. Ҳашарчилар: «Тезроқ қимирланглар, уста бобо томга чиқдилар»,— деб бир-бирларини шошилтира бошладилар. Дарҳақиқат, уста бобо қўлига андавани олиб энгларини шимарди. Рашид ака Мусулмонқул аканинг пақирга солган лойини кўтариб кетаркан, секингина:

— Уста энгини шимараяпти, ўлдим деявер, Мусулмонқул!— деди.

— Парво қилма Рашид, чарчаб қолсанг, лойни кетмон билан шу ердан отиб томга чиқариб юбораверман,— деди Мусулмонқул ака пақирларни лойга тўлдирар экан.

Уста бобо эса том сувашни бошлаш олдидан дадамга деди:

— Полвон, келинга айтасиз-да, тушликка ўша зўр шўрвадан бўлсин.

— Хўп бўлади, уста бобо,— деди дадам.

Аям тайёрлайдиган шўрва қишлоққа машҳур эди. У шўрвага, ошқовоқ, лавлаги, картошка, нўхат солиб, шундай бошлаб пиширардики, уларнинг ҳеч қайсиси эзилиб кетмас, худди жойида туриб пишгандек бўлиб, шўрва сувининг таъми эса ичган одамнинг оғзидан бир умр кетмасди. Уста бобо ана шунақа шўрва ҳақида гапирётганди. Унинг гапи бу шўрванинг мазасини тез-тез татиб турадиган Мўмин маслаҳатга ҳам жуда ёқиб тушди.

— Ичимсиз-да, уста, ичимсиз!— деб қўйди у.

— Мулла Мўмин, хотиржам бўлинг, сиз шўрвага лойиқ иш қилаётганингиз йўқ,— деди уста бобо.

— Ҳой, уста, кўраяпсизми, мен бу ерда қандай ўлиб-

тирилаяпман!— У шундай деб ўзини кўрсатмоқчи бўлди, ўрнидан туриб, жилпанглаб пақирларга сув қуюётган эди, ўзи сув тўкавериб, сирғанчиқ қилиб юборган лойхонанинг четидан сирпаниб кетди; мувозанатини сақлаш учун қаддини тиклашга ҳаракат қилди-ю, ўзини ўнглаб ололмай бор бўйича шалонлаб лойхонага қулаб тушди. Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Мўмин амаки оғзига кириб кетган лойни зўр бериб туфлаб:

— О, баччағар! О, баччағар!— дерди.

Мусулмонқул ака товушини баралла қўйиб, бақирди:

— Ҳой, одамлар! Маслаҳат билан Мўмин амакини лойхонадан қандай чиқариб оламиз, энди! Ҳа-ҳа-ҳа!...

— Ҳа-ҳа-ҳа...

— Саид, арқонингни ташла, қайнатангни боғлаб берай,— деди Мусулмонқул ака яна ҳа-ҳалаб куларкан.

Мўмин амаки кулги садолари остида апил-тапил лойхонадан чиқиб кийимини алмаштириб келгани уйга жўнаб қолди.

Бу самимий кулгилар, назаримда, ҳашарчиларнинг чарчоғини ёзиб юборди; улар ишни янада жадаллатиб юбордилар; уст-бошлари, юз-қўллари лой бўлиб кетганига қарамай, уста бобони кутдириб қўймайлик, деб бир-бирларини шошириб ишлашарди. Мана, Мўмин амаки ҳам кийиниб келиб ўз ўрнини эгаллади. Ҳашарчилар тушлик пайти ҳам узоқ ўтиришмади; бир косадан шўрва ичишди ва яна туриб кетишиб шу билан кечгача ишлашди. Аям тандир-ўчоқларини ҳам суватиб олди; ҳаммадан ҳам у хурсанд эди, ҳар икки гапнинг бирида: «Ҳовлимизга файз кириб қолди!»— дерди. Чиндан ҳам катта уйга дераза қўйилиши, атрофи яхшилаб сувалиши ҳовлимиз чиройнга чирой қўшган эди».¹

Бу ҳикоядан кўринадики, ҳамқишлоқлар бир оиладек яшаб, бир-бирларидан хабардор, бир-бирларига меҳрибон бўладилар, қишлоқнинг, коллективнинг иши ҳақида ҳисоб бериб турадилар, бир-бирларини ва шу аснода болаларини ҳам коллектив руҳда тарбиялайдилар.

Ибн Сино коллективдан, жамиятдан ажралиб тарбия топган боланинг бахтсиз бўлиб қолишини таъкидлайди. Инсон оилада дунёга келгани билан жамиятга алоқадордир. «Форобий фикрича, инсоннинг ва жамиятнинг ғалабага эришуви, яхшилиқни қўлга киритиши,

¹ Т. Мақсуд. «Катталар ва мен» Т.: «Еш гвардия», 1984, 22-бет.

ахлоқий ва ақлий мукамалликка эришуви, инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир. «.. табиий бошланғичлар таъсири остида камол топиб инсонга айланишгина кифоя қилмайди, чунки инсон инсон бўлиб, инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш ва касб-ҳунарга муҳтождир»¹. Ўз-ўзидан маълумки, бу эҳтиёжлар жамиятда қондирилади. Марксизм-ленинизм асосчилари бу масалани атрофлича ҳал қилиб беришган. Коллектив жамиятнинг кичик бир бўлаги, у шунинг учун ҳам ўзида жамиятнинг сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқа ғояларини мужассамлаштиради (И. В. Дубровина).

Коллектив ҳақидаги педагогик қарашлар А. С. Макаренко, Н. К. Крупская ва бошқа совет педагоглари-нинг ишларида ўз аксини топган. Коллектив бир мақсад, бир интилиш йўлида бирлашган, шу мақсад йўлида иқтисодий тафаккур, ижодий куч-қувватларини, фаолиятларини бағишлайдиган кишилар гуруҳидир. Коллективизм туйғуси ҳам ана шу уюшган шахсларнинг маънавий-ихтиёрий бирлигидан келиб чиқади ва шахс, гуруҳ, жамиятнинг мақсад йўлида бирлашуви билан белгиланади. Коллективизм жисмоний, ақлий меҳнат фаолиятида, маънавий-ахлоқий сифатларнинг маълум маънода умумий бўлишида яққол кўринади. Шунга кўра шахс коллективда, жамиятда меҳнат қилади, жамиятнинг кичик бир табиий ҳужайраси бўлган оилада яшайди. Жамиятнинг қанчалик ривожланганини оила фаровонлигида, шахснинг камолотида кўриш мумкин. Ёки шахснинг баркамоллиги, оиланинг тўлатуқислигига қараб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳволини билиш мумкин. Чунки, шахс — оила — жамият муносабатлари ўзаро мустаҳкам боғланган. Шунинг учун шахс оила — жамият муҳитида шаклланади, камол топади.

Уйга вазифа.

1. Давлатимиз совет оилаларига қанақа имтиёзлар, нафақалар бераётганини биласиз? Агар билмасангиз, ота-онангиздан ва бошқа кишилардан сўраб билиб келинг.

¹ Шермухамедов Я. «Ўрта Осиё мутафаккирларининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари», Т.: «Фан», 1970, 20-бет

2. Ўз оилангиз ҳақидаги, унга партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган ёрдам ҳамда хонадонингизнинг аҳволи ҳақидаги фикрларингизни ёзиб қўйинг.

Социализм ва оила

Ушбу мавзуда социалистик оила билан капиталистик оиланинг фарқлари, Совет давлатининг оилани ўз ҳимоясига олганлиги, оиладаги тенгҳуқуқлилиқ, оилага кўрсатилаётган моддий-маънавий ёрдам масалалари ўрганилади.

Ўқитувчи уйга берилган биринчи вазифа бўйича ўқувчиларнинг фикрларини эшитиб, умумлаштиради ва шундай дейди:

— Мана, ўзингиз давлатимиз оилаларга турли нафақалар бераётганини, оила аъзоларининг ишлаши, яшаши, дам олиши, ўқиши учун катта шароитлар яратётгани ҳақида гапириб бердингиз. Совет давлати оилага ғамхўрликни йил сайин кучайтириб, оилаларнинг, болаларнинг, меҳнаткашларнинг бахтли яшаши учун қайғурмоқда. Бунга яна бир мисол сифатида кейинги йилларда қабул қилинган қарорларга эътибор беринг.

Ўқитувчи ўқувчилардан бирига қўйидаги қарорлар кўчирмасини ўқитади.

«СССР Министрлар Советининг 1963 йил 25 октябрь ҳамда 1986 йил 9 январь қарорига биноан Совет Армияси сафида хизмат қилаётган солдат, матрос, сержант ва старшиналарнинг оилаларидаги болаларининг ҳар бирига ойида ўттиз беш сўм миқдоридан нафақа тўланади».

«СССР Министрлар Советининг 1987 йил 6 августдаги қарорига биноан кўп болали ва кам таъминланган (киши бошига эллик сўмдан кам даромад билан яшайдиган) оилаларнинг болалари икки ёшгача сут ошхоналари томонидан бола озуқаси билан бепул таъминланади».

«СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1987 йил 8 сентябрь буйруғига асосан уйда даволанаётган болаларга уч ёшгача дорилар бепул берилади».

Бундай қарорлар, совет оилалари учун берилаётган нафақалар, имтиёзлар жуда кўп. Булар социалистик жамият инсонпарварлик асосида қурилганидан, унда меҳнаткаш халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишидан далолат беради.

Шундан сўнг ўқитувчи ўртага шундай савол ташлайди:

— Капиталистик мамлакатлардаги ижтимоий муносабатлар, оилаларнинг аҳволи ҳақида нималарни биласиз?

Бунда ўқувчилар қийналсалар, радиодан эшитганлари, телевидениедан кўрганлари, газета-журналлардан ўқиганлари асосида гапиришлари мумкинлигини эслатади. Ўқувчиларнинг жавобларини тинглаб, кейин умумлаштиради.

Капиталистик жамиятда социалистик жамиятдагига ўхшаб бутун корхоналар, заводлар, ер халқнинг, давлатнинг қўлида эмас; балки бир ҳовуч капиталистларникидир. Капиталистлар фойда орқасидан қувиб, ишчи кучидан ваҳшийларча фойдаланадилар, кўпроқ унум берадиган техника яратилиши билан уни сотиб олиб, ортиқча ишчиларни ишдан бўшатадилар, шундай қилиб, ишсизлар армияси вужудга келади. Бу эса корхона эгаси қўлидаги ишчиларни кўпроқ эксплуатация қилишига, яхши ишламайдиганларни аёвсиз бўшатиб, ишсизлар армиясидан энг сараларини териб олишига имкон яратади. Давлат асосан бой капиталистларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Шунинг учун капиталистик жамиятда оилаларга ғамхурлик қилиш хусусида бош қотирилмайди. Кучли, бой одам яшайди, қолганлари ярим оч-яланғоч, уй-жойсиз, дарбадарларча ҳаёт кечиради.

Социализм даврида совет оиласининг мустаҳкамланиши учун жуда катта ишлар қилинди. Бунинг учун аввало эр билан хотиннинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш зарур эди. В. И. Лениннинг ташаббуси билан Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ оилада, жамоат ишида аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқли эканлиги қонунийлаштирилди. Аёлларни эркаклар билан бир қаторда ижтимоий ҳаётга, меҳнатга тортиш, уларни «уй чўрилиги»дан озод қилиш, уни ақлни хиралаштирувчи ва камситувчи тобеликдан — сира охири йўқ, тор ошхона шароитидан, бола-чақа ташвишидан халос этиш энг асосий вазибалардан бири сифатида қаралди.

Ўзбекистон шароитида хотин-қизларни тенг ҳуқуқли қилиш, уларни ислом асоратидан, паранжи-чачвон зулматидан озод этиш жуда ҳам қизғин курашлар билан ўтди. Паранжига қарши авж олдирилган «Хужум» кампанияси туфайли аёллар ҳам юзларини очиб юриб, эркаклар қатори ўқийдиган, ишлайдиган бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотларига қараганда, 1989 йилга келиб, республикадаги аҳолининг ярмидан кўпини, ишчи ва хизматчиларнинг қирқ уч фоизини аёллар ташкил этди.¹ Лекин шунга қарамай республикада аёлларни ишлаб чиқаришга, ижтимоий меҳнатга тортишда катта муаммолар бор. Ясли-боғчаларнинг етарли эмаслиги сабабли йилига юз мингдан зиёд аёллар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилмаяпти. Йилига кўплаб болалар муассасалари қурилишига қарамай, бир юз ўттиз мингдан кўпроқ аёлларнинг ўз болаларини боғча-яслига олиш ҳақидаги аризалари қондирилмайди. СССР бўйича мактаб ёшигача бўлган болаларнинг эллик саккиз фоизи болалар муассасаларига тортилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўттиз тўрт ярим фоизни ташкил этади, қишлоқ жойларида эса бундан ҳам кам — йигирма тўрт фоиздир.

Бундан ташқари республикада аёлларнинг уйларида ишлашига имкон берадиган касаначилик ҳаракати кам ривожланган. Кўп болали аёллар кўпчиликни ташкил қиладиган республикада айнан ана шу касаначиликни йўлга қўйиш тўғри бўлур эди.

Ўқитувчи уйга берилган иккинчи вазифани бир-икки нафар ўқувчидан сўраб, уларнинг изоҳларини диққат билан тинглайди. Сўнг мамлакатимизда қайта қуриш, демократия, ошкоралик учун бошланган улкан кураш ҳақида, бу жараён совет оиласининг моддий, маънавий бойиши учун қулай шароит очаётгани, партия ва ҳукуматимиз совет оилалари фаровонлигини юксалтириш бўйича амалга ошираётган тадбирлар ҳақида гапириб беради.

¹ «Сельская правда», 8 март, 1989 йил.

ишни пухта, озода бажаришни ўргатишади. Гоҳо уларнинг ҳаммаси магнитофон қўйиб ёқимли куй-қўшиқ эшитишиб, ота-оналари раҳбарлигида боғда ишлашаётганини ёки ширин суҳбат қуриб бирга овқатланишаётганини кўриб ҳавасинг келади.

Шу оиллага қўшни иккинчи бир хонадонда эса атиги уч бола бор. Аммо бу оила кўпболали хонадоннинг бутунлай тескараси: эр хотинини урган-сўккан, хотини эса аламини болаларидан олиб, уларга бақирган, қаргаган; болалар ҳам қўпол муомалада ота-оналаридан қолишмайди, ўзаро уришиб, сўкишишлари етмагандек қўшни болаларга ҳам озор беришади.

Хўш, бу икки оила аъзоларининг бир-бирига икки хил муносабатда бўлишининг сабаби нима? Ана шу савол асосида қисқа баҳс ўтказиш, ўқувчиларнинг ўзлари яхши билган оилалардаги муносабатлар хусусидаги фикрларини эшитиш мақсадга мувофиқдир.

Биз намуна сифатида кўрган кўп болали оиладаги муносабатлар тўғри йўлга қўйилганининг асосий сабаби шуки, аввало ота-онанинг ўзи яхши тарбия кўрган ва ўзбек халқининг болани тарбиялаш борасидаги энг яхши анъаналарини ўзлаштирган. Улар қўни-қўшнилари, маҳалладошларининг тажрибаларига ҳам таяниб, тарбияга оид китобларни ўқиб, системали равишда ўз болалари орасида яхши муносабатларни йўлга қўя билганлар. Бу борада ҳеч қачон эринмаганлар, енгил-елпи иш кўрмаганлар. Акс ҳолда, бундай намунали муносабатларни ўрната олмас эдилар. Агар ота-она тўнғичи ва кейинги бир-икки боласига кўнгилдагидек тарбия бериб, улар орасидаги муносабатларни тўғри йўлга сола билса, кейин ўзига осон бўлади. Чунки, бу болалар ўзидан кичикларига намуна бўлишлари билан бирга тарбиявий жараёнга фаол иштирок этиб, «тарбиячи» каби таъсир эта бошлайдилар.

«Кўп болали оилаларда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари ҳамда муҳитнинг тарбиявий аҳамияти жуда каттадир. Бу хонадонда бола жуда кичиклигида ноқ коллективга ўрганади, ўзаро муносабатларда тажриба орттиради. Катта ва кичик ёшдаги болалар бор оиладаги болалар ўртасида меҳр-муҳаббат, дўстлик туйғулари турли шаклларда мустаҳкамланади (А. К. Миноваров. Педагогические условия повышения эффективности семейного воспитания. Т.: «Фан», 1989, 13-бет).

Бундан ҳамма кўп болали оилаларда тарбия, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тўғри йўлга қўйилди-ю бир-иккита ёки ёлғиз болали оиладаги боланинг тарбияси оғир бўлади, деган хулоса чиқармаслик керак. Бир-икки ёки ёлғиз болани ҳам яхши тарбиялаган оилалар кўп. Ҳар икки ҳолда ҳам ота-она иқтидорли тарбиячи бўлган оилалардагина болалар тарбияси кўнғилдагидек амалга ошади, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ижодий бўлади.

Оиладаги эр ва хотиннинг ўзаро муносабати болалар учун доимо намунадир. Эр хотинига хушмуомалалик, ҳурмат, меҳр-муҳаббат, жонкуярлик билан муомала қилса, болалар ҳам оналарига ана шундай муносабатда бўлишга ўрганадилар. Хотин ҳам ўз навбатида эрига ҳурмат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатса, унинг обрўини тўкмаса, болалар ҳам отасига нисбатан ҳурмат, меҳрибонлик билан қарайдилар. Агар болаларнинг ўзаро суҳбатларини, муносабатларини ёки ўйинларини кузатсангиз, улар ота ва онанинг ўзаро муносабатда айтган гап-сўзларини айнан такрорлашининг гувоҳи бўласиз. Демак, ота ва она ўртасидаги муносабатлар болалар ўртасидаги муносабатлар қарор топишида муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги мисолда иккинчи оиладаги эрнинг ўз хотинини камситиши, уриши, сўкиши оқибатида хотин ва болалар жоҳил, қўпол бўлиб қолганликлари, бу эса маҳалла-кўйга ҳам таъсир этаётганини баён қилган эдик. Оила аъзолари ўртасидаги бундай муносабат болалар, ота-оналарнинг ўзлари орқали атрофдагиларга, жамиятга ҳам таъсир кўрсатади.

Бу фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, шахслараро муносабатлар руҳиятининг озиқланадиган биринчи ўчоғи — оила. Шахслараро муносабатлар руҳиятининг барча ижобий, салбий кўринишлари дастлаб ана шу ўчоқда вужудга келади, сўнг эса жамоада, коллективда, жамиятда ривожланади. Бинобарин, оиладаги муносабатлар ростғўйлик хушмуомалалик, камтарлик, қатъиятлилик, қариндош-уруғларга ва умуман инсонга меҳр-муҳаббатлилик, ҳаёлилик, иффатлилик вафодорлик, олижаноблик, мардлик, ишчанлик, ҳалоллик, очиқ юзлилик, сабр-тоқатлилик, қўли очиқлик асосида қуриши учун ҳаракат қилиниши лозим. Бунинг учун эса оиладаги муносабатларда сезила бошлаган жоҳиллик, беписандлик, димоғдорлик, дангасалик, хийлагар-

лик, ёлғончилик, иккиюзлаmacherлик, ҳасадгўйлик, хуш-омадгўйлик, маҳмадоналик, ифвогарлик, шафқатсизлик каби иллатларга қарши муросасизлик билан курашиш зарур.

Дарс сўнгида ўқитувчи қуйидаги икки фикрни ёзди-ради.

I. «Ёшлар... касб-ҳунар, иш-тажриба... ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларига сингдирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллашда юқорилай борадилар ҳамда... назарий билимларининг ҳаммасида мантиқий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланадилар». Абу Наср Форобий. (Ҳикматлар гулдастаси. Т.; Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1982, 78-бет).

II. «Ўз ҳолимга ниҳоятда ҳайронман, ўта гуноҳкор ва масту паршон ҳолга тушган бир кимсаман! Чунки ҳаддан ташқари баланд нафсим туфайли кибру ҳавога марғуб бўлдим, тўғрилиқни ҷомақбул билиб, покликдан узоқлашдим. Шум нафсим бошимга ҳар хил ҳавойи кайфиятлар солди, шайтон галалари ҳар ёндан менга ҳужум бошладилар. Бу тудадан мен воқиф бўлгунимга қадар, улар кўнглим мамлакатини остин-устун қилиб юборишмоқда». А. Навоий. (Лисонут тайр, Т., Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1984, 14-бет).

Уйда бу икки фикрни изоҳланг. Уларнинг қандай фарқли, боғлиқлик томонлари борлиги хусусида фикр юритиб, кундалик дафтарингизга ёзиб қўйинг. Бу фикрларни келгуси дарсда айтиб берасиз. Ўқитувчи шундай топшириқ бериб, дарсни якунлайди.

Иккинчи соатни қизлар билан алоҳида, ўғил болалар билан алоҳида ўтишни тавсия этамиз. Мактаб педагогик совети билан маслаҳатлашиб, имкониятга қараб, бу машғулоти ўғил болалар билан эр ўқитувчи, қизлар билан эса аёл ўқитувчи олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи илгари ўтилган дарс мазмунини ўқувчилардан сўраб бўлгач, «Шахслараро муносабатлар психологияси» мавзуи давом эттирилишини, бу дарсда эса кўпроқ ёшлиқнинг жисмоний руҳий белгилари, хусусиятлари, ёшлар орасидаги муносабатлар ва муомала маданияти масалаларига эътибор берилишини айтиб, қуйидаги парчани ўқиб беради.

«Бу янгича нуқтаи назарнинг моҳияти, инсон ўз ахлоқини такомиллаштириш учун яратилган, буни

рўёбга чиқариш қийин эмас, амалга оширса бўлади ва такомиллашиш абадийдир деган эътиқоддан иборат эди. Бироқ шу пайтгача мен фақат шу эътиқод кашф қилинган янги фикрлардан, келажакда содир бўлувчи ахлоқ ва фаолият тўғрисида ажойиб режалар тузишдан ҳаловат топардим; лекин умрим барибир ўша эскичасига бекорчи икир-чикирлар, чалкаш фикрлар ва таралла бедод билан ўтаверди... Мана энди орадан бир қанча вақт ўтгач, у фикрлар маънавий кашфиётнинг ғоятда навқирон кучи билан эсиб келиб миямга қуйилганда, қанчадан-қанча вақтим бекор ўтиб кетганини пайқаб, қўрқиб кетдим ва шу он, шу сонияда бу фикрларимни турмушга татбиқ қилиш иштиёқи уйғонди, энди ҳеч қачон ўз ниятимдан қайтмасликка қатъий қарор қилдим.

Мен йигитлик даврим ана шу пайдан бошланган деб ҳисоблайман. У пайтда ёшим ўн олтига тўлиб қолган эди».

Рус халқининг буюк ёзувчиси Л. Н. Толстой ўзининг «Ёшлик» қиссасида (Л. Н. Толстой. Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик. «Ёш гвардия» нашриёти Т.; 1962, 221-бет) инсон умрининг жўшган фасли — ёшлик бошланишини шундай ифодалайди. Дарҳақиқат, ёшлик даврида одамнинг ўсмирликдаги учиб-қўниб юрадиган фикрлари бир тўхтамакка кела бошлайди — орзу-мақсад йўлидаги интилишлари аниқлашаётгандек кўринади. Лекин бу хусусда ҳали аниқ бир қарорга келмаган, бир мақсад этагини тутмоқчи бўладию кўнглидан: «Ишқилиб адашмаяпманми, тўғри танладимми, яхшиси, фалон ўқишга бориш учун ҳаракат қилсаммикан», деган иккиланишлар ҳам кечади.

Ёшлик даврида ўқувчилар анча сипо, оғир-вазмин, синчков бўлиб қоладилар; ўсмирлик давридаги озгина ўқиб, билиб келсалар: «Мен айтай, мен айтай!», деб қўл кўтаришлари йўқолади, билсаларда, сўралмагунча жим ўтирадиган, ўзларича сирли сукут сақлайдиган бўлиб қоладилар. Ёшлардаги бундай ўзгаришларни тушуниб етмаган баъзи тарбиячилар, ота-оналар бу ҳолни қайсарлик ёки ўзларини менсимаслик деб тушуниб, боланинг иззат-нафсига тегадиган ноўрин гап-сўз айтиб қўядилар. Бундай пайтда ўсмирда «руҳий портлаш» рўй беради, у ўзининг иззат-нафсига теккан одамга жуда қўпол жавоб қайтариши мумкин. Баъзан шундай ҳолларда қизлар йиғлаб юборадилар, йигитлар қўрслик билан уйдан ёки синфдан чиқиб кетадилар. Шу даврда

уйида қочиб кетиб қолган ўсмирлар ҳам учрайди. Ана шунда «ақли зукко» тарбиячиларимиз ёқа ушлаб ҳайрон қоладилар, болага қўполлик қилганликлари учун пушаймон ейдилар.

Ҳўш, ўсмирнинг, ёшнинг феъл-атворидаги бундай кескин ўзгаришнинг сабаби нимада? Гап шундаки, бу даврда ўсмир организмда жуда мураккаб анатомик-физиологик, руҳий ўзгаришлар кечади. Ўзгаришлар ўғил болаларда 13-16, қизларда 12-15 ёшлар орасида рўй беради. Ўсмирнинг бутун танасида ўсиш, ривожланиш интенсив бошланади, бунинг натижасида тананинг баъзи қисмлари тез ўсиб, масалан, қўл, тана мутаносиблиги бузилгандек кўринади, ўсмирнинг ҳаракатлари қўпол, ноўнғайга ўхшайди, юрак ҳажми икки баробар катталашади, лекин артерия қон томирлари нисбатан секин кенгайди, бу эса ўсмирда қон босмининг кўтарилишига олиб келади. Мускуллар, мия ўсади, ривожланади. Ўсиш, ривожланиш учун зарур бўлган қувватталаблик ва бу билан боғлиқ бошқа ҳоллар ўсмирни анча толиқтиради (А. А. Смирнов). Ана шундай ҳолда ўсмирнинг гап кўтармайдиган бўлиб қолиши табиий.

Ўсмир танасидаги ўсиш билан боғлиқ ўзгаришлар орасида ички секреция безларининг такомиллашиш йўлига ўтиши, айниқса, жинсий безларнинг ривожлана бошлаши ўсмир руҳиятига кучли таъсир этади. Бу даврда қизлар билан ўғил болаларнинг гавда тузилишидаги ташқи фарқлар кўзга ташлана бошлайди. Қизларнинг кўкраклари бўртиб, танасида, хусусан кўкрак безлари атрофида ёғ қатлами кўпаяди, елкалари, тос суяклари аёлларга хос шаклни ола бошлайди, улар жинсий ривожланишнинг иккиламчи даврида ҳар ойда ҳайз кўрадилар. Ҳайз кўриш 28—29 кунда такрорланиб туради.

Жинсий етилиш жараёни таъсирида қиз боланинг руҳий ҳолатида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади: у илгарига қараганда таъсирчан, баъзан арзимаган гап-сўзга кўз ёши тўкадиган, уятчан, мулойим, хушмуомала бўлиб қолади. Атрофдагиларнинг ҳам ўзига ана шундай муомала қилишини истайди, ота-онанинг жеркиши, ўғил боланинг қўпол гап-сўзи, ўқитувчининг дағаллиги уни асабийлаштиради. Бу даврдаги қўпол муомала қиз боланинг бир умр ёдидан чиқмаслиги мумкин. Одатда қиз болаларнинг жинсий ривожланиши тенгдош ўғил болаларга қараганда эртaroқ бошланади. Иссиқ ўлкалардаги йигит-қизлар совуқ ўлкалардаги йигит-қизларга нис-

батан жинсий жиҳатдан илгарироқ етиладилар. Шунингдек шаҳардаги ёшлар қишлоқдаги ёшларга қараганда жинсий ривожланиш йўлига эртароқ қадам қўядилар.

Уғил боланинг жинсий ривожлана бошлаганини товуши йўғонлашганидан билса бўлади. Чунки бу даврда уғил боланинг кекирдаги қизларникига нисбатан тезроқ ўсади, кўп ҳолларда олдинга бўртиб чиқади. Кекирдада жойлашган товуш боғламчалари ҳам ўсади, уларнинг тебраниши катта бўлади, бу эса товушнинг йўғонлашишига олиб келади. Вояга етган қиз боланинг кекирдаги ёш боланикига ўхшайди, эркакникига қараганда деярли икки баробар кичик, товуш боғламчаларининг тебраниши ҳам кичик бўлиб, кўп ҳолларда қизларнинг товуши эркакларникига қараганда ингичкадир.

Ўсмирнинг юз тузилиши ҳам шу даврда қайта шакллана бошлайди, мўйлови, соқоли ниш уради, қўлтиқ остида, жинсий органи жойлашган қисмлардан жун ўсади. Ниҳоят, унда поллюция—уруғ ажралиш ҳодисаси содир бўлади. Бу ўзгаришларнинг бариси ўсмирнинг руҳий оламига ўз таъсирини кўрсатади. Ўсмир ёлғизликни севадиган, баъзи ҳолларда атрофдаги муҳитдан бешиш, ишёқмаслик, гапёқмасликка мойил бўлиб қолади. Ана шундай пайтда ўсмир билан дўстона мулоқотни йўлга қўйиш лозим.

Жинсий жиҳатдан етилгач, йигит-қиз ёшлик даврига қадам қўяди. Ёшлик 15-16 ёшдан бошланиб, 22-23 ёшгача давом этади. Ёшлик даврида бўйнинг ўсиши тезлашиб, йилига 10-16 см ни ташкил этади. Шунингдек, кўкрак, елкалар кенгайди, мускуллар, ички органлар, скелет, бош мия суяги ривожланиб, мия такомиллаша бошлайди. Ўсиш, ривожланиш жараёнида организм табиий равишда жисмоний, ақлий фаолиятга эҳтиёж сезади. Ана шу даврда йигит-қиз ёшига муносиб машқлар бажарса, гимнастика, спорт, жисмоний ишлар билан мунтазам шуғулланса, кундалик режимга амал қилса, ўз организмнинг такомиллашувига, кучига куч, ақлига ақл қўшилишига ёрдам берган бўлади. Бу даврда ичкилик ичган, сигарет чеккан ёшлар ўз қўллари билан ўз организмларини заҳарлайдилар.

Ёшлик даври психологиясидан шу нарса маълумки, ёш йигит-қиз бу даврда кийиниши, юриш-туриши билан ҳам ўзини кўрсатгиси, кўз-кўз қилгиси, бошқаларнинг эътиборига тушгиси келади. Синфда оммалашган ўқувчилар пайдо бўлишади. Айрим қизлар ўзининг тоза,

хушбичим кийиниши, ҳаё-ибоси, ширинсўзлиги, гузал чехраси-ю камтарлиги, яхши ўқиши билан ҳамманинг назарига тушади. Бундай ўқувчиларни ўқитувчилар ҳам жамоат ишига тортиш, ўқувчиларга етакчилик қиладиган «амалларга» кўтаришни хоҳлайдилар. Қайси бир йигит ўзининг ажойиб овози билан мактабдошлари орасида шуҳрат қозонади. Бошқа бир йигит эса синфдошларига етакчилик қилади. Волейбол командасига ҳам, футболчиларга ҳам у бош-қош. Яна бир йигит турли баҳоналар билан зиёфатлар, меҳмоннавозликлар уюштиришга уста. Ёшликда ҳар бир шахс ўзининг бир кучли томони билан синфдошлари, мактабдошлари орасида кўриниб қолади. Шундай ёшлар ҳам борки, элқатори юришни, алоҳида кўзга ташланиб туришни истамайдилар.

Баъзи ёшлар машқ қилиб, бокс, кураш, каратэ ё бошқа спорт туридан озгина муваффақиятга эришса, бошқаларга беписандлик билан қарайдиган, жанжал чиқариб, кимларнидир калтаклаб, кучини кўрсатадиган бўлиб қолади. Лекин бундайларнинг ҳоли «вой» бўлиши турган гап. Аслида энг кучли, моҳир, чаққон одамлар жуда камтар, бошқаларга меҳрибон, шафқатли, хушмуомала, одобли бўладилар, улар кеккайишдан ор қиладилар.

Ёшларни жисмоний бақувват, баркамол қилиб тарбиялаш бўйича жуда кўп адабиётлар, тавсиялар бор. Истаган жисмоний тарбия ўқитувчиси бу хусусда яхши йўл-йўриқлар кўрсатиши мумкин. Аммо ёшларга маънавий, руҳий, ахлоқий камолотга эришишда ёрдам берадиган адабиётлар, йўл-йўриқлар жуда кам. Шунинг учун ёшларимизнинг ўзаро муносабатларида катта камчиликлар, маданиятсизликлар мавжуд. Қуйида Абу Наср Форобийнинг ўғитларини келтирамиз.

«Ўзида ўн икки тугма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўлади:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрнинг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган,

севган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришлигини тезда билиб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичкилик истеъмол этишда очкўз бўлмасин; табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканидиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Руҳи ғурурли ва ўз виждоини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга интиладиган бўлсин.

10. Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин.

11. Ўз табиати билан адолатни ва адолат учун курашувчиларни севадиган, адолатсизлик ва жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларини барчага тақдим этган ҳолда, одамларни адолатга тарғиб этадиган ва адолатсизлик натижаларини йўқотадиган ва уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзибилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай пасткашлик олдида қатъий бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин ва қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин.

Шундан сўнг ўқитувчи ёшлик даврида болага у онаси ёки мактаб учун эмас, балки ўзи учун, ўзининг келажаги, шахсий камолоти учун ўқиши, изланиши, қунт билан шуғулланиши зарурлигини ўқтириш керак, деган фикрни айтади. Ёшлар ўзаро иноқ, кичикларга меҳр-шафқатли, катталарга иззат-икромли, аёлларга самимий муносабатда бўлишлари лозим.

Уйга берилган вазифа эслатилади, ўқувчиларнинг

фикрлари эшитилади. Уларни умумлаштириб, биринчи фикрга асосланиб иш тутган ёш иккинчи фикрдаги пуншаймонлик ҳолига тушмайди, икки фикрнинг ўзаро боғлиқлик жойи шу маънода, деб изоҳланади.

Ёш йигит-қиз болалик даврида кўпроқ уй, яқин атрофдаги одамлару қариндош-уруғлар билан муносабатга киришса, ўсмирлик, ёшлик пайтида унинг дўстлари, таниш-билишлари давраси тобора кенгайиб боради. Бу давр ота-она учун ҳам жуда масъулиятли пайт. Ахир у боласининг кимлар билан мулоқотда бўлаётганини, кимлар таъсирига тушаётганини узлуксиз кузатиб юра олмайди. Боланинг юриш-туришида, характерида рўй бераётган ўзгаришларни илғаб олиш унга керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, тавсиялар бериш, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб тарбиялаш, атрофдаги одамлар билан фақат саломлашиш пайтидагина эмас, балки ўқиш, иш, дам олиш, ўйин, тўй-маърака рўзгор юмушларидаги муносабатларда ҳам самимийлик, ширинсўзлик, муомала маданиятига амал қилиш зарурлигини уқтириш лозим. Турмушдаги турли зиддиятли вазиятларга тушиб қолганда ҳам ўзини қўлга ола билиш ғоятда муҳимдир. Шарқ алломаларининг биридан: «Дунёда энг кучли одам ким?»— деб сўрашибди. Аллома узоқ ўйланиб турмай: «Дунёдаги энг кучли одам — чидаб бўлмайдиган даражада жаҳли чиққанда ҳам ўзини қўлга ола билган, жаҳлини боса олган инсондир!»— дея жавоб қилибди. Ҳа, жаҳолат туфайли юз берган, тузатиб бўлмайдиган хатолар қанча! Жаҳолат туфайли рўй берган қотилликлар-чи? Ҳаётда арзимас бир буюм учун, шу буюмни йўқотгани ёки синдириб қўйгани учун боласини уриб мажруҳ қилиб қўйганлар ҳам бор. Аммо бағри кенг ўзбек боласи ҳар қанча қиммат буюмни синдириб қўйса ҳам: «Майли, келган бало шунга урсин!»— деб қўя қолади.

Маълумки, жамиятдаги шахслараро муносабатлар психологиясини шу жамиятда яшаётган, фаолият кўрсатаётган шахсларнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, интилишлари кайфиятлари белгилайди. Қўполлик, жаҳолат, ҳасад, калондимоғлик, мунофиқлик, ёлғончилик, хийлагарлик, манфаатпарастлик, мансабпарастлик, ифвогарлик шахслараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Инсонийлик, олижаноблик, хушфеъллик, меҳрибонлик, самимият, ширинсўзлик, меҳнатсеварлик, халқчиллик, ростгўйлик, ҳалоллик, эзгулик каби фази-

латлар шахснинг ўзигагина ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки шахслараро муносабатлар психологиясини ҳам инсонийлик нурлари билан ёлқинлантиради. Жамиятимиздаги ошкоралик, демократия жараёни ёшлардан муомала маданиятини мукаммал эгаллашни талаб қилади. Турли давраларда, митингларда, мажлисларда овозини баралла қўйиб, миясига келган фикрни пардоз-андозсиз, бақириб-чақириб айтган киши эмас, балки ҳар бир фикрини далиллаб, лўнда, содда баён эта олган киши маънавий-маданий жиҳатдан кучли ҳисобланади.

Шахслараро муносабатлар жараёни жуда мураккаб, нозик, маълум бир қолиплар билан белгилаб бўлмайдиган жараёнدير. Шахслар — кишиларнинг ўзаро муносабатлари хусусида шарқ донишмандлигининг: «Ўзингга раъво кўрмаган ёмонликни, бошқаларга соғинма» — деган қондаси бор.

Ўқувчилардан бу қондани қандай тушунишлари, турли муносабатларда бу қондага амал қилиш йўл-йўриқлари ҳақида сўралади ва бу қонда хусусидаги фикрни ҳар бир ўқувчига етиб боришига ҳаракат қилинади. Уйга вазифа.

1. Ўз дўстларингиз, оилаңгиздагилар тез-тез кўришиб турадиган одамлар билан муносабатингиз ҳақидаги фикрингизни кундалик дафтарингизга ёзиб қўйинг (шу саволга жавоб тайёрлаб келинг)

2. Йигитларга: «Қизлардаги қандай фазилатларни қадрлайсиз?», қизларга: «Йигит характеридаги қайси хислатлар эътиборга лойиқ?».

Ўқувчиларга ана шу саволлар хусусида мулоҳаза юритиб, жавоб тайёрлаб келиш топширилади.

Йигит ва қизлар ўзаро муносабатларининг ахлоқий асослари

Ушбу мавзунинг мақсади ҳамда вазифаси йигит ва қизлар ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий асослари, йигитлик ғурури ва қиз ҳаёси тўғрисида мунозара юритиш орқали ўқувчиларда пок ахлоқ қондаларини ўзлаштириш зарурлиги ва оила қуришда муҳимлиги ҳақида тушунчалар ҳосил қилишдир.

Дарс уйга берилган иккинчи топшириқни муҳокама қилишдан бошланади. Бир неча йигитдан: «Қизлардаги қандай фазилатларни қадрлайсиз?», деган саволга жа-

воб бериш илтимос қилинади. Йигитларнинг фикрлари диққат билан эшитилгач, ўқитувчи уларни умумлаштириб давом этади. Ёшлик даврида қиз боланинг ҳам дўстлари давраси кенгайди, аввало улар тенгдошлари билан дўстлашса-да, ўзидан юқори ва паст синфда, ҳатто бошқа мактабларда ўқийдиган йигит-қизлар атрофдаги ўзидан катта-кичик ёшли одамлар, турли касб эгалари, ўқитувчилар билан ҳам муносабатда бўладилар. Ўқиш, жамоат ишлари, дам олиш, меҳмондорчилик, уйдаги келди-кетдилар жараёнида таниш-билиш орттирадилар.

Қиз табиатига хос покизалик, ҳаё-иболилик, майинлик, ширинлик, нафислик, малоҳат, ҳушёрлик каби фазилатлар унинг ҳуснига ҳусн, латофатига латофат қўшади.

Қизнинг ҳусни — ярим бойлик, ақли эса ғазна. Улуғ ҳаким Ибн Сино «Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила ифбатдир. Ҳаёсиз юз — жонсиз жасад кабидир», деган эди. Дарҳақиқат, одамни ўзига тортадиган, истарасини иссиқ кўрсатадиган нарса — кишининг ҳаё-ибоси, ифбатидир.

Шарқ донишмандлари: «...иффат деганда ўз ҳиссиёти, ҳирс ва нафсини тийиш, мўътадилликнинг қонунқоидаларига риоя қилиш, ҳар қандай ишда, фаолиятда ортиқчаликка йўл қўймаслик»ни тушундилар. Масалан, Давоний иффат деганда ўзининг ҳиссий қувватлари нутқ қувватига, яъни ақлга бўйсунганини тушунди. Давонийнинг фикрича, иффат киши ўз эҳтиёжини қондирганда ўзининг ҳирсу ҳавасларини қўлга олишдир» (Х. Алиқулов. «Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида», Т.: «Фан», 1979, 35- бет).

Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралгандир. Ҳақиқатан ҳам қиз бола қалам қош, шаҳло кўз, узун соч, келишган, сулув бўлса-ю, шарм ҳаёси бўлмаса, ундайларни ҳеч ким гўзал дея олмайди. Бунақаларни беҳаё, бетиқаттиқ, енгилтак деймиз.

Иффатли қиз деганда кўз олдимизга мулоим табиат, дид-фаросатли, ҳаё-иболи, андишали, ота-онага меҳрибон, жигарларига ғамхўр, катта-кичикка эътиборли, истараси иссиқ қиз намоён бўлади. Бундай қизлар одатда лобар, чаққон, дилдор ва покиза бўлишади.

Гўзалликнинг оҳанрабоси одамийликдир. Мана шу оҳанрабо ахлоқ-одоб, шарм-ҳаё, ақл-идрок, иффат, ғурур пардалари билан ўралган. Маълумки, электрон ўз қобилигини йиртиб чиқиб кетса, бу атом ўз хусусиятини

йўқотади. Худди шунга ўхшаб, санаб ўтган пардаларнинг биронтаси йиртилса, у қиз одамийлик хусусиятини йўқотади.

Иффатли қиз ўзига ўта талабчан, андишали бўлади. Кийиниш, юриш-туриш, муомала, муносабатда қизлик шаънига ярашулик иш тутади. Кўпчилик ўртасида калта, тор, кўкраги катта ўйилган беўхшов уст-бошда юриш, маҳмадоналик, бачкана қилиқ, ўринсиз ҳаракатлар қилишни ўзига ор-номус деб билади. Иффатли қиз айниқса йигитлар олдида, умуман эркаклар бор жойда ўзини қандай тутиш кераклигини билади. Бўлар-бўлмасга оғзининг танобини қочириб, табассумни «ҳадя» этавермайди. Ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босади.

Қиз бола ўзининг табиий чиройи билан кўҳликдир. Уни бўяш, сунъийлаштириш бемаъниликдир. Баъзи калтабин қизлар сиртларига оро беришни ёқтирадилар, шарму ҳаёни унутадилар. Ўзларича: «Гўзалман, ҳамманинг кўзи менда!» деган ўй билан товуссимон юриш қиладилар. Атрофдагиларнинг ундан кулаётганини, нафратланаётганини фаҳмламайдилар.

Упа-элик, қўша-қўша тақинчоқлар, қимматбаҳо кийимлар қиз болага чирой бермайди, аксинча, уни одамлар назарида «енгилтак», «қўғирчоқсимон» қилиб қўяди. Номусли қиз ким қаерга таклиф этса, ўша ерга боравермайди. Ўз қадамини ўйлаб, ўлчаб босади. Ҳали тўй бўлмай туриб, йигит билан бир уйда ёлғиз қолишни ўзига эп кўрган, натижада номусига доғ туширган қизлар бир умр руҳий азоб чеккани маълум.

Дугонаси уйда ҳадеб ётиб қолавериш ҳам одобдан эмас. Атрофдагиларга эътиборли, эс-хушли, зийрак, хушмуомала қиз — бамисоли оила қуёши. У хонадону ундаги буюмларнигина эмас, оила аъзоларининг қалбини ҳам ёритиб туради — турли жанжалли, зиддиятли вазиятларни зийраклик, мулойимлик билан бартараф этади. Ж. Ж. Руссонинг фикри диққатга сазовордир: «Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир».

Шундан сўнг ўқитувчи қизларга мурожаат қилади: «Йигит характеридаги қайси хислатлар эътиборга лойиқ?». Қизларнинг жавоблари, фикр-мулоҳазалари диққат билан тингланади, шулардан келиб чиқиб умумлаштирилади.

Инсон оламни фаҳмлаш ва борлигини нутқ орқали ифодалаш қобилияти билан бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Унинг буюклиги ҳам шунда. Ҳар бир сўз—йигит ички дунёсининг овози, одоб ва маданиятининг кўзгусидир. Йигитнинг сажияси аввало сўзидаң маълум бўлади.

Ўзбек халқ шоири Андалиб:

— Яхши сўзга учар қушлар эл бўлур,

Ёмон сўзга пашша кучи фил бўлур,— деб бекорга айтмаган.

Шундай йигитлар борки, кўринган қизга гап отиб, шилқимлик қиладилар. Бу билан улар ўз йигитлик ғурурларини оёқ ости қилаётганликларини, маънавий қиёфаларини кўзгуда қийшиқ кўрсатиб кулгу бўлаётганликларини сезмайдилар.

Баъзиларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Улар сўкиниб, қўпол сўзларни ишлатиб гапирадилар. Халқимиз бундай йигитларни енгилтақ, деб атайди ва улар ҳеч қачон эл ўртасида обрў қозонолмайдилар. Бошқа бир йигитлар борки, «ҳар бир сўзини етти ўлчаб, бир кесиб» сўзлайди, ҳар бир суҳбатга маҳмадоналик билан аралашавермайди, зарур бўлганда оғир-вазминлик, ақл-фаросат билан гапиради.

Шарқли устозларимиз, йигит киши тўғрилик, инсоф, мулойимлик, қариларга ҳурмат, аёлларга меҳрибонлик, кичикларга шафқат, сабр-қаноатлилик, вафодорлик, мардлик, ҳақгўйлик, халқига садоқатлилик каби хислатларни ўзида мужассамлантириши керак, деб таълим берганлар.

Ялқовлик, беғамлик, мақтанчоқлик, ўзига бино қўйиш, ёлғончилик, иккиюзламачилик, эзмалик, чекишга, ичишга берилиш йигит юзини ерга қаратади, умрини хазон қилади. Агар йигит киши лоқайд бўлмасдан атрофдаги нарса-ҳодисаларга қизиқиш билан қараса, ўз шахсининг камолоти йўл топа билади. Бу хусусда севимли ёзувчимиз Ойбек жуда топиб айтган: «Агар қизиқсанг, бу қулоқ билан бутун жаҳонни тинглаш мумкин, бепарво бўлсанг, ўз уйингда ўтган сирдан ҳам воқиф бўлолмайсан».

Эр киши эркакларга хос руҳий ва жисмоний тетиклигига риоя қилиши, ўзининг ота-онаси, оиласи, ватан, дўст ва ўртоқлари олдидаги бурчидан юз ўғирмаслиги, кўпчилик орасида, кўча-кўйда ҳақиқий эркаклигини кўр-

сатиши, мард бўлиши, йигит деган номга иснод келтирмаслиги лозим.

У кучли томон бўлгани ҳолда ҳамиша заифларга, ёрдамга муҳтожларга қўл чўза билиши зарур. Ҳаётда ҳамиша эр кишига ўхшаб иш тутишни билиш ҳам эркаклик бурчидир.

Эркаклик масъулияти ўз яқинларига: ота-онаси, умр йўлдоши, болалари, ака-ука, опа-сингиллари, қариндошуруғ ва дўстларига меҳрибон, оқибатли бўлишдан, қийин дамларда уларга моддий, маънавий мадад беришдан, ватан ҳимоясига ҳамиша шай бўлиб туришдан иборатдир. Эркак киши ўз яқинлари, туққан туғишганлари, қадрдон дўстлари фахрланиб «Барака топкур, бизнинг суянган тоғимиз, ишонган боғимиз» дейдиган бўлиши керак. Бундай кишилар ўз хатоларини тан оладиган ва бартараф этишга иродаси етадиган, шунингдек, ваъдасининг устидан чиқадиган, уни ҳалол, принципиаллик билан бажара оладиган бўладилар.

Йигитлик ғурури ва ҳамияти. Эр киши шу жинсга мансублигидан, эркакларга хос фазилатлари: мардлиги, довюраклиги, ор-номуслиги, сўзидан қайтмаслиги, руҳининг тетиклиги ва иродаси кучлилиги билан фахрланиши, қатъиятли, мақсадни кўзлаб иш тутадиган, ҳар қандай қийинчиликлардан чўчимайдиган, забардаст бўлиши керак. Ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни енгиш имкониятига эга бўлиш эр киши ғурурининг асл маънаби ҳисобланади.

Ўғил болани тарбиялашда эркаклик хусусиятларини шакллантириш билан бирга унга оила бошлиғи, оталик бурчи, масъулияти тушунчаларини ҳам сингдириш керак.

К. Маркс кишиларнинг чинакам маданиятлигини уларнинг аёлларга муносабати белгилайди, деган эди. Аёл, сенга шу ёруғ оламни инъом этиб, сени еру кўкка ишонмай, авайлаб катта қилган онангдек; ҳеч кимнинг камситишига йўл қўймайдиган сингилдек; ўз онангдан ҳам кам ҳурмат қилмайдиган болаларингнинг онаси — рафиқангдек ажойиб бир хилқатдир.

Хотин-қизларни ҳурмат қилиш эркакнинг муқаддас бурчи. Ана шу бурчни ҳамма ҳам англаб, тушуниб етмайди. Онасига қўл кўтарган, хотинини таҳқирлаган, синглисини уйдан қувиб юборган, ўтган-кетган аёлларни ҳақоратлаган, оилада уларни камситадиган эркакни ҳақиқий эркак деб бўлмайди.

Хотин-қизларни нима учун ҳурмат қиламиз? Ожизлиги, эркакларга нисбатан кучсизлиги учунми? Йўқ, Мутлақо! Бугунги кунда қиз-жувонлар ўз қадрини ўзлари биладилар, уни ҳимоя ҳам қила оладилар, улар қаттиқ-қўл ва тиниқ ақлга эга, кўп ўринда маънавий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан эркаклардан қолишмайдилар, улар ҳурмат-эътиборга сазовордирлар.

Йигитлар ўртасида мардлик, сўзидан қайтмаслик, довюраклик, улфатлилик, дўстга садоқатлик юқори баҳоланади. Шунинг учун ҳамма йигитлар шундай фазилатларга эга бўлишни хоҳлашади. Аммо баъзи йигитлар бу фазилатларни ўзларича тушуниб ва мард, довюрак бўламан, деб зўравонлик йўлига ўтишади, хотин-қизларни камситишади.

Ҳар бир эркак киши аёлларга нисбатан қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар унинг ўз фарзандига — қизига меҳри, ҳурмати кучли бўлади. Қизини турмушга бераётганида куёви уни ҳурматлашини, эъзозлашини хоҳлайди. Шунинг учун ҳар бир эркак киши бошқа аёлларни кўрганда ўз қизини, онасини кўз олдига келтириши керак. Бу борада кўчма маънодаги «пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга ур» мақоли жуда ўринлидир.

Йигитлар вояга етиб, характери шаклланганидан сўнг уларнинг дунёқарашларини қайта тарбиялаш анча қийин бўлади. Шунинг учун болаларни ёшлигидан тўғри тарбиялаш керак.

Чунончи, ўғил болаларни асосий оғирликни ўзларига олишга, ана шу масъулиятни ҳис қилишга ёшлиқдан ўргатиш мақсадга мувофиқ. Йўлга чиққанда оғир юкни болалар кўтаргани, кўчат ўтказиш учун чуқур қазишни болалар, унга сув қуйишни қизлар бажаргани маъқул; автобусда қизларга жой берилгани яхши ва ҳоказолар. Ўғил болаларга сени одамлар ҳақиқий йигит дейишларини истасанг, эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатнинг шунга ўхшаш қондаларига амал қилишинг керак, деб уқтириб бориш лозим.

Мардлик, сўзидан қайтмаслик, дўстга садоқат — йигитликнинг фазилатларидир. Ёшлиқдан сўзни қадрлай билиш, сўз ва иш бирлигига ўрганиб бориш зарур. Ота-онага ҳурмат, ака-ука, опа-сингилларга оқибатлилик, Ватанга садоқат каби йигитлик бурчини адо этиш лозим.

Йигитлар ва қизларнинг фазилатлари хусусидаги

фикрлар айтиб бўлингандан сўнг ўқитувчи ҳар бир жамиятдаги йигит ва қиз ахлоқининг асоси ана шу жамиятда ҳукм сурган тартиб-қоидалар, давлат қонунлари, жамият билан шахс муносабатларини белгилайдиган кодекслар негизидан келиб чиқиши, инсонпарварлик ғоялари, ҳар бир йигит-қизга ўқиш, ишлаш, виждон ва касб танлаш эркинлиги берилганлиги, уларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, бепул ўқиш, бепул даволаниш имтиёзлари яратилганлиги масалаларига тўхталади.

Инқилобдан кейин йигит ва қизларимиз мактабда бирга ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса йигит ва қизларнинг ўзаро дўстларча, ўртоқларча муносабатлари бир коллективда шаклланишига шароит яратилди. Йигит ва қизларимиз ахлоқ-одоб қоидалари, миллий удумлар, анъаналар, маданий кўникмалар асосида бир-бирларини ҳурмат қиладилар. Маълумки, ёшлик даврида йигит ва қизлар орасидаги муносабатлар психологиясида бир қадар ўзгаришлар рўй беради — улар ўзаро самимий суҳбатлар қурадилар, гоҳо сирдош дўстларга айланадилар; бир-бирларига ижобий, салбий таъсир кўрсата бошлайдилар. Агар йигит ва қизнинг ўзаро муносабатлари ахлоқ-одоб қоидалари асосида бўлса, бир-бирларига билмаганларини ўргатишади, турли мавзуларда баҳс-мунозаралар қилиб, ўқиган китоблари кўрган кинофильмлари ҳақида суҳбатлашиб, ўз шахсларини камолотга етказишда ўзаро таъсир кўрсатадилар. Бу йигит ва қизлар ўзаро муносабатларининг ижобий томони.

Баъзи йигитлар қизлар билан дўстлашиб, уларни чекишга, ичишга турли ахлоқсиз киноларни биргаликда кўришга ҳам даъват этадиларки, ўзаро муносабатнинг бундай салбий кўринишидан йигит-қизларимиз сақланишлари керак.

Ўқитувчи мавзунини яқинлаб, уйга вазифа беради.

I. Муҳаббат мавзунини ёшларни жуда қизиқтиради, шунингдек, у ҳар бир йигит-қизнинг ўзига муносиб умр йўлдоши танлаб, бахтли оила қуришида муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўқитувчига катта масъулият юклайди. Шунинг учун у дастлаб синф ўқувчиларининг муҳаббат ҳақидаги тушунчаларини имкони борича билиб олишга ҳаракат қилиши лозим. Бунинг учун бир дарс илгари ўқувчиларга имзо қўймасдан «Муҳаббат нима?» деган мавзуда иншо ёзиб келиш топширилади. Кейинги дарсда иншолар йиғиб олинади, ўқитувчи уларни кўриб чиқиб,

синф ўқувчиларининг муҳаббат ҳақидаги фикр-тушунчаларини бир қадар билиб олади ва шунга таяниб, кейинги дарсга тайёргарлик кўради. Баъзи фикрлардан «Ўртоқлик ва дўстлик» мавзуида ҳам фойдаланиш мумкин.

II. Қуйидаги анкета саволларига жавоб ёзиб келинг.

1. Сизнинг энг яқин дўстингиз ким?
2. Нима учун уни ўзингизга дўст деб биласиз?
3. У ҳам сизни ўзининг яқин дўсти деб биладими?
4. Қандай манфаат сизларни дўстлаштирган?

Ўртоқлик ва дўстлик

Ўтган мавзу эслатиб ўтилгач, ўз хоҳишлари билан бир неча ўқувчининг анкета саволларига жавоблари тингланади. Фикрлар ривожлантирилиб, ўртага: «Ўртоқлик билан дўстлик тушунчаларининг қандай фарқи бор?»— деган савол ташланади.

Саволга тўғри жавоб берган, мақсадга яқин келган ўқувчилар рағбатлантирилиб, давом этилади.

Инқилобдан илгари кишиларга «жаноб» сўзи қўшиб мурожаат қилинган бўлса, инқилобдан сўнг бундай мурожаат воситаси сифатида «ўртоқ» сўзи қўллана бошланди.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга «Дунёқараши, фаолияти, яшаш шароити ва ш. к. жиҳатидан бир, ғоявий жиҳатдан яқин киши; ҳамфикр, ҳамғоя»— деб изоҳ берилган.

Ўртоқлик ана шу маънолардан келиб чиқади. Бир жойда туғилган, бирга ўқиган, бирга ишлаган, бирга яшаган ўртоқ бўлиши мумкин. Ўртоқлик улар ўртасидаги муносабатдир.

Дўстлик ҳақида сўз очганда, албатта, биз анъанага айланган халқлар ўртасидаги дўстлик, оддий инсонлар ўртасидаги самимий муносабатларни назарда тутамиз. Дўстлик — шахслараро муносабатлар, уларнинг негизда умумий қизиқишлар, ўзаро боғлиқлик ётади. Ибтидоий жамиятда дўстлик деганда, кўпинча қариндошлар, қуролдошлар назарда тутилган ва бу муносабат бузилмас ҳисобланган, дўстларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари анъанавий тус олган. Кейинчалик дўстлик қариндошчиликдан ажралиб, узоқлашиб, ўртоқликка айланган. Ўртоқликнинг рамзий маъноси эса асосан қизиқишларнинг умумийлигига асосланган. Дўстлик жараёни анча му-

раккаб бўлиб, баъзи ҳолларда йигит ва қиз ўртасидаги дўстлик севгига айланади. Дўстлик кишиларнинг руҳий, маънавий жиҳатдан яқинлигини кўрсатади. Дўстлик ўзаро яқинликни, бир-бирига нисбатан боғлиқликни билдиради. Ўртоқлик-чи? Ўртоқлик ҳам фикрлаш, қизиқишлар жиҳатидан инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, лекин руҳий ва маънавий жиҳатдан дўстликнинг ўрнини босмайди.

Дўстлик қадри айниқса оғир кунларда сезилади. Ахир бежиз айтилмаган-ку, ҳақиқий дўст бахтсизликда сезилади. А. М. Горький «Дўстлик ўртоқчиликнинг энг олий даражаси»,— деган эди.

Ҳақиқий дўст бизнинг иккинчи «мен»имиз бўлиши керак. Ҳақиқий дўст ҳеч қачон ўз дўстидан маънавий гўзалликдан бўлак нарсани талаб этмайди. Дўстлик ҳақида жуда кўп чиройли гапларни айтиш мумкин. Лекин содиқ дўст топиш осон эмас, деб қўйидагича саволлар берилади:

— Қани айтинглар-чи, сиз ўзингизга юқорида айтилган талабларга жавоб берадиган дўст танлаганмисиз?

— Ҳақиқий дўстим экан, чин дўст экан, деган хулосалар қилганмисиз?

— Тўғри, қийин саволлар, ўйлаб кўринг.

Жавоблар эшитилиб умумлаштирилади.

Дўстлик — бу ўзаро ҳурмат-иззат, самимийлик, ҳалоллик, садоқат, тенглик, ишонч демакдир. Юқорида халқлар дўстлиги, дедик. Тўғри, халқлар дўстлиги — бу одамларни бирлаштирувчи катта куч, ҳамма вақт ҳам бу дўстлик муҳим ижтимоий ва ахлоқий бойлик бўлган ва шундай бўлиб қолади. Масалан, давлатлар ўртасидаги муносабатлар, турли хил битимлар — ҳаммаси халқлар ўртасидаги дўстликнинг рамзий маъносидир. Тарихдан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Тарихий шахслар ўртасидаги ҳақиқий дўстлик тўғрисида ҳам кўп эшитгансиз. Масалан, К. Маркс ва Ф. Энгельс ўртасидаги дўстлик. В. И. Ленин Энгельс ҳақидаги хотираларида қадимги афсоналарда самимий дўстлик тўғрисида турли-туман ҳикоялар бор. Европа пролетариати бизнинг фанимизда икки олим ва курашчини вужудга келтирди, деб айтса бўлади. Бу икки курашчининг бир-бирига муносабати қадимги афсоналарда ҳикоя қилинган одамларнинг энг самимий дўстлигидан ҳам зўрроқдир,— деган эди.

«Икки хил одамдан қўрқиш керак: биринчиси ёвуз

душман, иккинчиси маккор дўст» деган эди Қобус. Де-мак, яхшилик билан ёнма-ён ёмонлик ҳам бор экан-да!

Сохта дўстлик ҳақида сўз очганда В. Шекспирнинг «Отелло» спектаклидаги Яго образи кўз олдингизга келади.

Уқитувчи чин дўстнинг муқобили бўлган сохта дўст тушунчасига тўхталиб, қуйидаги фикр асосида муаммо-ли вазиятни вужудга келтиради.

— Хуш, ўқувчилар, сизлар билан чин дўстлик ҳақи-да суҳбатлашдик. Халқ орасида «сохта дўст» деган ибора ҳам юради. Сиз шу иборани қандай тушунасиз?

Уқитувчи ўқувчиларнинг фикрларини эшитиб, умум-лаштиради; «сохта» сўзининг луғавий маъноси қалбаки-лик демакдир. Сохта дўст, ўзининг шахсий фойдасини кўзлаб сен билан «дўстлашади», фойданг тегиб тургани-да оғзидан бол томиб: «Чин дўстим, қадрдоним», деб атайди, олдинда сени мақтаб кўкларга кўтаради. Аммо фойданг тегмай қолган пайтда, унинг изини ҳам топол-майсан. Сохта дўст мудом сенинг фойданг тегишига, амалиннга ёки мол-давлатиннга, сенинг ота-онангнинг мавқеига, ҳуснинг қадди қоматинга ошно бўлади ва бу ошноликдан мудом манфаат кутади.

Шундай дўстлар ҳам борки, сир-асрорингни, фикр-туйғуларингни, яхши-ёмон томонларингни билиб, илон каби қўйингга кириб олади-ю, душман ишини қилади. Шу ўринда доноларнинг душман одатда дўстдан чиқади, деган гаплари ёдга тушади. Ибн Сино айтган экан:

«Дўстимки душманимга дўстлик қиларкан, уни мен дўст ҳисобламайман. Заҳарга қўшилган шакарга эҳтиёт бўл, ўлакка илонга қўнган пашшадан ўзингни торт».

«Фойдали дўстлар — ҳаққоний дўст, самимий дўст ва кўп эшитган дўстдир. Зарарли дўстлар — иккиюзлама дўст, хушомадгўй дўст ва маҳмадона (лақма) дўст», деб уқтиради Конфуций.

Ўзбек халқи дўстга бағрини очадиган, дўстликни қадрлайдиган халқдир. Шунинг учун ҳам халқимиз ма-қолида:

— Арпа — буғдой бир кунингга ярайди,

Содиқ дўстинг ўлгунингча ярайди,— дейилади.

Бу фикр фақат дўстликни улуғлашгагина қаратилган бўлмай, балки уни асраб-авайлашга ҳам қаратилгандир. Дўстликни турли таъна-дашномлардан, ифвогарлигу ҳасадгўйликлардан, туҳмату тилёғламаликлардан асрай билиш ҳам муҳим. Дўст тутиниш осон, аммо уни ардоқ-

лай билиш жуда мушкул. Дўстликни асраб-авайлаш учун дўстлик одобига амал қилиш лозим. Бу хусусда қўйидаги парча ўқиб берилади.

Дўстлик одоби

Одамнинг шодлик ва қайғули вақтларида таянчи, шубҳасиз, унинг дўстларидир. Шунинг учун ёш ва бошқа жиҳатдан ўзингизга мос келадиган кишиларни танлаб дўстлашинг.

Дўстлашишда кўнгиллар орасида юрадиган элчи, оғир кунларда бир-бирига ёрдам қўлини узатишга сабаб бўладиган нарса улфатдир. Агар улфат ҳар икки томоннинг ихлос ва муҳаббатларидан ҳосил бўлса, тўғри, агар бирор манфаатни кўзлаб вақтинча улфатчилик қилинса, у ёлғон бўлади. Шунга кўра, муҳаббатнингизнинг чин ва самимий бўлишига ғайрат қилинг, комил ақлли, тўғри фикрли ва одоб — ахлоқи жойида бўлган кишилар билан дўстлашинг. Бундай кишилар беморлигингизда даво, саломатлигингизда зийнат, кулфат-машаққатларингизда таянч ва диққат бўлган соатларингизда улфат бўладилар.

Дўстларингизни койиб хафа қилишга шошилманг, қариндош-уруғларингиз билан орангизнинг бузилишига бепарво қараманг, уларга аччиқ сўзлар айтмасдан, бир неча кун сабр этинг. Кейин ноурин аччиғланганингиз билинса, сабр этганингиз учун севинасиз. «Сабр таги-сарик олтин» деб қадимгилар бежиз айтишмаган» (Донишмандлар тарбия хусусида, Т.; «Ўқитувчи»—1982, 113—114-бетлар).

Шундан сўнг ўқитувчи дарсни якунлайди.

Уйга вазифа. Ўртоқлик, дўстлик тушунчалари ҳақидаги мавзунини ўтгандан сўнг сизда ўртоқлик ва дўстлик хусусида қандай янги фикрлар пайдо бўлди. Шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни кундалик дафтарингизга ёзиб қўйинг.

Муҳаббат — юксак инсоний туйғу

Ўқитувчи дарсни шоир Абдулла Ориповнинг қўйидаги шеърини ўқиб бериш билан бошлайди.

*Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг,
Йўлларимга қараб қолдинг сен.
Сочгинангни тараб қолдинг сен,
О, биламан, баджаҳл отанг,*

Остонангга йўлатмас мени
Ишонмайди сен севган ёрга,
Узоқларга жўнатмас сени.
Кетар бўлсак иккимиз бирга
Билагузук тақибди отанг,
Қўлгинангни боғлаб бир йўла.
Билагузук, бандинг узилсин,
Ер қўлини қисгандан кўра.
Сен дедингки: «Бўлсайдим юлдуз,
Осмонлардан боқсам-да сизга,
Тушишга йўл топардим, эсиз,
Отам оқ йўл берсайди бизга».
Тухта, втар, бир кун отангинг
Ҳузурига қайтиб келармиз.
Кечир, дермиз, етмаса агар,
Учта бўлиб узр сўрармиз.
Бизни ҳеч ким айб этмас, жоним,
Ғамгин бўлмас биздан хотира.
Севгисидан бахт топганларнинг
Бўлганми ҳеч номлари қора?..

Шеър бўйича қисқа баҳс ўтказилади. Шундан сўнг ўқитувчи ана шу баҳсда билдирилган, иншоларда ёзилган фикрларни умумлаштириб қуйидагича давом этади.

Бу шеърда оташин муҳаббат соҳиби—йигитнинг ўз севгилисига бироз кескин, аммо самимий, эҳтиросли муурожаати ифодаланган. Ишқига етиша олмаслик дардида куйган ошиқ қизнинг отасини «баджаҳл отанг» деб аташдан ҳам тортинмайди. Қизнинг ҳам йигитга кўнгли бор, бутун вужуди билан йигит томонга ўтишни истаса-да, «баджаҳл ота» тарафида қолади, отасининг оқ фотиҳаси билангина бахтли бўлишни истайди.

Адабиётимизда узоқ вақт бир «севги чизиги» кўплаб асарларга сақичдек хизмат қилиб келди. Эмишки, йигит ва қиз колхоз даласидами, завод ёки фабрикада бирга ишлаб, бир-бирига кўнгили қўйиб қолади, вақти келиб қизнинг ота-онаси бу муҳаббатдан хабардор бўлади, лекин «феодал ота», «қолоқ она» икки ёшнинг муҳаббатини тушуниб етмайди, «эскилик сарқитига ўралиб қолган ота-она» йигитнинг насл-насабинини суриштирадилар: «Йўқ, унинг асли паст экан, унга берадиган қизимиз йўқ!» деб туриб оладилар. Шундан сўнг ё бир фожиарўй беради, ё кимлардир ўртага тушиб ота-онага тушунтириб қўяди, ё йигит билан қиз қаергадир қочиб

кетади ва ота-она роса қора бўёққа бўялади! Аммо яхши ўйлаб кўрайлик-чи, қайси ота-она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истамайди? Қайси ота-она ўз фарзанди бахт остонасига қадам қўйса, кўр-кўрона қаршилиқ қилиб туриб олади? Балки, ота-онанинг катта ҳаётий тажрибаси бордир?! Бекорга йигитнинг насл-насабини суриштирмагандир?! Уша ота-онани қоралаб, «ишқини улуглаб» турмуш қурганларнинг қанчаси бахтли, мустақкам оила қура олди? Ота-онани бадном қилиб қочиб кетганлардан қанчасининг юзи эл-юрт олдида шувут бўлди?!

Балки, ота-она ишқ йўлида енгилтаклик қилиб, атрофга айюҳаннос солиб юришгани учун уларнинг муҳаббатини ўткинчи ҳиссиёт деб тушунадир?! Ахир, Отабек билан Кумуш муҳаббатини эслайлик, улар висолга қандай мушарраф бўлишди?

«Отабекнинг юрак уриши эҳтимол янғасига ҳам эшитилар эди... Отабек уйга киргандан кейин янғаси ташқари чиқиб, эшикни ўзи кўрарли қия қилиб ёпди... Уйнинг тўрида ёнини Отабекка бериб, рўмолини учини тугибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайди. Рўмол тугиш билан машғул латиф қўлларни чет қўл келиб сиқди:

— Жоним!

Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини кутқазмоққа тиришиб:

— Ушламангиз!— деди ҳам сиқувчи қўлдан қутулиш учун орқага тисланди.

Титраган ва қовжираган бир товушда:

— Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?!— деди бек.

Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

— Сиз ўшамиз?

— Мен ўша!— деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар.

Кумушбиби оғир тин олиб:

Кўзларимга ишонмайман!— деди.

Отабек кўзларини тўлдириб қараб:

— Мен ҳам!— деди».

Отабек Кумушни кўриб, севиб қолганлигини Ҳасан-

али ҳар қанча усталик билан «тергов» қилса-да, айтмайди. Кумушбиби ҳам бор ишқи-дардини ичига ютади. Бу эса муҳаббатда сабр-қаноатли, вазмин, ифбатли бўлишнинг ўзбекларга хос кўришидир. Ўзбек халқи муҳаббатни енгилтақлик билан қаралмайдиган юксак инсоний туйғу деб билади ва қадрлайди. Шунинг учун ҳам отабоболаримиз мустақкам муҳаббат негизда бахтли оилалар қуришган, кўплаб болалар тарбиялашганки, бу борада уларнинг жаҳонга ёйгулик тажрибалари бор. Муҳаббат йўли андишасиз йўл эмас. Бу йўлда ҳам шоир Бобур айтганидек: «Ҳар бир иш зиммида минг мулоҳаза ва андеша лозимдир».

Бугунги кунда ўзбек шаҳар ва қишлоқларида яхши бир одат анъана тусига кириб борапти. Қуда-андачилик қилмоқчи бўлган ота-она аввало ёшларни кўришиб, бир-бирсини синашиб, ўзаро битимга келишларини кутишади. Шундан сўнггина тўй ҳаракатлари бошланади.

Хуллас, йиғит ва қиз ўртасидаги муҳаббат табиий ҳодиса бўлиб, у бахтли келажак учун йўл очиши керак. Ўзбек халқининг атоқли шоири Лутфий «...севгини инсоннинг энг олижаноб фазилати ва маънавий гўзаллиги деб билади ва бу туйғуни ардоқлаб инсон ҳаётининг энг асосий мазмуни деб қарайди (Лутфий шеърятидан, Т.: 1985, Э. Аҳмадхўжаев, «Мавлоно Лутфий», 5-6-бетлар). У ўзи кўнгил қўйган севгилисини фақат ташқи қиёфасигина гўзал бўлмай, балки дид-фаросатлилиги, нозик фаҳмлилиги — зарофати билан ҳам гўзал эканлигини мадҳ этади:

*Ёлғуз жамол бирла эмас дилраболик,
Сентек керак турур яна чиндин зарофати.*

Муҳаббат, севги — кўнгилнинг кўнгилга иқрори. Баъзи ёшлар: «Мен уни севаман, у эса менга қайрилиб боқмайди. Нима қилсам у мени яхши кўриб қоларкин?» — деб юришади.

*Севувчи кишининг юзи белгили,
Гап очганда маъни, сўзи белгили.
Севар севмасини билайин десанг,
Сенга дадил боқса, кўзи белгили,— дейди*

Юсуф Хос Ҳожиб. Бинобарин, зўравонлик ёхуд ялиниб-ёлвориш, хушомаду тилёғламалик билан ўзга қалбда муҳаббат уйғотиб бўлмайди.

Шу ўринда ўқитувчи инсонда севгининг туғилиши,

ривожланиши, инсон камолоти учун қандай аҳамиятга эга экани ҳақида ҳам тўхталади.

Бола жуда ёшлигиданоқ атрофдаги чиройли, хунук нарсаларга, жумладан, одамнинг чеҳрасига, муомаласига муносабат билдира бошлайди. Бу даврда у ўзига эътибор билан қараган, яхши гапирган кишига меҳр қўяди. Бола ҳали нутқи ривожланмай турибоқ ўзини ким яхши кўришини, ўзига совуқ муносабатда бўлишини билиб олади, ўзига меҳр билан қараган кишига талпинади. Шунинг учун ҳам бола ота-онасига қараганда болажонроқ бўлган бобо-бувисига кўпроқ меҳр қўйиши, ўзига бўлган муносабатга қараб, ё отасини, ё онасини кўпроқ яхши кўриши мумкин. Бу туйғу болада аста-секин ривожланиб боради. Усмирлик даврида ундаги меҳр туйғусидан нисбатан сирлироқ, нисбатан олижаноброқ бир туйғу ўсиб чиқади. Шундай қилиб, биринчи севги — гўзалликни ҳис қилиш, гўзалликни одам юзида, гани-сўзида, характерида кўришдир. Биринчи севги камолотга эришишнинг эҳтиросли биринчи пиллапояси ҳамдир. Чунки, гўзалликни севган қалб, ўзида ҳам гўзалликни мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Масалан, бир ўсмир ўз синфидаги чиройли бир қизчани яхши кўриб қолди. Хўш, уни нима учун яхши кўриб қолди? Чунки, у қизчанинг юзи чиройли, кийимлари доим тоза, дазмолланган, ўзи ҳам озода, бунинг устига қизча яхши ўқийди. Бу ҳислатларнинг бари болани бефарқ қолдирмайди, демак, у гўзалликни ҳис қилади, севади. Энди бола ўзига қарай бошлайди, тоза, озода кийинишга ҳаракат қилади, ўқишда ҳам қизчадан ортда қолмасликка интилади. Ҳеч ким сезмайдиган эҳтиросли бир мусобақа бошланади. Албатта, бу шахс камолотида ижобий аҳамиятга эга.

Биринчи севги ўсмирда ҳали чин муҳаббат пайдо бўлганидан дарак бермайди, лекин унинг ўзи ана шу илк севгини чин муҳаббат деб билади, бу туйғу кейинчалик дўстона бир туйғуга айланиши мумкин.

Демак, гўдакда илк бор ривожланган меҳр туйғусидан ота-онага, опа-сингил, ака-ука ва бошқа ҳеш-ақраболарга, йигит ёки қизга, кейинроқ болада ижтимоий фикр ривожлана бориши билан Ватанга бўлган муҳаббат ўсиб чиқади.

Юқори синф ўқувчилари ўсмирга қараганда энди ўзларини бирмунча сипо тутадилар, ҳар қандай ташқи таъсирларга осон берилмайдилар. Йигит ва қизлар ўза-

ро дўстона муносабатда бўлишга, бир-бирларига меҳроқибат кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Лекин қизларга қўпол муносабатда бўладиган, менсимай қарайдиган йигитчалар ҳам учраб туради. Бундайлар қизлар орасида ҳам топилади. Бундан кўринадики, чин муҳаббат такомили учун ҳали вақт эрта. Шунинг учун ҳам бу даврда ёшлар кўпроқ ўқиб, ўрганиши, жисмоний ва маънавий камолотга эришишда йигит ва қизлар ўзаро мусобақани давом эттиришлари зарур. Бу даврда фаҳм-фаросат, дид, нарса ва воқеаларга қараш борасида тенгдош йигитчаларга қараганда қизлар бироз олдинга ўтиб оладилар. Шунга кўра қизлар енгил-елпи ҳиссиётларга, ножўя ишларга бош қўшаётган йигитчаларга дўстона маслаҳат бериб туришлари фойдадан ҳоли эмас ва кўпинча йигитчалар бундай маслаҳатларга қулоқ ҳам соладилар.

Бу даврда ҳам ёшлар қалбини севги сирли тўлқинлантиришдан тўхтамайди. Лекин мен фалончини яхши кўриб қолдим, унга хат ёзай; ёки оғзаки айтай, мен билан юрсин. Агар мени яхши кўрмаса, ундай қиламан, бундай қиламан, деган гаплардан сақланиш керак. Чунки, олдида жуда масъулиятли, оғир ҳаёт йўли турибди. Яхшиси, бирор кимсага кўнгил қўйган ўспирин у билан дўстона алоқа боғлаши, бирга дарс тайёрлаб, китоблар хусусида суҳбатлашиб, юрак силсиласини йўлга солиши керак. Бу даврда унинг туйғуси янада ойдинлашиб боради ва ўзи кўнгил қўйган одамни яхши билиб ола бошлайди. Келажак эса уларни янги-янги синовлардан ўтказади.

Бир-бирини яхши билиб, характерлари мос келишкелмаслигини ўйлаб, бир-бирига муҳаббат қўйиш сирдан қараганда режали муҳаббатга ўхшайди. Аммо муҳаббат бор-йўғи ҳиссиёт, у дўстона ҳамкорликда туғилиши мумкин эмас, деганлар хато қилади ва уларнинг муҳаббати муҳаббат эмас, балки тезда ўчадиган ҳиссий шамдир. Ундайлар Ленин билан Крупскаянинг муҳаббатини ҳеч қачон тушуна олмайдилар.

Ўзбек халқининг атоқли шоирлари Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг муҳаббати ижодий ҳамкорлик даврида, 1937 йили туғилган эди. Улар онла қуришди, бахтли яшашди, онланинг янги устунлари Омон ва Ҳулкар туғилди. 1944 йил рўй берган ҳалокат эса Ҳамид Олимжонни Зулфия опамиз бағридан юлиб олди. Аммо унинг продасини айрилиқ енга олмади. Икки фарзанди-

ни бағрига босиб, бир умр муҳаббатига содиқ қолди. Эри урушда ўлган кўплаб аёллар: «Мана, Зулфия опа ҳам Ҳамид акадан айрилса ҳам, норасидаларига меҳр қўйиб яшайпти-ку!»— деб ўзларига тасалли берардилар, вафодорликни ардоқли шоирамиз Зулфия опадан ўрганар эдилар. Зулфия опа ўзбек халқининг вафодор аёли тимсоли бўлиб қолди.

Шарқ фалсафасида муҳаббат, ишқ чуқур дунёвий, руҳий, илоҳий уйғунликда қараладиган, ҳийла мураккаб мавзудир. Бу фикрни И. Ҳаққуловнинг «Занжирбанд шер қошида» (Тошкент, «Юлдузча», 1989, 73-бет) деб аталган китобидан келтирилган қуйидаги парча билан далиллаш мумкин.

4
«Маълумки, классик адабиётимизда куйланган ишқ инки гоёвий тармоққа эга бўлган. Биринчи — мажозий, иккинчиси — ҳақиқий ишқ. Мажозий ишқдан мақсад, одамга, мавжуд борлиқ ва табиат гўзалликларига йўналтирилган, шуларга доир дунёвий севгини акс эттириш бўлса, ҳақиқий ишқдан мурод худога бўлган илоҳий муҳаббатни баён қилишдир. Навоийшунос олим Ё. Исҳоқов ҳукмига кўра, Навоий ижодиётида мажозий ва ҳақиқий ишқ қарама-қарши қўйилмайди. «Балки мажозий ишқ ишқни ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки шу йўлдаги бир босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айна ҳақиқатдир». Олим бу даъвои далиллаш учун Навоийнинг ўз шеърларидан мисоллар келтиради. Мана улардан бири:

*Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,
Ким назар пок айлагач, айна ҳақиқатдур мажоз.*

Навоийда поклик — ишқ байроғи. Ишқ ва поклик — бахт ва ҳақиқат мана шу дейди шоирнинг поэтик мантиқлари.

Севишганларнинг хулқ-атвор маданияти

5
«Ёшлик... Кўпгина мавҳум ҳаяжонлантирувчи туйғулар ёшликда вужудга келади. Дунёга янгича нигоҳ пайдо бўлади. Қиз бола ўз тенгқурида янги, номаълум белгиларни пайқайди, ўғил бола эса ёшликдан бирга ўсган қиз қиёфасида ёш аёлни кўради. Буюк А. С. Пушкин айтмоқчи: «Кўз олдимда бўлдинг намоён...» Бу нима? Севгимми? Ёки дўстликнинг давом этиши? Ёки булар-

нинг барчаси биргаликда — яхши ва ёруғ муносабатларнинг бошланиши ва давом этишими? А. С. Макаренко инсоний севги «оддий зоологик жинсий интилиш замида ривожланиши мумкин эмас. «Муҳаббатли» севгининг кучи фақат ножинсий инсоний симпатия тажрибаси орқалигина топилиши мумкин. Навқирон йигит агар ўз ота-онаси, ўртоқлари, дўстларини севмаган бўлса, ўз хотинини ҳам ҳеч қачон севмайди. Бу ножинсий севгининг кўлами қанча кенг бўлса, жинсий севги ҳам шунчалик олижаноб бўлади»¹, деб ёзган эди.

Ўқитувчининг вазифаси ёшликдаги севгининг моҳиятини очиб беришдан, унинг энг яхши инсоний фазилатлар намоён бўлишига таъсирини ёритишдан, ўсмирлар ва қизларга ўз туйғуларини англаб олишда, «ўз туйғуларининг нақадар жиддийлигини («севаман» ёки «ёқади») ўз социал етуклигини, қийин бошланган эрта оналикни, илк никоҳнинг моддий ва бошқа қийинчиликларини англашда ёрдам беришдан иборатдир».²

Ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёшликдаги севгининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Ёшлик севгиси — энг аввало «севги ҳақидаги орзу». «Юрак типирчилаб урганда» (А. С. Пушкин) бу туйғуни синаб кўриш хоҳишидир. Бу «эмоционал алоқага, тушунишга бўлган эҳтиёж, қалб яқинлигидир; эротик мотивлар унда деярли ифодаланмаган ёки англамагандир».

6
2. Севгига бўлган интилиш кўпинча «бўйсунуш», «ўзини йўқотиб қўйиш», қўрқув билан бирга кечади, чунки юқори синф ўқувчиси эркакнинг аёлга анъанавий муносабатидаги «куч ишлатиш» андазасини ҳали ўзлаштириб олмаган бўлади. Бу ўринда юқори синф ўқувчиси ўзлигини қарор топтиришга, ўзининг ички кечинмаларини тийишга интилади. Қиз болалар эса «ўз қадр-қиммати ва ифбатларини сақлаган ҳолда»³ ўз қизиқишлари ва майлларини яширади.

3. «Биринчи муҳаббат, деб ёзган эди А. И. Герцен, — шунчалик ёқимли бўладики, у жинслар ўртасидаги фарқни унутиб қўяди, у оташин дўстликдир. Ўз томони-

¹ Макаренко А. С. Книга для родителей. М.: изд. АПН РСФСР, 1959. Т. 4. 246-бет.

² Кон И. С. Психология старшеклассника. М.: «Просвещение», 1980, 129-бет.

³ Ўша жойда. 124-бет.

дан ёшлар ўртасидаги дўстлик севгининг бутун қайноқлиги ва унинг бутун характерини ўзида ифодалайди».

Ёшлик севгиси — бу ҳамма вақт ёрқин, соф, гўзалдир. Унинг учун севимлисига ғамхўрлик қилиш, беғаразлик, ўзига ишончсизлик ва кулгили бўлиб кўринишдан хадиксираш хосдир.

4. Ёшликдаги севги кўпинча орзу қилинган нарсани ҳақиқатдай қабул қилади, севишганлар оила билан боғлиқ реал планлар тузишмайди. Бироқ бу севги сафарбар қилади, инсонни шахс сифатида қайта туғилишга, мукамалликка интилишга даъват қилади.

«Севги нима?» деган саволга жавоб бериш қийин. Афтидан, у ҳар бир киши учун қандайдир ниҳоятда тегнаран шахсий ишдир, эҳтимолки, севгида инсоннинг ички олами ҳаммасидан кўра яхшироқ ифодалангандир.

*Йўқ, йўқ! Ишқни таъбирлолмас мендаги бу тил,
Бироқ шуни биламанки, мен астойдил
Севмоқлигим заруратдир чин виждон билан!
Севдим, ғоят ёниб севдим нақдижон билан!*

(М. Ю. Лермонтов)

Ўқитувчи юқори синф ўқувчиларига биринчи муҳаббат абадий эмаслигини, кейинчалик унинг ўрнини афсус-надомат ҳам эгаллаши мумкинлигини тушунтириши керак.

*Мен сизни севардим, севгим эҳтимол,
Қалбимда бутунлай сўнмаган ҳали.
Севгим энди сизга келмасин малол,
Ҳадди йўқдир хафа қилгали.
Гоҳо чўчиб, гоҳо рашк билан
Севар эдим, сўзсиз, умидсиз,
Ҳар киши севса ҳам мен каби севсин,
Чин юракдан самимий, чексиз.*

(А. С. Пушкин)

Бироқ ҳали олдинда бутун қувончлар ва ташвишларга, йўқотишлар ва бебаҳо саодатли лаҳзаларга тўла бутун бир умр бор. Шарқда Тоҳир ва Зухра, Лайли ва Мажнун, Хисрав ва Ширин тўғрисидаги севги достонлари кенг маълум. Бедилнинг «Комде ва Мудан» достони ҳам севги ҳақидаги романтик асардир. Шоир ёшларнинг ўтли муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади, шарқ подшоларининг золимлиги ва такаббурлигини ҳаққо-

ний кўрсатиб беради. Севгини фожиали тасвирловчи бутун Шарқ анъанасига қарама-қарши равишда Бедил ўз достони орқали ўлимни догда қолдирган севгини улуғлайди.

Гарчи Мудан палма тагида ўликка ўхшаб ётса ҳам, унда севги яшар эди, чунки у абадийликка маҳкум этилган эди, деб куйлайди ўлмас севгини Бедил.

Гўзал Ширинга бўлган катта ва нурли туйғудан илҳомланган Фарҳод ўз севгилиси висолига етиш йўлида қаҳрамонона ишларни амалга оширади. Ёвузлик кучлари унинг йўлига сон-саноқсиз тўсиқлар қўяди, бироқ улар Фарҳодни ўз орзусидан қайтара олмайди. Лекин Шириннинг эрга текканлиги ҳақидаги ёлгон хабар туйфайли қаҳрамон ҳалок бўлади. Фарҳоднинг ҳалок бўлганлигини эшитиб, Ширин ҳам ўзини-ўзи ўлдирди. Тамомила ҳаёт нури сўнган Фарҳод, севгилисининг ҳам уни деб ўлганлигини эшитганда энг сўнгги марта «Ширин» деб нидо қилади.

Ўқувчилар билан суҳбатлашганда Фарҳод билан Ширин ўртасидаги севгини фожиага олиб келган ижтимоий шарт-шароитларга, уларнинг ўзаро муносабатларидаги синфийликка эътибор бериш зарур.

Ёшлик психологияси билимларидан келиб чиқиб, акселерацияни ҳисобга олиб ўқитувчининг вазифаси ўсмирлар ва балоғатга етган қизларни сексуал ҳаракатлардан «халос» қилишдан иборат эмас, бу зарур ҳам эмас, балки уларни бу ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг муҳим жиҳатини бошқара билишга ўргатишдан иборатдир.¹

Кўпчилик юқори синф ўқувчилари севгининг социал жиҳати тўғрисида мутлақо ўйламасдан, фақат жинс проблемасининг биологик жиҳати билангина таниш бўлишади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Икки ёш бир-бирини севади. Уларнинг ҳар иккаласи 16 ёшда. Улар яқин орада фарзандли бўлишлари керак. Улар бир-бири ва бўлажак фарзандлари олдидаги социал ва маънавий жавобгарликни тўлалигича ҳис қилишадими? Улар ўзлари олдида шак-шубҳасиз пайдо бўладиган барча ҳаётий қийинчиликларни англаб етишадими? Бу юқори синф ўқувчилари билан ечиш керак бўлган проблеманинг бир қисмидир. Аммо бу пробле-

¹ Кон И. С. Психология старшекклассника. М.: Просвещение, 1980, 129-бет.

манинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Бу «жинсий» севги эркинлигидир. Бунда айрим ёшлар ўзларининг шаҳвоний ҳисларини қондириб, жуда эрта жинсий алоқада бўлишади. Ёшлар қайсидир маънода ўзларини ўзлари «ўғирлашади»; ҳақиқий, чинакам севгини кутишмасдан шаҳвоний майлларини қондиришади, холос.

В. Н. Чернокозова ва И. И. Черпокозовларнинг «Маркса-ленинча этика асослари» китобида (Минск, 1974) жамият севишганларнинг хулқ-атвориغا қўядиган талаб қуйидагича ифодаланган:

1. Шунини тушуниш зарурки, севги туйғуси доимий равишда ўзини-ўзи назорат қилиш ва тартиб-интизомга эҳтиёж сезади.

2. Социал етуклик, ойда қуриш учун психологик ва иқтисодий тайёрлик мавжуд бўлмагунча севишганлар ўртасида жинсий яқинликка йўл қўйилмаслиги керак.

3. Сизга яқин кишиларнинг хавотирли эътиборига сабр-тоқатли бўлинг. Ўзингизнинг севгидаги муносабатингиз характерини уларга ўзингиз тушунтиришга ҳаракат қилинг.

4. Ўз севгингиз билан ҳеч қачон мақтанманг, чунки бу билан сиз ўз севгилингизни ноқулай аҳволга солиб қўясиз. Ўз севгингиз устидан кулишларига сабабчи бўлманг.

Ёшлар билан севги тўғрисида суҳбатлашганда шахннинг ахлоқий фазилатлари жуда муҳим белгилар эканлигини таъкидлаш керак. Севги туйғусини ишқибозликдан фарқ қила билиш керак. Ишқибозлик—ёшлик учун жуда характерли бўлган вақтинчалик, ўткинчи ҳис. Агар ўғил ёки қиз бола, қиз бола ёки ўғил болага қизиқиб қолган бўлса, бу иккинчи томон ҳам севади, деган гап эмас. Бироқ ёшликдаги севгини мутлақо ҳақиқий эмас, деб бўлмайди. Аммо бу туйғу вақт синовидан ўтади ва бунда ташқи кўринишлар асосий мезон бўла олмайди. Урта асрлар Урта Осиё халқлари тарихининг ноёб ёдгорлиги бўлган Маҳмуд Қошғарий асарларида қуйидаги ибратли ибора бор: «Ўзнинг чиройли, хунуклигига қарама, одамнинг одобига, хулқига эътибор бер»¹.

Юқори синф ўқувчилари билан муомалада ўқитувчи этикасини ёдда тутмоқ зарур. В. А. Сухомлинский шун-

¹ Қошғарий М. Девону луғатит турк. III том, Т.: «Фан» нашриёти, 1963, 156—157- бетлар.

дай деган эди: «Ким кимга ошиқ эканлиги ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмаслик керак. Бир ўн беш ёшли ўсмир айтгандек, «юракни темир қўл билан пайпаслаб кўриш» ҳақида заррача ҳам шаъма бўлмаслиги керак. Севги абадий равишда бутун умр давомида инсон учун энг ёрқин, интим ва дахлсиз бўлиб қолиши керак»¹.

«Севги ҳаётнинг буюк безаги ҳисобланади,— деб ёзган эди А. В. Луначарский.— Эркак билан аёл улкан севги достонини яратишади. Аммо улар буни тўла тенглик асосида, ўртоқларча теран муносабатлар асосида амалга оширишади»².

Чинакам севги ўзида кўплаб қисмларни жамлайди, улардан ҳар бири ҳис-туйғуларнинг хилма-хил теранликларини намоён қилишади. Албатта, «севгининг биринчи ва асосий маъноси табиатнинг инсон зотини кўпайтириш тўғрисидаги ғамхўрлигидан иборат. Аммо одамлар фақат табиатнинг мана шу ҳисоб-китоби учунгина бир-бирларини севишса, кишилар ҳайвонлардан юқори турмаган бўлур эди»³.

Қадимги Ҳиндистонда инсоний муҳаббатнинг олий тури ҳақида шундай дейишар эди:

Инсон майли уч манбага — юрак, ақл ва танага эга:

Қалбдан севиш дўстликка,

Ақл билан севиш ҳурматга,

Тана севгиси истакқа олиб келади.

Бу уч майлнинг қўшилиши севгини туғдиради⁴.

Аммо ҳамма одамларнинг севгиси ҳар хил. У шахсга, унинг ривожланишига, ахлоқий фазилатларига боғлиқ.

Қанчалик қизиқ кўринмасин, рашк, бир қарашда, катта муҳаббатнинг доимий йўлдоши бўлади. Аммо бу рашк ҳамаша ўз севгилисига муносиб бўлиш истаги, ундан беҳосдан ажралиб қолиш қўрқувидан келиб чиқади. Аммо бу рашкни инсондаги энг яхши туйғуларни ўлдирадиган рашк билан адаштирмаслик керак. Бундай рашк ҳақорат қилади, севгининг ҳақиқий терақлигини

¹ Сухомлинский В. А. Рождение гражданина. М.: «Молодая гвардия», 1971, 223-бет.

² Луначарский А. В. С марксистской точки зрения. М.: 1925, 44-бет.

³ Белинский В. Г. Сочинения А. Пушкина. Ст. вторая. Собр. соч. т. VII. М.: 1957, 146-бет.

⁴ Рюриков Ю. Трудность счастья. Серия «Молодёжная» № 8, 1977, М.: «Знание», 1977.

билиб олишга халақит беради. Чинакам севги самимий дўстлик, фироқ, ҳаётин қийинчиликлар орқали синовдан ўтади.

Ўзбек шоираси Анбар отининг ўз умр йўлдоши Зоҳидхўжа (XIX аср охири—XX аср боши) билан муносабати самимий севги ва дўстликнинг намунаси ҳисобланади. Гарчи Анбар отин бойларнинг хотинларига бағишланган ҳажвий шеърини учун шафқатсиз калтакланиб, тушакка ётиб қолса ҳам ёлғиз бўлиб қолмади. Прогрессив қарашларга эга бўлган унинг эри бутун умр давомида ғамхўр дўстга айланди. Бу Шарқда хотин-қизларни аёвсиз камситувчи мусулмон одатлари ҳукм сурган бир шароитда юз берди.

*Севги десам фақат сен десам,
Сенинг билан яшаса қалбим.
Сен десаму бутун дунёнинг,
Шўришига қулоқ солсам жим.*

(Х. Олимжон)

Кишилар ўртасидаги соф, нафосатли муносабатларнинг кўплаб мисолларини келтириш мумкин (К. Маркс, В. И. Ленин, Ф. Э. Дзержинский, Чкалов ва бошқалар).

Севги севимли кишинг бахт келтиришига ишонч билан чамбарчас боғлиқдир. Бу севгидаги тенглик билан шартланади. Н. Г. Чернишевский ўз хотинига бундай деб ёзган эди: «Азизим, агар мен сен билан учрашмаганимда, агар сен мени топмаганимда, менинг сенга бўлган садоқатимга ишонишинг мумкинки, менинг ҳаётим бўм-бўш ва самарасиз бўлган бўлур эди. Сенинг фазилатларинг инсонларнинг ақл-фаросатли ва олижаноблигига бўлган ишончимни қўллаб-қувватлади»¹.

Севги ва виждон бир-биридан ажралмас тушунчалар

Агар севги туйғуси етарлича ривожланмаган бўлса, инсон тасодифий майлларнинг ўйинчоғига, худбинга айланиб қолиши мумкин. Унда шон-шараф туйғуси каби ахлоқий фазилатлар намоён бўлмайди. Социалистик жамият ёш авлоднинг тақдиридан манфаатдор ва ёш

¹ Чернишевский Н. Г. Письмо О. С. Чернишевской. Полн. собр. соч. в 15-ти т., М.: 1950, 15- том, 393- бет.

ларда юксак ахлоқий туйғуларнинг қарор топиши учун ҳаракат қилади.

А. С. Макаренко «севишга ўргатиш, севгини танишга ўргатиш, бахтли бўлишга ўргатиш — ўзини ҳурмат қилишга ўргатиш, инсоний қадр-қимматни баланд тутишга ўргатиш демакдир», — деб ёзган эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати турмушдаги буржуа ва феодал-диний ахлоқ қолдиқларига қарши кураш олиб бориб, совет оиласининг ахлоқий асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича катта идеологик иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда, жумладан, Ўрта Осиёда социализмнинг ғалаба қилиши муносабати билан чуқур социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз берди.

Озод бўлган ўзбек аёли, севиш, ҳурматланиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бироқ ёшларнинг севгига енгилтаклик билан муносабатда бўлувчи бир қисми севгини «ўйин», «ҳаяжонни қондириш» деб тушунадилар. «Жинсий ҳаётда табиат томонидан инъом қилинган сифатларгина намоён бўлиб қолмасдан, балки маданият келтирган фазилатлар ҳам намоён бўлади... Албатта, ташналик қондирилишни талаб қилади. Бироқ нормал киши нормал шароитларда кўчада ифлос жойга ётиб олиб ўтлоқдан сув ичадими? Ёки ҳаттоки, ўнлаб лаблар стакандан сув ичадими? Аммо муҳими ижтимоий жиҳати. Сув ичиш, чиндан ҳам индивидуал иш, аммо севгида икки киши иштирок этади ва учинчи киши, янги ҳаёт пайдо бўлади. Бунда жамият манфаати келиб чиқади, коллективга нисбатан бурч пайдо бўлади»¹.

Ўқитувчи бу бўлимни тугаллар экан, бир нечта саволларни ўртага ташлаши мумкин:

1. Ёшликдаги севгининг характерли хусусияти.
2. Жамият томонидан севишганлар хулқ-атворига қўйиладиган асосий талаблар.
3. Жамиятнинг ёшлар севгисига муносабати.
4. Ёшликдаги севгидан мисоллар (классик замонавий адабиётдан, кинофильмлардан, ҳаётдан).
5. Эркак ва аёл ўртасидаги севгининг ўзига хос хусусиятлари?
6. Социалистик жамиятда никоҳнинг асосини нима ташкил қилади.

¹ Цеткин К. Воспоминания о Ленине. М.: Гос Литиздат, 1955, 49-бет.

УЧИНЧИ БУЛИМ

ОИЛА ВА НИКОҲ

Никоҳдан ўтишга тайёргарлик мезони

Севги, никоҳ ва оила тушунчалари ҳамма вақт ёнма-ён юради. Бирини иккинчисини тақозо этади. Аммо ҳаммаша ҳам шундайми? Ҳамиша ҳам шундай бўлганми? Оилавий муносабатлар маданияти нималардан иборат? Урта Осиё халқларида турмуш маданияти қандай? Ўзбекистонда-чи? Темани ёритишдан олдин ўқувчиларга мана шу саволлар билан мурожаат қилиш мумкин. Ўқитувчи «турмуш маданияти», «оилавий муносабатлар маданияти» тушунчаларини ифодалашда оилавий муносабатлар ишлаб чиқариш усулига, халқнинг урф-одатлари ва анъаналарига, жамиятда хотин-қизларнинг мақомига, жамият идеологиясига боғлиқлигини кўрсатиб бериши керак.

Урта Осиёда революцияга қадар никоҳ-оила муносабатлари асосан «шарнат»га боғлиқ бўлиб, унга кўра эр хотинининг уйдан чиқишини тақиқлаб қўйиши, унга нисбатан жисмоний куч ишлатиши, уни кўчага чиқариб ташлаши (яъни уни талоқ қилиб, мол-мулк ва тураржойга эгаллик ҳуқуқидан маҳрум этиши) мумкин эди. Ёки ўз хотинига уч марта «талоқсан» деб айтиб оиладан кета оларди. Агар эр яна оилага қайтиб келмоқчи бўлса, мулла бошқатдан никоҳ ўқиши шарт бўлган.

Қуръон қонуналарига кўра аёл киши паранжи ёпиниб юриши, юзини чачвон билан яширишга мажбур, бу қондани бузса, уни ўлдиришлари ҳам мумкин эди.

Саккиз-тўққиз ёшдан бошлаб қиз бола юзини беркитар, куёв ўз қаллиғининг юзини, қиз бола ҳам бўлғуси эрини фақат тўйдан кейингина кўрарди.

Шарнат қондаларига кўра эркак тўрт жиҳати билан ўзидан паст ҳамда ўзидан устун аёлни хотинликка олиши мумкин эди. Бўлажак қайлиқнинг ёши, бўйи, бойлиги ва келиб чиқиши куёвникидан паст бўлиши лозим ва гўзаллиги, характери, одоби, меҳри эркакнинг худди ана шундай сифатларидан юқори бўлиши керак эди. Эрнинг руҳсатисиз кўчага чиқмаслик аёлни мажбурияти ҳисобланар, у «ўз руҳий кайфиятини эрининг

кайфиятига мослаштириши» керак эди¹. Агар эр хотинига хиёнат қилса, бу унинг айби саналмас, хотин хиёнатда гумон қилинса ҳам оғир жазога дучор қилинарди.

Революциягача бўлган Туркистондаги никоҳ-оила муносабатлари этикаси шариат томонидан аёлнинг ҳуқуқий тенгсизлиги сифатида белгиланар эди. Аёл киши эрнинг уйида яшар экан, қайнананинг қаттиқ зулмига учрар, қайнана бамисоли ўз ҳаётининг бутун машаққатларини келин елкасига юклар эди. В. И. Ленин «никоҳ ва оила ҳуқуқидаги хотин-қизларнинг «қабих, разил, иккиюзлама тенгсизлиги»²ни йўқ қилишни хотин-қизларни озодликка чиқариш учун курашда Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосий вазифаси деб ҳисоблади. Социалистик революция ғалабасидан кейин ўзбек оиласининг турмуши ўзгарди. Бироқ Урта Осиёдаги социал-маиший, ишлаб чиқариш, диний муносабатларни ҳисобга олган ҳолда эски урф-одатларга бир зарба билан барҳам бериш мумкин эмас эди.

1919 йилда Ўзбекистонда хотин-қизлар бўлимларининг пайдо бўлиши, ер-сув ислоҳоти ўтказилиши (1925 й.) туфайли ўзбек хотин-қизлари мустақил хўжалик ташкил этиш имконига эга бўлишди, ўз шахсий ҳуқуқларини ҳис этишди (одатга кўра уйланган деҳқонгина ер ва сув олиш ҳуқуқига эга эди).

Шарқ аёли руҳонийларнинг зўр бериб қаршилик кўрсатишига қарамай, ўз озодлиги учун сабот билан кураш олиб борди. Бунда уни партия ва ҳукумат қўллаб-қувватлади.

1927 йил январида ЎзССР Советларининг МИК Ўзбекистон меҳнаткаш хотин-қизларининг маиший аҳволини яхшилаш бўйича доимий комиссия туғрисидаги низомни тасдиқлади.

Кўп хотинлилик, мажбуран эрга бериш, кичик ёшдаги қизларни турмушга чиқариш ва бошқа феодал сарқитларга қарши кураш олиб борилди. Паранжи ташлаш аёллар тенглиги учун дебоचा бўлди. Октябрнинг оташин куйчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўзбек хотин-қизларига қуйидаги мисраларни бағишлади:

¹ Тюрин К. Д. Формирование советской семьи в Узбекистане., 152- бет.

² Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 42- том, 436- бет

*Келди очилур чоғинг ўзлигинг намоён қил,
 Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил,
 Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи
 Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.
 Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
 Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.
 Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир,
 Кел бугун бу заҳмингга маърифатни дармон қил.
 Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни
 Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.
 Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутултирғил,
 Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон қил.
 Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
 Нурларин олиб кўзга сурмайи сулаймон қил.*

Бироқ эски никоҳ-оила муносабатининг сарқитларни ўзбек аёлининг шахс сифатида қарор топишига ҳалақит берди. Ҳатто, эрсиз аёл ҳам паранжи ташлагани учун собиқ эри томонидан ўлдирилиши мумкин эди. Ўзбек аёли партия ва ҳукуматнинг катта ёрдами туфайли зўр қийинчилик билан ўзига мустақиллик, сеvimли кишисини танлаш, қалб даъватига кўра оила қуриш, касб танлаш, ўз болаларига оналик қилиш, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда руҳонийлар никоҳ-оила муносабатларининг ривожланишига кучли салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ЎзССРнинг никоҳ-оила, васийлик тўғрисидаги Кодекси ва 1928 йил 1 октябрдан бошлаб гражданлик ҳолати актлари ёзувининг жорий этилиши шариат, одат ва айрим ўзбек қабилаларининг одатдаги ҳуқуқлари никоҳ-оила муносабатларини бошқарувчи сифатида тан олинishiга чек қўйди. Кўп хотинлилик тақиқланди. Эр-хотинлардан исталган бирининг хоҳишига кўра никоҳ бекор қилинишига рухсат берилди. Эр ва хотин никоҳга кирганларигача бўлган ўз мол-мулкларига эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Никоҳда бўлган пайтларида жамланган мол-мулк эр-хотиннинг умумий мулки деб ҳисобланди.

Қабул қилинган ЎзССР қонунлари кодекси ҳақиқий никоҳда туғилган ва қайд қилинган болаларнинг ҳуқуқларини тенглаштирди. Келиннинг никоҳ ёши 16 ёш, кувёнкни 20 ёш қилиб белгиланди.

1938 йил 14 июлда ЎзССР МИК қабул қилган қарор-

га кўра келиннинг минимал никоҳ ёши 18 ёш қилиб белгиланди. Шарқ оиласи тарихида биринчи марта хотин-қизларнинг қуллигига барҳам берилди.

Аста-секин никоҳ ва ажралишларни, туғилиш ва ўлимқи қайд қилиш ўзбек халқининг турмушида нормага айланди. Совет оиласининг ривожланиши, маданиятининг яхшиланиши оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласининг қўйилиши билан узвий боғланган.

В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Умумий ошхоналар, яслилар, болалар боғчалари... хотин-қизларни амалда озод қила оладиган, уларнинг... эркакка ҳисбатан тенгсизлигини камайтириб ва йўқотиб юбора оладиган... воситалар мана шулардир... Буларнинг ҳаммаси эркинлик куртакларидир ва шу куртакларни парвариш қилиш бизнинг умумий ва энг биринчи бурчимиздир»¹.

Медицина ва болалар боғчалари тармоғи кенгайди. Кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат нафақаси белгиланди, «Қаҳрамон она» фахрий унвони ва «Оналик шуҳрати» ордени ва «Оналик» медали таъсис этилди.

Ҳозир Ўзбекистонда қизларнинг физиологик жиҳатдан эрта балоғатга етишуви ҳисобга олиниб уларнинг никоҳга киришлари 18 ёшдан 17 ёшга келтирилган.

Е. М. Ворожейкиннинг «Ёш эр ва аёлларга никоҳ ва оила, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида»ги (М.: 1975, 29-бет) китобига асосланиб, ЗАГС га ариза берилганидан токи оилани сақлаб қолишни таъминлашга оид қондаларни бажаришгача бўлган никоҳ-оила муносабатлари бўйича совет қонунчилиги нормаларни ёритилиши зарур.

Ўзбекистондаги никоҳ-оила муносабатларини ёритишда замонавий ўзбек оиласининг қуйидаги асосий принципларини кўрсатиш мумкин:

1. Якка никоҳлилик — бу билан шариат рухсат берадиган кўп хотинлиликка чек қўйилди.

2. Эр ва хотиннинг тенглиги — совет оиласининг асоси.

3. Никоҳнинг мажбурий қайд қилиниши — эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларининг шартидир.

4. Эр-хотиннинг ўз фамилиясини эркин танлаш ҳуқуқи эр-хотин учун умумий фамилиянинг ташкил топиши — ўзбек оиласи турмушидаги янги ҳодиса.

¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 39- том, 29- бет.

5. Эр-хотиндан бирининг яшаш жойи ўзгарганда иккинчисининг бундан кейин қаерда яшаши масаласи эркин ҳал қилинади (мусулмон одатига кўра эса эр хотин учун қалин тўлагандан кейин уни хоҳлаган жойига олиб кетиши мумкин эди).

6. Она ва отанинг тенг ота-оналик ҳуқуқи белгиланган (мусулмон ҳуқуқига кўра ўғил болалар 7 ёшга, қизлар 11—12 ёшга тўлгач мажбурий отанинг ихтиёрига ўтар эди).

7. Болаларни мактабда ўқитиш ота-оналарнинг бурчи қилиб белгиланган, кичик ёшдаги қизларни турмушга бериш (совет оила ҳуқуқи бўйича никоҳ ёшига етгунга қадар) тақиқланган.

8. Ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандлари олдидаги мажбуриятларини бажармаслик ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишга олиб келади (ўзбек оиласи ривожланишида принципиал янги қоида).

9. Никоҳда тўпланган мол-мулкка биргалликда, никоҳгача бўлган мол-мулкка мустақил эгаллик қилиш ҳуқуқи белгиланган.

10. Эр ёки хотиннинг хоҳиши билан никоҳни бекор қилиш қонунлаштирилган (хотиннинг хоҳиши билан никоҳни бекор қилиш Ўзбекистонда совет оиласининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнади).

Совет Ўзбекистони оиласи ўтмиш сарқитларини улоқтириб ташлаб, аммо ўз халқининг яхши, ёрқин анъаналарини давом эттириб мустаҳкамланмоқда. Шарқ оиласида кичиклар катталарни ҳурмат қилиши авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Урта Осиёнинг кўзга кўринган донишманди Маҳмуд Қошғарий XI асрда: «Қўни-қўшнилариингга яхшилик қил, уларни ҳурматла, катталарни ҳурмат қилган одам бахт топади»¹, деб ёзган эди.

Бир-бировига ёрдам бериш, ҳашар, қийин пайтда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дўстлик, ёш оиланинг ўз қаддини кўтариб олишига кўмаклашиш ўзбек халқининг ажойиб анъаналаридир. Яхши анъаналар унутилмаслиги керак. Тўй маросимлари, тўй қўшиқлари ёшлар учун қизиқарли ва ибратлидир. Уларда келиннинг қайғу ва қувончлари, онанинг ташвишлари ва севинчлари ўз ифодасини топади.

¹ Қошғарий М. Туркий сўзлар девони (Девон луғатит турк) 1 том. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти. Т: 1960, 138-бет.

Олма деб отдилар мени,
Беҳи деб сотдилар мени.
Қари чолга узатдилар,
Кейин жабрини тортдилар.
Мени отам отдилар,
Бойваччага сотдилар,
Бойваччаси қурсин,
Рангим сомон этдилар.

* * *

Оҳ урарман, оҳ урарман,
Оҳларим туткай сени.
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Балиқлари ютгай сени.

* * *

Тоғда тойча кишнайди,
От бўлдим деб, ёр-ёр.
От бўлдим деб.
Уйда келин йиғлайди,
Ёт бўлдим деб ёр-ёр
Ёт бўлдим деб

Икки сандиқ рўбару рўй берди, ёр-ёр.
Икки қуда тенг туриб қўй берди, ёр-ёр.
Араванинг ичида учгина қиз, ёр-ёр.
Юрагимни ўртади кичкина қиз, ёр-ёр.

Олтин билан босилган ўйинг бўлсин, ёр-ёр,
Сулаймон қизидай бахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Қизил — қизил хўрозлар хирмон сочар ёр-ёр.
Уйланмаган йигитлар танга сочар ёр-ёр,

Бахту давлат эшигин очиб келди, ёр-ёр,
Дуру гавҳар оғзидан сочиб келди, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан сарви равон ёр-ёр,
Писта-бодом қўйнида сочиб келди, ёр-ёр,
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан қиз меҳрибон, ёр-ёр,
Кувёв йигит қиз билан қучиб келди, ёр-ёр,
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан қиз меҳрибон, ёр-ёр.

Қўша қариб иккаласи сурсин даврон, ёр-ёр.
Қиз ойимнинг васфини қилай қалам, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан келин салом, ёр-ёр,
Барча ўтган арвоҳларга қилай салом, ёр-ёр.

*Қайнотаси билсангиз сизга салом, ёр-ёр.
Қайнонаси билсангиз, сизга салом, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан сарви равон ёр-ёр.
Ота-она барида сурсин даврон, ёр-ёр¹.*

Халқнинг севги-муҳаббатга, тўй маросимларига бағишланган қўшиқлари кўп. Уларда энг яхши анъаналар, орзу-умидлар ўз ифодасини топади. Оилавий муносабатлар анъанасини ёшларга сингдириш, уларда ўз халқининг маданияти, ўзининг бўлажак оиласи маданиятини тарбиялаш лозим.

Ушбу тема таҳлил қилинганч ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Революциягача Туркистондаги оилавий муносабатлар нималарга боғлиқ эди?
2. Октябрь революциясига қадар ўзбек хотин-қизларининг аҳволи қандай эди?
3. Хотин-қизларни озодликка чиқариш учун Коммунистик партия қандай тадбирларни амалга оширди?
4. «Хужум» нима? Унинг роли қандай бўлди?
5. Ўзбекистондаги совет оиласининг асосий принциплари, анъаналари ҳақида сўзлаб беринг.

2. Ўсмирлар ва қиз болаларнинг никоҳга ахлоқий тайёрлиги

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга ёшларнинг никоҳга ахлоқий-психологик тайёргарлиги масалаларини, шахснинг ахлоқий тарбияси қирраларини, оиланинг ғоявий бойлигини кўпроқ тушунишда, ҳаётнинг бугунги талабини—эр-хотин биргаликда оила тебратиши зарурлигини билиб олишда ёрдам беришдир.

Бу масалаларни чуқурроқ ёритиш мақсадида олдиндан тарқатилган анкета маълумотлари асосида ҳар бир ўқувчидаги оилавий ҳаётга психологик тайёргарликнинг индивидуал даражасини таҳлил қилиш мумкин.

Ўқувчиларга қуйидаги саволлар ёзилган анкеталар тарқатилади:

1. Сенинг никоҳга муносабатинг қандай?
2. Қизларнинг камтарлиги ва эрларнинг ғурурини қандай тушунасан?

¹ Қўшиқлар «Ўзбек халқ қўшиқлари» китобидан олинди (Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972).

3. Сен оила ва жамият ўзаро боғлиқ эмас ва ёшлар қурган оиланинг жамиятга даҳли йўқ, деб ўйлайсанми?

4. Сен эр-хотиннинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида нима-ларни биласан?

5. Сен болаларни тарбиялашга тайёрмисан?

6. Сен оила бюджетини режалаштиришни ва уй хўжалигини юритишни биласанми?

Ўқувчиларнинг жавобларини таҳлил қилиш натижасида ўқитувчи синф билан биргаликда болалар никоҳга ижобий муносабатда эканига қарамай, унга психологик жиҳатдан тайёр эмаслар, деган хулосага келади.

Ушбу темани баён қилишда ўқувчилар эътибори ёшларнинг никоҳдан ўтишга тайёргарлик мезонини ифодаловчи қуйидаги асосий масалаларга қаратилиши керак:

1. Оилавий ҳаётга ахлоқий-психологик тайёрлик.

2. Социал мустақиллик.

3. Оила тўғрисидаги ҳуқуқий билимларни билиш.

4. Социал тарбия.

5. Болаларни тарбиялашга тайёргарлик.

6. Зарур хўжалик — иқтисодий тайёргарлик¹.

Шундан сўнг ўқитувчи қуйидагиларни айтади:

Бундан уч ярим минг йил аввал Миср эҳромларининг бирига: «Унинг саҳовати шуъла сочади ва танаси нур таратади, қарашлари оромбахш, лафзи ширин» деган сўзлар ёзилган экан.

Ўзбек шоири Бобораҳим Машраб ёр ҳажри тўғрисида қуйидаги байтни битган:

*Кўзларим кўрмас бўлуб қолди бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чиқти бу оҳу фиғоним, қайдасан.*

Нодира А. Навоий анъаналарини давом эттириб, инсонга бўлган севгини куйлаган, унинг маънавий гўзаллигини улуғлаган:

*Висол тонгим жамолинг қуёшидан нурли эди,
Ҳижрон шомим қорайди, эй ой юзлигим, кел!
Сенсиз ҳасрат-надомат бурчагида ҳижрон*

*дардини тортаман,
Эй сарви нозим, бу ҳижрон дардидан мени озод
қилгали кел.*

¹ Гурова Р. Г., Г. Б. Рычкова. Подготовка старшекклассников в жизни. М.: «Просвещение», 1979, 98- бет.

Уқитувчи буюк шоирларнинг севгиси тўғрисида мисоллар келтириб, уларнинг хатларидан ҳам намуналар ўқиши мумкин.

«...Менинг сенга бўлган севгим сен мендан йироқдалигингда, у аслида қандай бўлса, шундайлигича — улуғворлигича намоён бўлади; унда менинг бутун маънавий қудратим ва туйғуларимнинг бутун кучи жамланади. Мен сўзнинг том маъносидан яна ўзимни инсон сифатида ҳис қиламан (К. Маркс Женни Марксга).

«Сен менга мен ҳозир нимани кўраётган бўлсам, шунини бердинг ва менинг ҳаётим қандайдир яхши ва қимматли бўлиб қолди. Сен ва ўғлимиз — мана менинг ҳаётим, менинг ҳавом ва ёғдум. Ўғил — ҳаётимизнинг алоқа риштаси. Сен менинг дўстим, ўртоғимсан. Сен мени қийин дамларда ёлғиз қолдирмайсан. Мен сен билан ҳам руҳан, ҳам жисмонан дам оламан» (В. П. Чкалов О. Э. Чкаловага).

Уқитувчи «Сизларнинг ҳар бирингиз ўзингизни мана шундай ҳис қиласизларми?», деб савол бериши мумкин.

Оилавий ҳаётда энг асосийси — сабр-тоқатли, кечиримли бўлиш, қалб мусаффолиги, одоблилик, чидамликдир.

Ирина Овчинникова редакцияга келган хатлардан бири ҳақида ҳикоя қилади. Бу хатда — оила бошлиги бўлган эркак кишининг умуртқаси сингани, бир операция кетидан иккинчиси бўлгани ва, ниҳоят, тўшакка михланиб қолгани ёзилади.

«Тасаввур қилинг: учта ушоққина бола ва тўртинчи бўлиб мен. Яқиндагина оила боқувчиси бўлган эркакнинг беҳосдан қўлидан ҳеч бир юмуш келмайдиган гўдакка айланиб қолганини бир тасаввур қилинг. Мен ўзимни яхши тутмадим: тутоқдим, ҳар нарсага аччиқландим — миямга нима хаёллар келмади, дейсиз, ўшандан бери кўп йиллар ўтди. Агар бугунги кунда мен шунчаки яшабгина қолмай, балки уч боланинг бахтли отаси, сеvimли хотинимнинг эри эканман, бунинг ҳаммаси Галя туфайлидир. Унга раҳмат. У менга ўзимни тутиб олишимда ёрдамлашди, ўзи ҳам барча қийинчиликларга мардона дош берди. Бизнинг ҳар бир жиҳатдан ҳавас қилса арзийдиган дўстларимиз кўп. Уларнинг ҳеч қайсиси бизга ачинмайди, аммо баъзилари ҳавас қилиши аниқ. Агар мен шоир бўлганимда хотинимни шарафлаб дoston ёзган бўлардим. Бу дostonда аёл кишининг кўзга кўринмас қаҳрамонлигини куйлар-

дим. Тўғри, бу қаҳрамонлик учун орденлар беришмайди, хизмат поғонасида юқори кўтаришмайди. Аммо биз ҳаммамиз инсон куч-қудратига бўлган ишончимизни мустаҳкамлаганлиги учун унга бурчлимиз»¹

Севги учун асосий негиз дўстона илтифот ва ҳурмат эканлиги ҳаётда аллақачон тасдиқланган. Бу икки омил бир-бирига психологик мосликни келтириб чиқаради. Ота-оналар, қариндошлар, дўстлар, танишлар билан ўзаро яхши муносабатда бўлиш ҳам бахтли онла шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Оилавий ҳаёт нуқул қувончли, шод-хуррам кунлардан иборат бўлмайди. Унда қайғу ва хафагарчиликлар ҳам бўлиб туради. «Никоҳ ҳеч қачон тугамайдиган кечинмадир. Никоҳда муносабатлар бамисоли бир оқимга ўхшайди, бу оқимда қайғу ҳам, даҳшат ҳам, ҳайрат ҳам, ғамхўрлик ҳам, сеvgи ҳам бор. Бу кечинмаларнинг ҳеч бири сўнгги кечинма эмас»².

Ёшлиқдан буларни тушуниш ва оилавий ҳаётга психологик тайёрланиш керак. Уқувчилар эр-хотинлик ҳаётини тўлароқ тасаввур қилиш учун айрим ҳаётий вазиятларни таҳлил этиш устида бош қотиришлари мумкин.

1. Эр хизматда ушланиб қолади. Уйда эса ёш хотини ва чақалоқ бор. Хотини «мен доимо уй иши билан бандман, эрим эса оила ташвишларидан четда туриш учун аллақайларда кўнгилхушлик қилиб юради», деган ҳаёлга боради. Зиддиятли вазият юзага келади. Бундай пайтда хотин қандай йўл тутуши керак? Бунинг бир неча вариантлари бўлиши мумкин. Агар эр чиндан ҳам ишда тутулиб қолган бўлса-ю, хотини жанжал чиқармаслик, дўстона суҳбатлашиш, эрини овқатлантириш учун ўзида куч топа олса, эр оила олдидаги бурчини ҳис қилиб, хотини ва боласини соғиниб, уй ишларига ўзи киришиб кетади. Жанжал бўлмайди.

2. Эр билан хотин ўртасидаги муносабат анча кескинлашган. Шу пайтларда эрнинг онаси касал бўлиб қолади. Бунда оилани сақлаб қолиш ва эри билан муносабатни яхшилашни истайдиган хотин ўзини қандай тутуши керак? Хотиннинг қандай ҳаракати эри билан кейинги муносабатларида салбий роль ўйнайди?

¹ Зацепин В., Цинболюк В. Мы и наша семья. М., «Молодая гвардия», 1985, 34-бет.

² Рожерс К. Журнал «Студенческий меридиан», 1984, № 7.

Уқувчилар вазиятни таҳлил қилишар экан, аёлнинг оилада муҳим роль ўйнашини тушуниб етишлари лозим. Халқ орасида «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин», деган нақл бор. Буни унутмаслик керак.

3. Ёш хотин эрнинг кўп кишилик оиласида яшайди. Оиладаги ҳамма топган пулини онага беришга одатланган. Бундай ҳолатда ёш келин қандай йўл тутиши керак?

Ҳозирги ёшлар шаҳардами, қишлоқдами, қаерда яшаса ҳам, мустақил ҳаётга интиладилар, аммо ҳамма вақт ҳам ўзларининг мустақил уйларига эга бўлавермайдилар. Шароит тақозоси ва анъанага кўра эрнинг ота-онаси билан бирга яшашади. Ёш бека пулнинг бир қисмини қайнарасига бериб, уйдаги катталарнинг алоҳида ишончи ва ҳурматини қозонади. Бу орқали эрнинг ота-онаси у билан самимий муносабатда бўлишадди. Эр ҳам унга янада қаттиқроқ боғланиб қолади.

Турли табиий асослар, социал турмуш тарзи эркак ва аёлни оилада ҳар хил мажбуриятларни бажаришга мажбур этган. Ҳозирги пайтда оиланинг боқувчиси ҳисобланган эркакни ифодаловчи «оила бошлиғи» тушунчаси ўзининг аввалги маъносини йўқотди. Бу ҳол аёлнинг моддий жиҳатдан эрга қарам эмаслиги, яшаш учун ишлаб пул топиш ҳуқуқига эга бўлиши, ўзинигина эмас, балки боласини ҳам таъминлай олиши туфайли юз берди. Бироқ бахтли оила сабр-тоқат, ҳамдардлик билангина қурилади. Аёл эрнинг олдида ўзининг моддий қарам эмаслиги, жамиятдаги ўз мавқеи, мустақиллиги билан димоғдорлик қиладиган бўлса, оилавий муносабатларга путур еткази. Чунки, аёл қувонч билан ўз зиммасига олган ишлар унинг учун оғирлик қилади ва у эркакка кўпроқ талаблар қўя бошлайди. Хотиннинг даъволари эр учун ҳақорат бўлиб туюлади, уни асабийлаштиради. Бу эса оилавий муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун қиз болада ёшлигидан эркакларга ҳурматни сингдириб бориш лозим. У ўзининг аёлликка, оналикка яратилганини, унинг физиологияси шунга мосланганини билиши керак.

Эрнинг қишлоқда жуда ҳурматли кишилардан бири бўлиб қолишида хотиннинг қандай роль ўйнагани ҳақида доғистон халқининг жуда қизиқ нақли бор. Хотин жуда ақлли, гўзал бўлиб, ақлли, аммо камбағал йиғитга турмушга чиқади. Ота-онаси унинг камбағалга те-

гишига қаршилиқ қилади. Аммо қиз ўз аҳдида маҳкам туради. Ҳамқишлоқлар маслаҳат учун унинг олдига келишганда у «йўқ, менинг олдимга эмас, Аҳмаднинг олдига боринглар. Менинг Аҳмадим сизларга ақлли жавоб беради»,— дейди. Одамлар Аҳмаднинг хотини унинг фикрини қадрлашини билганларидан кейин камбағал йигит Аҳмадни ҳурмат қила бошлашади¹.

Қадим-қадимдан аёл киши рўзгор юритувчи, оиланинг бекаси бўлиб келган. Кўпинча унинг чидамлилиги, марҳаматлилиги қалб саҳовати, туйғуларни чексиз ва кўп қирралиги туфайли оила мустаҳкамланади.

Агар хотин эрининг доимо уй юмушларини бажаришини истаса, аста-секин эрига бўлган ҳурматини йўқотади. Ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлмаган киши билан яшаш қизиқ бўлмайди.

Онладаги ишлар ҳамма вақт ҳам силлиқ кетавермайди. Бу ишлар баъзан қўпол сўз, беъмани хатти-ҳаракат, зиддият кескин муносабатларга сабаб бўлади. Бунда кўп нарса аёл кишига боғлиқдир. Шундай ҳолларда майда-чуйда жаңжалларга эътибор бермаслик лозим. Доғистонлик шоира Ф. Алиева хафагарчиликни тузни сувга ташлаб эритиб юборгандек унутиш ва уни ҳеч қачон эсламасликни маслаҳат беради.

Эр ҳаёт йўлида хотин билан ҳамқадам бўлиб кетиш-кетмаслиги, унга ҳимоячи ва таянч бўлиш-бўлмаслиги кўп ҳолларда аёлнинг ўзига боғлиқ бўлади.

Бундан уч юз йил олдин ёзилган француз шоири Антуан Эроэнинг «Мукамал дўст» поэмасида ифода-ланган фикр бугунги кун аёли учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унда жумладан шундай дейилган: «У гўзалликни, илоҳий ақл-заковатни излайди... Агар бир кишига содиқ бўлиб қолиш қийин бўлса, у менинг ўзимдан минглаб кишини топади, модомики, хоҳлар экан, майли, уларни ҳадсиз алмаштираверсин, аммо у бари бир мендан абадий йироқ кетмайди».

Мавзуни яқунлашда ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш маъқул:

1. Нима учун ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур?

¹ Фазу Алиева. Избранные произведения. Т. П. М.: «Худ. лира». 1980, 58—59-бетлар.

2. Никоҳга тайёрликнинг асосий мезонлари нима-лардан иборат?

3. Оилада аёлнинг роли қандай?

4. Қуйидагилар намоён бўладиган ҳаётий вазият-лардан мисоллар келтиринг:

а) хотиннинг эрни ҳурмат қилиши;

б) хотиннинг эрни ҳурмат қилмаслиги.

Бу вазиятларни қиёслаб таҳлил қилинг.

Эркак ва аёлнинг ҳаётдаги ўрни ва роли

Ҳар бир йигит никоҳдан ўтар экан, муҳаббат, дўст-лик, ўзаро тушуниш ҳукмронлик қилувчи оила қуриш-ни орзу қилади. Аммо кўпинча дастлабки, арзимаган қийинчиликларга дуч келиши биланоқ қийинчиликлар-дан ҳам оиладан ҳам юз ўгиради. Нима учун? У яқинда-гина бахтли оила қуришига қатъий ишонган эди-ку!

Биз оила тинчлигининг, ҳамжиҳатлиги ва фаровон-лигининг асоси бўлмиш аёл ҳақида гапирар эканмиз, яқиндагина оила «бошлиғи» деб таън олинган эркакни эътибордан четда қолдирамизми?

Бу ўринда биз доимо меҳнат билан банд бўлган, бутун куч-қувватини ишлаб чиқаришга сарфлаб аёл яра-тадиган уйдаги жаннатга ҳам жисмоний, ҳам маънавий толиқиб келувчи эркакни назарда тутаямиз.

Жамиятимиз СССР Конституциясида «эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуққа эга» деган қонунни қарор топти-риб, аёлга фан, саъят, ишлаб чиқаришда ўзини намоён қилиш имконини берди. Аёлнинг зиммасига икки вази-фа: оила (бу тарихий таркиб топган) ва ишлаб чиқа-риш (бу ҳаёт зарурияти) юкланди.

Жамиятимиз асосий ячейкасининг фаровонлиги кўп-роқ ўзига боғлиқ бўлган эркак худди мана шунда ўзи-ни кўрсатиши керак. Бу борада эркак алоҳида роль ўйнайди. Эр-хотинликнинг дастлабки ҳафталари, ойлари ўтгач, эр илгаригидек гул кўтариб келишни унутади, ишдан, ўқишдан кечикиш сабабини маъшуқасига му-лойимлик билан тушунтирмайди, баъзан дағаллик қи-лади.

Магазиндан, бозордан зил-замбилдай хўжалик сум-каларини кўтариб, аравачада боласини судраб келаёт-ган аёл образи эса карикатураларга мавзу бўлиб қолди.

Эркак ҳузур қилиб кулиб олиб, телевизор кўриш

учун диванга жойлашиб олади, бу пайтда аёл унга овқат тайёрлаш учун ошхонада куймаланади.

Никоҳга киришга тайёргарлик кўраётган ёшларга баъзи мамлакатлардагидек психологик характердаги бир неча саволларга самимий жавоб беришни таклиф қилиш ҳам мумкин:

1. У ўзининг бўлгуси хотинини севадими?

2. У ўз севгилисига ғамхўр ва таянч бўла оладими, ўз оиласини моддий жиҳатдан таъминлай оладими?

3. У ўз болаларини тарбиялаш ишида қатнашишга тайёрми?

4. У ишдан кейин қувонч билан талпинадиган хонадон яратишга интиладими? Кейинчалик у ўзининг бўлажак оиласини ривожлантириш ва яхшилашдан манфаатдорми?

5. У оилани сақлаб қолиш учун хотинининг майдачуйда нуқсонлари билан келишишга розими?¹

«Социализм юксак ахлоққа эга бўлган жамиятдир». Ёшларимиз идеалидаги юксак ахлоқий асосларда биргаликдаги турмуш қуриш лозим ва бу турмуш икки кишининг ғайрати билан муҳаббати натижасида қурилади. Муҳаббат барча туйғуларда ғолиб катта «қалб меҳнати»дир. Демак, эркак кишининг туйғуси аёл кишининг туйғуси билан барабар оиланинг мустаҳкамлигига ва психологик муҳитига таъсир кўрсатади.

Шарқнинг улўғ шоирлари Низомий, Навоий, Нодира, Увайсий ўз ғазал ва дostonларида муҳаббатни куйлаганлар. Кўпинча ҳукмрон «шариат» қонунлари бир-бирини кўрмаган кишиларнинг тақдирини бирлаштирган. Бунда қандай муҳаббат ҳақида сўз бўлиши мумкин? Социалистик Шарқ эркакларининг онги кескин ўзгарди. Энди муҳаббат фақат қўшиқлардагина эмас, ҳақиқий ҳаётда яшайди. Бизнинг кўз олдимизда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида минглаб бахтли никоҳлар пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга қишлоқдаги никоҳлар шаҳардаги никоҳларга қараганда мустаҳкамроқ бўлмоқда.

Оиланинг вужудга келишида эркакнинг пуфузли роли тарихан таркиб топган. Бундай вазифада аёл эркакнинг таклифини қабул қилиши ёки рад этиши мум-

¹ Зацепин В. В., Цимболок В. Мы и наша семья. М.: «Молодая гвардия». 1985, 30-бет.

кин. Эркак киши муҳаббатга сергак муносабатда бўлсагина онланинг мустаҳкам асоси ва хотини ҳақида гамхўрлик қилишга кафолат беради.

Эркак киши муҳаббатда ўзининг миннатдорлиги, кучи, мардлигини намоён этиб, бу билан атрофдагилар ҳурматиини қозонади.

Албатта эркак киши никоҳга кирганда маънавий ва моддий характердаги қийинчиликларни тасаввур этиши керак. Ёшларнинг кўпчилиги оила қурган пайтда моддий жиҳатдан мустақил бўлмайди, айниқса фарзанд туғилганда, ёш она ишламаётган даврда ота-оналар ёрдамидан фойдаланадилар.

Моддий қийинчиликлар онланинг муваффақиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Ёш киши никоҳга кириш олдидан бу қийинчиликларни реал тасаввур қилиши ва уларнинг олдини олиш йўллариини ўйламоғи лозим. Эркак кишининг зиммасига онлани моддий жиҳатдан таъминлаш масалалари юкланади. Оила ҳақида, унинг қадрини ҳақида, унинг шаънига амал қилиш ҳақида гамхўрлик — оила узоқ яшашининг асосидир.

Эр-хотинликда эркак киши турли муаммоларни хотини билан биргаликда ҳал қилса, хотинига, унинг қариндошларига ҳурмат билан қараса, болаларни эркалатса ва уларга гамхўрлик қилса, уни оилапарвар дейилади. Аммо жуда кўп оилалар борки, эр доимо ароқхўрлик қилади, бунда ўз иш ҳақинигина эмас, ҳатто, уйдаги нарсаларни ҳам тамомлайди. Ёки уйда уни тушунмаслигини сабаб қилиб кўрсатиб, эрлик бурчига ҳиёнат қилади, онлага эътибор бермайди, баъзан уйини ташлаб ҳам кетади. Бундай эрлар биринчи навбатда ўз оиласини, фарзандларини ночор аҳволга келтириб қўяди. Одатда бундай ота-оналарнинг фарзандлари «қийин тарбияланувчи» бўлиб қолади, милиция ҳисобида туради. Етимчалик — аччиқ, аламли сўз. Тула фаровонлик, тинчлик даври бўлатуриб, ҳозирги ҳаётимизда ўз отаси кимлигини билмайдиган болалар ҳам борлиги кишини афсуслантиради.

Мутахассис врачларнинг таъкидлашича, агар ёш ота фарзанди туғилган кундан бошлаб унга гамхўрлик қила бошласа, бу туйғу унга бир умр ҳамроҳ бўлади. Онлани сақлаш муҳимлиги ана шундан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ёш йигит никоҳга кирар экан, ўз танлаган жуфтини севган ҳолда ўз қадами учун юксак

масъулиятни тушунмоғи, ўз ҳаракатининг жиддийлигини ўйлаб кўрмоғи лозим.

Болага ота керак, шундай ота керакки, бола у билан фахрлансин, уни ҳурматласин, ундан ўрнак олсин. Болага уни муҳофазалайдиган, йўлга соладиган ота керак. Отанинг бола билан доимо яқин муносабатда бўладиган онага нисбатан эҳтиёткорлик билан мулоқотда бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Болалар ота-онасининг бир-биридан аразлаши, гинахонлиги, ўзаро жанжаллари, носоглом муносабатларини ўзларига оғир оладилар.

Эркак киши ўз хулқ-атвори билан онлада нормал психологик муҳит яратиб ўрнак бўлиши, бу билан ўз фарзандларида юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаши лозим.

Эркак кишининг эр бўлиши унинг зиммасига кўп нарсаларни юклайди. Бу гарчи эркак-хотини билан тўла келиша олмаган, унинг хатти-ҳаракатларидан қаноатланмаган тақдирда ҳам у умр йўлдошига мурувватли бўлиши, унга йўриғи билан маслаҳат бериши керак.

Эркак кишининг дилкашлиги ва саҳоватлилиги аёл кишида ишонч ва ҳурмат туғдиради. Бундай онла аъзоларининг ўзаро муносабатларида тортинчоқлик, яширин бир дард, энг муҳими, шаклланаётган оиланинг «дарз кетиши» учун сабаб бўлмайди. Шунини унутмаслик керакки, айблашга шошилмаслик, доимо тийрак бўлиш ҳурмат, диққат-эътибор ва хушмуомалаликнинг вужудга келиши учун кафолатдир.

Ёшларда никоҳга тайёргарликни тарбиялашда ролларга тақсимланадиган ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бунда синфни кичик группаларга ажратиш керак.

Ўйинни олиб борувчи муҳокамага мавзу бўладиган ҳаётий вазиятларни тавсия этади. Оила аъзоларининг роллари тақсимланади, вазият ўйналиб кўрилади, кейин эса таҳлил қилинади.

1-вазият. Эр спорт билан шуғулланишни хуш кўради. Ишдан кейин ҳафтада икки марта соғломлаштириш группасига қатнайди.

Хотини уйда ўтиради, ҳеч қаерга бормайди. Эр унга сузиш ёки теннис ўйинига қатнашни тавсия қилади.

Бундай вазиятда зиддиятлар бўлиши мумкинми? Агар зиддият бўлса, уни қандай қилиб бартараф қилиш мумкин?

Агар ёш жувоннинг уйда қиладиган иши, соғлом-

лаштириш группасига қатнаш истаги бўлмаса, у гарчи ноҳақ бўлса ҳам ўз эридан хафа бўлади. Бундай ҳолда бекорчиликдан зерикмаслик учун ўзига фойдали, қизиқарли бирор машғулоти топиши маъқул.

2-вазият. Ёш эр-хотин театрга кетишди. Кечқурун анча совуқ тушди, лекин эр буни сезмади ва хотинига ўз камзулини тавсия қилмади. Хотиннинг ўзи ундан сўрамади, балки индамайгина хафа бўлди.

Эр унинг хафа бўлиш сабабини тушунмади ва у ҳам хотини билан сўзлашмай қўйди.

Бундай хафагарчилик учун жиддий сабаб бўлдими? Маълумки, йўқ.

Хотин шунчаки совуқ тушганлигига ишора қилса, бас эди. Эр дарҳол тушунган бўлар ва ўз камзулини тавсия қиларди.

3-вазият. Шундай воқеалар ҳам бўладики, қўшнилardan кимдир эр бошқа бир аёл билан вақт ўтказаетгани ҳақида «яхши» хабар келтиради (бу аёлнинг эри садоқатлилигига ишончи комил бўлганда).

Бундай ҳолда аёлнинг пайт пойлаб ва босиқлик билан у ким билан дилхушлик қилаётганлигини сўрагани маъқул.

Бу шунчаки таниш аёл ишдан бирга қайтадиган ҳамкасби бўлиб чиқиши мумкин.

4-вазият. Аёл эрнинг шими ёки кўйлагини ёмон дазмоллаб қўйганда эр қандай йўл тутуши керак?

Албатта, бу унинг маданий савиясига боғлиқ. Энг ёмон ҳолатда у хотинининг устидан кулиши мумкин (бу эса аёлнинг жазавасига сабаб бўлади). Агар эр ўзининг шимини ёш уй бекасига қандай дазмоллаш кераклигини айтса ёки шимини ўзи дазмоллаб кўрсатса, энг муваффақиятли ҳол бўлади.

5-вазият. «Ёш эр-хотин ишдан қайтдилар. Хотин дарҳол ошхонада шуғуллана бошлади. Эр қўлига газета олиб телевизор қаршисига ўтирса. Мажбуриятларнинг бундай тақсимланиши тўғри бўлармикан?

Албатта, зиддиятли вазият. Аммо бу вазиятдан чиқиш керак. Эҳтимол, эр ишхонада чарчагандир ва бироз дам олиши керакдир. Агар у дам олгандан кейин дарҳол хотини билан бирга маълум уй ишларини бажара бошласа, у ҳолда гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ўқитувчи бу темани яқунлашда эр ва хотин бир-бирининг психологик хусусиятларини доимо ҳисобга олишлари зарурлигини таъкидлаши, бир-бирларидаги харак-

тер хислатларини кўра билишлари, уларга мослаша олишлари, шунингдек, салбий хислатларни тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилишлари кераклигини алоҳида уқтириши лозим.

Ўқитувчи яна қуйидагиларни айтади:— эр ва хотин ўзаро муносабатда ўз хоҳишини ҳақиқат деб билмаслиги керак;

— эр хотинининг ёки хотин эрининг ноҳуя сифатларини зўрма-зўракилик билан, кескин йўллар билан эмас, балки маълум вақт ўтиши билан бартараф этиши мумкин;

— гармоник оиланинг асоси — эр ва хотиннинг бир-бирига ёрдами, ўзаро ҳамкорлиги ҳамда эр хотини учун, хотин эри учун ҳамма ишни қилишга тайёргарлигидирки, бундай ҳоллар энг яқин, энг қадрдон кишилар ўртасидагина бўлади.

Ўқувчиларга қуйидаги саволларни тавсия қилиш мумкин:

1. Сиз «оила бошлиғи» иборасини қандай тушуна-сиз?

Замонавий оилада ким етакчи бўлиши керак?

2. Эрақак кишига эрга, отага жамиятнинг асосий талаблари қандай?

3. Хал қилиниши эрга (хотинга), унинг феъл-атвори-рига боғлиқ бўлган зиддиятлар мавжуд оилалардан мисоллар келтиринг.

Оиланинг асосий вазифалари

Ўқитувчи оиланинг иқтисодий-хўжалик, буш вақтлардан фойдаланиш, дам олишни ташкил этиш ва тарбия борасидаги асосий вазифалари ҳақида фикр юри-тади. Бу дарсда илгари тарқатилган анкеталар ва бошқа ёзма ишлардан, суҳбат, баҳс оиланинг вазифаларини таҳлил этиш усуллари-дан фойдаланиш мумкин. Ўқи-тувчи: «Оиланинг асосий вазифалари нималардан иборат?»—деган саволга бир неча ўқувчининг жавобларини эшитиб қуйидагича давом этади.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири — фарзанд кўриш вазифасидир. Бола туғилиши инсон наслининг, ҳаётининг авлодлар ҳалқасига уланиб давом этиши-дир. Аҳолининг сони маълум барқарор кўрсаткичда ту-риши учун ҳар 100 оилага тахминан 260 бола туғри

келиши, яъни 100 оиладан 60 тасида 3 тадан, 40 тасида эса 2 тадан бола бўлиши керак.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига имкон берадиган аҳолининг ўсиб бориши ҳар оиллага 3 тадан бола туғри келсагина амалга ошади. Ўзбек халқи болани жон-дили билан севади. Шунинг учун: «Болали уй — бозор, боласиз уй — мозор»,— дейди. Ўзбекистонда кўп болали минглаб оила бор. Иттифоқимизнинг Москва, Ленинград, Киев ва бошқа қатор шаҳарларидаги аёлларнинг тахминан ярми битта бола билан чекланидилар. Қолганлари 2 болани етарли деб ҳисоблайдилар. Уч ва тўрт бола кўрмоқчи бўлган аёллар атиги 3—4 фоизни ташкил этади. Болаларнинг маълум қисми ота-она бўладиган ёшга етмай нобуд бўлади. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб партия ва ҳукуватимиз оналарга кўп имтиёзлар яратиб бераётирлар. Масалан, туғиш отпускарлари, бола туғилиши муносабати билан давлат томонидан онага 100 сўм «суюнчи» пули бериш, бола 1 ёшга етгунча ҳар ой пул ажратилиши, туғиш отпускарининг 2 йиллик бўлиши, оиланинг даромади унинг ҳар бир аъзосига 50 сўмдан кам бўлса, қўшимча пул берилиши ва боғчага пул олмаслик, 10 та ва ундан ортиқ болали оилаларга давлат томонидан 50 фоиз нархда автомашина бериш ва бошқалар.

Социалистик системанинг афзаллигини оналарга муносабатда, уларни рағбатлантиришда ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, оналик муносабати билан бериладиган пуллик отпускар Болгарияда 730 кунни, Чехословакияда 182, ГДР да 162, Венгрияда 140, СССРда 125 кунни ташкил қилса, тараққий этган капиталистик мамлакатлардан бири — Францияда атиги 98 кундан иборатдир.

Агар оилада 3 та бола туғилиб, она шундан сўнг ишламаса, Болгария ва Чехословакияда мазкур оила ўртача ойлигининг ярми, Венгрияда бешдан бири, ГДРда тўққиздан бири тўланади.

Болгарияда ёшларга уй-жой олиш учун узоқ муддатли кредит пул ажратилади. Оилада 2 бола туғилиши билан давлатга қайтиб бериладиган пул 25 фоиз қисқартирилади. Агар 3 бола туғилса, шу оила қарзнинг учдан бир қисмидан қутулган ҳисобланади. Оилада 2—3 бола туғилиши билан ёш ота-оналарнинг ойлиги оширилади.

Ҳозир РСФСР, Украина, Белоруссия, Литва, Латвия,

Эстония республикаларида туғилиш кескин камайган.

Ваҳоланки, фарзанд кўриш, қайси бир системада бўлишидан қатъи назар, оиланинг энг асосий вазифасидир. Аниқ маълумотларга қараганда айрим республикалар ва катта шаҳарлардаги кўп оилалар ана шу вазифани бажармаяпти. Агар бу ҳол давом этаверса, мамлакатимизнинг ишлаб чиқаришига, саноатнинг юксалишига, унинг иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Оилаларнинг илгариги йилларга нисбатан кам болалиги, биринчидан, аёлларимизнинг ишлаб чиқаришда фаол қатнашаётганига, фақат уй, бола туғиш, уни тарбиялаш билан чекланиб қолмай, эркаклар билан барабар ишлаётганига боғлиқ. Ҳозирги кунда аёлларимиз фақат бола боқишга эмас, балки ҳар куни маълум вақт ишхонада меҳнат қилишга, ўз устида ишлашга, сўнгра уй ишларини бажаришга мажбур бўлмоқда. Бинобарин социалистик системада оила тақдири корхона билан боғланган. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасалари сонини ошириш, улардаги тарбиявий, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, эркакларда аёлларга нисбатан анъанавий муносабатни ўзгартириш ва бошқа тадбирларни қўллаш лозим.

Иккинчидан, мамлакатимизда шаҳар аҳолиси сонининг кескин кўпайиши туфайли туғилиш камайиб бормоқда. Масалан РСФСРда шаҳар аҳолиси 70 фоизни, ўсиш 0,93 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси 40 фоиз бўлиб, ўсиш—2,48 процентга тўғри келади.

Шаҳар ҳаёти (аёлларнинг ишлаб чиқаришда қатнашиши, турар жойи ва баъзи томонлардан чекланганлиги, шаҳарликлар онги ва бошқалар) қишлоқда туғилиб, катта бўлиб, сўнгра шаҳарга келиб оила қурганларга ўз таъсирини кўрсатади, бу эса туғилишнинг бирмунча пасайишига олиб келади.

Учинчидан, илгарилари болалик ёшида ўлиш проценти катта бўлган, шу сабабли ота-оналарда энг ками 3—4 та бола кўриш эҳтиёжи мавжуд бўлган. Масалан, 1914 йилда Россияда—1—5 ёшли болалар ўлими 42 фоизни ташкил этарди. 1967 йилга келиб СССРда бу кўрсаткич 3,2 процентга тушди. Деярли ҳар бир боланинг ҳаёти сақланиб қолинмоқда. Шу сабабли ота-оналар болалар сонини камайтирадилар. Бу эса туғилиш кўрсаткичини пасайтиради.

Тўртинчидан, сўнгги йилларда ажралишнинг кўпайиши ҳам туғилишнинг камайишига сабаб бўлмоқда. 1964 йилда ҳар юз никоҳдан 17,9, 1976 йилда эса 33,2 фоизи ажралиб кетган. СССР бўйича 1965 йилда 360 минг, 1966 йилда 646 минг, 1982 йилда 903 минг ажралиш содир бўлган.

Туғилиш камайишининг сабабларидан яна бири аҳоли билим савиясининг ўсишидир, хусусан аёлларнинг ўрта ва олий маълумотга эга бўлаётганидир. Бу фақат СССР да эмас, балки чет элларда ҳам кузатилаётган ҳолдир. Масалан, Югославияда олий маълумотли аёлларнинг 44,6 фоизи бир болали, тўлиқсиз ўрта маълумотли аёлларнинг эса атиги 1,6 фоизи бир болалидир. Аёл кишининг олий маълумотлилиги фақат туғилишга эмас, балки никоҳнинг барқарорлигига ҳам бирмунча салбий таъсир кўрсатар экан. Никоҳнинг барқарорлиги учун энг хавfli омиллардан бири аёл кишининг олий маълумотлилиги ва маълумотига кўра эридан устунлиги экац¹.

Туғилиш камайишининг асосий сабабларидан бири эркак ва аёлларнинг ўзаро нисбатидир. Деярли барча мамлакатларда аёлларнинг эркаклардан кўплиги маълум. Аммо бу кўрсаткич турли мамлакатларда турлича.

Оиланинг муҳим вазифаларидан бири иқтисодий-хўжалик вазифасидир. Бу вазифа оилавий муносабатларнинг қуйидаги жиҳатларини қамраб олади: оилани яшаш учун моддий шароит билан таъминлаш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор ва шахсий хўжалик юритиш, оила бюджетига амал қилиш, оилани бошқариш, соғлиқ ва ҳаётий фаолликни сақлаш». Ана шу вазифанинг бажарилишида: «Пул кимда туриши керак», «Кимнинг касирлик қилиши мақсадга мувофиқ?» каби қатор саволлар юзага келади. Бунга бир хил жавоб бериб бўлмайди. Ҳар бир оила бу масалани ўзинча ҳал қилиши лозим. Оилада ким пулни тежамкорлик ва режа билан сарфлай олса, пулга ана шу одам жавобгар бўлиши лозим. Шундай аёллар борки, кўчага 10 сўм харажат қилишга чиқиб, 200 сўмни сарфлаб келади, кўзига чиройли кўринган (ҳозир оила учун зарур бўлмаган) нарсаларни сотиб олади. Шундай қиладиган эркаклар ҳам оз эмас.

¹ Социологические исследования в Советской Прибалтике. Вильнюс, 1982, 207- бет.

Пулни болалар олдида сарфлаш, уларни ҳам баъзи кундалик харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келишга жалб қилиш, бир томондан, уй-рўзғор ишларининг тўғри тақсимланишига, иккинчи томондан, болаларга пулни билиб сарфлашни, пул тутишни ўргатишда ёрдам беради. Юқори синфда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқийдиган болаларга оиланинг бир ойлик пулини бериб, оилага зарур нарсаларни харид қилдириш, уларни пулнинг қадрига етишга, тежамкорликка, пулни тўғри тақсимлаш ва сарфлашга одатлантиради. Аммо уларни ёшлигидан тежамкорликка ўргатаман, деб хасисликка етаклашдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Уй-рўзғор ишларини ҳам оила аъзоларининг ёшига, саломатлигига, жинсига қараб тўғри тақсимлаш керак. Агар ота-оналар ўз болаларининг мустақиллигига, меҳнат тарбиясига ёшлигидан алоҳида аҳамият берсалар, рўзғор қанча катта бўлмасин, оилада болалар сони қанчалик кўп бўлмасин, улар деярли барча ишларни ўзлари бажаришади. Бунинг далили сифатида қишлоқ жойлардаги кўп болали оилаларни айтиш мумкин.

Иқтисодий—хўжалик ишларининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ибтидий жамоадан бошлаб хўжалик ишлари эркак ва аёллар ўртасида тақсимланганининг гувоҳи бўламиз. Эркак ов қилса, аёл ўчоқ атрофидаги ишлар билан машғул бўлган, эркак қуроли ясаган, аёл бола боққан. Қабила кўчаётганда аёл болаларни ва қабила анжомларини, эркак найза кўтариб кетган, аммо четдан бирор ҳужум бошланадиган бўлса, ўз танагини қалқон қилиб, болаларини ҳимоя қилган. Оила ишларининг эркак юмуши ва аёл иши деб бўлиниши ана шу даврдан бошланади. Кейинроқ хусусий мулкчилик юзага келиши билан бирга кўпчилик озчиликка хизмат қилган. Бунда эркак ва аёл ишлари орасидаги тафовут йўқолиб борган. Яъни овқатни эркак киши ҳам, пиширган. Болаларни парвариш қилиш билан эркаклар ҳам, аёллар ҳам шуғулланган. А. М. Горький ҳаёт кечириш учун идиш ювиб, нон ёпган. Жек Лондон эса пул топиш мақсадида ўзгалар кирини дазмоллаган.

Антагонистик синфлар мавжуд бўлган барча тузумларда бундай ҳол кузатилади, аммо кейинчалик аёлни эксплуатация қилиш кучайиб борган. Бунинг айниқса капиталистик тузумда яққол кўришимиз мумкин. Бунда аёл зиммасига уй ишлари ва ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш юклатилади.

«Аёлларни уй қуллигидан» қутқариш зарурлигини В. И. Ленин 1920 йилда таъкидлади. Орадан 70 йил ўтган бўлса-да, оилаларнинг маълум қисми учун В. И. Ленин сўзларининг актуаллиги йўқолгани йўқ.

Яхши, аҳил яшайдиган кишилар иқтисодий хўжалик ишларини оилани мустақкамловчи, оила аъзоларининг яқинлигини таъминловчи омил деб билишса, зиддиятли, ноаҳил оилалар иқтисодий хўжалик ишларини беҳуда вақт сарфлаш деб ҳисоблашади. Бу оилавий ҳаётдаги апперцепциянинг классик формасидир.

Ҳозирги кунда меҳнатга лаёқатли аёлларнинг 90 фоизи ишлайди. СССРдаги ишчи ва хизматчиларнинг 50 фоиздан ортиғи аёллардир. Социологлар ҳисобига кўра аёл уй ишларига бир ҳафтада ўрта ҳисобда 40 соат (шаҳарда 30—35 соат, қишлоқда 40—45 соат) сарфлайди. Эркакларда эса бу кўрсаткичлар 3 баробар кам бўлиб, максимал сарфланган вақти 20—25 соатдан ошмайди. Эркакларнинг умумий меҳнат нагрукаси аёл киши меҳнат нагрукасининг 80—85 фоизини ташкил қилади. Ваҳоланки, аёл кишининг жисмоний кучи эркаклар жисмоний кучининг атиги 60—65 фоизига тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрича, кир ёйиш билан трактор ҳайдаш бир хил энергия талаб қилар экан. Польша социологларининг маълумотига кўра уй ишларига сарфланадиган калория металлург сарфлайдиган калорияга тенг экан. Эркак кишининг оғир жисмоний меҳнати минутига ўртача 3—4 калория талаб қилади. Уй бекаси дазмоллаш, овқат тайёрлаш, супуриш учун 1 минутда 2—3 калория, кирни қўл билан ювишда, ойна ва полларни тозалашда 4—5 калория, кирни чайиб, қўлда сиқишда эса 5—6 калория сарфлайди. Шу сабабли уй ишларини фақат ўзи бажарадиган аёллар эркакларга нисбатан 2 баробар кўп касал бўлар экан.

Ўзбек оилаларида эркакнинг уй-рўзғордаги оғир юмушларни ўз зиммасига олиши табиий ҳол ҳисобланади. Аёллар ҳам ўзларига тегишли ишни яхши биладилар. Ҳозир ишлаб чиқаришда фаол қатнашадиган, уй-рўзғор ишларининг ҳаммасини ўзи бажарадиган, болаларга қараб уларнинг тарбияси билан ўзи шуғулланадиган, эридан кам ойлик олмайдиган баъзи аёлларда «менга меҳмондек, боладек эрнинг нима кераги бор?» деган фикр туғилиши мумкин. Лекин ақлли аёл ҳеч қачон бундай хаёлга бормайди. Оилага, рўзғорга эрининг меҳрини торта билади, акс ҳолда, эркак киши эрлик,

оталик мавқеини йўқотиб қўяди. Камдан-кам учраса-да, баъзан бунинг тескариси ҳам бўлади. Яъни уй ишлари, бола тарбияси, бозор қилиш, оилани кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқа уй-рўзгор ишларининг ҳаммаси эркак зиммасига юкланади. Бундай ҳоллар кўпинча аёл эрининг ниҳоятда кўнгилчан, содда, масъулиятли, меҳнатсевар ва мулойимлигини сунистеъмом қилиши сабабли келиб чиқади. Натижада тенгҳуқуқлилиқ учун эркак кураша бошлайди ёки оилавий ҳаёт шундай экан, деб яшайверади. Шуниси ажабланарлики, бунда хотин эридан ҳамма ишни бажаришни талаб қилиб, шунга ўрганиб қолади ва айнан шунинг учун эрини етарли даражада ҳурмат қилмайди.

Хўжалик ишларини тақсимлашда юқорида айтилганидек, оила аъзоларининг ёши, малакаси, жинси, саломатлиги, касби ва ўзига хос хусусиятлари шунингдек, уйдаги ишлар ишхонадаги меҳнат фаолиятига зарар етказмаслигини ҳам ҳисобга олиниши керак. Айтайлик, эр ёки хотин ой ёки йил охирида ҳисобот ёзадиган бўлса, оила аъзоларидан бирортаси уй ишларини ўз зиммасига олиши керак. Агар она ҳомиладор ёки касал бўлса, ота буни назарда тутиб уни оғир уй ишлари билан уринтирмаслиги лозим. Лекин бундан «ҳомиладор аёл жисмоний меҳнат қилмаслиги керак»,— деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, аёл қанча кўп ҳаракат қилса, ҳомиладорлик шунча енгил кечади ва туғиш жараёни ҳам осон ўтади. Бундан ташқари, меҳнат ҳомиланинг саломатлиги учун ҳам зарурдир.

Оиладаги болалар ҳар хил темпераментли бўлади. Шу сабабли холерик, сангвиник типдаги болаларни бир ерда узоқ ўтириб, бир хил иш билан машғул бўлиш тез чарчатади ва уларда шу меҳнат турига салбий муносабатни вужудга келтиради. Флегматик ва меланхолик болаларга эса бундай иш турлари жуда мосдир. Ота-оналар иш тақсимлаётганда шуни ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, болаларнинг индивидуал мойилликларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан: баъзи аёллар эркак кишининг ошхона ишларига аралашганини ёқтирмайдилар. Эркак киши оилани моддий жиҳатдан таъминласа бўлди, ошхона юмушлари хотин кишининг иши деб ҳисоблайдилар. Баъзи эркаклар овқат тайёрламай тура олмайдилар ва кўпинча хотинидан анча сифатлироқ овқат тайёрлайдилар. Улар овқат пишириб завқланадилар. Шундай оилалар

ҳам борки, уларда ҳар бир кишининг ўзига белгиланган вазифаси бўлади. Баъзи оилаларда эса ким бўш бўлса, бажарилиши зарур ишни бошлайверади. Масалан, уйга ким олдин қайтса, овқат тайёрлашга киришаверади.

Уй-рўзғор ишларини оила аъзолари орасида тақсимлаш ва бажариш қоидалари кўп. Буларнинг яхши-ёмони бўлмайди, чунки бир оила учун маъқул қоида иккинчи оила учун мутлақо тўғри келмаслиги мумкин. Энг муҳими, ўрнатилган қоидадан, қилаётган ишидан оила аъзоларининг ҳар бири мамнун бўлишидир. Уй-рўзғор ишлари туфайли оилада уриш-жанжаллар бўлмаслигидир. Ҳар ким ўзи бажара оладиган, бажаргиси келадиган ва сифатли бажарадиган ишлар билан шуғулланишидир.

Н. К. Юркевич маълумотларига кўра, уй-рўзғор ишларининг ҳаммаси аёл зиммасига юкланган оилалар орасидаги қониқарсиз оилалар бахтли оилаларга нисбатан 2 баробар ортиқдир. Уй-рўзғор ишлари эр-хотин орасида тенг бўлинган оилалар орасидаги бахтли оилалар қониқарсиз оилаларга нисбатан 11 марта кўпдир. Уй ишларини кўнгилдагидек ва ўз вақтида бажаришда асабийлашмасдан, «Қайсини бошлашни билмайман? Буни бажарсам, буниси қолиб кетади»— демасдан, ишларни ҳафталарга, кунларга режалаштириш бирмунча ёрдам беради. Ниҳоятда зерикарли уй ишларини ёқимли музика ёки ашула тинглаб (магнитофон, телевизор орқали) бажариш асабни ва умуман организмни тез чарчашдан сақлайди, кишининг хаёлини зерикарли бир хил ишлардан чалғитади ва шу меҳнат турларига салбий муносабатнинг олдини олади. Бу ўринда музика руҳан «дам олиш» воситаси бўлади.

Эр-хотиннинг ўзаро муомаласида, жумладан, уй ишлари билан боғлиқ муносабатларида мумкин қадар ширин сўзлик, бир-бирларини доимо рағбатлантириш ниҳоятда зарурдир. Афсуски, шундай осон, ҳаммага маълум ва оила мустаҳкамлигини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланган бу қоидадан кўпчилик фойдаланмайди.

Уй-рўзғорни яхши бошқаришда уй-рўзғор энциклопедиясидан фойдаланиш катта ёрдам бериши мумкин. Машҳур физик Мария Кюри оила қурганидан сўнг харид қилган биринчи нарсаси дафтар бўлган. У дафтар муқовасига нозик қўллари билан «Ҳисоб-китоб» деб ёзиб қўйган. Гегель оиласида ҳам алоҳида дафтар ту-

тилиб, унга оилага келаётган ва оила томонидан сарфланадиган пулларнинг ҳаммаси ёзиб борилган.

Ёшларнинг кўпчилиги оила қургач уни мустақил ҳолда иқтисодий жиҳатдан таъминлай олмайдилар. Уларнинг айримлари бутунлай ота-оналарининг қарамоғида бўладилар.

Латвияда ўтказилган текширишлар ёш оилаларнинг учдан бир қисми ота-оналардан моддий ёрдам кутишини, оиладаги қийин иқтисодий муаммолар никоҳдан кейинги 5 йил ичида вужудга келишини кўрсатди. К. Мамедов ва Н. Г. Юмакаеваларнинг тадқиқотида ҳам тасдиқланган бундай ҳолнинг сабаблари биринчидан, ёш эр ва хотинда оилани иқтисодий жиҳатдан бошқариш тажрибаси етарли эмаслиги, иккинчидан, оила бюджетини ташкил этадиган пул йўқлиги, учинчидан эса эҳтиёжлар билан имкониятнинг тафовути жуда катта бўлишидир. Ана шундай ёшларнинг уй жиҳозлари, қимматбаҳо буюмлар олиш учун ота-онадан иқтисодий ёрдам сурайвериши, ҳаддан ортиқ ишлайвериши, овқатланиш, маданий ҳордиқ чиқариш ўрнига ҳам пулни тежаш мақсадга мувофиқ эмас. Агар саломатлигига, оилавий муносабатларига салбий таъсир қилмайдиган тарзда ишласа ва қўшимча пул орттириб қўйсалар, жуда яхши. Аммо пул етмайди деб турли нарсаларнинг қурбони бўлиб, ўзаро жанжаллашиб, эртаю кеч ишлаб, оилавий ҳаётнинг энг ширин дамларини буюмлар олиш ташвиши билан ўтказиш оилага бахт келтирмайди. Аксинча шундай оилаларда ўсаётган болаларнинг тарбиясига салбий таъсир қилади.

Баъзи аёлларнинг ўз ҳаётини, моддий таъминотини ўзга оилалар ва дугоналарининг ҳаёти билан таққослаб, эрининг кам ойлик олишидан, бошқалардек пул топа олмаслигидан зорланавериши ёки ўзгаларда бор нарса менда йўқ деб жаъжал чиқариши эрининг асабига салбий таъсир этади, баъзан эса эрни қинғир йўл билан пул топишга мажбур қилади, оиланинг мустаҳкамлигига путур етказиши, эр-хотин орасидаги самимиятни сусайтиради. Шундай ҳолларда эркакнинг қадрига этадиган ўзга аёл учраб қолса, оила ажралиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун баъзи аёллар А. С. Пушкиннинг «Олтин балиқ» эртагидаги ҳикматни яхши ўзлаштириб олиши ва турмушда унга амал қилиши зарур.

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларидан бири болаларни тарбиялашдир. Уғил ва қизлар-

нинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик, жинсий тарбияси асосан оилада амалга ошади.

Ота-она санъаткор, бола — санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир.

Сўнгги йилларда турли сабабларга кўра оилаларда бу вазифани бажаришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Болаларни тарбиялаш ва бунда оиланинг аҳамияти масаласи «Оилада бола тарбияси» мавзuida кўриб чиқилади.

Социологлар томонидан оиланинг коммуникатив вазифаси ифодалаб берилган. Бу вазифага оила аъзоларининг ўзаро алоқаларини ташкил қилиш; оммавий ахборот воситаларига (телевидение, радио, матбуот адабиёт, санъатга) оила аъзоларининг муносабатларини назорат қилиш, таъминлаш; теварак-атрофдаги табиатни, социал муҳитни идрок қилишга таъсир кўрсатиш киради.

Оила аъзоларининг ўзаро алоқаси кўп қирралидир. Бунга иқтисодий, ғоявий, ақлий, эмоционал-психологик, жинсий, ахлоқий, қариндошлик муносабатлари киради. Оиладаги ўзаро алоқанинг хусусиятлари табиийлик, барқарорлик, ниҳоятда яқинлилик, ўзаро манфаатни кўзлашдан иборатдир. Капиталистик жамиятдагидан фарқли равишда социалистик оила хусусий мулк манфаатларига эмас, балки муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва бурчга асосланади. Бу эса оила аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги самимийликда, зарур бўлса, бир-бирларини ҳимоя қилишда, уларнинг хурсандчилик ва муваффақиятсизликни бирга ҳис этишида, ҳамдардлик ва ҳамнафаслигида кўринади. Аммо социалистик жамиятдаги баъзи оилалар ҳам юқоридагилардан маҳрум бўлиши, ота-она ўз фикру хаёли билан, болалар эса ўзларича яшаши мумкин. Бу оилаларда на ота-оналик меҳри, катталарнинг болалар фаолиятига аралашуви кўринмайди. Бундай ҳиссий парокандалик, бефарқлик, маънавий кўрлик баъзи эр-хотинлар орасида ҳам бўлади.

Кўпинча оила аъзолари орасидаги алоқанинг фаолигини айниқса улар биргалашиб телевизор кўраётганида, китоб, газета, журналларни ўқиб, муҳокама қилаётганида, боғ ёки томорқада биргалашиб ишлаётганида, суҳбатлашаётганида ва ҳоказоларда кузатиш мумкин.

Боланинг ўз отаси ва онаси билан алоқаси унинг ақлий савиясига, эмоционал ҳолатига, психик ривожлани-

шига ижобий таъсир қилади, унда мустақилликни, ўзига ва ўзгаларга талабчанликни, коллективизм, масъулият, ташкилотчилик, меҳнатсеварлик, итоаткорлик ва бошқариш каби шахс учун зарур хислатларни таркиб топтиради. И. В. Гребенниковнинг таъкидлашича, тез-тез сайлга чиқадиган оилаларда меҳнатсевар ўқувчилар икки баробар ортиқдир. Шунингдек, сайлларда болалар катталарнинг табиатга, бошқа кишиларга — аёлларга, болаларга муносабатларини кўриб, уларга тақлид қилдилар, қийинчиликларни енгиллаштиришга тиришадилар, уларда ишонч ҳислари шаклланиб боради. Умуман сайл болалар учун тарбиянинг амалий синови бўлади.

Ёшлар шахсининг шаклланишига телевидение, радио, матбуотнинг таъсири ортиб бораёпти. Ёшлар кўрган, эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштириши ва тегишли хулоса чиқаришида ҳам оила воситачилик ролини бажаради. Oilанинг каммуникатив вазифасини бажариши аввало оила учун, болалар учун, oilанинг жамиятга муносабати учун ниҳоятда зарурдир.

Oilанинг яна бир вазифаси бўш вақтни ва дам олишни ташкил этишдир. Дам олиш ва бўш вақтни ташкил этиш сўнгги йилларда анча муҳим бўлиб қолади. Чунки бўш вақтимиз кўпайди. Бу техниканинг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, кўпчиликнинг ҳафтада икки дам олиш кунига эга бўлгани билан боғлиқдир. Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим социал бойлигидир. Аммо бу бойликдан кишилар турлича фойдаланишади. Бунда киши ўзининг бўш вақтини спорт билан шуғулланишга, ўз устида ишлашга, ижодий режаларни амалга оширишга, уй-жой қуришга, oilанинг хўжалик муаммоларини ҳал қилишга, мамлакат бўйлаб саёҳатга, ўз дунёқарашини кенгайтиришга, кино, театр, концертлар кўришга, бадиий адабиёт ўқишга, ўзи яхши кўрган фаолият бағишлаши мумкин. Айрим кишилар бўш вақтини спиртли ичимликлар ичиб, кайф-сафо қилишга, улфатлари билан ош еб, карта ўйнаб ўтиришга, магнитофон кўтариб олиб, ҳар кун кўчада 5—6 соатлаб юришга ва бошқа бемаъни ишларга сарфлайди. Умуман кишининг бўш вақтини қандай ўтказишга қараб, унинг етуклик даражасини, маънавий дунёсини, истиқболлини тахминан айтиб бериш мумкин.

Бўш вақтни ва дам олишни ташкил этишда бир неча муаммолар мавжуд. Масалан, сўнгги йилларда ҳар бир

хонадонда телевизор борлиги сабабли болалар тоза ҳавода камроқ бўлмоқда, ўйинга камроқ вақт ажратмоқда. Кўп болалар ёшлигидан гиподинамия ҳолатида ҳаёт кечирмоқда. Бу ўз навбатида юрак-қон-томир касалликларига олиб келаяпти. Болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишга ота-оналарнинг эътибори камайиб бормоқда. Ёшлар қаерда ва қандай дам олишларидан қатъи назар, табиатга ва жамиятга зиён етказмаслиги, масалан, қучоқ-қучоқ лолаларни узиб, шаҳарга етмай сўлтииб ташлаб юбормаслиги, шишаларни, консерва банкаларини дуч келган томонга улоқтирмаслиги, ман этилган жойларда балиқ тутмаслиги, ов қилмаслиги, музика ишқибозиман деб жамоат транспортларида, кечалари ҳамма дам олаётганда магнитофонни овози борича бемаъни ўйинлар ўйнаб оила бюджетини кўкларга совуриб юрмаслиги керак. Чунки мана шу қилиқларнинг ҳаммаси кишининг маданиятсизлигини, дидсизлиги ва худбинлигини кўрсатади.

ЁШ ОИЛА

Ёш оила ва ўзаро қовушиш ҳақида умумий тушунчалар

Ҳаммамиз «ёш оила» иборасини кўп ишлатамизу, ҳеч биримиз ёш оиланинг мезонлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бунини социолог ва психологлар турлича талқин қиладилар. Демографлар эр ва хотин 30 ёшгача бўлган оилаларни ёш оила ҳисоблайдилар. Бу мезоннинг асоси оила аъзоларининг социал ва иқтисодий етуклиги деб тушунтирадилар. Психолог ва социологларнинг фикрича, эр ва хотиннинг ёши 20 ёки 35 да бўлишидан қатъи назар, оила қурилганидан кейинги 5 йил давомида у ёш оила ҳисобланади.

Оила жуда кўп тангликларни бошидан кечиради. Шулардан биринчиси ва энг кўп кузатиладигани, социал ва психологик жиҳатдан катта аҳамият касб этадигани, яъни кишиларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввур шаклланишига, туғиш кўрсаткичларига, демографик кўрсаткичларга, миллионлаб болаларнинг бахтиёрлигига, ёшларнинг тақдирига бевосита таъсир кўрсатадигани оилавий ҳаётнинг дастлабки босқичига ёш оила босқичига тўғри келади. Шу сабабли жамиятимизда ёш оилаларга катта эътибор берилмоқда. Масалан, «ЕТК» қурилишлари, ёшларга кўрсатилаётган имтиёзлар, оила-

ли ёш болали студентлар учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ва бошқалар.

Ҳар бир оиланинг мустақкамлигида, оила аъзоларининг оилавий ҳаётдан мамнунлигида оила қурган ёшларнинг ўзаро қовушиши муҳим роль ўйнайди.

Ўзаро қовушиш шартли равишда уч қисмга бўлинади:

1. Биологик қовушиш.
2. Психологик қовушиш.
3. Социал қовушиш.

Ёш оиланинг дастлабки биринчи ойи қанчалик ширин, тотув ўтган бўлса, кейинги ой ва йиллари ҳам бунчалик ҳиссий бой бўлмаса-да, яхши давом этиши учун нималарга эътибор бериш лозим? Юқоридаги қовушиш турларининг энг муҳими, асосийси қайси бири?

Биологик қовушиш

Биологик компонентнинг психологик компонентга нисбатан бирмунча барқарорлигини, кам ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

— шаклланган темпераментни ўзгартириб бўлмаслиги ва бунга интилишнинг фойдасизлигини унутмаслик керак. Темперамент жиҳатдан келин-куёв ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши типларга мансуб бўлиши мумкин. Буни оила мустақкамлиги учун хавфли омил деб ҳисоблаш хатодир. Кўп ҳолларда бундай оилаларда келин билан куёв бир-бирларида етишмайдиган психологик хусусиятларни тўлдириб турадилар. Шу билан бирга эр-хотиннинг холерик типларига мансублиги улар орасида низоларни осонгина юзага келтириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, темперамент жиҳатдан қовушиш турлари ХХ—холерик куёв—холерик келин: ХС—холерик—сангвиник; ХФ, ХМ, СС, СМ, ФФ, ФМ, ММ ва бошқа мураккаб комбинациялардан иборат бўлиши мумкин. Энг муҳими, темперамент типи эмас, балки улар орасидаги ҳиссиёт кучи, психологик-педагогик билим савияси, оила ва оилавий ҳаёт ҳақидаги тушунчаси, тарбияланганлик ва маданий савияси, ораларидаги алоқа маданиятидир.

Ўз яқин кишининг—турмуш ўртоғининг биологик шартланган, ёш ва жинс хусусиятларидан келиб чиқадиган микросоциал муҳитда шаклланган эҳтиёжларини

ҳисобга олиш ва тўла қондириш лозим. Келин-куёвларда саҳоватпешалик худбинликдан устунлик қилса, оилавий ҳаётда ҳар қандай тафовут ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Қатор муаллифларнинг ёзишларича, оилавий ҳаётда жинсий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги кўпинча оиладан ташқари жинсий муносабатларга, ўзга «объектлар»ни қидиришга олиб келади. Бу эса оиладаги муносабатларга ва оила мустақамлигига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса эркаклар учун бу компонентнинг аҳамияти ниҳоятда катталигини аёллар унутмаслиги ва жинсий ҳаётда ҳисобга олиши лозим.

Психологик қовушиш

Социолог ва демографларнинг таъбирича, кўп оилаларда эр-хотиннинг маълумот даражаси тенг бўлади. Хотиннинг эрига нисбатан маълумот даражаси ортиқлиги оиланинг мустақамлиги учун хавфли омил ҳисобланади.

Умуман ҳар бир инсоннинг билим савияси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз умр йўлдошига талаби ҳам шунчалик ошиб боради. Олий маълумотли эр-хотин орасидаги ажралиш миқдори кўплигининг битта сабаби шудир.

Психологик қовушувда муҳим роль ўйнайдиган билим, кўникма ва малакага келганда, уларни учга бўлиш мумкин:

а) оилавий ҳаётда муҳим аҳамията эга бўлган уй тутиш, тежамкорлик билан бозор қилиш, оила бюджетини тўғри тақсимлаш, турли овқатлар тайёрлаш ва ҳоказоларга доир билим, кўникма ва малакалар мавжудлиги;

б) болаларга қараш, уларни тарбиялашга доир билимлар, яъни ёш ота-оналарнинг психологик-педагогик савияси; оила, турмуш ўртоғи, болалари олдида оталик, оналик, фарзандлик, етакчилик бурчларини, масъулиятни ҳис этиш ва уларни адо этиш;

в) жинс ва жинсий ҳаёт психофизиологиясига доир билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш, умр йўлдошининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, бу соҳада сабр-чидамли бўлиш, яқин кишисининг эҳтиёжларини ўз эҳтиёжларидан устун қўйишга тайёрлик.

Келин-куёвнинг мана шу билим, кўникма ва малакаларида катта тафовут бўлиши мумкин. Бири маълум

соҳада уста, моҳир бўлса, иккинчиси шу соҳада мутлақо тажрибасиз, билимсиз, малакасиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда билимга эга бўлгани билим, кўникма ва малакаси етарли бўлмаган кишисига сабр-тоқат билан ўргатиши, унинг бу соҳада қўйган ҳар бир қадами-ни рағбатлантириб бориши лозим.

Шу ўринда келин-куёвларга бериладиган маслаҳат: турмуш ўртоғингизнинг, муҳаббат объектингизнинг ҳаётингиздаги ўрни қанчалик юқори бўлса, унинг шахс сифатида, уй бекаси сифатида юксалиб бориши сиз учун шунчалик қимматли ва зарурдир.

Психологик қовушишда марказий ўринлардан бирини эгаллаган, психологик компонентнинг таркибий қисмларидан бири характердир. Характер жиҳатдан ҳам айнан бир хил қайлиқларни топиш қийин. Бир-бирларига ниҳоятда ўхшаш келин-куёвда бир-биридан тўйиниш тезроқ юзага келади, бу эса улар орасидаги муҳаббат ҳисларида алангаланиш даврининг ўзаро ҳурмат даври билан тез алмашинишга олиб келади. Шунинг учун бир-бирига ўхшайдими ёки ўхшамайдими, барибир, характер туфайли турли келишмовчиликлар вужудга келиши муқаррардир. Масалан, ўзига ва ўзгаларга муносабатда бири худбинроқ, иккинчиси саховатпешароқ ёки иккиси ҳам худбин бўлиши мумкин. Иккиси ҳам ўзини катта ҳис тутадиган, манманроқ бўлиши мумкин. Улар турмуш қурадилар, оилавий ҳаётнинг маълум давридан сўнг муҳаббатнинг алангланган даври ўтади. Шундан сўнг иккисидаги худбинлик, манманлик кўрина бошлайди. Низолар ортиб кетади. Бир-бирларини танимай қоладилар. Баъзан совчи орқали шошилиш қурилган оилаларда худбинлик, манманлик, феодаллик ва бошқа салбий ҳислатлар никоҳдан сўнг дарҳол кўриниши мумкин.

Кўпчилик ёшларда низолар оилавий ҳаётнинг дастлабки куниданоқ бошланиб, агар икковлари ўз устларида ишлаб, характерларини ўзгартиришга ҳаракат қилмасалар, уларнинг оилавий турмуши кўпинча дастлабки уч йил ичида ажралиш билан тугайди.

Социал қовушиш

Психологик компонентга ижтимоий компонент ҳам киради. Ижтимоий ёки социал компонент шахснинг дунёқараши ва йўналиши (ҳаётий қадриятлари)дан таш-

кил топади. Оилавий ҳаётда қовушиш учун дунёқараш катта роль ўйнамайди, унда шахснинг ҳаётий қадриятлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳаётий қадриятларнинг мос келмаслиги кучли низоларни вужудга келтириб, кўпинча оилавий психологик муҳитнинг ниҳоятда ёмонлашувига ёки ажралишга олиб келади.

Шунинг учун ёшлар оила қуришдан олдин ҳаётий қадриятлари, ҳаётий принциплари қай даражада тўғри келишига алоҳида аҳамият беришлари лозим. Фикризмизнинг далили сифатида Карл Маркс билан рафиқаси Женнининг, В. И. Ленин билан Н. Крупскаянинг (ибратли) оилавий ҳаётини кўз олдимизга келтиришимиз ёки декабристлар билан хотинларининг ҳаётини эслашимиз мумкин.

1984 йилда Ленинградда олиб борилган текширишлар ажралиш сабаблари ичида биринчи ўринда (339 киши) умумий фикр, қизиқиш ва ҳаваслар йўқлиги, иккинчи ўринда (282 киши) характернинг бир-бирига мос эмаслиги, учинчи ўринда (244 киши) вафосизлик туришини кўрсатди. Кейин муҳаббат ҳисларининг йўқлиги, эр-хотинлик вазифаларига енгилтаклик билан қараш, ота-оналар билан чиқишмаслик, ичкиликбозлик, эрнинг хотинга жисмоний жазо усулларини қўллаши ва фарзандли бўлишни истамаслик туради.

Оила қураётган ёшлардан сўралганда, уларнинг 66,2 фоизи оила қуриш мотивлари ичида муҳаббатни биринчи ўринга қўйганлар. Юқоридаги рақамлар эса муҳаббат ҳиссининг тўртинчи ўрнига тушиб қолганини кўрсатади. Бу оилавий ҳаётда муҳаббат ҳисси динамикасига боғлиқ табиий ҳолдир. Чунки никоҳдан кейинги дастлабки 5 йил мобайнида, яъни ёш оила босқичида муҳаббат ҳислари ўзгаради ва илгари етакчи бўлган мотив — муҳаббат ўз ўрнини оилавий ҳаёт учун зарурроқ ва аҳамиятлироқ бошқа компонентларга бўшатиб беради.

Оилани шартли равишда қуйидагича бўлиш мумкин.

1. Анъанавий оила. Бундай оилада аёл асосан уй-рўзғор ишлари, бола тарбияси билан шуғулланади. Оиланинг моддий таъминланганлиги, хотиннинг ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш-этмаслиги, оилага раҳбарлик асосан эрининг зиммасида бўлади. Ўрта Осиё регионида айниқса қишлоқ районларида маҳаллий халқда бундай типдаги оилалар (кўпчиликни ташкил этади) кенг тарқалган. Жумладан, бизнинг олиб борган текширишларимизнинг кўрсатишича, ўзбек халқида

20 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёлларнинг маълум проценти шундай оилада яшашни истайди.

Сўнгги йилларда катта шаҳарларда юқорида изоҳланган анъанавий оиланинг матриархал вариантларини кўришимиз мумкин. Бунда эркак ва аёл ўрин алмашишади.

2. Детоцентрик оила. Бундай оила ҳаётида асосий диққат-эътибор болага қаратилади. Ота-онанинг барча фаолияти аввало боласининг манфаатлари билан боғланади. Оила ҳаётидан қониқишнинг энг муҳим индикатори болаларнинг ўсиши, ўқиши, кийиниши ва шу кабилар ҳисобланади. Бундай оилаларда боланинг хоҳлаган нарсаси, нима бўлишидан қатъи назар, ота-она томонидан топиб келинади. Бу ҳам кўпроқ кам болали ёки бир болали оилаларда кузатилади. Аммо туғилиш кўрсаткичлари юқори бўлган регионларда кўп болали оилаларда ҳам тез-тез кўзга ташланади.

Бола шахсининг гармоник шаклланиши учун, қобилиятининг ривожланиши учун, максимал маълумотга эга бўлиши, маданий савиясининг юксалиши учун бу типдаги оилани идеал оила дейиш мумкин, аммо айнан шундай оилаларда болалар ниҳоятда ақлли, маданиятли, ўқимишли бўлиб, элементар инсонийлик, коллективизм, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, меҳнаткашларга ижобий муносабатда бўлиш, самимийлик, камтарлик бурч хислатларининг шаклланиши қийин бўлади. Бундай оилада ўсган болалар ўзларининг ўзга болаларга нисбатан билими, кийиниши маълум кўникма ва малакалари жиҳатидан устунлигини ҳис этиб, ўзгаларни менсимаслиги мумкин. Буни ота-оналар яхши билишлари ва болалар билан тарбиявий иш олиб боришда ҳисобга олишлари лозим.

3. Қайлиқлар оиласи. Кўпинча бир болали ёки умуман боласиз оилалар бундай оилага киради. Чунки бола пайдо бўлиши ёки болалар сонини ортиши зарурий равишда эр-хотиннинг маданий, маънавий эҳтиёжларини хоҳлаганича қондиришга имкон бермайди деб ҳисобланади ёки бунга ижтимоий, табиий шароит йўл бермайди. Бу оилаларнинг фарзандсизлиги ёки бир болалиги жамият эҳтиёжларини қондира олмайди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, бирор тип оилани идеал дейишимиз ёки иккинчисини танқид қилиш қийин. Ҳар бир типнинг ўзига жос ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Оила типини

регионал, этнологик омиллар билан боғлиқ равишда ўрганиш ва анализ қилиш лозим. Акс ҳолда катта хато-ларга йўл қўйиш мумкин. Масалан, Урта Осиё регио-нида, жумладан Ўзбекистонда, қишлоқ районларида анъанавий оила кенг тарқалган бўлса, Болтиқбўйи рес-публикаларида ёки катта шаҳарларда иккинчи ва учинчи типлари кўпроқ.

Баъзи оилалар бу турларни ўз тараққиётида босқич формасида ўтиши, баъзи оилалар эса ўзида бир неча турларини мужассамлаштириши мумкин. Фикримизча, қаерда туғилиш кўрсаткичлари юқори бўлса, шу ерда биринчи ва иккинчи типдаги оилалар миқдори кўпдир.

Қайси бир оилада низолар камроқ бўлади, қайси типдаги оила ҳаётидан қониқиш кўп бўлади, қайси ти-пи идеал оилага яқин? каби саволларнинг юзага кели-ши табиийдир. Бахт, оила ҳаётидан қониқиш, фақат юқоридаги шартли типлардан эмас, балки бу типни эр-хотин ўзларига қай даражада маъқул деб билишлари, ижобий ёки салбий идрок қилишлари, оила ҳақидаги тасавури билан мос келиши ёки зид эканлигидан келиб чиқади.

ТУРТИНЧИ БУЛИМ

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

1. Оиланинг ғоявий асослари

Совет оиласининг ғоявий бойлиги нима? Ёш авлод қандай эътиқодга таяниб тарбияланади? Эътиқод, сиё-сий маданият деганда нимани тушунамиз? Ўқитувчи мавзуни баён этишда шу саволларга жавоб беришни назарда тутаяди, ўқувчиларда ғоявийлик, маънавий бой-лик, сиёсий маданият тушунчаларини шакллантиришга, эътиқодни шакллантиришда оиланинг таъсирини ёри-тишга ҳаракат қилади.

Дарснинг ташкилий қисмидан кейин ўқитувчи ўқув-чиларга қуйидагича мурожаат этади:

— маълум бир мақсадсиз яшаш шахсни маслаксиз, турли яхши-ёмон ғоялар таъсири билан кўчаларда тен-тираб юрадиган кимсага айлантиради. Демак, ҳар бир шахс ҳам, шахслар уюшмаси бўлган оила ҳам маълум бир ғоявий бойлик, ғоявий асос билан яшаши керак. Оиланинг ғоявий асоси нима? Ана шу масалани тушун-

тиришда В. А. Сухомлинскийнинг қуйидаги гапларига асосланиш лозим:

Мен инсоният ўтмишда яратган ва қўлга киритган, социалистик жамиятда равнақ топган маънавий бойликлар ҳозирги кунларда ҳар бир боланинг маънавий бойлиги бўлиб қолсин деб, қалбларни тўлқинлантирсин, бутун дунёда ҳақиқат тантана қилиши йўлида актив фаолиятга чорласин деб ҳаракат қилардим. Ҳақиқат ҳамisha революциондир, деган эди Антонио Грамши. Мен маънавий ҳақиқатларнинг бутун гўзаллигини баландпарвоз сўзларсиз очиб беришга интилардим. Инсоният маънавий бойликларининг гўзаллиги унинг революцион мазмуни қалбга ҳаяжон соладиган ёрқин намуналарда кўрингандагина улар бола қалбининг бойлиги бўлиб қолади. «Сўзлар ўргатади, аммо ўрناق эргаштиради», дейилади лотин мақолида. Инсоният бахт-саодати йўлидаги жасорат, ёрқин ҳаёт намунаси — бу бола ҳаётини ёритувчи нур. Бироқ намуналар инсонпарвар, прогрессив, революцион ғояларнинг жонли тимсоли бўлгандагина яшашга сабоқ бўла олади. «Қимки ғоялардан узоқлаша борса, пировард натижада фақат сезгилари билангина қолади», — деб ёзган эди улуғ немис шоири И. Гёте.

Уқувчиларнинг болалик йилларида уларга номлари кўп авлодларга йўлчи юлдуз бўлиб қолган кишиларнинг ёрқин образларини очиб бердим. Албатта, кичкинтой болага ҳамма нарсани айтиб беришнинг иложи йўқ. Образлар ва манзаралар тўфонини болақайнинг бошига ёғдириб ташлайвериш ярамайди, унинг қалбини тўхтовсиз ҳаяжонга солавериш, кўнглини тўлқинлантиравериш ярамайди. Майли, бола ҳозирча озроқ билақолсин, лекин шу озроқда унга маънавий бойликлар гўзаллиги намоен бўлсин. Болалар ўзларини ҳаяжонга солган ва ларзага келтирган нарсалар устида ўйлаб кўришсин, фикр ва туйғулар қоришмаси, мажозий айтганда, ҳар бир бола қалбида унсин, 4 йил мобайнида тарбияланувчиларимга инсониятнинг улуғвор идеаллари учун курашчилар — Спартак, Кампанелла, Иван Сушанин, Степан Халтурин, Софья Перовская, Николай Кибальнич, Тарас Шевченко, Томас Мюнцер, Христо Ботев, Януш Корчакларнинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Буюк В. И. Лениннинг ҳаёти ва кураши тўғрисида, коммунист қаҳрамонлар Иван Бабушкин, Сергей Лазо, Камо, Яков Свердлов, Феликс

Дзержинский, Юлиус Фучик, Эрнст Тельман ҳақида, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари Николай Гастелло ва Александр Матросов тўғрисида, илмий ҳақиқат учун жасур курашчи Жордано Бруно, буюк инсонпарвар олим Миклухо-Маклай тўғрисида гапирдим.

Ғоя жонли инсоний интилишларда, хатти-ҳаракат ва қаҳрамонликларда ифода топган ёрқин мисол бола маънавий дунёсига катта куч билан таъсир қиладиган бўлади. Бирон хатти-ҳаракат моҳиятини болаларга тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ, ғоя билан образ бирга қўшилиб кетган бўлса, бола ғояни жуда яхши тушунади. Тарбияланувчиларимга, мен айтиб берган қаҳрамонларга маънавий гўзаллик моҳиятини кўрсатадиган энг муҳим хусусиятлар одамлар бахт-саодати учун бор кучи ва жонни беришга тайёр туриш хос. Худди ана шу хусусият завқ уйғотади, болани бошқа одамлар тақдири устида ўйлашга мажбур қилади. Ўз бахтини инсониятга хизмат қилишдан топган кишилар болалар учун маънавий идеалга айланади.

Бола маънавий улуғворлик ҳақидаги китобни ярим кечагача берилиб ўқимаса, азбаройи қувончдан юраги дукурлаб кетмаса, тарбия тўлақимматли бўлишини тасаввур этиш ҳам қийин. Одам ўзига синчиклаб назар солгандагина, ўз тасаввуридаги маънавий гўзаллик намунаси бўлган эътиқодига содиқ, мард, сабот-матонатли, қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишиларга ўзини таққослаб кўргандагина унинг қалбида маънавий идеал пайдо бўлади.

Болаларда маънавий идеал пайдо бўла бошлаши учун, тарбиячи ҳикояларни жуда ўйлаб танлайдиган бўлиши керак. Бунда энг муҳими ғоявий мазмунни ташкил этувчи факт ва воқеалардир. Ёш авлод учун идеал бўлган кишилар ҳаётидаги шахсий тақдир билан инсоният тақдирининг бирлигини кўрсатиб бериш жуда ҳам муҳим.

В. И. Ленин ҳаёти ва кураши ҳақида болаларга сўзлаб бераётганда меҳнат аҳли қисматини Ильич нақадар чуқур ҳис этганлигини кўрсатадиган фактларга ҳижжалаб тўхталар эдим. Улуғ доҳий нимаики қилган бўлса, ҳаммасини халқ бахтли, саодатли бўлсин, деб қилган. Гражданлар уруши ва вайронагарчилик йилларидаги қийинчиликлар пайтида В. И. Ленин етим қолган болаларга кўрсатган ғамхўрлигини эшитганда болалар қувончдан тўлқинланиб кетардилар. Мен ленин-

ча инсонийлик болалар қалбида энг буюк маънавий бойлик сифатида жо бўлсин деб, кичкинтойлар ўзларини ҳам, теварак оламини ҳам гўё ана шу ахлоқий гўзаллик ва ҳаққоният чуққисидан туриб кўргандай бўлсин деб ҳаракат қилардим.

Поляк халқининг миллий қаҳрамони Януш Корчак ҳақидаги ҳикоялар ўғил-қизлар қалбида чуқур из қолдирди. У болаларни азбаройи севганлигидан улар билан бирга ўлимга борганини эшитиб болалар ларзага келдилар. Януш Корчак жонни сақлаб қолиши мумкин эди, лекин у минглаб бегуноҳдан-бегуноҳ болалар фашист жаллодлари қўлида ўлиб кетаётганда бундай қилишни шафқатсизлик деб билди. Януш Корчак болалар учун чинакам инсонийлик рамзи бўлиб қолди.

«Народная воля» қаҳрамонлари — Степан Халтурин, Софья Перовская, Николай Кибальчич тўғрисидаги ҳикоялар болалар қалбида қизғин ифтихор ҳиссини уйғотди. Қаҳрамон коммунистлар Юлиус Фучик билан Камо (Тер-Петросян)ларнинг манонати, мардлиги тўғрисида ўқиб берганларимда, болалар одамзоддан фахрланиб кетдилар. Улар: «Шуларга ўхшасам эди, мана бу чинакам қаҳрамонлик», — дейишарди.

Қаҳрамон пионерлар ҳақида, Совет Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда жон фидо қилган Валя Котик, Витя Коробков, Лёня Голиков, Володя Дубинин, Вася Шишковскийнинг кўрсатган жасоратлари ҳақида болаларга кўп гапириб берардим. Бунда коммунистик ахлоқнинг энг муҳим хусусияти — гоъвий мустаҳкамлик, мардлик, социализм душманларига, тинчлик, озодлик ва демократия душманларига нисбатан муросасизлик болалар кўз ўнгиде аста-секин очила боришига интилар эдим. Ўз эътиқодларини қадр-қиммат сифатида ҳимоя қилиш қобилиятини қарор топтириш — тарбия ишининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ёрқин образларда гавдаланган яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввур кишида гўдаклик йилларидан бошлаб тарбиялана борган тақдирдагина бу вазифани бажариш мумкин бўлади. Бироқ тасаввурнинг ўзигина камлик қилади. Шахсан ҳиссий баҳо бериш ҳам зарур. Ахлоқий-маънавий ҳодисаларнинг қайси бири болага қимматли, қайсиниси билан эса у ҳеч қачон мурося қила олмаслигини аниқ фарқлаб олиш зарур. Кичик ёшдаги маънавий тарбия — бу кишилар учун хурсандчилик яратишга, ўзининг инсоний қадр-қимматини асрашга, ахлоқ

принципларини қадрлашга интилишни уйғотувчи ахлоқий гўзаллик билан руҳлантиришдан иборат¹.

Хўш, оилада бу мураккаб тарбиявий масалани қандай амалга ошириш керак? Бунинг учун аввало ота-онанинг ўзи ғоявийликка, эътиқодга содиқ бўлиши зарур. Акс ҳолда бола аросатда тарбия кўради, ғоявий жиҳатдан иккиюзламачи бўлиб етишади.

Ғоявийликни тарбиялашни бола жисмоний, руҳий жиҳатдан анча камолга етгач, тўрт-беш ёш атрофида бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ишни биринчи навбатда ғоявийлик тушунчасини яратган Маркс, Энгельс, Ленин ҳақидаги жажжи ҳикоялардан, шеърлардан бошлаш, болада туғилаётган ижтимоий жараён ҳақидаги фикрларни таҳлил этиш, саволларга пишиқ-пухта, содда жавоб бериш лозим. Шубҳасиз, бунда боланинг ёшини ҳисобга олиб иш кўрилади. Бунинг учун алоҳида вақт ажратиб, зерикарли суҳбатлар қилишдан сақланиш даркор. Суҳбатларни овқатланиш пайтида, овқатдан сўнгги чой ичиб гурунглашиш жараёнида, бирга сайрга чиққанда олиб бориш мумкин. Агар оиладаги болалар орасида ғоявийлик хусусида баҳс, тортишув ҳолати содир бўлса, унда болаларни бир жойга йиғиб, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини рағбатлантирган, кескин қораламаган ҳолда суҳбатлашиш жуда яхши натижа беради.

Гап оилада ғоявийликнинг муҳим шартларидан бири интернационализм ҳақида кетар экан, гап албатта тил ҳақидаги масалага бориб тақалади. Албатта, ўзбек оилаларида ўзбек тилига муҳаббат, тилнинг гўзаллигидан, маънодорлигидан фахрланиш туйғуларини тарбиялаш керак. Лекин бу бошқа тилларни заррача камситишга йўл қўймаслик зарурлигини билдиради. Ўзбекистон кўп миллатли республика. Бу ерда кўпчиликни ташкил қилган ўзбеклар билан бирга рус, тожик, қozoқ, қирғиз, татар (асосан қрим татарлари), корейслар яшайдилар. Ўзбек оиласида тарбияланадиган бола шахсига бу халқларнинг тилларига ҳурмат билан қарашни ўргатиш зарур. Шунинг билан бирга ўз она тилини пухта ўрганиш қаторида Умумиттифоқ тили даражасида ривожланган рус тилини, қондош, жондош

¹ Сухомлинский В. Болаларга жоним фидо. Т.: «Ўқитувчи», 1984, 204—207- бетлар.

халқлар ҳамда чет тилларини ўрганиш ижтимоий ҳаётда шахсга жуда катта йўл очишини ҳам уқтириш зарур. К. Маркс: «Чет тили — ҳаёт учун курашдаги зарур қурол», деб бекорга айтмаган. У гимназияда ўқиб юрган кезларида немис, лотин, грек, француз тилларини ўрганган. Кейин ҳам мустақил равишда бошқа тилларни ўргана бошлади. Натижада у немис, инглиз, француз тилида эркин гаплаша оладиган, рус, итальян, испан, румин тилларида адабиётларни ўқийдиган бўлди. Шу орқали буюк даҳо бутун дунё меҳнаткашларининг аҳволдан бевосита воқиф бўлишда ўзига кенг майдон очди, инсоният бахти учун курашишга ундайдиган ўзининг бебаҳо асарларини яратди.

Маркс, Энгельс таълимотига муҳаббат қўйган Ленин ҳам бир неча ажнабий тилларни билар эди. Бу унга буюк инқилобни тайёрлашда жуда қўл келди.

Таниқли рус олими ва ёзувчиси Юрий Андреевнинг «Бахтли бўл, ўғлим» асари оилада тарбияни амалга оширишда жуда қўл келади. Уни рус тилидан таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов таржима қилган. Қўйидаги парчани ўқувчилар диққатига ҳавола қилиш мумкин.

«Инсон деган юксак унвонга муносиб кўпгина одамлар орасида яна бир киши борки, мен узоқ йиллардан бери унинг ҳаёти ва асарларини тобора кучлироқ ҳавас ва завқ билан кузатиб келаман. Ўзинг ўйла: у ёшлигида бир вақтнинг ўзида иккита институтда — индустриал ва медицина институтида ўқиган. Индустриал институтни имтиёзли диплом билан тугатган. Қитъалараро учадиган самолёт лойиҳасини яратиб, уни диплом иши сифатида ҳимоя қилган. Медицина институтини ҳам зўр муваффақият билан битирган. Муҳими, бу институтни муддатидан аввал тугатган, чуңки икки курсни бир йилда ўтган. Бу ерда ҳам имтиёзли диплом олган. Уни медицина институтида қолдиришган, бироқ у амалий жарроҳлик ишига қизиқиб қолиб, аспирантурадан воз кечган ва врачлик қила бошлаган. Тахминий ҳисобларга қараганда, йигирма йиллик жарроҳлик фаолияти давомида у минглаб одамларни хасталикдан халос этган. Жарроҳликнинг назарий жиҳатлари ҳақида қирқдан ортиқ жиддий илмий асар яратган. Унинг ўпка хирургияси соҳасидаги ишлари Ленин мукофоти билан тақдирланган. Муайян соҳада Ленин мукофоти лауреати даражасида мутахассис бўлиш нима экан. Бу одам эса

айни чоғда юрак хирургияси билан боғлиқ мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш даражасига етган. Унинг юрак касалликларини даволашга қўшган ҳиссаси, жаҳон миқёсидаги ишлари йирик муваффақиятлар даражасида туради.

Шулар билан кифояланмай бу одам кибернетика муаммоларини ва, хусусан, биологик кибернетика масалаларини тадқиқ этишга ҳам борган сари кўпроқ вақт сарфламоқда. У ҳозир кибернетика институтида биологик кибернетика бўлимига ҳам бошчилик қилади.

Бу одам ёшлигида бир вақтнинг ўзида иккита институтда ўқиганидек ҳозир ҳам икки жабҳада баравар қадам ташламоқда — етакчи жарроҳ бўла туриб, энди етакчи кибернетикка айланмоқда. Бу ҳам камлик қилганидек, кейинги пайтларда у ёзувчи сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Йил сайин унинг янги китоблари чиқиб турибди, бу китоблар турли-туман китобхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

У илмий ва амалий фаолиятида қанчалик серқирра бўлса, адабиётда ҳам индивидуаллигини тўла сақлаган ҳолда шунчалик турфа хил. Унинг бадий асарлари мазмунига кўра инсон психологиясини таҳлил қилса-да, илмий-оммабоп адабиётга яқин турадиганлари ҳам бор. У илмий-фантастик асарлар ҳам ёзади.

Булардан ташқари, бу одам катта кўламдаги маърифатчи сифатида ҳам фаолият юритади. Унинг инсон саломатлиги асосларига бағишланган мақолалари, рисоалари, суҳбатлари мунтазам босилиб турибди. Бу асарларда у масалаларни жўнлаштириб эмас, балки уларнинг моҳиятини, фалсафий теран жиҳатларини аниқ баён қилиб беради.

Бу одамга хос яна бир сифатга диққатингни жалб қилмоқчиман: у жисмоний, маънавий ва маданий соҳалардаги маслаҳатлари ва тавсияларини даставвал ўзи синаб кўришга интилади. Баъзи врачлар бор, улар оғизларида сигарета тишлаб туриб, бошқаларни чекишни ташлашга ундашади. Бундайларга «Э. табиб, аввал ўзингни даволасанг-чи», дегинг келади. Мен ҳаётини ҳикоя қилаётган одамга бундай дея олмайсан. Унинг саломатлигига ҳавас қилсанг арзийди. Тўғрироғи, ҳавас қилишдан кўра унинг тавсияларига амал қилган маъқулроқ.

У инсон имкониятлари ҳақида нимаики деса, аввал бошлаб буни ўзи ва яқинлари орқали рўёбга чиқаришга

уринади. Бола тарбиялаш масаласида ҳам унинг ўз қарашлари бор, у болаларга бахтли бўлишни ўргатиш керак, деб ҳисоблайди. Болаларни чинакамига бахтиёр қилиш учун эса, уларда энг юксак инсоний манфаатларни ўстириш, ижодга, меҳнатга, мақсад йўлида бардошли, саботли бўлишга интилишни уйғотмоқ лозим. У болаларни бошқалар билан мулоқот санъатига, ақлли, билагон одамлардан кўпроқ нарса олишга, молпараст бўлмасликка ўргатади.

Академик, СССР Олий Советининг депутати, ажойиб жарроҳ, етук олим, ўзига хос адиб Николай Амосов ана шундай яшайди ва ана шундай меҳнат қилади».

Совет оиласидан етишиб чиққан бундай ажойиб шахслар билан бутун жамият фахрланади. Совет оиласи фақат етиштирган, камол топтирган буюк кишилар билангина фахрланмайди. Илғор ишчилар, тажрибакор деҳқонлар, ҳалол меҳнат билан донг таратган ҳар бир инсон оиланинг маънавий бойлигига бойлик қўшади, оиланинг ғоявий эътиқодини, совет ватанпарварлигини, интернационализм, фаол гражданлик позициясини, тинчлик учун курашини, қайта қуриш жараёнидаги актив иштирокини кучайтиради, буржуа ғоялари билан мурасасизликка, оила анъаналарини совет халқининг инқилобий, жанговар ва меҳнат шуҳрати анъаналари билан биргаликда ривожлантиради.

Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларга оиладаги муҳим воқеаларни эслатадиган альбом, эсдалик дафтарлари тутиш оила анъаналарини бойитиши билан бирга кейинги авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнашини ҳам айтиб ўтиши керак. Ахир, Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган, Улуғ Октябрь ғалабаси учун курашган, Катта Фарғона каналини қирқ беш кунда битказган, Фарғона тўғонини қуриб, Мирзачўлни гуллатган ота-боболаримиз билан ҳамма фахрланади, уларнинг жанговар ва меҳнат жасорати ҳамма учун ибратдир. Бундай қаҳрамонлар ўзбек оилаларида ўчмас из қолдиришган, уларнинг номларини эъзозлаб болаларимизни коммунистик руҳда тарбиялашда фойдаланиш бизларнинг бурчимиздир.

Оилаларнинг пионерлар билан алоқасини мустаҳкамлаш ленинчи ёшларни оила анъаналарига таяниб коммунистик руҳда тарбиялаш борасида имкониятлар очади.

Оиладаги анъаналар; туғилган кунни, турли байрам-

ларни нишонлаш, йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш ва қайтишида кутиб олиш, оила ҳаётидаги ажойиб воқеаларни ҳамда марҳумларни хотирлаш, наврўзни байрам қилиш, меҳмон кутиш ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бу тадбирлар расамади билан, ортиқча тантана ва исрофгарчиликсиз ўтиши, хурсандчилик оилада оптимизм, коллективизм, қариндош-уруғ, ака-ука, опа-сингилларга меҳрибонлик, ҳурмат орқали бошқаларга ҳам иззат-икром, гуманизм туйғуси бола шахсига сингади. Бу йиғинлардаги қариндошлар билан учрашувлар, яхши кайфият, ҳазил-мутойиба, аския, доно гаплар, кулги, хурсандчилик боланинг хотирасида узоқ вақт сақланади, тарбиясига таъсир кўрсатади.

Болада сиёсий маданиятни таркиб топтиришни сиёсий оңглиликни оширишдан бошлаш керак. Бунинг учун ота-она бола радиодан, эшитаётган, телевидениедан кўраётган эшиттиришларни, ўқиётган газета-журналлар, оммавий-сиёсий китобларни кузатиб бориши керак. Лекин бунда ота-онанинг болага ҳуда-беҳудага уни ўқима, бунинг эшитма деб танбеҳ беравериши ярамас усулдир. Бунинг ўрнига болага дўстона маслаҳат бериши, ғоявийлик руҳидаги асарларни тавсия этиш, боланинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай ота-оналар борки, болалари қанақа эшиттиришларни кўряптилар; қанақа орзу-умид, ғоя, сиёсий қарашга эга — булар билан мутлақо қизиқмайдилар. Айрим ота-оналар эса боланинг мактабдан, радио-телевизордан олган сиёсий билими етарли деб ўйлайдилар. Ота-оналарда болага социалистик тузумнинг бошқа тузумлардан фарқини аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб бериш учун катта имкониятлар бор. Улар бундай мисолларни ўз оилалари ёки қўни-қўшниларининг ҳаётидан, ўқиган китобларидан, кўрганларидан осонгина топишлари ва соддагина қилиб тушунтиришлари мумкин. Фақат оилага, болага эътибор, меҳр-муҳаббат бўлса, боланинг келажаги учун қайғурилса, бас.

Сиёсий маданият деганда оила аъзоларининг сиёсий воқеаларга қизиқишини, жамоат ишларида фаол иштирок этишини, газета-журналлар ўқиб, телевизор кўриб, оммавий-сиёсий адабиётлар билан танишиб, эшитган, кўрган, ўқиган сиёсий хабарларини муҳокама қилиб, тўғри баҳолай билишини, буржуа идеологиясининг буз-

ғунчиликларига, ҳаётга мешчанларча муносабатларга зарба бера олишларини тушунамиз.

Уйга вазифа.

1. Оилангизнинг ғоявий асослари, маънавий бойлиги, аъъаналарини, расм-русмларини кундалик дафтариңгизга ёзиб қўйиңг.

2. Шу пайтгача ўзингизнинг сиёсий маданиятингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Қайси газета-журналларни ўқийсиз, қанақа эшиттиришларни кўрасиз? Сиёсий маданиятни ошириш борасида қандай иш тутмоқчи эканиңгизни ёзиб қўйиңг.

3. Қуйидаги ҳикоятнинг мағзини чақиңг.

Номуснинг кийими

Бир кун номус ўз кийимини йўқотиб қўйди. Завқсафо, бойлик ва куч-қувватга мурожаат этиб, улардан йўқолган кийимини талаб қилди. Буларнинг бирортаси ҳам унинг кийимини топиб беришдан ожиз эдилар. Ниҳоят, номуснинг кийимини надомат, пушаймонлик топиб келтирди («Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобидан, Т.: Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988).

4. В. И. Лениннинг «Ахлоқ кишилик жамиятининг юксалиши учун хизмат қилади» деган фикрининг маъносини айтиб бериңг.

Оиланиңг ахлоқий асослари

Мавзунини ўтишда ўқитувчи совет оиласининг ахлоқий асослари, оила ва жамият ахлоқининг бирлиги, юксак ахлоқли оила муносабатлари хусусида фикр юритади, ўқувчиларда оиланиңг ахлоқий асослари, оила — бахт манбаи, оила бурчи ҳақидаги асосий тушунчаларни шакллантиради.

Дарс уйга берилган вазифани сўрашдан бошланади. 3—4-саволлар жавоби кўриб чиқилади. Ўқитувчи жавобларни умумлаштириб, ҳикоят ҳақидаги фикрларни шундай хулосалайди.

— «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» номус сўзига шундай изоҳ берилган: «Кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш ҳис-туйғуси; орият, диёнат, виждон». Ҳикоятда киши бойлик, куч-қувватга ишониб кайфу сафoga берилса, номусини ушлаб турадиган кийимлари — орият, диёнат, виждонидан, ахлоқидан айрилади, дейилган. Бундай киши деб аталади. Энди унинг расволигини

бойлиги ҳам, кучи ҳам қайтара олмайди. Ҳикоятда номуснинг кийими деганда ахлоқ кўзда тутилган.

Кейин Лениннинг фикри бўйича ўқувчилар жавобини эшитиб давом этади. Агар жамиятда ахлоқсизлик авж олса, ўғрилик, жиноят, кўзбўямачилик вабодек тарқалиб, инсон бахтига чангал солади. Шунинг учун доҳий жамиятнинг ахлоқсиз яшай олмаслигини, кишилик жамиятининг ривожланишида ахлоқнинг катта хизмати борлигини қисқа ва лўнда баён қилган. Жамият ахлоқдан ҳоли яшай олмас экан, жамиятнинг «кичик табиий ҳужайраси» бўлган оила ҳам ахлоқсиз мустаҳкам ва бахтли яшай олмайди.

Хўш, оиланинг ахлоқий асослари деганда нимани тушунасиз? Ахлоқнинг ўзи нима?

Бир неча ўқувчиларнинг фикрлари эшитилади ва давом этилади:

Ҳар даврнинг ўзига хос ахлоқи бўлади. Оила ана шу ахлоқдан четда қололмайди. Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Али Ибн Сино ўзининг «Тадбир ал-манозил» («Оилани бошқариш чоралари») асарида оила жамият ахлоқига мос ахлоқ билан яшаши хусусида фикр билдириб, жамиятдан ажратиб тарбияланган бола бахтсиз бўлади, дейди.

«Ахлоқ — жамиятда қабул қилинган ва жамоатчилик фикри билан қўллаб-қувватланадиган инсон хулқи нормаларининг йиғиндисидир¹. Ахлоқ синфий тушунча, синфий жамиятда ҳукмрон синфнинг ахлоқи ҳисобланган. Буржуа ахлоқида фақат ўзини, ўз корхонасидан келадиган даромадни кўпайтириш ва бу йўлда ҳар қандай инсоф, адолатни бир четга йиғиштириб қўйиши, худбинлик, ишчилар ва қора танлиларга паст назар билан қараш кўзга ташланади.

Социалистик жамият ахлоқи эса туб моҳияти билан бошқача — инсон инсонга дўстлиги, меҳнатнинг эркинлиги, давлат, халқ, жамият маңфаатларининг бирлиги, шахснинг ҳар томонлама гармоник ривожланиши ва барчанинг тенг ҳуқуқлигига асосланган. Бундай эзгу ахлоқ — коммунистик ахлоқдир. Жамиятимиз шиори: «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун».

КПСС қуйидаги коммунистик ахлоқнинг қарор топиши учун ҳаракат қилади:

¹ Матруненков С. И. Сенинг ҳуқуқ ва бурчларинг. Т.: «Ўқитувчи», 1987, 3-бет.

— коллективчилик ахлоқи. Унинг асосий принципи: «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган ғоядан иборатдир. У худбинлик, ўзини ва ўз манфаатинигина кўзлашни рад этади, умумхалқ, коллектив ва шахсий манфаатларни ўзида уйғунлаштиради;

— инсонпарварлик ахлоқи. У меҳнаткаш инсонни улуглайди, чуқур ҳурмат билан суғорилган бўлиб, инсоннинг қадр-қимматига қилинадиган хуружларга муро-сасиздир. У кишилар ўртасида чинакам инсоний муносабатларни — ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини шахсий ва ижтимоий ҳаётда хайрихоҳлик, ҳалоллик, софдиллик ва камтаринликни қарор топтиради;

— фаол, таъсирчан ахлоқ. У инсонни янги меҳнат ва ижодий зафарларга, коллектив ва бутун мамлакат ҳаётида сидқидилдан иштирок этишга, социалистик турмуш тарзига зид бўлган барча нарсаларга фаол қарши чиқишга, коммунистик идеаллар учун қатъият билан курашишга ундайди.

Ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш. Партия совет кишисида Октябрь Втанига, ўзи туғилиб ўсган заминга меҳр-муҳаббат, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тарихий ғалабаларидан фахрланиш туйғуларининг пролетар, социалистик интернационализм, қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан империализмга қарши, социал тараққиёт ва тинчлик учун кураш олиб бораётган барча кишилар билан синфий бирдамлик туйғуларида уйғун намоён бўлиши борасида бундан буён ҳам тинмай иш олиб бораверади¹.

Социалистик жамият кишисининг ахлоқий эзгу мақсадлари ана шундай аниқ ва ёрқин. Совет оиласининг ахлоқий асослари ҳам коммунистик ахлоқдан таркиб топади.

Болада юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш қадимдан бутун Шарқ халқлари каби ўзбек халқининг ҳам орзуси бўлиб келган. Масалан, Алишер Навоий халқ ғами, ташвиши билан яшашни юксак фазилат деб ҳисоблаган деб тушунди.

*Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.*

¹ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари Т.: «Ўзбекистон», 1986, 186-бет.

Ёки шоир Саъдий мана бундай насиҳат қилади.

*Уғлига отаси қилди васият:
«Бахтиёр болам, қуй қулоғингга панд —
Ўз элига вафо қилмаган киши,
На севимли бўлур ва на донишманд».*

«Олий ахлоқий фазилатлар деганда Форобий хатти-ҳаракатларда намоён бўлувчи билимдонлик, донолик ва мулоҳазали, виждонли, камтар бўлиш, кўпчилик мақсадларини ўз шахсий мақсадидан юқори қўйиш, ҳақиқатга, муҳаббат, маънавий юксакликка интилиш, адолатни севиш кабиларни тушунади, салбий ахлоқий хислатларни: жоҳиллик, айёрлик, ёлғончилик, адолатсизлик, золимлик, хасислик, очкўзлик, бойликка интилиш, турли ҳирсларга берилишни қоралайди (М. Хайруллаев).»

Коммунистик ахлоқ нормалари билан классик ахлоқ қоидаларини уйғунлаштирган оилаларда бола шахсининг ахлоқий камолоти юксак бўлади, оиланинг маънавий бойлиги ортади.

Оилаларнинг бахтли бўлиши фақат тўкин-сочинлик, қимматбаҳо мебеллар, радио, магнитофон, телевизорларга боғлиқ эмас. Оилавий муносабатда ўзаро ҳурмат, хушмуомалалик, бир-бирининг гап-сўзига тушуна билиш, уриш-жанжалсиз, ҳазил-мутойиба, юмор ҳисси билан яшаш оиланинг бахтиёрлигини таъминлайди.

Тўй пайти келин ва куёвга қанчадан-қанча самимий истаклар, эзгу ниятлар тиланади. Фарзандларини соғсаломат вояга етказиб, тўйда югуриб-елиб меҳмон кутаётган оналарнинг эзгу хаёлларини айтмайсизми? Отанинг босиқ хаёллари, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларнинг ҳаваслари-чи?! Янги оила қурган ёш йигит ва қиз уларнинг олдида бурчли эмасми? Бурчли! Уларнинг никоҳи давлат томонидан қайд этилди. Халқ давлати олдида улар бурчли эмасми?! Бурчли!

Вақт ўтиб, бир-биридан ширин болалар туғилди. Келин-куёв энди ота-она. Улар фарзандлари олдида, мурғак гўдакларнинг келажаги олдида бурчли эмасми?! Бурчли! Булар — оиланинг муқаддас бурчларидир!

Иттифоқимизда яшайдиган ҳар бир шахс виждон эркинлигига эга. Бу ҳақда СССР Конституциясининг 52-моддасида: «СССР граждaнларининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш, ёки бирорта динга эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажа-

риш ёки атеистик тарғибот олиб бориш ҳуқуқи гаран-
тияланади. Диний эътиқодлар туфайли адоват ва наф-
рат қўзғотиш тақиқланади. СССРда диний муассасалар
давлатдан ва мактаб диний муассасалардан ажратил-
ган», дейилади.

Ўқитувчи бу моддани ўқиб, уни ўқувчилар қандай
тушунишларини сўраши ёки динга эътиқод қилиш-қил-
маслик хусусида қисқа баҳс ўтказиши мумкин. Сўнг
ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштириб қуйидаги-
ларни айтади. Совет ҳокимияти барпо этилгач диндор-
лар учун черков, мачит каби бинолардан бепул фойда-
ланиш, диний маросимларни ўтказишга рухсат берилган
бўлса-да, динга эътиқод қилувчиларни таъқиб қилиш,
кўплаб черковлар, мачитларни бузиб ташлаш, хуллас
виждон эркинлиги масалаларига зўравонлик билан ёнда-
шиш ҳоллари ҳам бўлди. Айниқса шахсга сиғиниш,
турғунлик ва ана шу турғунликдан чиқишга интилиш
йилларида бундай зўравонликлар кучайди.

Динга қарши кураш ниқоби остида ўзбек халқининг
анъаналарига ҳам ҳужум қилинди. Масалан, наврўз
байрамини жуда кўп шарқ халқлари қатори ўзбек халқи
ҳам янги йилнинг бошланиши сифатида байрам қилиб
келган. Кейинчалик бизда бу кунни баҳорнинг, экин-ти-
кин мавсумининг бошланиши сифатида байрам қилина
бошланди.

КПССнинг мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиё-
сий ҳаётини тубдан қайта қуриш борасидаги ишлари
туфайли кўҳна маданиятимиз, қадриятларимиз ҳам тик-
ланмоқда.

Ўқитувчи дарсни якунлаб, уйга топшириқ беради.

Социализмда оиланинг аҳволи қандай? Шу ҳақдаги
фикрларингизни ёзиб келинг.

Социалистик оила коллективизми

Дарс уйга берилган: «Социалистик оила коллекти-
визми» деганда нимани тушунасиш?» саволига жавоб-
ларни муҳокама этиш билан бошланади. Ўқитувчи бир
неча ўқувчиларнинг жавобларини эшитади, мазмунли
жавоб берганларни рағбатлантириб давом этади.

Оила ўз табиатига кўра ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб
яшашга интилиш туфайли вужудга келган табиий-иж-
тимоий жамоадир. Қадимги аجدодларимиз ўзларидан
насл қолдириш, зурриётини хавф-хатардан сақлаш ва

боқиш, яшаш учун қулай макон топиш, ов қилиш, душманга қарши курашиш йўлида табиатдаги бошқа жонзотлардан кучлироқ бўлиш мақсадида бирга яшай бошлаганлар. Оиланинг энг қадимги асосида ҳамкорлик, бирлик, коллективизмнинг энг содда кўринишлари ана шундай қарор топган, булар турли ижтимоий формациялар даврида такомиллашиб, ривожланиб, замон талабига мувофиқ ўзгариб борган.

Коллектив сўзи латинча коллективус сўзидан олинган бўлиб, жамловчи, жамлама деган маънони беради. Бугунги кунда коллектив деганда бир мақсад йўлида бирлашган кишилар гуруҳи, жамоасини тушунамиз. Масалан, синф коллективи, мактаб коллективи, колхоз коллективи, маҳалла коллективи ва ҳоказолар. Ўқувчилар ўқиш, меҳнат қилиш, пионер ва комсомол ишларида, спорт мусобақаларида иштирок этиш жараёнида маълум бир коллективнинг аъзоси бўладилар. Ўқувчиларнинг ота-оналари эса бошқа коллективларда: колхоз-совхозларда, завод-фабрикаларда, турли корхоналар, муассаса ва бошқа жамоат ташкилотларида ишлайдилар. Уларнинг мақсадлари эл-юртни ноз-неъматлар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга, халқ фарзандларини ўқитишга, соғлигини сақлашга қаратилган. Кўриниб турибдики, социалистик жамиятимиз турли даражадаги катта-кичик коллективларнинг йиғиндисидан иборат. Оилаларнинг яшаш даражаси ана шу коллективлар меҳнатининг натижасига боғлиқ. Ана шундай ижтимоий боғлиқликдан социализмнинг «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» деган социализм принципи келиб чиққан ва у совет оиласининг ҳам асосий принципи ҳисобланади. Чунки, совет оиласи социалистик жамият деб аталадиган жуда катта коллективнинг энг кичик қисми — ижтимоий ҳужайрасидир.

Коллективизм — социалистик жамиятнинг характерли белгиси, коммунистик ахлоқнинг муҳим принципи бўлиб, алоҳида шахс билан бутун жамиятнинг ўзаро муносабатларини ифодалайдиган тушунчадир. Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатда ўртоқларча ёрдам жамият олдидаги бурч ва вазифани ҳалол бажариш, ўз манфаати билан жамият манфаатини қўшиб олиб бориш, коллектив ҳамда унинг манфаатларини ҳурмат қилиш коллективизмнинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Коллективизмнинг бу талаблари совет оиласи руҳига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Чунки совет оила-

сининг буржуа жамиятидаги оилага қараганда турли коллективлар фаолияти ва бу орқали жамият билан алоқаси кучлидир. Ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусий мулклиги буржуа жамиятида бунга имкон бермайди, бинобарин оиладаги бола шахси жамият талабидан келиб чиқиб ривожлана олмайди.

Ўқитувчи ўқувчилардан бирига қўйидаги нақлни ўқитади:

*Қоматиға ишонган қаддини букиб кетади,
Кўпчиликка ишонган мақсадиға етади.*

Сўнг ўқувчиларга ана шу нақлнинг маъноси ҳақида фикр юритишларини айтади. Бир неча ўқувчининг фикрларини умумлаштириб коллективизмни улуғлаган ўзбек халқининг бу ажойиб нақли жамиятда яшайдиган киши ҳеч қачон бир ўзи мақсадига ета олмаслигини, кўпчиликка таянсагина муроди ҳосил бўлишини ифодалашини уқтиради.

Шундан сўнг ўқитувчи дарс бошланишида ўқувчилар социалистик оила коллективизми ҳақида билдирган фикрлардан фойдаланиб оила коллективизми ҳақида фикр юритади. Оиланинг туриш-турмуши бутунлай коллективизм билан боғлиқ. Ота-она ишлаб зарур моддий-маънавий бойлик яратади, бу бойликдан ўзлари ҳам, болалари ҳам баҳраманд бўлишади; болалар ҳам ота-оналарига оилани таъминлашда яқиндан ёрдам берадилар, уй-рўзғор ишларига қарашадилар, укаларини тарбиялашда кўмаклашадилар. Бу жараёнда оила аъзолари бир-бирларига меҳрибон, ҳамиятли, оқибатли бўлишни, ўзидан катталарни ҳурмат қилишни, кичикларга ёрдам беришни, ўз хонадонларидаги буюмларни эъзозлашни, миллий урф-одатларга риоя этишни, анъаналарга содиқ қолишни, энг муҳими, ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар олдидаги, атрофдаги кишилар, эл-юрт олдидаги бурчни ҳис этишни қон-қонларига сингдирадилар. Оила моделининг қайси қирраси бола шахсида номукамал шакланса, худди шу жойдан бошлаб инсон бахтининг сири кўчади. Демак, инсон бахти ҳам коллективизм руҳида иш кўрадиган оила моделига боғлиқ. Бинобарин, коллективизм руҳида тарбиялашнинг бош ўчоғи ҳам оиладир. Бола ана шу жамиятга биринчи қадам қўйишдаёқ оилада олган тарбиясини ошкор қилади, оиладаги тарбия асосида жамоатга аралашади; яхши хулқ билан кимнидир хурсанд қилади, безорили-

ги билан кимнингдир кўнглига озор беради. Хўш нега шундай?

Бола коллектив ҳаётига киришганида атрофдагиларга ўз ота-онасига, ака-укасига, опа-синглиси ва ҳоказоларга бўлган муносабатидан келиб чиқиб муомала қилади. Чунки, ҳар бир оиланинг ўз муҳити, ички қонунияти, тили, ўзига яраша одоб-ахлоқ қоидалари, бола шахсини камолга етказиш усуллари мавжуд. Шунинг учун «Фалончининг болалари хўп ахлоқ-одобли, меҳнаткаш болалар-да!» ёки «Фалончининг оиласидан ғирт безори болалар чиқади!» деган гаплар юради.

Оила аъзоларига коллективизм руҳини сингдириш, уларни кўпчилик манфаати учун қайғурадиган, элпарвар қилиб тарбиялаш ота-онага боглиқ. Агар улар фақат ўз оиласи қобиғига ўралиб, моддий тўкинликда яшашни истасалар, эл-юрт қайғусини, умум ишини хушламасалар, элга қайишмоқчи бўлган боласини «Сенганима? Ўзингни бил, ўзгани қўй!» деб қайтарсалар, шубҳасиз, бола худбин, элдан, коллективдан ўзини четга оладиган шахс бўлиб тарбияланади; вақти келиб ота-она олдидаги бурчга ҳам эл-юрт, коллектив олдидаги бурчга совуққонлик билан қарагандек муносабатда бўлади. Бундай шахс ҳеч кимга дўстлик қилмайди. У аянчли ҳолга тушиб қолади. Ота-оналар болаларини ана шундай худбин шахс қилиб тарбияламаслик учун астойдил ҳаракат қилишлари керак.

Ўқитувчи шу ўринда ўқувчилардан: «Болаларини коллективизм руҳида тарбиялайдиган намунали оилаларга ва худбин, безори болалар ўстириб эл олдида бадном бўлган оилаларга мисол келтира оласизми?»—деб сўраши мумкин.

Ўқитувчининг ўзи ҳам бу саволга жавоб тайёрлаб қўйиши, иложи борича болалар яхши биладиган оилаларни мисол келтириши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилардан кейин у ҳам ўз мисолини айтади ва фикрларини изоҳлаб беради.

Ўзбек халқи коллективизм анъаналарини ўз турмушида, маънавиятида маҳкам ушлаган халқ. Ўқувчилардан бирига қўйидаги парча ўқитилади, сўнг шу хусусда қиска баҳслашилади.

Халқимизда: «Ўзини билмаган, ўзгани қаердан билсин», деган ҳикматли гап бор. Навоийнинг: «Эл нетиб топғай мениким, мен ўзимни топмасам» сўзлари халқимизнинг ана ўшундай тушунчалари бағридан ўсиб чиқ-

қанга ўхшайди. Ҳуш, халқда ўзни билиш фалсафаси қандай маъноларни ифодалайди? Ҳаётда бош ҳақиқатлар бор: Ватан, Тарих, Тил, Халқ, Эрк, Ишқ ва ҳ. Буларнинг ҳар бири қисматни ҳал этадиган сўзлар. Шундай сўзларга умрини тиккандагина инсон курашчига айланади. Шундагина ҳаётда нима муҳим, нима ноқерак—хатосиз фарқланади. Кимгадир бу оддий иш, жўн гап туюлар. Лекин у энг мураккаби. Ва эътиқодни тозалайдиган «маҳак тоши»дир (маҳак тоши — олтин ва кумушга суртиб, уларнинг софлигини аниқлайдиган тош). Онадан ҳеч ким худбин, бағритош, молпараст ва ёвуз бўлиб туғилмайди. Ўзидан бошқани ўйламайдиган, манфаат ва фойда деса томдан сакраш «таланти»ни эгаллаган корчалонлар турмушдаги муҳим бўлмаган иккинчи даражали нарсаларга ўзини бағишлаганлар эмасми? Бундайларни халқ албатта ўзгани билмаслар сифатида лаънатлаб келган (И. Ҳаққулов. Занжирбанд шер қошида (Навой сабоқлари). Тошкент, «Юлдузча»—1989, 194-бет).

Қисқа баҳсни умумлаштириб, ўқитувчи давом этади. Шарқда инсонни коллективизм руҳида тарбиялаш классик анъанага эга. Буюк донишманд Ибн Сино ахлоқий тарбиянинг бош мақсади фақат ўзи учун яшайдиган худбин шахсни эмас, балки эл-юрт манфаатини, кўпчилик фойдасини кўзлаб иш юритадиган халқпарвар шахсни камолга етказишга қаратилиши керак, дейди, бу борада дастлабки замин оилада ҳосил қилиниши зарурлигини уқтиради.

Ҳар бир оила ўз аъзолари орқали турли меҳнат коллективлари, ўқув юртлари, мактаблар, жамоатчилик ташкилотлари билан боғланган. У коллективларнинг оила коллективига таъсири албатта сезиларли бўлади. Шунинг билан бирга оила ташқи таъсирлардан нисбатан ҳоли эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бундай ҳолилик баъзи оилаларга тараққиёт йўлидан чекиниб, ҳурфикрликка қарши бориб, диний қобиққа ўралишига имкон беради. Бу эса, албатта жамиятдан узилиб қолишга олиб келади. Бундай оилаларга коллективизм руҳини сингдириш қийин кўчади.

Катта оила коллективи аъзолари ёшига қараб ўзига хос гуруҳларга бўлинади: ота-она, бобо-буви, амаки-амма — катталар, турли ёшдаги болаларнинг бари — болалар гуруҳини ташкил этади. Катталарни турли уй-рўзғор, бола тарбияси ва бошқа ижтимоий-ҳаётий

ташвишлар, болаларни эса уйда бажариладиган турли ишлар, машғулотлар, ўйинлар бирлаштиради. Ана шулар ота-онанинг назаридан четда қолмаслиги керак. Катталарнинг аввало иноқ яшаши, оғир ишларни бир-галлашиб бажариши, бир-бирига кўмакдош, масъул ва меҳрибон бўлиши, хушмуомалалик, қатъиятлилик, оила мулки билан бирга давлат ва жамоат мулкани ҳам асраш, ўзбек халқи анъаналари ва маданиятини севиш, Ватанга садоқат борасида намуна бўлиши болага коллективизм туйғусини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, улар болалар фаолиятини жиддий кузатиб, турли танбеҳлар, маслаҳатлар, йўлланмалар бериб боришлари, уларнинг коллективизм руҳида тарбияланишига маънавий-ахлоқий шароит яратишлари керак.

Ўзбек оилаларида гарчи эр ва хотин оиланинг тенг ҳуқуқли бошлиқлари бўлсалар-да, эркакни, яъни отани кўпроқ ҳурматлашга, унинг обрўини тўкмасликка кўникилган. Бу ҳол ҳам маълум маънода ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга. Бироқ ота бу обрўни суистеъмол қилмаслиги, оила аъзоларини, хотинини ўз қаршисида титраб-қақшаб туриши учун интилмаслиги лозим. Отанинг оила аъзоларига зуғум қилиши кўпинча оиланинг писмиқ, қўрқоқ, эркин мушоҳада қобилияти паст, коллектив ишга ижодкорлик, ташаббускорлик билан эмас, балки қўрқиб-пусиб аралашадиган, қашқатаёқ, лоқайд шахс бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Болаларнинг ўзаро муносабатларига ҳам эътибор бериш лозим, токи улар бир-бирларининг ютуқларидан севинсалар, уларда бировларни кўролмаслик, ичқоралик, ҳасад, бадбинлик пайдо бўлмасин.

Катта оилаларда бобо билан буви оила коллективининг мўтабар таянчи ҳисобланади. Улар фарзандларининг иттифоқ бўлиб яшашлари, қариндош-уруғларнинг оқибатли бўлиши, қўни-қўшни, ёр-оғайни, ҳаммаҳалла, ҳамқишлоқлар билан муносабатлар яхши бўлишининг тарафдори сифатида болаларда коллективчилик туйғусини ривожлантирадилар. Шунингдек, кўп болали ўзбек оилаларида уй-рўзғор ишларининг болалар ўртасида тақсимланиши ва бажарилиши ҳам оила коллективизмининг ташкил этади.

ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУҲИТ

Эр-хотин орасидаги келишмовчилик сабаблари

Оиладаги психологик муҳит оила аъзоларининг психологик ҳолати, кайфияти ва ўзаро муносабатларининг мажмуидир. Психологик муҳитнинг шакллари жуда кўп ва уларнинг ҳаммасини шартли равишда икки группага: ёқимли — яхши ва ёқимсиз — ёмон муҳитга ажратиш мумкин.

Оиланинг психологик муҳити асосан қуйидагилар билан белгиланади:

— ўзаро муносабатдан, меҳнатдан, бирга бажариладиган ишлардан қониқиш;

— бир-бирини тушуниш;

— эмоционал ҳолатнинг, кайфиятнинг барқарорлиги;

— бирдамлик, жипслик;

— оилани ва ўзини ўзи бошқаришда қатнашиш даражаси;

— ўзаро муносабат (агар оиланинг отаси узоқ муддатли хизмат, командировка каби объектив сабаблар бўлмаса, кўплаб кунлар оиладан ташқарида юрмаса).

Психологик муҳит кўп жиҳатдан психологик қовушувга боғлиқдир. Психологик қовушув И. В. Дубровина, Т. И. Юфероваларнинг фикрича, ғоявий-ахлоқий ва социал-психологик турларга бўлинади.

Г. И. Царигордцев ва Н. И. Губановларнинг фикрича, шахслараро қовушувчанлик 3 группага бўлинади:

Социал (таълим-тарбия, социал муҳит таъсирида юзага келган дунёқараш, идеал, ҳаётий қадриятлар) қовушувчанлик.

Антропологик (шахснинг биологик ва физиологик хусусиятларидан иборат) қовушувчанлик.

Психологик (характер хислатларига кўра) қовушувчанлик.

Юқоридаги уч компонент бўйича шахслараро (эр-хотиннинг тўлиқ қовушуви, қисман қовушуви ёки бутунлай қовушмаслиги мумкин) қовушувчанлик икки шахсда бир хил бўлиши натижасида юзага келиши мумкин. Ёки икки қарама-қарши типга мансуб бўлганларда бир-бирини тўлдириш йўсинида қовушувчанлик кузатилиши мумкин.

Психологик жиҳатдан бир-бирига тескари бўлишда, биологик, физиологик жиҳатлардан бутунлай мос келмасликда ҳам қовушув бўла олади, аммо ахлоқий-ғоя-

вий жиҳатлар (дунёқараш, яшаш принциплари, ҳаёт қадриятлари) мос келмаса, қовушув бўлмайди. Бундай оила деворлари сейсмик райондаги уй каби уруш-жанжаллардан ёрилиб боради, ағдарилиш ҳолатига келиб, шу хонадонда яшаётган оила аъзолари учун айниқса, болалар учун катта ахлоқий-психологик хавф туғдиради.

Агар бу уч қовушувни (социал, психологик, антропологик) қовушувчанликни образли қилиб уйнинг пойдевори, девори ва томи деб тасаввур қилсак, уйда яхши яшаш учун буларнинг ҳаммасини зарур эканлигини кўрамиз. Том мустаҳкам бўлмаса, ёгингарчиликда ёмғир ўтиши мумкин, қалин қор ёққанда босиб ҳам тушиши мумкин, аммо уй бир бутунлигича бузилиб кетмайди. Деворлар юпқа бўлса, ёзда иссиқ, қишда совуқ ўтказиши мумкин. Лекин пойдевор сифатли бўлмаса, биринчи ер қимирлашдаёқ ёки давомли ёгингарчиликдан сўнг уй бутунлай бузилиб тушади.

Хулоса қилиб айтганда, оиланинг мустаҳкамлигида икки ёшнинг оилавий ҳаётдан қониқишида, оилада ахлоқий-психологик муҳитнинг яхши бўлишида дунёқараш, идеаллар, ҳаётий қадриятларнинг аҳамияти ғоят каттадир.

Оила қурадиган ёшлар ўзларига умр йўлдоши учун ҳар томонлама тўғри келадиган, максимал қовушувчанлик кузатиладиган кишини топиши эҳтимоли ниҳоятда камдир. Бунга интилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки психологик жиҳатдан ўзига бутунлай ўхшаган одамни топиб бўлмайди. Баъзи ёшлар ўзига ўхшаганларни ёқтирмайдилар ҳам. Масалан, холерик типдаги, жуда тез жаҳли чиқиб кетадиган, ўзини тута олмайдиган, етакчи бўлишни хоҳламайдиган икки ёшнинг ҳаёти доимо уриш-жавжаллардан иборат бўлиши мумкин. Айниқса икки ёшнинг салбий хислатлари бир хил бўлса, уларда психологик қовушувчанлик бўлиши жуда мушкул. Масалан, эр ҳам, хотин ҳам ниҳоятда худбин ёки иккиси ҳам дангаса бўлишса, уларнинг оила ҳаётида уруш-жанжаллар жуда кўп бўлади.

Никоҳ қураётган ёшларнинг темпераментини таҳлил қилиб, турли типдаги темпераментларни кўришимиз мумкин. Масалан, холерик-холерик, холерик-сангвиник, холерик-флегматик, холерик-меланхолик, сангвиник-сангвиник ва ҳ. Турли темперамент типининг бирга оилавий ҳаёт кечиршида баъзи низолар кузатилиши

мумкин. Масалан, холерик эрга хос хусусиятлар: серҳаракатлилик, фаолиятга тез киришиб кетиш, етакчи бўлишга интилиш, турли нарсаларга қизиқиш, кўпчилик орасида бўлишни, баланд овозли музикани, серҳаракат ўйинларни ёқтириш. Меланхолик хотин эса интраверт бўлгани сабабли янги, нотаниш кишилар орасида ўзини ниҳоятда ноқулай сезади, кўпчилик орасида тез чарчайди, фаолиятга тез кириша олмайди, янги вазиятга тез мослаша олмайди, ўрганган вазиятини ўзгартиришни истамайди, ҳаракатлари секин ва вазмин бўлади, яъни у экстраверт холерик эрига психологик жиҳатдан бутунлай қарама-қаршидир.

Юқорида айтилганидек, уларнинг оилавий ҳаётларида низолар, уриш-жанжаллар жуда кўп бўлиши мумкин. Бунга ҳамма шароит бор. Аммо эр-хотин орасида муҳаббат мавжуд бўлиб, уларнинг психологиядан темпераментнинг типлари ҳақида, экстраверт ва интраверт шахсларнинг характеристикаси тўғрисида ҳар бир темперамент типининг афзаллик ва заифликлари ҳақида билимлари бўлса ва, ниҳоят, икки ёшда фақат ўқимишлилик эмас, балки ички маданият — соф зиёлилик мавжуд бўлса, улар низоларнинг олдини олишлари ва уриш-жанжалларсиз бахтли, ширин ҳаёт кечиришлари, бу оилада жуда яхши, ёқимли психологик муҳит ўрнатилиши мумкин.

Афсуски, сўнгги йилларда оила аъзолари орасида зиддиятли ҳоллар бирмунча кўпайганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Р. Муксимовнинг Литвада олиб борган изланишларига биноан ўрта мактабни битирувчиларнинг ота-оналари орасида тез-тез жанжаллашиб туриш 40 фоизни, ниҳоятда кўп жанжаллашиш 10 фоизни ташкил этар экан. Шу оилалардаги 17 ёшли болаларнинг фикрича, зиддиятли ҳолларнинг 60 фоизида сабабчи ҳам ота, ҳам она бўлар, жанжалларнинг 50 процентига болалар ҳам жалб қилинар экан. Болаларнинг 80 фоизига ота-она орасидаги зиддиятлар ниҳоятда қўнғилсиз таъсир қилади. 74 фоиз болалар эса уйдаги жанжаллар асаб системасига кучли таъсир қилишини айтган.

Е. А. Моршинанинг Тошкентда олиб борган текширишларига кўра жанжаллар 78 фоиз оилада учрайди.

К. К. Мамедов, Н. К. Юмакеева, Г. Б. Шоумаровларнинг ёзишича, зиддиятлар ўз йўналишига кўра оилани мустаҳкамловчи ва оилани бузувчи хилларга бўлинади.

Зиддиятларни кимларнинг орасида бўлишига қараб

қуйидаги турларга ажратиш ва уларнинг сабабларини, олдини олиш йўлларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1. Эр-хотин орасидаги келишмовчиликлар.
2. Қайнона-келин орасидаги келишмовчиликлар.
3. Қайнона-куёв орасидаги келишмовчиликлар.
4. Ота-она ва болалар орасидаги келишмовчиликлар.

Шулардан биринчиси ва ниҳоятда кенг тарқалгани— эр-хотин орасидаги келишмовчиликлардир.

Оилада эр ва хотин орасида юзага келадиган келишмовчиликларнинг сабаблари қуйидагилардан иборат.

1. Ҳаётда иш (касб фаолияти) ва оиланинг қиймати ни ўлчашда юзага келади. Ишга ниҳоятда берилиб кетган эркак кишилар ўз хотинининг маданий хордиқ чиқаришига, оиланинг хўжалик ишларига, болалар тарбияси ва бошқаларга етарли эътибор бермаслиги натижасида келиб чиқади. Маълумки, аёлларнинг кўпчилигига уй, оилавий ҳаёт, уй-рўзғор ташвишлари табиий равишда юкланиб қолади. Улар ишда ҳам уйни ўйлайди. Хотин овқатланиш вақтидан фойдаланиб магазиндан зарур озиқ-овқат маҳсулотлари олишни, ишдан сўнг болаларини боғчадан олиб, уйга бориб қандай овқат тайёрлашни ўйлайди.

Эркак кишиларнинг кўпчилиги табиатан ишга берилади, ҳатто, уйга келиб ҳам эртанги қиладиган ишлар режасини тузиш билан банд бўлади. Аёллар ишхонада «меҳмон» сифатида ўтирса, эркак кишиларнинг кўпчилик қисми уйда ўзларини меҳмондек ҳис қиладилар. Оилали аёл ишдан оилага, уйига шошилса, эркак киши оиладан ишга қочади. Ана шу сабабли ҳам турли тўқнашувлар келиб чиқиши мумкин.

Бу типдаги зиддиятларнинг олдини олиш учун эркак киши оилага эътиборни кучайтириши керак, объектив сабабларга кўра етарли эътибор бера олмаса-да, хотинни ҳар томонлама рағбатлантириши, унинг бир ўзи шунча ишларни бажаришидан ҳайратланиши, қойил қолиши, дам олиш кунларида болаларга, уй ишларига қарашиб, хотин кишига бир оз дам бериши лозим.

Аёл киши «Қулоғи билан севади» деган сўзларни эркаклар унутмасликлари, аёлларга мақтов сўзларини айтиб туришлари керак. Кўпчилик эркаклар ўзга аёлларга мақтов сўзлари айтишга ниҳоятда саҳий бўлиб, ўз турмуш ўртоғига нисбатан бениҳоя зиқнадирлар.

Хотиннинг оила бошлиғи бўлмиш отага уйга, бола-

ларга эътибор бермаслигини гапириши, таъна қилиши ҳар доим ҳам кўзланган натижага олиб келавермайди, аксинча, ниҳоятда чарчаган эр бундай вақтда жаҳли чиқиб, объектив танқидни ҳам тўғри идрок эта олмаслиги мумкин. Кўпчилик аёлларнинг кенг тарқалган хатоладан бири эри ишдан келиши биланоқ уни ҳар хил дашномлар билан кутиб олишидир.

Шу сабабли хотинлар эрларини тўғри танқид қилиб тегишли натижага эришиш учун унга гапирадиган вақт-ни билишлари лозим.

Қорни оч, уйқудан қолган ва ниҳоятда чарчаган киши танқидни объектив идрок эта олмаслигини хотинлар унутмасликлари керак.

2. Етакчиликни қўлга киритиш учун интилиш асосида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Бир-бирларини яхши билиб, муҳаббат асосида никоҳ қурган ёшларнинг кўпчилигида етакчилик учун кураш кузатилмайди. Чунки бу масала никоҳ қурилгунича уларнинг муносабатида ҳал қилинган, етакчи аниқланган ва ўз вазифасини бажараётган бўлади. Аммо баъзан шундай оилаларда ҳам ота-оналарнинг, ака, опа, келинлар ёки яқин дўстларнинг, дугоналарнинг аралашуши бу масалани мураккаблаштиради, илгари бўйсуниб келаётган, етакчиликни даъво қилмайдиган эр ёки хотинда етакчи бўлишга интилиш вужудга келиши мумкин. Ёшларнинг оилавий ҳаётига (ахлоқ принципларига зид бўлмаса) катталарнинг ўз қарашлари билан аралашушлари кўп ҳолларда яхши натижа бермайди.

Ҳозирги кунда Е. А. Моршинина ва Ғ. Б. Шоумаровнинг текширишларига кўра ўзбек оилаларининг 64 фоизи совчилар ёрдамида юзага келади.

Тадқиқотда қатнашган (ўрганилган) ўзбек аёлларининг 56 фоизи ота-она маслаҳатига кўра оила қурганлар.

Статистика маълумотларига кўра юзага келаётган ўзбек оилаларининг талайгина қисми етарли танишиш муддатига эга бўлмаган, бир-бирларини яхши билмаган, совчилар ва ота-оналар маслаҳати билан чекланган ёшлардан иборат. Бундай оилаларда муҳаббат етакчи ўрин эгалламайди. Муҳаббат, биргаликдаги оила ҳаёти давомида юзага келиши ёки ўзаро ҳурмат ва бурч асосида оила ҳаёти яхши кечиши мумкин. Ана шундай оилаларда никоҳдан олдин куёв томонлар унга «буш келма, хотинни биринчи кундан қўлга ол, ҳаддан ташқари

ширин сўз бўлма, елкангга ўтқазсанг, бошингга чиқиб олади» дея ақл ўргатадилар.

Келин томон эса унга «куёв болани» биринчи кундан қўлга олиш йўлларини ўргатишади. Ақлли, мустақил фикр юрита оладиган, социал етук ёшлар берилган шундай «қимматли» маслаҳатларни танқидий ўрганиб, ўзлари вазиятга қараб ақл, қалб ва виждон билан иш тутадилар.

Баъзи ёшлар юқоридагича «маслаҳатлар»дан ўзларича бир мақсадни дилларига жо қилиб оладилар ва оила «жанг майдони»га айланади. Яъни улар вақти-вақти билан ўзларининг органик эҳтиёжларини қондириб олиш учун ярашиб, кейин узоқ вақт тинмай жанжаллашадилар.

Ҳозирги вақтда катта шаҳарларда (Москва, Ленинград, Киев) етакчилик кўпроқ аёллар қўлида. Оиладаги етакчилик фақат қишлоқ ёки шаҳарга эмас, балки миллий анъаналарга ҳам боғлиқдир. Масалан, М. Г. Давлетшин, Ғ. Б. Шоумаров ишларида ифодаланишича, «Сизнинг ота-онангиздан қай бири етакчи?— деган саволга ўзбек аёлларининг 76,6 фоизи, рус аёлларининг 66,6 фоизи отасини айтган. Текширилган ўзбек зиёли аёлларнинг 93,3 фоизи ва ишчи аёлларнинг 100 фоизи оила бошлиғи сифатида ўз эрларини айтганлар. Рус аёлларида эса бу кўрсаткичлар 34,3 ва 50,7 фоизни ташкил этган.

Сўнгги йиллардаги аёллар эмансипацияси совет аёлларига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Баъзи муаллифларнинг ёзишича, совет аёли француз аёллари каби элегант, инглиз аёллари каби коррект ва итальян аёллари каби эмоционалдир. Шу билан бирга, совет аёлларининг ўзга мамлакат аёлларидан фарқли хусусияти — ўзига ишониб, ҳеч кимга тобе эмаслигини ҳис этишидир. Бу, албатта, яхши хусусият. Аммо ишлаб чиқариш, касб фаолиятида ижобий аҳамиятга эга бўлган бу хусусият оилавий ҳаётда, эр-хотин орасидаги муносабатда салбий роль ўйнайди.

Ўзига бениҳоя ишонган, ўзининг ҳеч кимга ва ҳеч нарсага тобе эмаслигини ҳис этаётган баъзи аёллар эри билан муносабатда, хусусан эркак киши билан бирор нарса ва ҳодиса хусусида баҳслашаётганида эркакларча принципиаллик ва баланд овоз билан ўз гапини маъқуллашга, сўзини ўтказишга ҳаракат қилади. Аёл кишининг бундай муомаласи эркакларни ниҳоятда ға-

заблантиради ва уларда шундай аёллар ҳақида ёмон таассурот қолдиради. Турли жанжалли ҳолларда, мунозараларда «аёлларнинг кучи унинг заифлигидадир» деган ҳикматли сўзларни аёллар унутмасликлари ва унга риоя қилишлари лозим.

Баъзи оналарнинг қизларига «эринг билан жанжаллашганингда дарров кўз ёш қил» деб берадиган маслаҳатларида ҳам чуқур маъно бор. Чунки хотиннинг кўз ёшини кўрган эр ғалаба қозонгандек, хотинни таслим қилгандек бўлади. Унда дарҳол ғазабланиш ўрнини ачиниш эгаллайди ва жанжалда мурасага келиш учун қулай шароит тугилади.

Жанжаллар кўпинча ёшлик, бир-бирларини ва ўзларини яхши билмаслик, тушунмасликдан келиб чиқади. Етақчиликка интилиш сабабли юзага келадиган келишмовчиликларнинг олдини олиш мумкинми?

Аввало оила қурган ёшлар «тахт учун кураш» ҳеч қайси томонга фойда келтирмаслигини, аксинча, иккала томон катта талафот беришини, оила мустақамлигига путур етишини унутмаслиги керак. Ҳозирги кўпчилик оилаларда биархат, яъни эр ва хотин оилани баббаравар бошқаришини куриш мумкин. Лекин, биархатда ҳам кимнингдир сўзи сўнгги сўз бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳеч бир оилада абсолют биархат бўла олмайди.

Тўла-тўқис етакчи ҳам оилани демократик принципда бошқариши мақсадга мувофиқдир. Бу принцип оила аъзолари орасида етакчининг ҳурматини орттиради ва оиланинг бошқа аъзоларида мустақиллик шаклланишига зарар етказмайди.

Оилада эркак киши етакчи бўлиши шарт эмас. Қим ҳақиқий етакчилик қила олса, етакчиликдан маънавий озуқа олинадиган, унинг етакчилиги оила ҳаёти учун ижобий таъсир қиладиган бўлса, шу одам етакчи бўлиши керак.

Баъзан ота-оналар қариб қолганда ёки касаллик натижасида оилани бошқара олмаган ҳолларда етакчилик ролини оиладаги катта ўғил бажаради. Ота ёки она эса оила қарорларини тасдиқловчи расмий етакчига айланади.

3. Муҳаббат динамикасини, психологик характеристикани билмаслик натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар. Шуни қайд қилиш керакки, муҳаббат бир неча босқичларни босиб ўтади (бошланғич босқич,

алангали босқич, бир маъёрда кечадиган, яққол акс этмайдиган ўзаро ҳурмат босқичлари). Ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятларга эга. Кўпчилик ёшлар бу хусусиятларни билмаслиги бир босқичдан кейинги босқичга ўтишдаги ўзгаришларнинг сабабини тушуниб етмаслиги сабабли уларга муҳаббат тамом бўлгандек ёки муҳаббат объектини танлашда адашгандек туюлади. Натижада кўпинча янги муҳаббат объекти қидирилади. Уриш-жанжаллар, ажралишлар, янги никоҳ ва янги можаролар такрорланади. Муҳаббатнинг психологик характеристикасини билмаслик ёшлар орасида «Ҳақиқий муҳаббат борми?», «Ҳақиқий, соф муҳаббат қандай бўлади?», «Муҳаббат такрорланиши мумкинми?» каби қатор саволлар ва мунозараларни вужудга келтиради. Бундай мунозаралар ниҳоятда эмоционал, қизгин тортишувлар шаклида ўтади ва кўп ҳолларда мунозара қатнашчиларининг ҳаммаси ўз фикри, нуқтаи назарида қолаверади. Бунинг сабаби аввало ҳиссиёт, муҳаббат психологиясидан элементар билимга эга эмасликдир.

Муҳаббат динамикасини, янги ҳислар ичида энг кучли «бир вақтнинг ўзида ақл, қалб ва танага ҳужум қиладиган» муҳаббат ҳисларининг ўтмиши, бугунги кун ва истиқболини баҳори, ёзи ва кузини кўра олиш, ундаги «фасл»— босқич ўзгаришларини олдиндан билиш, унга тайёр бўлиш, ҳиссиёт асосида юзага келадиган кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олишга имкон беради.

4. Аёлларнинг (қизларнинг) уй ишларига тайёр эмаслиги (уй бекалиги вазифасини бажара олмаслиги сабабли) юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ҳозирги кунда айниқса шаҳар оилаларида кўп оналар ўз қизларини ақлий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан баркамол шахс сифатида шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Қизлар мактабда аъло ўқиш билан чекланмасдан, турли бадний тўғаракларга қатнайдилар, мактаб билан бир вақтда музыка мактабини ҳам битирадилар, турли спорт секцияларига қатнайдилар. Юқоридагиларнинг ҳаммаси жамиятимиз аъзосининг турмуш шароити ниҳоятда яхшиланганидан дарак беради. Оналар ўзлари ёшлигида улгурмаган ёки имконияти бўлмагани учун қатнаша олмаган фаолият турларига ўз болаларини, қизларини жалб қиладилар. Буларнинг ҳаммаси диққатга сазовор. Аммо, уларнинг айримлари қизларнинг ақлий, эстетик, ахлоқий, жисмоний тарбия-

лашга зўр бериб, меҳнат тарбиясига етарли эътибор беришмайди.

Қишлоқ оилаларига нисбатан шаҳар оилаларида бундай ҳоллар кўпроқ учрайди. Ваҳоланки, коммунистик тарбия компонентлари ичида меҳнат тарбияси энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Юқоридаги тарбия компонентлари қандай яхши шаклланган бўлмасин, агар меҳнат тарбияси қониқарсиз бўлса, ўзга тарбия компонентларининг аҳамиятини кескин пастга тушириши мумкин.

А. Г. Харчев маълумотларига кўра Москвалик 16—17 ёшли ўқувчиларнинг кўпчилигида оилада мунтазам бажарадиган вазифалари йўқ. Яъни 50 фоиз йигитлар ва 69 фоиз қизлар оилавий ишларда қатнашмайдилар.

Меҳнат тарбиясининг кичкина конкрет турларидан бири уй, ошхона ва хўжалик ишлари билан шуғулланишдир.

Янги турмушга чиққан келин ўз онасидек ёки қайнонасидек сифатли, лаззатли овқат пишира олмаслиги мумкин. Лекин у овқат қилиш, уйни тутиш бўйича маълум билим, кўникма, малака ва тажрибага эга бўлиши зарур. Айниқса овқат пиширишдан, ошхонадаги ишларни бажаришдан завқланиши, қониқиши лозим. Шу сабабли қизлар ёшлигидан ўз уйида овқат қилиш, дастурхон ёзиш, меҳмон кутуш, уйни тоза тутиш ва шунга ўхшаш қатор ишларни бажариш малакаларини эгаллаб боришлари зарур.

Янги оила қурган ва ота-оналаридан алоҳида яшайдиган куёв-келин ўзлари тайёрлаган овқатлар сифатини ёшлигидан истеъмол қилиб келган, оналари тайёрлаган мазали таомлар билан беихтиёр таққослайди. Бунда келин кўпинча мағлубиятга учрайди. Куёвнинг келин тайёрлаган таомлари сифатли эмаслигини гапиравериши эса келиннинг овқат тайёрлашга иштиёқини сўндириши, янги таомлар тайёрлашни ўрганишига салбий таъсир қилиши мумкин. У «қанча ҳаракат қилмагин, барибир ойисининг овқатидек кўрмайди» дея ачиққаниши турган гап. Бундай ҳоллар келин-куёв орасидаги муносабатга ҳам таъсир кўрсатади. Айниқса хатолар ота-оналар ва ўзга кишилар олдида айтилса, ниҳоятда оғир ботади. Шунинг учун келин ҳеч қандай овқат тайёрлашни билмаса ҳам унинг ҳар бир қадами, пазандаликда, уйни тутишда эришган ютуқларини диққатдан четда қолдирмаслик, уни рағбатлантириб бо-

риш зарур. Буни айниқса қайноналар яхши билишлари керак.

Юқоридагича сабаблар билан вужудга келадиган жанжалларнинг олдини олиш учун қуйидагиларни унутмаслик лозим:

Ўзини билган одамгина бошқаларни танқид қилиш ҳуқуқига эга. Куёв ейишдан бошқа нарсани билмаса, танқид қилишга ҳақи борми?

Ҳақиқий эркак хотинини уй ишларида, шу жумладан, овқат тайёрлашда йўл қўйган аҳё-аҳёндаги майда хатоларига эътибор бермаслиги лозим.

Камчиликни ҳеч ким йўғида, шунчаки маслаҳат тарзида айтилиши мақсадга мувофиқдир.

Камчиликни ҳадеб таъна қилавериш фақат салбий натижага олиб келишини унутмаслик керак.

Келин сифатсиз овқат тайёрлаганида қайнана овқатга баҳо беришдан олдин ўзининг ёшлигини, ўз хатоларини эслаши фойдалидир.

Аёл кишининг психик, эмоционал ҳолати (ҳайз кўришга боғлиқ равишда) ҳар хил бўлишини эркаклар билиб қўйиши ва ҳисобга олиши лозим.

Аёл кишилар ҳар 28—30 кунда ҳайз кўриши сабабли уларнинг психик, эмоционал ҳолати доимо барқарор бўлмайди. Ҳайз даври тугагач тахминан 2—3 ҳафта ўтгандан сўнг ҳайз олди синдроми вужудга келиши, яъни аёл ўзини бирмунча лоҳас сезиши, унинг тез жаҳли чиқиши, дарров хафа бўлиши, ҳайз вақтида эса 4—5 кун касал бўлиб ётиши ҳам мумкин. Эркак киши бундай психофизиологик ўзгаришни, ҳайз олди белгиларини, уларнинг аёл психикасига таъсирини билмаслиги сабабли унга хотинининг гаплари, мурожаатлари, эмоционал ҳолати қўполдек туюлиши, эри етарли даражада ҳурмат қилмаётгандек туюлиши, эридан норозидек кўриниши, муҳаббат ҳислари йўқолиб бораётгандек туюлиши мумкин.

Бундай можароларнинг олдини олиш учун эркак киши аёл муносабатидаги ўзгаришларнинг сабабини аниқлаши, енгил-елпи хулоса чиқармаслиги, ҳайз кўриш олдидан ва айниқса ҳайз вақтида хотинига нисбатан диққат-эътиборли бўлиши зарур.

Айниқса ҳомиладорлик даврида қайлиғига нисбатан ғамхўр, диққат-эътиборли бўлиши, уни хафа қилмаслик, бош қоронғилигида керакли маҳсулотларни етказиб бериш кераклигини, бу маҳсулотлар фақат онанинг эмас,

балки ҳомиланинг эҳтиёжи эканлигини эркак киши унутмаслиги лозим.

Олимларнинг текширишича, ҳомиладорликнинг биринчи ярмида турли салбий ҳиссий кечинмаларни бошдан ўтказган аёлларда асабий болаларни туғиш бошқа аёлларга нисбатан 2—3 баравар ортиқ бўлар экан.

5. Болаларни тарбиялашда эр-хотин, ота-оналар бир хил позицияда турмаслигидан келиб чиқадиган келиш-мовчиликлар.

Баъзи оилаларда она боласини уришса, жазоласа, ота болани ҳимоя қилади ёки, аксинча, ота жазолаганда она болани жазодан қутқаришга ҳаракат қилади. Ана шундай шароитда ўсаётган бола отаси уришса она-сидан, онаси койиса отасидан ҳимоя қидиради. Натижада ота-оналар берадиган тарбиянинг самараси яхши бўлмайди. Болада эса ўз хулқ-атвориға, хатоларига танқидий қараш шаклланмайди. Ўзини ота ёки она томонидан асоссиз жазоланган, деб билади.

Қилмиши учун жазоламоқчи бўлган «прокурор»—ота билан «судланувчи»—болани ўз ҳимоясига олган «адвокат»—она орасида тортишув кетади. Тарбия борасидаги тортишув баъзан эр-хотин шахсий муносабатларига ҳам салбий таъсир этиб, улар орасида кўнгилсизликларни келтириб чиқаради.

Бола тарбияси билан кўпроқ шуғулланган ва шу боисдан болага кўпроқ муносабатда бўлган она баъзан ўзи билмаган ҳолда ўз боласида отасига нисбатан салбий муносабатни вужудга келтириб қўяди. Бундай оилаларда ота ўз фарзандлари назарида етарли обрў қозонолмайди. Шу руҳда тарбияланган, ниҳоятда эркин ўсган болалар катта бўлгач, ҳатто; ота-онасига қўл кўтаришлари ҳам мумкин. Бундай фарзандлардан руҳан ва жисмонан азобланган эр-хотинлар қариган чоғида ҳам бир-бирларига «мана сенинг тарбиянг натижаси» деб жанжаллашадилар.

Тарбия мавзуида юзага келадиган жанжалларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга риоя қилиш фойдалидир:

Ота ва она тарбияда доимо бир хил мавқени эгаллаши лозим. Баъзан ота ёки она қўпол педагогик хатога йўл қўйиши мумкин. Иккинчи томон ҳам унинг хато позициясига ўтмай, бу хатони пайқаган заҳоти хато қилган томоннинг обрўйига ва эр-хотин муносабатларига

путур етказмай тегишли йўсинда уни тўғрилаб кетиши зарур.

Масалан, бир оила 10 ёшли Беҳзоднинг туғилган кунини нишонлаётганда отаси ўғлига қадаҳда спиртли ичимлик узатиб, ичишни буюради. Шунда онаси Шарофат опа Беҳзодга: «Қара, ўғлим, доно даданг сенинг қанчалик катта бола бўлганингни, спиртли ичимлик ёшу қарилар учун зарарли эканини билиш-билмаслигингни текширмоқчилар»— деди. Шу билан болага спиртли ичимлик ичишнинг ёмонлигини билдирмоқчи бўлди ва бола олдида отанинг обрўсига ҳам, эр-хотин орасидаги муносабатга ҳам путур етказмади.

Аммо бошқа бир аёл шундай ҳолда боланинг олдида ёки бегона кишилар олдида йўл қўйилаётган хатога ҳамманинг диққатини жалб қилиб, утирганлар ичида ҳамфикрларни ҳам топиб, эрининг меҳмонлар олдида, отанинг бола олдида обрўсини тўкиши ҳам мумкин.

Эр ёки хотиннинг нисбатан ақллилиги, психологик ва педагогик жиҳатдан саводлилиги, донолиги, тажрибалилиги, социал етуклиги уларнинг «устунлигидир». Устунлик эса қўшимча масъулиятдир. Ақллилик ўзига яқин кишиларга доимо танбеҳ бериб, уларни мунтазам равишда койиб туриш, улар устидан кулиш учун асос бўлолмайди. Ахир оилада болалар уришганда кўпинча жазонинг кўпроғи ёш жиҳатдан каттага тегади, чунки у масъулиятни чуқурроқ ҳис этиши керак. «Икки жанжаллашаётганлар ичида ақллироғи аҳмоқдир», деб халқимиз бежиз айтмаган.

Шу сабабли оилада кимки ўзини ақллироқ, социал етукроқ, тажрибалироқ деб билса, шу киши оилавий ҳаётда ижобий психологик муҳит ўрнатишда асосий роль ўйнамоғи лозим.

Жанжалли ҳолларда эр-хотинлар жанжалларни юзага келтирган мавзудан четга чиқмасликлари ва доимо боланинг олдида бир-бирларининг обрўларини тўкмасликлари лозим. Обрўни йўқотиш жуда осон, тиклаб олиш ниҳоятда қийинлигини унутмаслик лозим.

Ҳар бир ҳодисани мунозарага айлантириб, биргаликда ҳақиқатни топишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тарбия борасида йўл қўйилганига очиқ иқрор бўлиш, хатони бўйинга олиш, оқил кишиларга хос иш тутиш керак.

6. Темперамент типлари сабабли вужудга келадиган

келишмовчиликлар. Биологик шартланган темпераментнинг психологик хусусиятлари эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида кўринади. Умуман бир-бирига яқин бўлган ёки бир хил темперамент типига эга бўлган эр-хотинларда темпераментлар асосидаги келишмовчилик деярли кузатилмайди. Иккови ҳам холерик эр-хотинлар орасида жанжалли ҳоллар кўп бўлади, чунки улар жаҳли тез, ўзини тутиши қийин, реактивлиги активлигидан устун, яъни олдин гапириб, қилғиликни қилиб қўйиб мулоҳаза юритадиган, ҳиссий қўзғалувчан бўладилар. Бундай оилани Ленфильм киностудиясидан ишланган «Қишда пишган олча» бадий фильмида кўришимиз мумкин.

Мана шу келишмовчиликларнинг ҳаммаси энг аввало темперамент ҳақидаги элементар билимлар етишмаслигидан ёки мавжуд шундай билимларни оилавий ҳаётда қўлламасликдан келиб чиқади.

Шунга кўра эр ва хотин бир-бирининг хатти-ҳаракати, кундалик машғулотли, одатларини яхши билиб олишлари ва ўзаро муносабат-муомалада шуларни ҳисобга олишлари зарур.

7. Фарзандсизлик сабабли вужудга келадиган келишмовчиликлар В. И. Кулаков ва В. Н. Прилепскаяларнинг тадқиқотларига кўра СССРда боласиз оилалар 10—15 фоизни ташкил этади. Буларнинг 60 фоизига аёллар, 30 фоизига эркаклар ва 10 фоизига ҳар икки томон сабабчидир.

Оила қурғач бир неча йил ўтгандан кейин ҳам фарзанд кўрмаслик эр-хотинга ёмон таъсир қилади. Шу сабабли улар орасида турли келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Бундай оилаларнинг истиқболи аввало эр билан хотин ўртасидаги муҳаббат кучига ва уларнинг маданий савиясига, болага муносабатига, ҳаётий қадриятлари мазмунига боғлиқдир.

9. Рашк асосида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Юқорида баён этилган сабаблар эр-хотин орасидаги келишмовчиликни келтириб чиқарувчи сабабларнинг кенг тарқалган бир қисми, холос. Оилаларда турли сабаб ва омиллар кузатилиши, турли келишмовчиликларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин, аммо келишмовчиликларнинг мазмуни ва келиб чиқиш сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, психологларнинг қуйидаги тавсияларини билиш ва булардан фойдаланиш ҳар бир эр-хотин учун бениҳоя зарурдир.

1. Жаҳлга жаҳл билан жавоб бермаслик. Иложи борича мунозарани кечиктириш, кечиктириб бўлмаса, эрнинг ёки хотиннинг нима демоқчи эканини тушуниб, шунга яраша муомала қилиш лозим.

2. Мунозарада бошқа нарсаларни ва ўтган воқеаларни эсламасдан, фақат мунозара объекти ҳақида гапириш керак.

3. Мунозарада овоз баландлатмаслик (бақирмаслик), ҳиссиётларга эътибор бериш, айниқса мунозара кўчада ёки ўзга кишилар олдида содир бўлаётганда ҳар бир гапни ўйлаб айтиш зарур.

4. Масалани таҳлил қилиб, ўз айбига иқроф бўлиш, ўз айбини бўйинга олиш.

5. Ҳар бир мунозарани жанжалга айлантирмаслик, мунозаралигича қолдириш керак. Чунки мунозарада хатолар биргаллашиб қидирилади, жанжалда эса икки томон иложи борича бир-бирининг нозик томонларини топиб, шу жойларга «ҳужум қилинади».

6. Ёмон нарсани ҳеч вақт («сен доим шундай қилсан», «сен доимо шундайсан», «сен ҳеч вақт тушунмагансан, тушунмайсан ҳам» қабалида) умумлаштирмаслик керак.

7. Энг яхши ҳимоя ҳужум эканлиги спортга, масалан, футболга хосдир. Оила жанг ёки футбол майдони эмас, шу сабабли онлавий ҳаётда ўз дарвозасига тўп ўтказиш, кўп ҳолларда рақиб дарвозасига тўп уришдан кўпроқ фойда беради.

8. Умр йўлдошининг ота-оналари ёки қариндошлари ҳақида ҳурматсизлик билан гапирмаслик, улар билан яхши муносабатда бўлиш зарур.

9. Мунозара ёки жанжал вақтида ота-оналар, қариндошлар ва ўртоқларнинг гапларини, эрга ёки хотинга берган салбий баҳоларини дастак қилмаслик керак.

10. Мунозара ва жанжалдан сўнг жаҳл устида ота-онанинг ёки бошқа яқин кишиларнинг уйига кетиб қолишни одат қилмаслик лозим.

11. Мунозараларни ота-оналарга айтиб, кўнгил бўшатиш, улардан ҳимоя қидирмаслик керак. Чунки «эрхотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши» бўлади-ю, ота-оналар уни анча вақтгача унута олмайдилар, уларнинг тинчлиги бузилади, баъзан хроник касалликларнинг ўткирлашишига олиб келади.

12. Мунозара ва жанжаллардан сўнг гаплашмасликка одатланмаслик лозим, чунки бу ҳам жанжалнинг бир

шакли бўлиб, кўп ҳолларда яхши натижага олиб бормади.

13. Эр ёки хотин сал нарсага қовоғини солиб юрмаслиги керак. Чунки бу қилиқ кишининг ўзи учун табиий ҳолатлардан бири, умр йўлдоши ва болалари учун психологик ҳолат ҳисобланади ва уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

14. Эрнинг ёки хотиннинг позициясида туриб, уни тушунишга ҳаракат қилиш лозим.

15. Қорни оч ёки ишдан чарчаб келган одам билан баҳслашиш ярамайди. Чунки бундай ҳолатдаги одам асосли танбеҳ ва танқидга ниҳоятда ғазаб билан жавоб қайтариши мумкин.

16. Аёлларнинг асосий қуроли уларнинг принципиаллигида, бир сўзлигида, овози ёки кучи билан ғолиб чиқишида эмас. Бу эркакларнинг анъанавий қуролидир. Аёлларнинг қуроли уларнинг заифлиги, нозиклиги, устомонлиги ва эмоционаллигидир. Кўпинча аёллар ўз қурулларини унутиб, эркакларнинг қуролидан фойдаланади, бу эса оилавий ҳаётда яхши натижа бермайди.

17. Мунозара ва жанжалларда шошилиб узил-кесил, қатъий хулоса чиқармаслик керак.

18. Умр йўлдошининг эҳтимол бир кунлик, ойлик, йиллик, циклли ҳолатини ва ёш хусусиятини ҳисобга олиш лозим.

Юқорида «ғолиб чиқиш», «ютиш» ва «ютқазиниш» ҳақида шартли равишда айтилди. Умуман олганда эса оилавий ҳаётдаги мунозара ва жанжалларда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди: иккала томон ютади ёки ютқазари, шуни унутмаслик лозим.

20. Мунозара ва жанжалларда оиладаги етакчи, характер жиҳатдан кучли одам тан беради. Чунки оиладаги психологик муҳитнинг соғломлигига аввало оила етакчиси жавобгардир.

Оила бюджети ва хўжалиги

Биз мавзунини ўрганишда оила бюджети ва хўжалиги, уни режалаштириш, ота-она, болалар ўртасида ишларнинг тақсимланиши ва оиланинг иқтисодий манбаи хусусида фикр юритилиб, ўқувчиларда оила бюджетининг даромади ва харажати, оила хўжалигини бошқариш каби тушунчалар шакллантирилади.

Ўқитувчи дарснинг ташкилий қисмидан кейин қуйидаги икки лавҳани икки ўқувчига ўқитади.

Иқтисод

Пул ва молни керакли, зарур нарсаларга сарфлагандан кейин қолган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозим. Шундай қилинса, доимо иқтисод қилиб борилса, катта сармоя ҳосил бўлади.

Иқтисод қилишга, тежашга одатланган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ейиш, ичиш, кийиш керак, аммо «кўрпангга қараб оёқ узат» нақлига амал қилинса, бошқаларнинг нарсаларига тама қилинмайди, кўнгил ҳам хотиржам бўлади. Қўлида бўлган пулга, мулкка қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди.

Исроф

Исроф — ўринсиз, фойдасиз ишларга пул ва мол сарфлашдир. Қўлдаги пул ва молни керакли жойларга сарфлаш, яхши идора қила олиш, исрофгарчиликдан сақланиш лозим. Шуҳрат қозониш учун тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарф этиш нодонликдир. Исроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига тама ва ҳасад қилиш келиб чиқади.

Байт:

Сен агар исроф этишни ташладинг,
Ул замон давлат этагин ушладинг.

Ўқувчиларнинг ана шу икки лавҳа хусусидаги фикрлари умумлаштирилиб, давом этилади.

Ҳар қандай оила маълум бир даромад ҳисобига яшайди. Партия ва ҳукуратимиз оилаларнинг иқтисодий қувватини оширишга яқиндан ёрдам бериш мақсадида йилдан йилга меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақларини оширяпти, пенсионер, студент, ёлғиз она ҳам давлат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз оилага маънавий, иқтисодий жиҳатдан ёрдам берар экан, оилада келажак яратувчисининг характери, меҳнатга муносабати, ахлоқи, ғоявий-маданий савияси ўсишини кўзда тутуди, оилаларни кундалик рўзғор учун зарур нарсалар, уй-жой билан таъминлашни, аёлнинг меҳнатини енгиллатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу эса

совет оиласининг мустаҳкамланишида, бюджети ва хўжалиги ривожда муҳим аҳамият касб этади.

Ёш оилалар фақат бир-бирларини тушунмаслик туфайлигина эмас, балки иқтисодий шароитни йўлга қўя олмай ҳам ажраладиган ҳоллар учрайди.

Шундай оилалар борки, қийинчилик билан топилган пулни, осонгина совурадилар, улар оиланинг иқтисодий масалалари билан юзаки шуғулланадилар. Аммо бу борада ўнлаб кўрадиган кўп муаммолар бор.

Оила аъзолари ойига қанча иш ҳақи олишлари аниқ, лекин шу пулни қайси мақсадларга, қандай сарфлаётганлари ҳақида аниқ ҳисоб-китоб йўқ.

Оила бюджети — оила аъзоларининг ойлик иш ҳақи ҳисобидан тупланиб, даромад ва харажатлар йиғиндиси-дир. Хўш, табиий ва маиший эҳтиёжга сарфланганидан қолган маблағни нимага сарфлаш керак? Туристик саёҳат учунми? Китоб сотиб олишгами? Қимматбаҳо кийимлар учунми? Машина харид қилишгами? Буни оила аъзолари ҳал қилиши керак.

Оилада болаларни ёшлигиданоқ оиланинг иқтисодий масалаларини ҳал қилишга жалб этиш биринчидан боланинг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан, пул сарфлаш маданиятига, ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари демократик асосда, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-маблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди, балки оила аъзоларини оила коллективига янада жипслаштиради.

Доимий равишда пул ётмай қолиши, кўпгина оилаларда уриш-жанжалга сабаб бўлади. Улар пулни расамади билан харажат қилишни билмайдилар. Пулни ҳисоб-китоб билан харажат қилиш ҳақида ўқувчиларга бир топишмоқ айтиш мумкин.

«Ота ўғлига чақа пул бериб:

— Ўзимизга, сигиримизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил,— деди.

Ўғли бозорга борди, ўйлаб-ўйлаб бир нарса харид қилиб келди. Бундан ота хурсанд бўлди. Ўғил нима сотиб олган эди?

— Қовун.

Ўқитувчи жавобни изоҳлаб, давом қилади.

Оила бюджетини, хўжалигини тўғри бошқариш учун йил бошида эр-хотин бир йил давомида қилинадиган

харажатларни ҳисоблаб чиқади. Бу умумий даромадга нисбатан олинади. Харажатлар уч қисмга ажратилади.

1. Ҳар ойда такрорланадиган жорий харажатлар: озиқ-овқат, турар жой ҳақи, транспорт, гигиенага сарфланадиган маблағ.

2. Аниқ ҳисоб-китобсиз, тахминий сарфланадиган (китоб харид қилишга, газета-журналга) маблағ.

3. Узоқ муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга сарфланадиган маблағ.

Йиллик умумий даромаддан страхованига, оиланинг катта аъзолари сарф қиладиган баъзи харажатларни чиқариб ташлаймиз. Харажатни режалаштиришни кунда бўладиган харажатларнинг аниқ миқдорини белгилашдан бошлаш керак, шунда ундан ортган даромад узоқ муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга харажатланади.

Кундалик харажатлар оиланинг умумий даромадига ҳамда яшаш усулига қараб белгиланади. Бунда уй-рўзгор ишларини бошқарадиган аёлга ҳам кўп нарса боғлиқ, шундай аёллар борки, ҳеч қачон овқати айнамайди, нонни исроф қилмайди, ҳаммаёқ саранжом-сарипта, ҳеч шошиб қолмайди, рўзғорида доим ҳамма нарса етарли бўлади. Бошқа бир аёл бунинг мутлақо тескарисин. Бу эса аёлнинг қизлигида уйда олган тарбиясига ҳам боғлиқ.

Баъзи оилалар кайф-сафони, тўкин-сочин дастурхон атрофида меҳмон кутишни, совға-салом билан меҳмонга боришни, бошқалари саёҳатни, яна баъзилари кутубхоналари учун китоб йиғишни севадилар. Харажат ҳам шунга қараб бўлади.

Айрим болалар ота-оналарининг ойлик даромадлари қанча эканлигини билмагани учун баъзи қимматбаҳо нарса олиб беришни талаб қилиб туриб олади. Ойлик даромадни билганда у бундай қилмасди. Шунинг учун Макаренко болани оила хўжалигини юритиш ишларидан хабардор қилиб туриш кераклигини уқтирган эди.

Агар оила яхши таъминланган бўлса, бу ҳақда боланинг ўртоқларига мақтанишига йўл қўймаслик керак. Оила ўз эҳтиёжларини қийинчилик билан (маълум бир сабабларга кўра) қоплаётган бўлса, шундай қилиш керакки, бола бошқаларга ҳасад билан қарамасин. Бола меҳнатсиз келадиган даромаддан кўра, қийинчилик билан, меҳнат билан оила ҳаёти яхшиланишидан фахрлансин.

Агар оилада пул маблағлари тўғри сарфланса, бу оиладаги бола босиқ, тежамкор, пулнинг қадрини биладиган бўлиб улғаяди.

Шунақа оилалар борки, ойлик олиши билан болаларга ширинликлар, ўйинчоқлар совға қилишади-ю, кейин танг ҳолга тушиб қолишади. Бундай оилалардаги болалар пул ва буюмларнинг қадрига етмайди, борган сари катта талаблар қўя бошлайди. Ота-она қийинчилик билан бўлса-да боланинг хархашасидан қутулиш учун айтган нарчасини олиб беради. Бундан болада боқимандалик кайфияти, исрофгарлик одати, худбинлик пайдо бўлади. У ҳақиқий юрт граждани, меҳнаткаши бўла олмайди.

Бундан болага умуман совға бермаслик керак, деган маъно чиқмайди, совға болага катта хурсандчилик бахш этади ва у совға кутади! Пухта ўйлаб қилинган совғанинг тарбиявий аҳамияти катта бўлади.

Боланинг оила хўжалиги ишларида қатнашиши ўзининг ортиқча талабларини тийишга, исрофгарчиликка қарши курашга ўргатади. Бола 8-9 ёшга етганда харажатларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан пул бериб туриш мумкин. Бола бунга ўргангандан кейин уни мунтазам таъминлаб туриш зарур. Боланинг меҳнати ёки ўқиши учун ҳеч қачон пул билан рағбатлантирмаслик керак.

Уйга вазифа.

А.С. Макаренконинг «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар» китобидан «Оила хўжалиги» бобини ўқиб келиш.

Турмуш гўзаллиги. Оилада дам олиш

Дарс қуйидаги вазиятни муҳокама қилиш билан бошланади.

Карим мактабдан қайтганда уйда ҳеч ким йўқ эди. У портфелини даҳлизнинг бир бурчагига ташлади, оёқларини силкиган эди, туфлисининг бири у ёққа, бири бу ёққа тушди, ечинмасдан ҳам меҳмонхонага кириб, телевизорни қўйди, каналларни ўзгартирди, стол устидаги программага кўз ташлади, сўнг уни столнинг бир четига суриб юборди, кийимларининг бирини диванга, иккин-

чисини стулга ташлади; сўнг ошхонага ўтди. У қайси хонага қирса, ўша жойдаги саранжом-саришталикка путур етарди. Шу пайтда стадиондаги машғулотга бориш кераклиги ёдига тушиб қолди. Спорт кийими қаерда эди? Жовонларни титди — кийим йўқ. Борган сари хуноби ошди. Онаси келиб қолди. Қарим йиғламоқдан бери бўлиб деди:

— Бу уйдан ҳеч нарсани топиб бўлмайди. Спорт кўйлагим қани?

— Вой болажоним, эрталаб ўзинг мактабга олиб кетувдинг-ку! — деди Саодат опа ўғлининг туфлиларини жуфтлаб, бир четга олиб қўя туриб.

— А? Портфель... Портфелим қани?

Саодат опа Қарим ивирситган нарсаларни бир четдан йиғиштириб, ўғлига қўшилиб портфелни излай бошлади. Портфель топилди, аммо унда спорт кўйлаги йўқ эди. Хўш, спорт кўйлаги йўқолганига ким айбдор? Қаримми? Саодат опами?

Ўқитувчи ўқувчиларнинг бу хусусдаги фикрларини диққат билан эшитади. Жавоблардан фойдаланиб шундай хулосалайди: саранжом-саришталик турмуш гўзаллигининг асосий шартларидан биридир. Қаримнинг саранжом-саришталикка ўрганмаганлигида Саодат опанинг ҳам айби бор. Диққат қилган бўлсангиз, у ўғлидан уйдаги тартиб-саришталик учун масъулият талаб қилмайди. Аслида у ўғлини тартиб-интизомга, саришталикка ўргатиши керак эди. Қарим ҳам тантиқликни одат қилиб олмасдан, ўз фаолиятини танқидий баҳолай билиши керак, чунки, у энди ёш бола эмас. Мактабдан келгач, ечиниб, буюмларини жой-жойига қўйиб, овқатланиб, маълум бир режим асосида иш тутиши лозим. Шунда унинг спорт кўйлаги ҳам йўқолмасди, асаби бузилмасди. Кўряпсизки, тартибсизликка, бесаранжомликка ўрганиш асабни ишдан чиқаради, одам жиззаки бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида турмушдаги муносабатлар гўзаллигига салбий таъсир кўрсатади; киши руҳидаги саранжом-саришталик уй-жойга, уй-жойдаги саранжом-саришталик киши руҳига кўчади. Уй-жой тутишдаги ва киши руҳидаги саришталик турмуш гўзаллигининг дастлабки шартларидан бири бўлиб, оила шарт-шароитида, оиладаги муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги вазиятни муҳокама қилишдан кўриниб турибдики, тартибсизлиги саранжом-саришталикнинг, яхшилигу ёмонликнинг, чиройлигу хунуклик-

нинг, интизому интизомсизликнинг, озода уй-рўзғору бефайз хонадоннинг, жанжалли оила-ю аҳил оиланинг асосий сабабчиси, табиий-ижтимоий омили — инсондир. Маълумки, ҳар бир инсоннинг ўзига яраша диди бор, шунга кўра у турмушдаги нарса ва ҳодисаларни яхши-ёмонга ажратади; яхши деб ҳисоблаганлари одамда ёқимли ички кечинма ҳосил қилса, ёмонга ажратганлари кишида нафрат, ғазаб, жирканиш ҳиссиётларини уйғотади. Турмушдаги бу ҳодисаларни эстетика фани ўрганади. Эстетика грекча эстетикос сўзидан олинган бўлиб, ҳиссий идрок этиш деган маънони билдиради. Бугунги кунда у жуда кенг маънога эга. Эстетика — инсоннинг атроф-муҳитга, шахс ва жамият ҳаётига дид-фаросат билан муносабатда бўлиши ҳамда бадииятнинг гўзаллик яратиш қонунлари ва категориялари ҳақидаги фандир. Жумладан, у оиладаги муносабатлар, уй-рўзғор буюмларининг тўғри танланиши ва жой-жойига қўйилиши ҳамда бу ҳолни инсонга завқ бағишлаши каби масалаларни ҳам ўрганади, инсоннинг гўзал, соғлом, бахтли яшаши учун кўмаклашади.

Уй-рўзғор тутиш, оиладаги муносабатлар, турмуш гўзаллиги хусусида ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўзбек халқида: «Сенинг кимлигингни остонанг айтиб туради» деган нақл бор. Маҳаллаларда, қишлоқларда саҳар туриб аввало кўчани, дарвоза атрофини, ҳовлини супуриб-сидириш одат бўлган. Ҳовли тоза бўлиши билан бирга оилага қарашли бино деворлари, хоналар кўнгилни хира қилмайдиган очиқ ранглар билан бўялади. Ҳовли, бино манзараси хусусида ҳаммининг диди ҳар хил бўлса-да, танланган ранглар, безак, ҳовлига экиладиган райҳон ва бошқа гуллар, сўрининг кўтарилиши, эшиклар, дарвозалар, деразаларнинг тузилиши, нақшлар, уйдаги буюмлар; томорқадаги резавор экинларнинг тартиб билан экилиши, Ўзбек халқига хос озодалик, очиқликнинг умумий белгиларидир.

Ўқитувчи ўқувчиларга ана шундай миллий анъаналарни асраш ва ривожлантириш зарурлигини ўқтириб, бунда уй-рўзғор тўғрисидаги қомуслар, турли адабиётлардан фойдаланиш кераклигини айтиши керак. Ўзбек халқининг меҳмон кутиш, овқат тайёрлаш, овқатланиш, оиладаги муносабатлар хусусида дид-фаросат талаб қиладиган жуда катта маданияти бор. Оиладаги катталар болаларга одамнинг юзига сўрраймай очиқ юзлик ва самимият билан боқишни, катталарни сизлаб гапириш-

ни, чой ва турли суюқ овқатларни хўриллатмай ичишни, оғизни чалпиллатмасликни, чой қуйиш ва узатишнинг ўзбекона маданиятга амал қилишни ўргатадилар.

Шулар ҳақидаги фикрларни якунлагач, ўқитувчи ўқувчилардан бирига қуйидаги парчани ўқитади.

Ҳилм тўғрисида

Ҳилм (мулойим табиатлик) инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллилик — ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштира ҳам бўлади.

Ҳилм — ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У — ёмон нафасни дайди шамол учиршидан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи.

Ҳилм натижасида одам халойиқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади; ҳилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади (А. Навоий. «Маҳбуб ул-қулуб», Т.: 1983, 65-бет).

Бу фикрлар таҳлил қилинади, сўнг ўқитувчи ўқувчилар диққатини «Қобуснома»дан олинган мана бу парчага қаратади:

«Ҳазил айб бўлмаса ҳам ҳазилдан эҳтиёт бўл... Ҳазил қилиш мумкин, аммо ярамас сўз айтиш ёмон. Эй фарзанд, ўзингдан пастроқ киши билан ҳазиллашгил, бўлмаса ҳазиллашма, чунки сенинг иззатинг кетмасин ёки тенгдошларинг билан ҳазил қил, чунки жавоб берсалар, айб бўлмайди. Уят сўзларни айтма, ҳаддан ташқари ҳазил қилма, чунки одамни хор ва беқадр қилади. Халққа нима десанг, шуни халқдан эшитасан, халққа нима қилсанг, шуни кўрасан». Бу фикрдан келиб чиқиб оиладаги юмор туйғуси самимий, ҳеч кимнинг иззат нафсига тегмайдиган бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилади.

Оиладаги муносабатларнинг самимий, маданий, ўзаро ҳурмат асосида бўлишида санъат ва адабиётнинг аҳамияти катта. Қайсики хонадонда адабиёт, санъат асарларидан баҳрамандлик бўлмаса, у жойда жаҳолат ҳукмронлик қилади: ўзаро бақиринган-чақиринган, бири-бирини урган-сўккан. Жаҳолатни ақл-идрок, санъат ва адабиёт, тарбия сирларини ўрганиш орқалигина енгиш

мумкин. Бу ўринда донишманд Конфуцийнинг ажойиб бир фикрини келтириш мумкин. У оиладаги ўзаро муносабатда ота отадек, она онадек, бола боладек бўлиши кераклигини уқтиради. Агар бола ўзини отадек ёки онадек тутаман деса, бу нотабий муносабатнинг охири албатта ихтилофга олиб келади. Ёки ота-она ўзини боладек тутса, боланинг аҳволи не кечади? Ёхуд келин ўзини қайнонадек тутаман деса, бу хонадондан жанжал армайди. Демак, оиланинг ҳар бир аъзоси ўзининг ҳақ-ҳуқуқи ва ўрнини яхши билиши керак.

Уй-рўзғор буюмлари, ҳовли, хоналар озода, саришта бўлиши билан бирга оиланинг ҳар бир аъзоси энг аввало ўз танини тоза сақлаши керак. Танни озода тутиш, ҳар куни бадан тарбия билан шуғулланиш оила аъзоларининг жисмоний баркамол, гўзал бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада оила аъзоларининг режим асосида ҳаёт кечириши, биргаликда жисмоний машқлар билан шуғулланиши яхши самара беради.

Оила аъзоларининг ташқи кўринишидан жисмоний шуғуллангани, тан гўзаллиги билиниб туриши учун улар ўзига ярашадиган кийимларни танлаб кийиши ҳам муҳимдир. Бунда оила аъзолари қайси бирларига қандай рангдаги, модадаги кийим ярашишини ўзаро маслаҳатлашиб, турли китоблардан ўқиб, бичувчи-тикувчилардан сўраб аниқлашлари мумкин. Модалар жуда тез-тез ўзгариб туради. Мода кетидан қувиб бачкана кийиниб, эл олдида мазах-кулги бўлиш керак эмас. Ёки қиммат кийим кияман, деб оила ҳисоб-китобини ҳам тенг аҳволда қолдирмаслик керак. Арзон матолардан дид-фаросат билан кийим тикиб, ўз ташқи қиёфасига гўзаллик қўшиш мумкин. Энг муҳими кийимларни кўз-кўз қилиш, ўзининг пули кўплигини кўрсатиш учун кийинмаслик керак.

Ҳамма ҳам ўз ёшига муносиб кийингани, косметика воситаларидан фойдалангани дуруст. Ёш қизлар билиб-билмай косметика воситаларидан фойдаланиб, гулдек юзларини тезда қаримсиқ кўринишга солиб қўйишлари мумкин. Шунинг учун косметика воситаларидан мутахассислар ва ўз ота-оналари билан маслаҳатлашиб фойдаланиш лозим.

Хуллас, биз юқорида имконият даражасида санаб ўтган турмуш гўзаллиги мезонлари оила учунгина эмас, балки бутун жамият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, турмушдаги яхши-ёмон нарсаларни фарқлаш,

салбий-ижобий ҳодисаларни англаш жамият тараққиёти учун ҳам муҳимдир. Оила аъзоларининг дид-фаросатлари, гўзалликни тушунишларидан ташқари турмушдаги яхши-ёмон нарса ва ҳодисаларга кўпчиликнинг муносабати ҳам мавжуд бўлиб, бу жамоатнинг, жамиятнинг умумий қарашларини ташкил этади. Эстетика мезонлари ана шу қарашлардан ҳосил бўлади ва оила аъзолари кўпчилик томонидан эътироф этилган мезонларга мос иш тута билишлари зарур.

Шундан сўнг ўқитувчи ўртага шундай савол ташлайди: «Сизлар бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? Оила аъзоларингиз билан бирга дам оласизми?»

Ўқувчиларнинг фикрлари диққат билан эшитилиб, умумлаштирилади ва қуйидаги фикрлар баён қилинади. Бўш вақт деганда биз кундалик бажариладиган ишлардан ортиб қолган вақтни тушунамиз. Албатта, кунлик режимни белгилар эканмиз, кеча ва кундузнинг йигирма тўрт соатини ҳам иш учун белгиламаймиз, дам олишга, овқатланишга, телевизор кўришга ҳам вақт ажратамиз. Якшанба эса бутунлай дам олиш кунини ҳисобланади. Бўш вақтларни, дам олиш кунларини киши руҳига завқ-шавқ, танига қувват бағишлайдиган бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Шундай оилалар борки, улар тинмай, ҳатто кечалари ҳам ишлайдилар. Албатта меҳнатсеварлик жуда улуғ фазилат, дам олмай ишлаш меҳнатзадаликка, оила аъзоларининг тажанг, жиззаки, жаҳлдор бўлишига олиб келади. Бу эса кейинчалик турли руҳий-асабий касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Ўзбек халқида ҳам меҳнатсеварлик билан бирга ҳар хил байрамлар, сайллар, зиёратлар ва, айниқса, меҳмондорчилик каби анъаналар ривожланган. Шу ўринда ўқитувчи меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш қоидалари ҳақида батафсилроқ тўхталиши, ўзбек халқининг меҳмоннавозлик маданияти тўғрисида К. Маҳмудов ёзган ажойиб «Меҳмоннома» китобини ўқишни тавсия этиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ҳар бир хонадонда радио, магнитофон, телевизор бор. Бу воситалардан кўнгилли ҳордиқ чиқаришда, бўш вақтни самарали ўтказишда фойдаланилади. Дам олишни тўғри ташкил эта билиш жуда зарур. Масалан, ақлий меҳнатдан сўнг ярим соатча жисмоний иш билан шуғулланиш, турли машқларни бажариш иш қобилиятини тиклашга ёрдам беради. Ёки оғир

жисмоний меҳнатдан сўнг китоб ўқиш ёки ўтириб мусиқа тинглаш мушакларнинг дам олиши, бўлишчанлиги ошишига кўмаклашади.

Шахснинг камолотида, хаёл, фикрнинг ўсишида бадий адабиёт катта аҳамиятга молик. Шунинг учун ҳар бир хонадонда оила кутубхонаси, унда уй-рўзгор ишлари, сиҳат-саломатлик, касб-ҳунар, маданият, саъятга доир турли қўлланма, адабиётлар билан бирга бадий китоблар ҳам бўлиши, болаларни ана шу китоблардан фойдаланишга ўргатиш лозим. Кейинги кузатишларда ёшлар бадий китобларни кам ўқиётгани кўринмоқда. Масалан, «А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ўқиганмисиз?» деган саволга ўқувчиларнинг кўпчилиги «Китобини ўқимаганмизу киносини кўрганмиз» деб жавоб берадилар. Ваҳоланки, ўзбек халқи ҳаётдан яратилган, қомус сифатидаги бу романнинг мазмуни кинода тўла очиб берилмаган. Романнинг ўзини ўқиган ҳар бир киши маънавий завқ олибгина қолмай, унинг тарихий-ижтимоий, сиёсий-маиший фикри ўсади. Шунинг учун дам олиш пайтларида телевизорни вақти-вақти билан кўриш, бадий китоб ўқишга ҳам вақт ажратиш муҳимдир.

Дам олиш кунлари оила аъзоларининг биргаликда театрга, ҳайвонот боғига, музейларга, табиат манзаралари гўзал жойларга, жумҳуриятимизнинг тарихий шаҳарларига бориши болаларга бир умр эсдан чиқмайдиган завқ-шавқ бағишлайди, оиланинг аҳиллигини мустаҳкамлайди, болаларнинг камол топишига ижобий таъсир кўрсатади.

БЕШИНЧИ БУЛИМ

ОИЛА ВА БОЛА

Оилада бола тарбияси

Бу мавзуни ўрганишдан мақсад ўқувчиларга шахснинг камол топишида оиланинг етакчи таъсирини оила тарбиясининг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳамда типик камчиликларини, бу камчиликларни бартараф этиш йўллари, тарбия самарадорлигининг ошириш омилларини тушунтириш, оила тарбияси, оиладаги тарбия имконияти ва педагогик маданият ҳақида тушунчалар бериш.

Ўқитувчи мавзуни эълон қилгач, тахтага иккита портретни, масалан, Ҳ. Олимжон ва бир номаълум шахнинг портретларини илади ва «Кимларнинг суратларини кўриб турибсиз?» деб сўрайди. Ўқувчилар Ҳ. Олимжон номини дарҳол айтадилар, аммо иккинчи портретга қараб жим бўлиб қоладилар. Ўқитувчи «Бу ўғри, безори Н.нинг сурати», дейди ва давом этади: «Ҳ. Олимжон сизга яхши таниш. У атиги ўттиз беш йил умр кўрган. Лекин шу қисқа умрида ўзбек халқи учун ажойиб бадий, илмий асарлар қолдирдики, уларни биз бугунгача севиб ўқиймиз. Шоирнинг ҳаёти, ижоди билан қизиққан тадқиқотчилар аввало унинг қандай оилада тарбияланганига, болалик даврига эътибор берадилар. Ўғри, безорининг жинойи ишларини ўрганадиган жиноят қидирув бўлими ходимлари ҳам унинг қандай оилада вояга етганини, кимларнинг таъсирига берилганини аниқлайдилар. Хўш, нега ҳар икки шахнинг болалик даври, оила муҳити синчковлик билан ўрганилади?»

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини диққат билан тинглайди, сўнг умумлаштириб, шундай хулоса чиқаради:

«Демак, бола шахсининг шаклланишида оила муҳити ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўтмишда баъзи файласуфлар, педагоглар боланинг оила муҳитида тарбияланиши манфаатпарастлик ва бошқа иллатларни вужудга келтириб, одамларнинг ўзаро иноқ яшашига халақит беради, деб ҳисоблаганлар. Бундай фикрдаги кишилар ҳозир ҳам топилади. Улар ҳамма ота-оналарда педагогик билимлар бўлавермайди, бундан ташқари, бола бир-бир ярим ёшида яслига, кейин боғчага, мактабга боради. Демак, кўп вақтини ижтимоий тарбия муассасаларида ўтказади, ота-оналар бир суткада ўз боласи тарбияси учун ўн беш минут ҳам вақт ажратмайди, деган хулосаларга таяниб, оилавий тарбиядан бутунлай воз кечиб, ижтимоий тарбияга ўтиш керак, деган фикрни олға сурмоқдалар. Хўш, бунга сиз нима дейсиз?»

Бир-икки нафар ўқувчининг жавобини эшитиб, давом этилади: оилани ижтимоий ҳаётдан бутунлай ажралиб қолган қалъа деб қараш нотўғри. «Агар инсон ўз табиатига кўра ижтимоий мавжудот экан» (К. Маркс) оила ҳам ижтимоий жамоадир; ахир, у одамлар иттифоқидан таркиб топган-ку! Бинобарин, ҳар бир оиладаги тарбия ҳам маълум маънода ижтимоий аҳамият касб

этади. Оиладаги тарбия асосида шаклланган шахснинг манфаати жамият манфаатларига зид бўлмай яшаши ва бирлашиб кетиши ҳам мумкин. Ульяновлар оиласида инсоният бахти учун курашган фидокор шахслар етишиб чиқиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Ёзувчи В. Канимец «Ульяновлар» номли китобида Мария Александровна ва Илья Николаевич болалар тарбиясига қандай аҳамият беришгани, Владимир Ильич шахсининг камолотида оила тарбияси, муҳити қандай роль ўйнагани тасвирлаб берилган. Шу ўринда бу китобни ўқишни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Бола шахсини камолга етказиш учун курашда оиладаги тарбиявий жараёни педагогик маданият асосида ташкил эта олиш жуда муҳимдир. Педагогик маданият нима? Педагогик маданият — болани классик ва замонавий педагогик билимларни билган ҳолда замон талаби асосида тарбиялашдир. Ота-онада педагогик маданият ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, балки унга тарбия билан жиддий шуғулланиш, изланиш, ўқиш, тажриба орттириш орқали эришилади. Оилада бола тарбиясини режимдан бошлаш, режимни, боланинг ёшига қараб белгилаш лозим; режимга урганган болада тартиблилик, интизомлилик хислатлари табиий равишда ривожланади; шунингдек, уни тозалikka ўргатиш керак. Бу тарбиявий омилларни амалга оширишда боланинг жисмоний ривожланишига, чиниқишига ҳам эътибор бериб бориши лозим. Бола тилга кира бошлаши билан нисбатан мураккаб тарбиявий ишларни амалга ошириш керак. Бола озода, интизомли, одобли қилиб тарбияланса-ю, замонавий социал-психологик ва тараққиёт талаблари ҳисобга олинмаса, унинг келажагига, бахтига зомин бўлиб қолиш мумкин. Шунинг учун ота-она ижтимоий тарбия муассасалари билан ҳамкорликда болаларнинг касб-ҳунарни, компьютер саводхонлигини, тилларни, бадиий адабиётни, илмни ўрганишга спортга интилишини рағбатлантиришлари зарур.

Ота-она синчков психолог, нозик дидли педагог, боланинг келажагини яратувчи башоратгўй бўлиши лозим. Агар ота-она боладаги истеъод куртакларини ўз вақтида сезиб, уларнинг ривожланишига шароит яратиб бера олса, бола шахсининг камол топишига катта йўл очади.

Ўқитувчи ана шуларни тушунтиргандан сўнг ота-онанинг болага намуна сифатидаги таъсири ҳақида тўх-

талади. У аввало қуйидаги парчани ўқиб беради ёки ўқувчилардан бирига ўқитади:

«Сизнинг ўз хулқу атворингиз — ҳал қилувчи энг муҳим нарсадир. Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда, ёки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман деб ўйламанг. Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир моментида, ҳаттоки ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида қандай гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, кулишингиз, газета ўқишингиз — булар ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга. Гапингиз оҳанги сал ўзгарса ҳам, бола буни дарров пайқаб олади ёки сезади, бола фикрингиздаги ҳамма ўзгаришларни ҳар хил йўл билан билиб олади, лекин ўзингиз бундан беҳабар бўласиз. Агар сиз уйда қўполлик ёки мақтанчоқлик қилсангиз, ёки ичкиликка берилсангиз, ундан ҳам ёмони — онани ҳақорат қилсангиз — сиз болаларингизга ниҳоятда катта зарар етказган бўласиз, уларга ёмон тарбия берган бўласиз ва сизнинг бу ноҳўя қилиқларингизнинг оқибати жуда ёмон бўлади.

Ота-онанинг ўзига талабчан бўлиши, ота-онанинг ўз оиласини ҳурмат қилиши, ота-она ўзининг ҳар бир қадамни назорат остига олиши лозим — тарбиянинг биринчи ва энг асосий методи шудир!»

Ўқитувчи: «Бу парча ҳар бир оилада бўлиши ва тез-тез ўқиб турилиши лозим бўлган А. С. Макаренконинг «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар» китобидан келтирилди. Бу китобдаги гаплар мағзини чақиб олган ота-она ўз педагогик маданиятини юксалтиришга эришади», дейди ва ўзбек оилаларидаги тарбиянинг ўзига хослигига тўхталади.

Ўзбек оилаларида болани меҳнатсеварликка ўргатишга алоҳида эътибор берилади. Бунда кўпинча ота-оналарнинг ўзлари болаларга ўрнак кўрсатадилар. Масалан, она овқат пишириш, кир ювиш, уйни саранжом-саришта тутиш, каби ишларни сидқидилдан бажаради ва буни ўзининг оиладаги бурчи деб билади, ҳеч қачон эрига: «Хуқуқимиз тенг-ку, сиз ҳам кир ювинг, нон ёпинг!» демайди. Ота ҳам ўз навбатида рўзғордаги барча оғир ишларни, оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлашни ўз зиммасига олади, бу борада меҳнатсеварлик, жонкуярлик намуналарини кўрсатади. Бундай шароит-

да ота-онага тақлидан бола шахсида меҳнатсеварлик, оилапарварлик хислатлари таркиб топа боради. Ўзбек халқининг «бир болага етти қўшни хўжайин», деган нақли бор. Бола улғайган сайин маҳалладаги тўй-маъракаларда қатнашади, атрофдаги яхши одамларни кўриб ўзининг фазилатларини бойитади, камчиликларини йўқотишга ҳаракат қилади, ундаги худбинлик ҳислари йўқолиб боради. Катта ёшли кишилар болани яхши ишлари учун мақтаб, ёмон қилиқлари учун уялтириб турадилар.

Юқоридаги фикрлардан ўзбек оилаларида бола шахсини камолга етказиш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё, деган хулоса келиб чиқмайди. Баъзи ўзбек оилаларида боланинг усти бут, қорни тўқ бўлса етади, бўладиган бола ўзи бўлаверади, деган салбий қарашлар ҳам мавжуд. Ёки катта-катта тўй-маъракалар қилган ҳолда бола шахсининг ривожланиши учун зарур буюмларни харид қилишни истамайдилар. Баъзи хонадонларда болаларнинг дарслигидан ташқари бадий, илмий-оммабоп китоблар йўқ, газета-журналларга обуна бўлишмайди, мен бир косиб ёки савдо ходимиман, китобни нима қиламан дейишади. Ваҳоланки, китобсиз ҳеч кимнинг шахси камолга ета олмайди. Кейинги йилларда ҳар бир хонадон учун зарур «Саломатлик», «Уй-рўзғор энциклопедияси» «У ким. Бу нима?» каби китоблар чоп этилади. Бу китоблар оилада бола тарбияси билан шуғулланишда жуда қўл келади, шунинг учун ўзбек хонадонлари уларга эга бўлиши лозим.

Баъзи ота-оналар боғча, мактаб бор деб бола тарбияси билан жиддий шуғулланмайдилар, болалари нотўғри йўлга кириб кетгандан сўнг эса оқ-воҳ қилиб юрадилар. Ота-она боғча, мактаб билан яқин алоқа ўрнатса, оиладаги тарбиявий ишлар ижтимоий тарбия билан уйғунликда олиб борилса, бола шахсининг шаклланиши икки хиллик, хатолар рўй бермайди.

Оила тарбиясида катта-кичик масала йўқ. Шунинг учун овқатланиш, муомала, юриш-туриш, кийиниш, шахсий гигиена қондаларига амал қилиш, телевидение, радио эшиттиришларидан фойдалана билиш, кўпчилик орасида ўзини тутиш, катталарни ҳурмат қилишни ўрганиш бола шахсининг камол топишида бирдек аҳамиятга эга бўлган ишлардир.

Ҳар бир халқ ўз болаларининг бахтли бўлиши учун

қадимдан курашиб келган. Буни авлодлардан авлодларга ўтиб келган маънавий хазина — китоблардан билса бўлади. Ана шундай китоблардан бири — Шарқда машҳур бўлган «Қобуснома»дир. У XI асрда, форс-тожик тилида яратилган, жуда кўп тилларга таржима қилинган. 1860 йилда Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Қобуснома» ўзбек халқининг оила тарбиясини амалга оширишда ёрдам берадиган қўлланмалардан бўлиб қолган. Бу китобда касб-ҳунар ўрганишнинг зарурлиги хусусида шундай дейилади: «Агар табиатнинг ҳар қанча асл бўлса ҳам, унга мағрур бўлмагил, чунки тан гўзаллиги ҳунар беага билан зийнатланмас, ҳеч нарсага арзимади. Масалан, дебдурларким, улуғлик ақл ва билим биландир, насл-насаб билан эмас. Отанонанг қўйган отларига мағрур бўлмагил, бу от фақат ташқи кўринишдан бошқа нарса эмас. Аммо сен ҳунар билан бир номга эга бўлгил». Бинобарин, ҳар қандай касбнинг устаси бўлиш учун оилада болага йўл очиш керак, чунки болаликда шаклланган моҳирлик, уддабуронлик сифатлари бир умр доимий йўлдош бўлади.

Ота-она бола тарбиясида бир ёқадан бош чиқариши зарур, агар ота бошқача, она бошқача талаб қўйса, болада иккиюзламалик аломатларини кўрамиз. Бундай пайтда ота-она дарҳол ўз хатосини тўғрилаши, боладаги ноҳўя қилиқларни йўқотишга ҳаракат қилиши лозим. Ота-она шундай иш тутиб, ўзлари бераётган тарбиянинг болага қандай таъсир кўрсатаётганини кузатиб бориши, болада ноҳўя қилиқлар сезилса, тарбиянинг бошқа самаралироқ усулларини қўллаши зарур. Болага меҳрибонлик қилиб, ҳаддан ташқари эркалаш унинг калондимоғ, худбин қилиб қўйиши, ёки писмиқ, журъатсиз, ташаббуссиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, совет педагогикасида тан жазоси бериш тақиқланган. Шунингдек, оила тарбиясида ҳам болага тан жазоси беришдан сақланиш лозим. Бунинг ўрнига тушунтириш, дашном бериш, оилавий йиғилишда гуноҳкор болани муҳокама қилиш усулларидан фойдаланиш зарур. Болани ҳадеб жазолайвериш, «сен одам бўлмайсан!» деб камситиш ҳам нотўғри. Бунда бола қашқатаёқ бўлиб қолади. Шунинг учун болани вақт-вақтида рағбатлантириб туриш керак.

Хуллас, ҳар бир ота-она болага тарбия бериш борасида ўзининг педагогик маданиятини юксалтириб бориб, бу жуда масъулиятли ишга қатъият ва ижодкорлик билан

лан ёндашиши зарур. Уқитувчи дарсни якунлаб, уйда А. С. Макаренконинг «Болалар тарбияси ҳақидаги лекциялар» китобидан «Оила тарбиясининг умумий шарт-шароитлари» бобини, «Қобуснома»дан «Хунарнинг афзаллиги» ва «Қадри баланд, олий табиатли бўлиш ҳақида» ва «Фарзандни парвариш қилиш ҳақида» бобларини ўқиб келишни тавсия этади.

Ота-она — биринчи тарбиячи

Дарсни «Нима учун ота-онани биринчи тарбиячи деймиз?» саволини муҳокама қилиш билан бошлаш мумкин. Уқувчилар турли фикрларни баён қиладилар. Уқитувчи ана шуларга асосланиб мавзунини ёритишга киришади.

Ота-оналарда тарбиявий кўникмалар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ҳар бир оиладаги ота-она бола тарбиясида аввало минг йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб келган удумларга, одатларга, анъаналарга таянади, бу эса кўп йиллик тажрибада исботланган тўғри йўлдир.

Ота-она оилада ўз боласини тарбиялар экан, бунда жамоатчиликнинг ўзига хос аҳамияти борлигини инкор қилиб бўлмайди. Ахир, бола ана шу жамоатчилик яшайдиган муҳитдаги умумий маънавий-ахлоқий нормалар асосида тарбияланади ва оилада етишиб чиққан шахс шу жамият учун хизмат қилади. Бинобарин, жамият талаби билан оиладаги тарбияга бўлган талаб узвий боғланган бўлиши даркор.

Хўш, ота-оналар бола тарбиясида қандай анъаналарга таянишлари ва тарбиявий кўникма ҳосил қилишда нималарга асосланишлари керак? Тарбияда хатога йўл қўймаслик учун қандай ҳаракат қилиш лозим?

Ўзбек халқи аجدодлар хотирасини муқаддас деб билади. Асрлар давомида халқ яратган тарбия системаси (халқ педагогикаси) авлоддан авлодга ўтиб келган. Ўзбек халқининг турли тарихий даврларда вужудга келган қарашлари, ғоялари, урф-одатлари, ва анъаналарини мужассамлантирган ўзбек халқ педагогикаси ҳозирги кунда ҳам таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўтган асрларда оила тарбияси бола тарбиясининг асосий шакли бўлган. Ўзбек халқи ҳаётнинг оғир шароитларига қарамай, ўз фарзандларини тарбиялашда

ажойиб анъаналарини яратган. Чақалоқ ҳаётида «Бешикка солиш», «Биринчи қадам» каби воқеалар анъанавий нишонланган. Болани бешикка қўшиқлар айтиб белаганлар, унга исм қўйганлар, бола йўлга кирганида қариндош-уруғлар унинг соғлом, бахтли, ўз оиласига муносиб бўлишини тилаганлар. Ўзбек халқ педагогикаси чақалоқ кўнглининг нозиклигини, асаб системасининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ва шунинг учун одатда ота-оналар бола тилга кирмагунча унга бақирмаслик, уни бармоқ билан қўрқитмаслик лозимлигини тушунганлар.

Болаларни илк ёшлигиданоқ меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялаганлар, уларни кучи етадиган ишларга жалб қилганлар. Болаларда катталарга, ота-оналарга, айниқса қарияларга ҳурмат, фақат яқин кишиларгагина эмас, балки ёрдамга муҳтож барча кишиларга ёрдам беришга интилиш туйғусини тарбиялаганлар. Болаларга Ўзбек халқига хос ҳалол ва инсонпарвар турмуш тарзи сингдирилган.

Оилавий анъана — болаларнинг туғилиши, уларни парваришлаш, тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ахлоқ, тартиб, одатнинг муайян нормалари, болаларни тарбиялашда фойдаланиладиган умум эътироф этган амалий тавсиялар ва қоидалар, усуллар, воситалар, методлардир.

Ўзбек халқининг анъаналари барқарордир. Улардан кўплари ҳозиргача сақланиб келмоқда, айримлари янги элементларга эга бўлиб, янги анъаналарни пайдо қилмоқда. Уларда замонавийлик миллий ўзига хослик билан, ўтмишнинг эзгу хотиралари билан, халқ ҳаётининг қаҳрамонлик тарихи билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбек оиласининг ажойиб анъаналаридан бири болаларни илк ёшидан меҳнатга ўргатишдир. Болалар беш ёшга етгуничаёқ дастлабки меҳнат кўникмаларини: ўйинчоқларини йиғиштириш, уй паррандалари, ҳайвонларини боқиш, ҳовлига сув сепиш ва уни супуришни ўрганишган. Сўнгра болалар бевосита катталарнинг ижтимоий-фойдали меҳнатига жалб қилинган. Кўп оилаларда ота-оналар болаларга ўз касбига ҳурмат-муҳаббатни сингдирганлар. Бугун бир меҳнат сулоласи шу тариқа вужудга келган. Халқнинг бу анъанаси бизнинг даврда ҳам кенг ривож топди.

Энг яхши миллий анъаналардан бири катталарга, айниқса, қарияларга ҳурматдир. Бу анъананинг тарбия-

вий кучи шундан иборатки, у ёшларга катта авлоднинг донишмандлиги ва тажрибасини қадрлашга ўргатади. Ҳаётий тажрибага эга бўлган катта авлод вакиллари-нинг болаларга маслаҳатлари, насиҳатлари, афоризмлар, мақоллар, маталлар сақланиб қолган. Уларда ахлоқий йўл-йўриқлар ахлоқ нормалари ифодаланган. Номансуб хатти-ҳаракатларни қоралашга, тўғрилиқ, самимийлик ва ҳалолликни тарғиб қилишга доир мақоллар катта маънавий-тарбиявий таъсир кўрсатган ва бугунги кунлар ҳам кўрсатмоқда.

Ўзбек болаларига оилада ахлоқ маданияти кўникмаларини сингдириш илғор одатлар ва анъаналарнинг бутун бир системасини ўз ичига олади. Масалан, ўғил ва қиз болалар уйга катталар кириб келганда ўрнидан туриб, қўлларини кўксига қўйиб салом бериш билан анъанавий эҳтиромни изҳор қиладилар. Халқимизда баланд овоз билан гапириш одоб доирасига кирмаган. Қовоғини уйиб, қошини чимириб, «нодон» бўлиб юриш беодоблик саналган. Бу ахлоқ қоидаларига амал қилиш ҳозиргача сақланиб келмоқда. Ўзбек оиласидаги турмуш, ахлоқ қоидалари болалардан катталарга олдин салом бериш, уларни жуда кўп саволлар бериб чарчатиб қўймаслик, катталар ўтирмагунча ўтирмаслик, катталардан олдин уйга кирмаслик, аксинча, эшикни очиш ва катталар ҳамда меҳмонлар кириб бўлгунча ушлаб туришни талаб қилади. Ана шу қоидаларга амал қилгандагина болалар тарбияланган деб ҳисобланади. Бу одатлар у ёки бу шаклда давом этиб келмоқда ва болаларга маданий хулқ кўникмаларини сингдиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек халқи болаларнинг атрофдагилар билан мулоқот пайтида мулойим ва дилкаш бўлишини маданий хулқнинг муҳим элементи деб ҳисоблайди. Ўзбеклар болаларни меҳрибон мулойим, эҳтиромли мулойим бўлишга, «Ассалому алайкум» дейишга ўргатади. Буни болалар уйга кираётганларида, кишилар билан рўбарў келганда айтадилар. Анъанавий одатларни бузганда бузувчи каттами ё кичикми, ким бўлса ҳам, манманликда айбланади.

Болаларда меҳмондўстлик туйғуларини тарбиялашнинг ҳар бир ўзбек боласи ўзининг биринчи бурчи деб ҳисоблайди. Беғараз меҳмондўстлик ғоялари ўзбек халқининг мақол ва маталларида ўз ифодасини топган. Ўзбеклар меҳмондўстлик деганда қуюқ зиёфатни эмас,

балки меҳмонни кутиб олиш ва қабул қилишни тушунадилар. Шунинг учун «Бугдой нонинг бўлмаса, бугдой сўзинг бўлсин» дейдилар. Халқ меҳмондўстликни инсонпарварлик белгиларидан бири деб ҳисоблайди.

Катталарга қулоқ солиш — ўзбек оиласидаги анъанавий тарбиянинг характерли белгисидир. Катталарга қулоқ солиш онгли интизом йўлидаги дастлабки қадамдир. Янги муносабатлар эски ажойиб оилавий анъаналар билан, жумладан, оилада отанинг устунлигини эътироф этиш анъанаси билан уйғунлашиб кетади. Отанинг обрўи куч билан эмас, балки оиланинг унга бўлган умумий ҳурмати билан қўллаб-қувватланади. Эскидан қолган қоидаларга кўра акаларнинг сингиллар томонидан ҳурматланиши, сингилларнинг акаларга мажбурий бўйсунуш анъаналари ҳам мавжуд.

Кўп оилавий масалаларни ҳал этишда катталаргина эмас, балки ёшларнинг ҳам қатнашуви ҳозирги замон ўзбек оиласининг характерли белгисидир. Ҳозирги пайтда ҳурмат даражаси, илгаригидек ёшига қараб эмас, балки маълумотига қараб ҳам белгиланади.

Ўзбек халқи ҳаётида болалар тарбиясига таъсир кўрсатадиган турли хил анъаналар вужудга келган. Ҳар хил ҳашарлар, болалар ўйинлари, ижодкорлиги, тўй урф-одатлари, сайллар, туғилган кун, йигитлар базми, қиз мажлиси, пойга, кураш, дафн маросимлари ана шулар жумласидандир.

Миллий ўйинлар, қўшиқлар ва рақслар оила анъаналарини тўлдирган ва беаган. Ўзбек халқи болаларнинг эстетик тарбиясига катта эътибор берган. Дўмбира, қўбуз, доира каби мусиқий асбобларсиз уй бўлмаган ва болалар улғая боргач, мунтазам равишда қўшиқ, куй тинглаганлар, оиланинг меҳнат ва маиший анъаналарини бажарганлар, қизлар уй бекасига тақлид қилганлар, меҳмон кутганлар, қўғирчоқларга кийимлар тикканлар, бўйра, гиламлар тўқиш, дўппи тикиш ва бошқа ишларни бажарганлар.

Ўзбек оилаларидаги тарбия воситаларидан бири эртақлар айтишдир. Ўзбек халқ эртақларида халқнинг фақат урф-одатлари ва меҳнат кўникмалари эмас, балки ахлоқ нормалари, жамиятдаги ахлоқ қоидалари ҳам ифодаланган. Масалан, эртақларнинг бирида ота ўз фарзандини қандай тарбиялагани шундай баён қилинган. Ёзда боғ айланиб юришган пайтда бола отасидан: «Нима учун бир дарахт тўғри, бошқаси эса эгри ўс-

деб сўрабди. «Ўғлим,— жавоб берибди отаси,—
и дарахтни парваришлаб, эгри шохларини қир-
и, иккинчиси эса ўз ҳолича ўсган». «Демак, ўсим-
ни парваришлашнинг аҳамияти катта экан-да».
«1 ашинг тўғри, ўғлим,— маъқуллабди отаси,— дарахтни
парваришлаш ғоят фойдалидир. Сен ёш дарахтга ўх-
шайсан, шунинг учун сени ҳам тарбиялаш керак. Агар
мен сенинг хатоларингни тўғриласам, агар сен менинг
маслаҳатларимга амал қилсанг, албатта, яхши киши
бўлиб ўсасан. Агар гапимга амал қилмасанг, унда ана
шу эгри дарахтга ўхшаб ўсасан». Ота ўз суҳбатини ана
шундай сўзлар билан якунлайди.

Қўшиқ ўзбек оиласида тарбиянинг муҳим воситаси-
дир. Илк ёшда болага айтиладиган қўшиқ — бу алла-
дир. Гарчи бешикда ётган бола учун айтилаётган қўшиқ
тушунарли бўлмаса-да, аммо эркалаш сўзи, майин куй
унга ажойиб таъсир кўрсатади. Бола улғайгач қўшиқ-
нинг маъносини идрок этади, онанинг панд-насиҳатлари
ва орзу-истакларини тушунади. Педагогик мазмундаги
ўзбек халқ қўшиқлари ғоят кўп. Масалан: «Ёр-ёр»,
«Лапар», «Улан», «Алла», «Байту ғазал», «Келин са-
лом», «Хуш келибсиз», «Йиғит» ва ҳоказолар.

Оилада болаларни тарбиялашда дostonларнинг ало-
ҳида ўрни бор. Ўзбек дostonларида ахлоқий ва эсте-
тик ғоялар: меҳнатсеварлик, кишиларнинг мустақкам
бирлиги, бамаслаҳат хўжалик юритиш, инсонпарварлик,
ватанпарварлик, мўйсафидларга, аёлларга ҳурмат би-
лан муносабатда бўлиш, кичик ёшдаги болаларга ғам-
хўрлик, инсонийлик, ростгўйлик, жасурлик, душманга
шафқатсизлик акс эттирилган. Шунини таъкидлаш лозим-
ки, дostonларда фарзанд туғилиши ва уни тарбиялаш
масаласи жамият тараққиётининг зарур шарти сифати-
да ифодаланган.

Машҳур «Равшан» дostonини кўрайлик. Дostonнинг
характерли хусусияти шундан иборатки, унда ҳар то-
монлама етук инсонларни тарбиялаш ғояси, уларнинг
орзу ва умидлари ўз аксини топган. Болани тарбиялаш-
да оила аъзоларининг бирлиги, улар ўртасидаги самимий
муносабатлар, оилада отанинг етакчилиги акс эттирил-
ган. «Равшан» дostonининг муҳим педагогик аҳамияти
шундан иборатки, унда болани тарбиялаш учун фойда-
ланиладиган омиллар: панд-насиҳатлар, яхши инсон қан-
дай бўлиши кераклигини ифодаловчи мисоллар берил-
ган. «Равшан» дostonида болаларнинг ота-оналар ва

қатталар олдидаги бурчини тушуниши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбек оиласида бола тарбияси ҳақида гапирганда, кейинги авлодларга бой мерос қолдирган Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирларини эслаш муҳимдир. Улар ҳозирги кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган тарбия, шахсни камол топтириш, оилада болани тарбиялашнинг йўллари ҳақида қимматли фикрларни баён этганлар.

Бир йигит Ибн Синодан «Бола тарбиясини қайси ёшдан бошлаш керак?»—деб сўрабди. Ибн Сино: «Ўғлингиз неча ёшда» деб савол берибди ва унинг бир ярим ойлик бўлди, деган жавобини эшитгач «Сиз бир ярим ой кечикибсиз»,—дебди. Бугунги кунда болани ҳақиқатан туғилган кунидан бошлаб тарбиялаш кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, бу бизнинг психологларимиз ва педагогларимиз томонидан исботланган.

Абу Али Ибн Сино оилавий тарбиянинг умумий асосларини баён этишга ҳаракат қилган. «Агар оила тарбия усулларидан тўғри фойдаланса,—деб ёзган эди олим,—ўз ҳаётида бахтга эришади». Бунинг учун тарбиянинг тўғри методлари баён этилган «Тадбири манзил» китобидан фойдаланиш керак.

Ибн Сино оилада болани тарбиялаш, аҳволидан қатъи назар, ота-онанинг асосий бурчи деб ҳисоблаган, ўз қусурларини бартараф қилган кишигина бошқаларни тарбиялаши мумкинлигини таъкидлаган. Ибн Сино болани тарбиялаш омилларини таҳлил қилиб, улардан энг тўғриси — болалар билан бирга бўлиш ва ижобий мисоллардан фойдаланиб, алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш, унинг иззат нафсига тегмаслик, деб уқтирган. Ибн Сино тарбияда отанинг ролини ифодалашга катта аҳамият берган. «Рўзғоршунослик» китобида «Отанинг болаларга муносабати» деган боб бор. Унда олим жумладан: «Оналар ўз табиатларига кўра юмшоқ кўнгилдирлар ва ўзларининг эркалашлари билан боланинг характерини бузадилар»,— дейди. Ибн Синонинг фикрича, оилада асосий тарбиячи ота бўлиши, у мақсадга эришмоқ учун болани баъзан жазолаши, баъзан рағбатлантириши, вақт-вақти билан мақташи, баъзан танбеҳ бериш», вақтида қўрқитиб қўйиши, ҳатто, жисмоний жазолаши лозим.

Оилада бола тарбияси тўғрисида Алишер Навоийнинг ажойиб фикрлари бор. Навоийнинг фикрига кўра,

энг муҳими болаларни севиш. «Болага,— деган эди улур шоир,— кичиклигидан бошлаб ёшини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий тарбия бермоқ зарур». Таниқли шоир ва педагог Абдулла Авлоний оилада болалар тарбияси тўғрисида муҳим аҳамиятга эга бўлган ажойиб фикрларни баён қилган. Узининг «Яшнаган ўлка ва ахлоқ деган китобида ёзганидек, боланинг соғлиғи ва бахти аввало унинг яхши тарбияланишига, баданининг тозаллигига, эътиқод ҳосил қилишига, яхши хулққа эга бўлишига, уни ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан огоҳлантирилишига боғлиқ. Болани тарбиялашни туғилган куниданоқ бошлаш зарурлиги қуёшдай равшан ва аниқ; унинг организмини мустаҳкамлаш, ақлий қобилиятини донишмандлик нури билан ёритиш, уни ахлоқий камол топтириш, хотирасини машқлантириш керак.

Бола тарбияси билан биринчи навбатда ота-оналар шуғулланиши лозим. «Болаларни тарбиялаш — онанинг бурчи ва отанинг муқаддас мажбурияти». Машҳур педагог Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий оила тарбияси масаласини, ота-оналар билан болалар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласини янгича таҳлил қилди. У биринчи навбатда тан жазосини қўллашга қарши чиқди, унинг фикрича, тан жазоси бола руҳини разил ёки ёвуз ва қайсар қилиб қўяди. Ҳамза оила тарбиясида болалар билан кўпроқ боғланган оналарнинг ролини ёритишга катта аҳамият беради. Она ўз боласига меҳр-муҳаббат ва моҳирлик билан таъсир кўрсатиб бориши зарурлигини уқтиради. Болалар ва ёшларга ишонтириш воситаси билан бурч туйғусини сингдириш лозим, деб ҳисоблайди.

Ҳамза ота-оналарнинг болани тарбиялашдаги ролини юқори баҳолаб, «аввало уларнинг хулқи намунали, қурсурсиз бўлмоғи, улар юксак ахлоқий сифатларга эга бўлишлари зарур»,— деган, фарзандларини тарбиялаш билан шуғулланмайдиган ҳамда ўзларининг номуносиб хулқлари билан уларнинг ахлоқий ривожланишларига салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналарни кескин танқид қилган эди. У ўз фарзандларини тарбияламай, уларни фақат моддий таъминланиши тўғрисида ғамхўрлик қиладиган ота-оналарга қаттиқ танбеҳ берар эди. Ҳамза «Ўз болаларини ёмон тарбиялаган онанинг жазоси» ҳикоясида болаларни ёмон тарбиялашнинг фоживий оқибатини тасвирлайди. Унда ўғлининг ўғрилиқ қилишидан кўз юмган, аксинча, уни бу ишга раф-

батлантирган, ўғли қўлга тушиб, осишга ҳукм қилинган онанинг аянчли аҳволи баён қилинган. Ҳамза ўз ҳикоясини «Агар фарзанд ёмон бўлса, бунга ота-оналар сабабчи»,— деган сўзлар билан якунлайди.

Ҳамзанинг таъкидлашича, ахлоқийлик пойдевори оилада қўйилади ва ота-оналар бунинг учун жавобгардир. «Агар,— дейди Ҳамза,— ота-оналар ўз фарзандларини илк ёшдан бошлаб яхши тарбия қилганларида эди — забонларимизни ёлғондан, қўлларимизни жиноятдан тийган, қулоқларимизни тухмат ва ғийбатдан асраган, улар бизни ҳар қандай ёмонлик ва бахтсизликдан сақлаган бўлур эдилар. Бизни ўта эркалатиб юбормаганларида эди, оилада ёлғиз бўлган болалар учун одат бўлган инжиқликларимизга эътибор бермаганларида эди... бизни мактабга боришга мажбур қилганларида эди — унда биз бузилмаган бўлар эдик. Улар ҳам биз учун кўнгилсизликларга дуч келмаган ҳамда биз учун азоб тортмаган бўлур эдилар».

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда оилалар қиёфаси, унинг моддий аҳволи, турмуш ва маданият даражаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳар бир оилада уларнинг ота-оналари анъаналарида илдиз отган тарбия услуби ҳақида тасаввур мавжуд. Биринчи фарзанд туғилиши билан эр-хотинлик ҳаётида кўпгина ижобий ўзгаришлар юз беради, оила ҳаётининг янги, эр учун ҳам, хотин учун ҳам осон бўлмайдиган даври бошланади. Эрга ўзининг оталик ролини англаш, ўз онгини янги вазифаларга қайта йўналтириш қийин бўлади. Аёл эса она бўлиб, унда ғоят қийин, аммо бахтли бурч вужудга келади. Бу даврда эр-хотиннинг ўзаро ҳамкорлиги уларга барча қийинчиликларни енгиш имконини беради.

Туғилган болани тарбиялаш, вояга етказишда энг жиддий ва муҳим омиллардан бири оиладаги кичик муҳит, шароит, ота-оналарнинг қизиқишлари, ўзаро муомала, ва атрофдагиларга муносабатидир. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бола ўз ҳаётининг биринчи йилларида атроф-оламга ота-оналарининг кўзи билан қарайди.

Ота-оналар билан болаларнинг умумий иши, иштиёқи қанча кўп бўлса, катталарнинг ўғил ва қизларига таъсири, ибрати шунчалик кучли бўлади.

Ота-онанинг анъанавий роли бир-бирини тўлдирадигандек тақсимлаган. Ота оилани тирикчилик воситалари

билан таъминлайди, она эса болаларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Оиладаги роллар ва етакчиликнинг янги структураси аёлларнинг меҳнати таъсири остида шаклланди. Энди оталарнинг кўпчилиги уйдаги хўжалик ва болаларга қараш ишларида ҳам иштирок этмоқда. Бироқ тадқиқотлар кўрсатганидек, гўдак ҳаётининг дастлабки йилларида унга онанинг ғамхўрлик қилиши ва онага хўжалик ишларида оиланинг бошқа аъзолари ёрдам бериши мақсадга мувофиқроқдир.

Мамлакатимизда болалар тарбияси улар ҳаётининг биринчи йилларида оналарга ҳақ тўланадиган отпускаи, ундан кейин меҳнат стажига қўшиладиган маошсиз отпускаи бериш ва ҳоказолар билан гарантияланади.

Боланинг характерини билиш ва унга оқилона таъсир этиш учун билимдон, мулоҳазали тарбиячи сифатида иш тутиш, боланинг туйғуларни қалбан идрок этиш, унинг ақл-идрокини шакллантириш ота-оналарнинг муқаддас бурчидир. Бунда ота-оналарга иккита асосий фан — психология ва педагогика ёрдам беради. Рухий — тарбиявий билимлар болаларга тўғри ёндашиш йўлини топишга хизмат қилади ва тарбиянинг мураккаб жараёнларини бирмунча енгиллаштиради. Бунинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, инсон мураккаб номаълум машинада ишлашга мажбур бўлса-ю, унга қайси тугмани қандай тартибда босиш кўрсатилса, у машинада муваффақиятли ишлашни билиб олиши мумкин. Аммо ким яхши бошқара олади: фақат тугма босишни билладиган кишими ёки мазкур машинанинг тузилишини ҳам билладиган кишими? Болага муносабат ҳам худди ана шундай. Баъзи ота-оналар «тугмани босиш»нигина билладилар ва улар учун тугма иккита: бири «рағбатлантириш», иккинчиси «жазолаш» тугмасидир. Бундай «икки тугмали» тарбия натижасида аҳмоқ инсон вояга етса, ота-оналар бу қаердан келди, деб ҳайрон бўлишади. Чунки улар болани гўё яхшиликка ўргатганлар, унинг яхши хатти-ҳаракатлари учун ҳамма вақт мақташган, ёмон хатти-ҳаракати учун жазолашган. Ҳар ҳолда тарбия қашшоқ бўлган, ота-оналар бола қалбининг барча нозикликлари ва бойликларини ҳис этишмаган.

Бола тарбиясида эринмаслик керак. Онгни инсоният яратган психологик ва педагогик билимлар билан бойитишга ҳаракат қилиш лозим. Ота-оналар бола шахси-

нинг шаклланишидаги психологик қонуниятларни, боланинг ёш жиҳатдан ривожланишидаги ўтиш даврларини билишлари зарур. Ана шу даврда бола психикасида шундай сифат ўзгаришлари содир бўлади, шундай психологик хусусиятлар вужудга келадики, уларни тарбия жараёнида ҳисобга олиш шарт. Ёш ўзгаришларини етарли ҳисобга олмаслик тарбияда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Болани ўз ҳолига ташлаб қўйиш, у ўз билганича тажриба орттириб камол топаверади, деб ўйлаш мутлақо нотўғридир. Аксинча, уни илк ёшларидан бошлаб ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз ва айни мақсадга мувофиқ йўсинда тарбиялаш керак.

Хўш болалар тарбиясини қандай ташкил этиш ва уни қандай қилиб амалга ошириш лозим. Тарбия яроқсиз натижа беришининг, яъни оилада бекорхўжалар, жиноятчилар, салбий хулқ-атворли кишилар етишиб чиқишининг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Болада характерни тарбиялаш, уюшқоқлик, интизомлилик, мустақиллик каби сифатларни таркиб топтириш учун режим муҳим воситалардан биридир. Қатъий режим боланинг асаб системасини мустаҳкамлайди, унинг жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишига қулай шароит яратади, унинг ўзини яхши ҳис қилишига ёрдам беради. Режимга риоя қилиш болада муайян ижобий одатларни таркиб топтиради ва барқарорлаштиради.

Болани севиш ва тушунишни ҳам ўрганиш лозим. Ота-оналар ўсаётган боланинг хусусиятларини билишлари, ривожланишнинг ҳар бир босқичида ундаги ўзгаришларни, фикрлашнинг ўзига хос жиҳатларини сезишлари, боланинг хатти-ҳаракати ва хулқининг сабабларини тушуниш учун бола шахсининг ривожланиш жараёни қандай кечаётганини, ундаги ўзгаришлар қандай бошланаётганини билиб боришлари зарур. Болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар уларнинг ҳамма ёшларида бир хил бўлмайди. Чунки ўғил ёки қиз боланинг турли ёш давридаги хатти-ҳаракати бир хил баҳоланиши мумкин. Лекин ота-онанинг шундай хатти-ҳаракатини турли ёшдаги болалар турлича баҳолайдилар.

Бола тарбияси — барча инсоний фазилатлар ичида энг ижобий ишдир. Аммо ота-оналар болаларга муҳаббат ҳиссини тўғри тушунсалар, ўзларининг хатти-ҳаракатларини онгли равишда қарор топтира олсалар, болаларга таъсир этиб ва уларнигина эмас, балки ўзларини ҳам

ўзгартира олсалар, болалар билан биргаликда оламни кашф этсалар, оламга қараб, уни қайта қура олсаларгина тарбия ижобий бўлиши мумкин.

Ота-оналарнинг ўзларини ўзлари тарбиялаши — болани камол топтиришни тўғри ташкил этишни белгилаб берадиган омилдир.

Халқнинг «Ўзига туппа кесолмаган, бировга угра кесолмайди» деган доно мақоли бор. Бу энг аввал бола тарбиясига даъват этилган ота-оналарга тегишлидир.

Ота-оналарнинг ўзини-ўзи тарбиялаши уларнинг ўзларидаги ижобий сифатларни мустаҳкамлаши, салбий хатти-ҳаракатлардан қутулиши, сиёсий ва маданий дунёқарашни доимо кенгайтириши, психологик-педагогик билимларни бойитиши, оилада бола тарбияси борасидаги яхши тажрибаларини ўрганишидир.

Болаларни тарбиялаш осон иш эмас: уларнинг ёш белгиларини ўзгаришларини кузатиб, илғаб бориш, маънавий бойишига ёрдам бериш лозим.

Ота-оналар кўпгина яхши ёрдамчиларга эга. Булар болалар яслиси, боғчаси, болалар консультациясидир. Бола мактабга қатнай бошлагач ўқитувчилар, пионервожатийлар, комсомол ташкилоти, мактабдан ташқари муассасаларнинг мутахассислари ёрдам кўрсатади. Атрофдаги бутун муҳит болани шакллантиради, унга яхши сифатларни сингдиради. Бироқ ҳар ҳолда бола тарбияси учун унга ҳаёт бахш этган ота ва она жавобгардир. Улар хатоларга йўл қўймаслиги, бола қалбини жароҳатламаслиги ва бунинг учун инсон шахсини шакллантиришнинг қийин илмини тушунмоғи лозим. Ота билан она биргаликда болаларга ғамхўрлик қилади, уларнинг олам ва одамлар ҳақидаги тасаввурини таркиб топтиради, қийинчиликларни енгиш йўлларини, ахлоқ нормаларига риоя қилишни ўргатади. Бу СССР Конституциясида тўла ҳуқуқий асосларга эга бўлган ва бир-бирини тўлдирадиган ота-оналар бурчининг, жамиятимизда ота-оналар ролининг кўрсаткичидир. Бунда ота-оналарнинг бир-бирига ўзаро муҳаббат ва ҳурмати катта аҳамиятга эга. Худди ана шулар боланинг туйғулари, фикрлари, ахлоқий сифатларини таркиб топтиради. Инсоннинг меҳнат қилиш, ахлоқий ва маданий одатлари, кўникмалари, эътиқодлари оилада шаклланади. Шахснинг социал асосларига, эмоционал-ахлоқий баркамоллигига оилада пойдевор қўйилади.

Бола яхши инсон бўлиб етишиши учун ҳар куни

оила аъзолари ўртасидаги дўстона, адолатли муносабатларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиши керак. Шундай оиладаги бола ўзига ота-онасининг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини кўрганида унда шахсий устунлик ҳисси пайдо бўлмайди. Чунки у ота-онасининг ўзаро меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини ҳам билади, уларнинг бири-бирига эътиборлилигини ҳам ҳис этади. Отаси ундан онасига эътиборли бўлишни талаб қилса, онаси унга отасини ҳурмат қилишни ва ҳурматлашни доимо уқтириб боради. Шу тариқа бола оиладаги ҳамма бир киши ҳақида ва ҳар бир киши ҳамма учун ғамхўрлик қилиши кераклигини англайди.

Ота-она бир-бирини севса, бир-бирига шодлик бағишласа, уларнинг болалари ҳам кўпинча одамларга меҳр-оқибатли, диққат-эътиборли бўлиб улғайиши аввалдан маълум. Оиланинг мустаҳкамлиги — эр-хотиннинг ўзаро ва болаларига муҳаббатидандир. Ота-онанинг мутлақо эркалашисиз тарбияланган болада атрофдаги оламни совуқ ва ёқимсиз ҳис қилиш пайдо бўлади. Бола бу оламдан, уни ҳали яхши билмай туриб, чўчийди. Унда бошқа кишилардан ҳадиксираш ва, ҳатто, кўрқиш вужудга келади. Бундай болаларнинг айримлари раҳм-шафқатсиз ҳам бўлиб қолади. Доимо ота-она билан яқин дўстона алоқада тарбияланган бола одатда тинчликни ёқтирадиган, қобил бўлади.

Онанинг болага кундалик ғамхўрлиги уни кийинтириш, овқатлантириш, бола ўқувчи бўлгач унга дарсликлар, ўқув қуроллари олиб бериш, мактабдаги ота-оналар йиғилишларига бориш ва ҳоказолардан иборатдир. Умуман айтганда, мана шу ғамхўрликларнинг ҳаммаси катта жасоратдир. Деярли бирорта бола ўз болалигини касалликсиз ўтказмайди. Бу эса онанинг қанча тунларни уйқусиз ўтказиши, қанча ғам-ташвиш чекиши демакдир.

Онанинг меҳнати — пировард натижада жамиятнинг асосий бойлиги — инсонларни вужудга келтирган меҳнатдир. Инсоннинг дилкашлиги, меҳрибонлиги, муруватлилиги, эзгулиги ва бошқа ахлоқий фазилатларининг тарбияланиши онанинг аёллик ролидандир. Она биринчи навбатда оилада ижобий муҳит яратади, болаларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади, уларни қариндош-уруғларнинг кенгроқ доирасига олиб киради, оилавий анъаналарга ўргатади. Она... Бу сўз замирида энг нузли, энг муқаддас нарса-

лар мужассамланганки, инсон қалбида умрининг охиригача уни асрайди. Бола онанинг меҳр-муҳаббати ва ишончи билан улғаяди. У она меҳрини мутлақо табиий бир нарса сифатида, кундузги ёруғлик сифатида, нафас олиш сифатида, чанқоқни босиш сифатида идрок этади. Йиллар ўтади, инсон вояга етади, онага бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат аслича қолаверади.

Болаларни тарбиялашда ота билан онанинг роли бир хилдир. Ўзбек оиласида ота қадим вақтларданоқ оила бошлиғи ҳисобланган. Шунга кўра унинг одиллик, ҳалоллик, қатъийлик каби ижобий хислатлари ҳам, бошқаларни ранжитадиган салбий хусусиятлари ҳам болага ўтиши табиий ҳолдир.

Талабчанлик — отанинг болаларга таъсирининг бош хусусияти. Талабчан ота одатда меҳрибон бўлади. Уғил мардлик, қатъиятлилиқ, садоқат ва дўстликни, муҳаббатдаги олижанобликни, эркакча қадр-қимматни айнан отадан ўрганади.

Еш оилада фарзанд

Оталик — буюк туйғу, у ҳам оналик каби муқаддас, бу туйғуни олдиндан — фарзанд туғилгунича тарбиялаш зарур. Шундай ҳам бўладики, бировда оталик истеъдоди бўлса, бошқа бировда бундай туйғу ҳақида тасаввур ҳам бўлмайди, бундай одам болалар олдидаги бурчни фақат моддий ғамхўрлик деб билади.

Айрим ёш оталар турли баҳоналар билан ўзини гўдак ҳақидаги ғамхўрлик (ташвиш)дан четга олишга уринади. Баъзан: «Эркак киши чақалоқ билан овора бўлиши кимга керак, у доя эмас-ку. Ахир бола ҳам бу пайтда отасига муҳтож бўлмайди. Она — ҳақиқатан ҳам унга керак. Бола улғайиб, у-бу нарсаларни тушунадиган бўлганда —5—6 ёшида — ота учун ҳам ўғли билан шуғулланиш қизиқарли ва болага ҳам ота керак бўлади», деган гаплар эшитилади. Бундай дейиш нотўғри.

Ота болага, шунингдек, бола ҳам отага биринчи кунданоқ керак. Чунки оталик туйғуси болага ғамхўрликларда унинг учун югуриб-елишларда, у билан бевосита мулоқотда ортиб боради ва мустаҳкамланади. Ҳақиқий муҳаббатга машаққат керак. Агар ота бола туғилганидан бошлаб уни парваришлашда, тарбиялашда иштирок этсагина, у фарзандга меҳр билан боғланиб боради.

Болага отанинг фақат эътибори ва маслаҳатлари керак эмас. У болаларга доимо яқин бўлиши зарур, чунки бола ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўз фарзандининг ички оламини ҳис этиш эркак кишининг қалбига илҳом беради, кўтаринкилик бахш этади ва ана шу ажойиб туйғу — оталик туйғуси унинг ҳаётини тенгсиз шодлик ва қувончларга тўлдиради.

Ҳар қандай соғлом оилада болалар учун ғамхўрлик қилиниши табиийдир. Болалар катталарнинг ғамхўрлигига эҳтиёжманд бўладилар, катталарнинг болаларга ғамхўрлик қилиш истаги кучли бўлади. Катталар бу ғамхўрликни зарур деб билар экан — бола бахтиёрдир. У ҳаммани яхши кўради, ўзини ҳам ҳамма яхши кўришига ва атрофдаги барча нарсанинг яхшилигига ишонади. Бола яхшиликка ва қаттиққўлликка дуч келганида ўзини эркин ва ажойиб ҳис қилади. Бола учун ҳаммиша «мумкин бўлганидан» сал кўпроқ эътибор ва эркалаш зарур.

Аммо, афсуски, кўпгина ота-оналар болани «бебош» қилиб қўймаслик учун бу ажойиб инсоний туйғудан чўчийдилар. Улар бола ўзини севишларини яхши билиб олса, у тантиқ, шахсиятпараст бўлиб қолади, шунинг учун болани ҳеч қачон эркалатмаслик, унга меҳрибонлик кўрсатмаслик керак, деб ҳисоблайдилар. Шу хилдаги фикрларни қатъиян қоралаш лозим. Ваҳоланки, шахснинг жуда кўп салбий хусусиятлари бола ота-онанинг тўғри мурувватидан, эркалашидан, диққат-эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Худди шунинг учун ҳам болада ўзини севилишига, ўзига ғамхўрлик кўрсатилишига ишонч ҳосил қилиш ота-оналарнинг муҳим вазифасидир. Ҳеч қачон болада ота-онасининг муҳаббатига шубҳа пайдо бўлмаслиги керак. Болага аввало ота-онанинг меҳру меҳрибонлиги зарур. Жиноятчи бўлиб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндош-уруғларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар.

Оила педагогикасининг жуда кўп мураккаб муаммолари орасида ота-онага ҳурматдан кўра табиийроқ бирон нарса йўқ. Ота-она уларга ҳаёт ато қилган, уларни боққан, ўстириб-улғайтирган ва камол топтирган кишилардир. Улар болалар наздида албатта энг обрўли кишилар бўлиши керак.

Ота-она бўлган ҳар бир киши болалар олдида ўз об-

рўйини сақлаши ва бунинг учун қуйидаги муҳим принципларга амал қилиши зарур:

ота-оналарнинг болаларга муносабати фақат ўз сўзини ўтказиш ва зулм тарзида бўлмаслиги керак;

— болаларни севиш, уларни қандай бўлсалар, шундай тушуниш ва фақат шу асосда уларни тарбиялаш ва камол топтириш лозим;

— ота-оналарнинг ноўрин ва ҳаддан ташқари меҳр-муҳаббати болалар тарбияси учун зарарлидир;

— ота-онанинг ибрати тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб қолаверади;

— ҳар бир болага индивидуал ёндашиш керак;

— бола неча ёшда бўлмасин, унинг шахсий қадр-қимматини ҳурматлаш муҳимдир;

— ота-оналар адолатли бўлишлари керак;

— ота-оналар ҳар қанча банд бўлсалар-да, болалар билан бевосита мулоқотда бўлиш учун вақт топишлари лозимки, буни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди;

— болаларга нисбатан назокатли бўлиш керак;

— оилада муносабатнинг демократик усулига амал қилиш, аммо ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларда масофа бўлиши зарур;

— ҳар қандай ота-она учун ўз ёшлигини эслаш ғоят муҳимдир — шунда улар ўз болаларини тушунадилар ва болаларида катталарга нисбатан ҳурмат уйғотадилар.

Жамиятимиз олға бормоқда, болаларни тарбиялаш ва камол топтиришнинг янги шарт-шароитлари вужудга келмоқда, тарбиянинг энг муҳим маскани — оилада чуқур ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иш билан кўпроқ банд бўлиш ота-оналарнинг ўз болалари билан ҳар куни шуғулланиш имкониятларини торайтирмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ёш ота-оналар ўзларининг ортиқча ва бўш вақтларини эркинроқ бошқарадилар, боланинг ахлоқ нормаларини ҳар қандай бузишига, ҳатто, боланинг ўз ёшига муносиб хатти-ҳаракатларига ҳам сабрсизлик билан муносабатда бўладилар. Буларнинг барчаси оила муҳитига ғоят жиддий таъсир кўрсатади, ота-оналар билан болалар ўртасида кераксиз ва кўпинча зарарли масофани вужудга келтиради. Тез ўсаётган бола мураккаб инсоний муносабатлар оламида ёлғиз қолса, кўпгина ҳаётий муаммолардан четда турса, ота-оналар ўз ишлари ва ташвишлари билан банд

бўлиб, ўгли ёки қизининг ички оламига қизиқмасалар, мураккаб вазият вужудга келади.

Ёш ота-оналар тарбия масалаларини тўғри ҳал қилишда ўзларининг вазифа ва имкониятларини тушунишлари жуда муҳимдир. Имконият ҳар кимда ҳар хил бўлиб, тарбия муаммоларини ҳал қилиш ҳаётий вазиятлар хилма-хиллиги сабабли ҳамиша мураккабдир. Ваҳоланки, ҳаётнинг барча ҳодисаларига бир хил андазани тавсия қилиб бўлмайди. Тарбияда бир хил андаза йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки тарбия турли ҳаётий шароитларда амалга оширилади, тарбияни ота-оналар амалга оширадилар ва улар ҳам бир-бирига айнан ўхшамайдилар, болаларнинг ҳам ҳаммаси ҳар хил, бир-бирига ўхшамайди.

Педагогика — якка ва бетакрор шахсларнинг чексиз денгизида қонуниятларни излайдиган мутлақо махсус фан. Бу қонуниятлар объектив характерга, улардан келиб чиқадиган қоидалар эса умумий характерга эга.

Бетакрор шахсда умуминсоний қонуниятларни кўриш учун, такрорлаңмас шароитларда тарбиянинг умумий қонунлари инъикосини топиш учун ҳар бир тарбиячи ўз ижодий қобилиятини ривожлантириши, ижодий фаолият кўрсатиши лозим.

Тарбия бола характерини шакллантиришда чинакам ҳал қилувчи кучдир. Тарбияда бола мижозини ҳисобга олиш, лекин бунда унинг мижозидаги дағалликлар билан мураса қилиш эмас, балки уларни бартараф этиш назарда тутилиши керак. Масалан, рағбатлантириш ва жазолаш болага педагогик таъсир кўрсатишнинг ғоят муҳим воситаларидир. Аммо моҳир тарбиячиларгина буларни таъсирчан кучга айлантира оладилар.

Рағбатлантириш ва жазолашнинг табиати шундан иборатки, уларнинг иккаласи ҳам болада турли кечинмаларни, ўз хатти-ҳаракатини баҳолашни вужудга келтиради, бу эса шахс ахлоқий такомиллашувининг зарур шартидир.

Жазо — тарбиянинг энг қийин, энг нозик ва мураккаб воситаси, кимки буни тушунмаса, бу воситадан фойдаланишга ҳақи йўқ. Тўғри қўлланадиган жазо системаси ҳам ҳаддан ошиб кетмаслиги керак. Мажбур этиш ва жазолаш мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган хулқнинг йўлини тўсиш учунгина қўлланиши мумкин, аммо бундан кейин ҳақиқий тарбияни, яъни бола шахсини секин-аста, изчил ва аниқ мақсадга йўналтириб шаклланти-

ришни, унинг қарашлари, эътиқодларини, туйғуларини қайта қуришни бошлаш керак.

Айрим ота-оналар жисмоний жазо зарур ва фойдали, бола ота-онанинг ҳар қандай жазосига дош бериши лозим деб ҳисоблайдилар. Шу ўринда катта авлод тажрибасини рукач қилиб, «илгарилари болаларни урсалар ҳам, иш қилиб яхши одамларни етиштиришган»,— дейдилар. Жисмоний жазони ёқлайдиган ота-оналар қариялар орасидан ҳам, ҳозирги замон педагоглари орасидан ҳам ўз тарафдорларини топадилар. Уларнинг айримлари жисмоний жазони ҳимоя қилиш учун «назария» ҳам яратдилар. Уларнинг фикрича «тарбиянинг вазифаси боланинг қаҳрли иродасини синдириш, жиловлашдан иборат»дир.

Тўғри тарбия ўз олдига боланинг қобилиятини йўқ қилиб ташлашни эмас, балки ҳар томонлама ривожлантиришни, унинг иродасини, характерини мустаҳкамлаш вазифасини қўяди. Ҳатто, бирор бола ёмон хатти-ҳаракат қилган тақдирда ҳам биз унинг иродасини, айниқса жисмоний жазо билан эзишга интилмаймиз, балки педагогик таъсирнинг бошқа, тўғрироқ усулини топишга ҳаракат қиламиз.

Айрим психологлар энг тўғри тарбия — жазосиз тарбия, деб ҳисоблайдилар. Бироқ, чамаси болага мутлақо таъсир қилмайдиган жазонинг у ёки бу шаклидан фойдаланиладиган тарбияни тасаввур қилиш қийин. Гап қандай ва қачон жазолаш кераклигида. Дарҳақиқат, жазо болага меҳр-муҳаббат ва ҳурматнинг ифодаси бўлиб қолиши мумкин. Тўғри жазо ва уни қўллаш болалар билан мулоқотда энг ижодий палладир. Ота-она ҳар сафар боланинг хатти-ҳаракатига янгича қараши, бола хатти-ҳаракатининг яширин сабабларини чуқурроқ билиб бориши, характерининг қайси заиф жиҳати хатога олиб келганини аниқлаши лозим. Ўз фарзандини яхши биладиган ота-оналарга унинг ҳаракати сабабларини англаш унчалик қийин эмас. Ота-она боланинг қилмиши учун унга ўз муносабатларини дарров ўзгартирмаслиги, ўз эҳтиросларини тутиб туриши, жазони орқага суриши керак.

Хатти-ҳаракатнинг сабабларини диққат билан ўрганиб чиқилгандан кейингина таъсир этишнинг тўғри шаклини қўллаш мумкин. «Болада эркинлик қанча кўп бўлса, жазонинг зарурлиги шунча кам бўлади. Рағбат-

лантириш қанча кўп бўлса, жазо бирмунча кам бўлади», — деган эди Я. Қорчак.

Биз оиладаги тарбиянинг айрим муҳим муаммоларини қараб чиқдик. Болалар тарбияси шунчалик кўп қиррали ва мураккабки, унда бир ҳодиса мавжуд бўла олмайди. Масалан, ота-оналарнинг болаларга ҳаддан ташқари авторитар мудосабатини уларнинг шахсияти, қадр-қимматини ҳурматлаш масаласидан ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин эмас. Оилада катталар билан болалар муносабатидаги оралиқ муаммоси ўрганилганида ота-онанинг назокати ва бошқа масалаларга ҳам тўхталмай илож йўқ.

Тарбия санъатининг ўзи нима? Бу — болаларни севиш санъатидир. Инсоний сеvgи — юксак инсоний маданиятдир. Инсоннинг севишига қараб у қандай инсон эканлиги тўғрисида хатосиз ҳукм чиқариш мумкин. Чунки сеvgида келажак жамиятимиз учун, унинг ахлоқий сарчашмалари учун масъулият янада ёрқин намоён бўлади.

УҚИТУВЧИ ФЙДАЛАНИШИ МУМКИН БУЛГАН ФИКРЛАР

Темирчининг боласи тарбия топса, бўлур олим,
Бузилса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.

* * *

Бадан тарбиясиңинг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўюб, астарини ювуб, овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур.

А. Авлоний

Фаросат илми фойдаси нақд бўлган илмлардандир. Сен бу илми билиб олсанг, у сенга кишиларнинг ўзлари яшириб юрган феълу атворларини билдиради. Мана шу фаросатнинг билдириши натижасида ўз билгинг билан унга бойланиб қоларсан, ё ундан юз ўгирасан.

* * *

Одамларнинг ботири келажакдаги мушкулотдан қўрқмайди. Қамолга етишдан четланган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

Ибн Сино

Нималарни билишингни ва нималарни билмаслигингни англаш билиш демакдир.

Хитой ҳикматлари

Биз заиф ҳолда дунёга келамиз,— бизга куч керак; биз ёрдамга муҳтож бўлиб кўз очамиз,— бизга ёрдам зарур; биз мурғак онг билан туғиламиз,— бизга ақл-заковат даркор. Туғилганимизда нимагаки муҳтож бўлсак ва вояга етгач уларсиз яшашимиз мумкин бўлмаса, буларнинг барисини бизга тарбия беради.

Ж. Ж. Руссо

Зеҳни ўткир ва ҳар нарсага қизиқувчан, лекин одамови ва ўжар болалар бўлади. Мактабда одатан бундайларни кўргани кўзлари йўқ, доимо уларга ишончсизлик билан қарайдилар, ваҳоланки, яхши тарбия берилса, улардан буюк одамлар чиқади.

Я. А. Коменский

Халқнинг чин ўғиллари учун халққа самимий хизматдан кўра юксакроқ, муқаддасроқ нарса йўқ.

М. Ойбек

Оила — одам ўзида олижанобликни шакллантирадиган энг биринчи муҳитдир.

В. А. Сухомлинский

Оила коллективининг бир мақсадга йўналганлиги ва бирлиги — яхши тарбия учун жуда зарур шароитдир.

А. С. Макаренко

Оилавий алоқалардан ташқари, бошқа олий алоқалар — кишилиқнинг бирдамлик алоқалари бор, улар ҳамма миллат, барча тил ва ҳамма ирқ меҳнаткашларини бирлаштиради.

А. Линкольн

Бахтимиз мукамал бўлиши учун атрофимиздаги одамларнинг хайрихоҳлиги ва ёрдамига муҳтожмиз; атрофимиздаги одамлар эса биз уларнинг бахти йўлида тер тукишга қай даражада тайёр турсак, улар ҳам шу даражада бизни севиш ва ҳурмат қилиш, режаларимизда ёрдамлашиш, бизнинг бахтимиз йўлида тер тукишга рози бўладилар, бу зарурий алоқани маънавий бурч, маънавий вазифа, деб атайдилар.

П. Гольбах

Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар; улар кўп эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ — кишини бойитади; кўп гапирмоқ — саёзлатади. Кўп гапирган — кўп янглишади.

А. Навоий

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

А. Авлоний

Кексаларни этсанг азизу иззат,
Сени ҳам кексайгач этишар ҳурмат.

А. Бедил

Эй фарзанд, билгилки, халойиқ уч турли бўлади, нутқ эса тўрт хил бўлади: халойиқнинг бири шуки, билади, билганини ҳам билади, бундай киши олимдир, унга тобе бўлиш лозим, бири шуки билади, билганини билмайди; у уйқудадир, уни бедор қилмоқ керак, бири шундайки, билмайди, билмаганини ҳам билмайди. У жоҳилдир, ундан қочиш керак. Сўз тўрт нав бўлади: биринчиси — билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар; иккинчиси — билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар, учинчиси — билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар; тўртинчиси — билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар.

* * *

Ҳалойиқ орасида бир кишининг қулоғига сўз айтмоқ яхши эмас. Гарчи бундай сўз яхши бўлса ҳам, ташқаридан ёмон кўринади. Бу сўздан одамлар гумон қилдилар, чунки кўпчилик одамлар бир-бирлари ҳақида бадгумондирлар.

Кайковус

Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир.

Ж. Ж. Руссо

Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир... ҳаё пардаси ила ўралмиш инсоннинг иффат пардаси йиртилмас.

А. Авлоний

Ҳаёю шарму одобу тавозеъ,
Эмас ҳайвонаким; инсона яхши.

Камий

Ҳар ўғил-қизга керакдур руҳафзо тарбият,
Гарчи нодон бўлса, айлар яхши доно тарбият.

С. А. Васлий

Қаерда аёллар, қизлар қаттиққўл, талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадилар.

В. А. Сухомлинский

Қизларни ўзларига, ўзларининг қизлик ғурурига катта ҳурмат билан ёндашишга ўргатмоқ зарур.

А. С. Макаренко

Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.

В. Шекспир

Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳаминша қанот бағишлаб келган.

Р. Роллан

Эркакка ўхшамоқчи бўлган аёл худди аёлсифат эркак сингари тасқарадир.

Л. Н. Толстой

Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баробар оширувчи қудрат ахтаринг.

Ж. Мадзини

Баланд тоғда қор бўлар,
Эр йигитда ор бўлар.

* * *

Эй фарзанд, ҳушёр бўл, йигитлик вақтингда такаббур бўлма...

Ҳамавақт йигитлар билан ҳамсуҳбат бўлаверма, қарилар билан ҳам ҳамсуҳбат бўл...

Йигит ўзини ҳаммадон доно билади, аммо шу иши билан у ҳаммадан нодондир. Бас, эй фарзанд, ана шу йигитлардан ҳисобланма, қариларни ҳурмат қил, уларнинг ҳақида беҳуда сўз айтма, уларнинг олдида одоб ва камтарлик билан сўзла.

Қайковус

Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса ёки дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмагани унга ҳам раво кўрмаслиги керак; баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим.

А. Навоий

Агар биров билан дўстлашмоқчи бўлсанг, уни ғазабланган пайтида сина. Ўзини тута олса, дўстлаш.

* * *

Кисса ва коса, молу мулк учун бўлган дўстликнинг умри қисқа.

Юсуфий

Яхши кунда дўст бўлиш — бу катта афзалият эмас, ёмон кунда дўст бўлиб кўр...

Ҳ. Олимжон

Фойдали дўст учта ва зарарли дўст учта. Фойдали дўстлар — ҳаққоний дўст, самимий дўст ва кўп эшитган дўстдир. Зарарли дўстлар — иккиюзлама дўст, хушомадгўй дўст ва маҳмадона дўст.

Конфуций

Дўстлик — ўртоқчиликнинг энг олий даражасидир.

М. Горький

Шу одам бўлур менга чин дўсту ёр —
Ки айбим юзимга деса ошкор.

Саъдий

Ҳаммага дўст бўлган одам ҳеч кимга дўст эмас.

Арасту

Фақат дўстнинг қўлигина юракдаги тиканни суғуриб олиши мумкин.

К. Гельвеций

Қалбаки одамларнинг душманлигидан кўра дўстлиги хавфлироқдир.

Ж. Ж. Руссо

Қўрқоқ дўст душмандан ёмон, чунки душманга зий-
рак турасан, дўстга эса ишонасан.

Л. Н. Толстой

Олижаноб, муруватли, илмли, вафоли кишиларни
дўст тутгилки, сен ўзингнинг муруватинг, шафқатинг,
илминг билан машҳур бўлгайсан.

* * *

Агар дўстинг сенинг душманингни яхши кўрса, ундай
дўстдан эҳтиёт бўл, агар сенинг дўстингга бошқа бир
дўстинг душман бўлса, ундан ҳам эҳтиёт бўл.

Кайковус

Муҳаббат шу қадар қудратлики, у бизнинг ўзимизни
ҳам қайтадан яратади.

Ф. М. Достоевский

Севги — уммон узра порлаган маёқ,
Зулмату туманда асло ўчмайди.
Севги — ёрқин юлдуз, унга қарабоқ —
Денгизчи бехато йўлин ўлчайди.

В. Шекспир

Ишқни эл не ҳаёл айлабдур,
Асли мушкулдурур, осон кўринур.

Бобур

Аввал меҳрин кўнгил ичра жой этар,
Муродингни бермак учун рой этар.
Охир ишинг фарёд ила вой этар,
Қора қошли қора кўзга алданма.

Андалиб

Ишқи йўқ одам мисоли чорпо,
Туққан эмас ҳеч вақт Одам Ато.
Ишқи йўқ одам ҳамиша ғафлати,
Ғафлатидур доимо ҳақ ланъати.

Бону

Муҳаббат — севимли одамингга етишиш учун курашишдир.

М. Пришвин

Севги манман юракларни ҳам бўйсундиради, димордорларни шафқатга ўргатади, аммо унинг асосий хусусияти — нимаики бор, барини нафосатга ўраб, юксакларга кўтаради.

Майн Рид

Севги одамларни куч-қудрат туйғуси билан бойитиши керак ва бойитади ҳам.

А. С. Макаренко

Агар севсанг, муҳаббатингга арзийдиганни сев. Севилган одам Птоломей ёки Афлотун даражасида бўлиши шарт эмас, лекин оз бўлса-да, идрок эгаси бўлмоғи керак.

Кайковус

Ҳурмат-эҳтиромсиз муҳаббат бебақо ва беқарор бўлгани каби, муҳаббатсиз иззат-икром ҳам совуқ ва заифдир.

Б. Жонсон

Гўзалликни ҳам ҳаё билан севиш керак.

Ф. Петрарка

Севги бобидаги сохтагарчилик ижтимоий офатлардан биридир.

Э. Сенанкур

✓ Севги битта, унинг тагидаги сохталиклар эса минглаб.

Ф. Ларошфуко

✓ Муҳаббат танлайвериш — ожизлик аломати.

О. Бальзак

Аёл киши ўзидан паст туюлган эркакни севолмайди. Беҳузур, завқ-шавқсиз муҳаббат — бор-йўғи дўстликдан иборатдир.

Ж. Санд

Шундай олижаноб муҳаббатлар борки, улар рашкка ўрин қолдирмайди.

Ф. Ларошфуко

✓ Рашкчининг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшаб кетади.

Ж. Мольер

✓ Рашк муҳаббатдан кўра ғаразгўйликка яқин туради.

Ф. Зандерс

✓ Еқтирмаслик, ҳадик, шубҳа ҳамда рашк ҳурмат ва ишончнинг етишмаслигидан келиб чиқади.

Д. И. Писарев

Аёл муҳаббатидан жудо бўлган одам бу севгини сақлаб қололмагани учун фақат ўзини айблаши мумкин.

Н. А. Добролюбов

Никоҳдан ўтмоқчи бўлган икки ёш ахлоқ-одобда камолга етиб бир жон, бир тан каби қовушиши лозим.

И. Кант

Никоҳ кўп ташвиш туғдиради, аммо никоҳсиз турмушда ҳам ҳеч қандай шодлик йўқ.

С. Жонсон

Никоҳсиз турмуш ахлоқсизлик оқибатидир.

Монтескье

Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонасидир.

Цицерон

Мен ёшларни эҳтиёткор бўлишга чақираман: тамаъкорлик билан қилинган никоҳ қабиҳ никоҳдир.

П. Филонович

Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Хуснли бўлса — кўнгили ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у; тескари айланувчи фалакдан бошингга ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юланса, у ҳам ғамнок; баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак.

А. Навоий

Хотин камолга етган, оқила, онасининг уй хўжаси, отасининг уй бошлиғи эканини кўрган ва билган бўлиши лозим. Агар бундай нозанин қизни топсанг, тўхтовсиз тезда уйлан... Ҳаракат қилки, бундай хотинга кунчилик қилмагил. Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, уни айбситмасанг, билгилким, хотининг сенга ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлур ва сенга ундан дўст киши бўлмайди. Агар сен унга нисбатан рашклик рилсанг, у сенга душмандан ҳам душманроқ бўлур, унинг олдида бегона душман ип эшолмай қолади.

Кайковус

Менимча уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир.

* * *

Оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида, эр ҳам хотинга мувофаққаттаб бўлсин.

* * *

Бир хотин билан муҳаббатли умр кечирмак, менимча энг маъқул иш.

А. Қодирий

Ота — қодири қаюм (қудратли тарбиячи) ва она — розиқи марсум (қонуний ризқ берувчи).

Ҳаким Сулаймон

Бола бўлса, бешик топилар.

* * *

Боласи кўп бой бўлар.

* * *

Ёлғиз бола ёвдан ёмон.

Ўзбек мақоллари

Яхши оила қурмоқ учун биргина муҳаббат кифоя эмас. Катта дўстлик ҳам керак. Шундай ҳам бўлади: бир-бирларини севадилар, турмуш қуришни эса билмайдилар. Оила учун курашмоқ лозим.

А. Корнейчук

Эрни эр қиладиган ҳам хотин,
Қора ер қиладиган ҳам хотин.

* * *

Эру хотин — қўш ҳўкиз.

* * *

Уйда роҳати йўқнинг.
Кўчада фароғати йўқ.

Ўзбек мақоллари

* * *

Эри аччиқ айтса, хотин юмшоқ айтиб,
Утирса бурунгидай ёв бўларми?

* * *

Хотининг сени суйса, сен уни суй,
Бирга ёниб, бирга шодлан, бир ўтда куй

Абай

Иززат-ҳурмат ота ва онани, шунингдек, болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир; у ота-онани кулфат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради.

О. Балзак

Ўғилга отаси қилди васият:
«Бахтиёр болам, қуй қулогингга панд —
Ўз элига вафо қилмаган киши,
На севимли бўлур ва на донишманд».

С. Шерозий

Оталик хизмати нимадир билсанг:
Бор-йўгин фарзандга бермоқ беминнат,
Лек отадан ўпка қилмасин фарзанд,
Замона келтирса бошига кулфат.

Ибн Сино

Онангни кафтингда тутсанг.
Синглингни кифтингда тут.
Онангни кифтингда тутсанг,
Синглингни бошингда тут.

Ўзбек мақоли

Агар кишининг хонадони қирқ ёшга киргунча болалар қий-чуви билан тўлмаса, ваҳима билан тўлади.

Ш. Сент-бев

Эй фарзанд, ўзингни мол жам қилишдан ғофил тутмагил, аммо ҳалоллик билан мол туплашга ҳаракат қил. Мол учун ўзингни хавф-хатарга қўйма.

Молни жам этганингдан кейин яхши сақлагил ва ҳар бир ярамас иш учун сарф қилаверма, чунки молни сақлаш йиғишдан қийиндир.

* * *

Ҳар нарса қўлингга кирса, бир тангадан икки ҳиссани ўз оиланга сарф қил ва бир ҳиссасини қарилик, ожизлик вақтининг зарур ишларига эҳтиёт қилиб, сақлаб қўйгил.

Кайковус

У Оила мўъжазгина бир жамиятчадир, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ

Ф. Адлер

У Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж. Сантаяна

Танҳо одам ҳаёти, қанчалик таъминланганидан қатъи назар, қашшоқликдан иборатдир.

А. И. Герцен

Тарбияни туғилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, ахлоқимизни кучлантирмоқ, зеҳнимизни равшанлантирмоқ лозим.

* * *

Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир.

А. Авлоний

ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

1. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Таълим-тарбия тўғрисида, I-II жилд, Т. «Ўқитувчи», 1985-1986.
2. В. И. Ленин. Танланган асарлар, V, VI, VII жилдлар, Т., «Ўзбекистон», 1989.
3. Ю. К. Бабанский. Избранные педагогические труды, М., 1989.
4. А. Қ. Минаваров. Педагогические условия повышения эффективности семейного воспитания. Т., «Фан», 1989.
5. А. С. Макаренко. Ота-оналар китоби, Т., Ўқувпедавнашр, 1956.
6. П. Ф. Жан Пиаже. Экспериментальная психология, М., «Прогресс», 1973.
7. А. А. Смирнов. Избранные психологические труды, М., «Педагогика», 1987.
8. К. К. Платонов. Қизиқарли психология, Т., «Ўқитувчи», 1971.
9. Разум сердца, М., 1989.
10. Мудрость воспитания, М., «Педагогика», 1987.
11. А. Навоий. Ҳайратул-аброр, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
12. А. Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
13. Кайковус. Қобуснома, Т., «Ўқитувчи», 1973.
14. Ҳикматлар гулдастаси, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
15. Тафаккур гулшани, Т., Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
16. Л. Г. Морган. Древнее общество, Ленинград. 1834.
17. К. Маҳмудов. Меҳмоннома, Т., «Еш гвардия», 1989.
18. Р. Усмонов. Дилнома, Т., «Ўқитувчи», 1981.
19. Ўзбек халқ мақоллари, Т., «Фан», 1981.
20. «Совет мактаби» журнали, 1989 йил, 6, 7, 9 ва 10-сонлари.
21. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан, Т., «Фан», 1990.
22. К. Смолка. Правила хорошего тона, М., «Прогресс», 1980.
23. А. А. Игнатенко. В поисках счастья, М., «Мысль», 1989.
24. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси, Т., «Ўқитувчи», 1985.
25. «Литературная газета», 1988 йил, 1 январь.

МУНДАРИЖА

- Сўзбоши (А. Мунавваров)**
Оила этикаси ва психологияси курси ва уни ўқитиш
усуллари хусусида (Т. Мақсудов)
- Муқаддима. Ўзбек оиласининг хусусиятлари**
(Т. Мақсудов)
- Биринчи бўлим. Шахс, жамият, оила**
Шахс (Т. Мақсудов).
Шахснинг мустақил билим олиши ва ўз-ўзини тарбияла-
ши (М. Исомов, Т. Мақсудов)
Шахснинг оила муҳити, коллектив ва жамиятда шаклла-
ниши (Т. Мақсудов)
Социализм ва оила (М. Исомов)
- Иккинчи бўлим. Ешликдаги муносабатларнинг хусусиятлари.**
Шахслараро муносабатлар психологияси (Т. Мақсудов)
Йигит ва қизлар ўзаро муносабатларининг ахлоқий
асослари (О. Тўраева, Т. Мақсудов).
Уртоқлик ва дўстлик (О. Тўраева, Ҳ. Иноғомхўжаева).
Муҳаббат—юксак инсоний туйғу (Т. Мақсудов).
Севишганларнинг хулқ-атвор маданияти (А. Безуевская)
- Учинчи бўлим. Оила ва никоҳ**
Никоҳдан ўтишга тайёргарлик мезони (А. Безуевская).
Оиланинг асосий вазифалари (Д. Шарипова, Ф. Шоума-
ров).
Еш оила (Д. Шарипова, Ф. Шоумаров)
- Тўртинчи бўлим. Оилавий муносабатлар**
Оиланинг ғоявий асослари (Р. Полуянова)
Оиланинг ахлоқий асослари (Р. Полуянова)
Социалистик оила коллективизми (Т. Мақсудов)
Оиладаги психологик муҳит (С. Ҳасанов, Ф. Шоумаров).
Оила бюджети ва хўжалиги (Р. Полуянова).
Турмуш гузаллиги. Оилада дам олиш (Т. Мақсудов).
- Бешинчи бўлим. Оила ва бола**
Оилада бола тарбияси (Т. Мақсудов).
Ота-она—биринчи тарбиячи (Д. Журабоева).
Еш оилада фарзанд (Д. Журабоева). ; ;
Ўқитувчи фойдаланиши мумкин бўлган фикрлар
Фойдаланилган адабиётлар